

ТАҚИЙОДДИН НАБАҲОНИЙ

ИСЛОМИЙ ШАХСИЯ

Иккинчи китоб
Биринчи қисм

ҲИЗБУТ ТАҲРИР
НАШРЛАРИДАН

1432ҳ - 2011м

Такийюддин Набахоний. Исломий шахсия

Иккинчи китоб, биринчи қисм ўзбек тилидаги биринчи нашри
1432ҳ - 2011м

Мундарижа

Биринчи қисм

| | |
|--|-----|
| Фикҳни ўрганиш | 6 |
| Фикҳдан намуналар | 9 |
| Халифалик | 11 |
| Халифаликни тиклаш учун мусулмонларга муҳлат бериладиган муддат | 22 |
| Халифалик битими боғланиши | 24 |
| Байъат | 30 |
| Халифа бўлиш шартлари | 35 |
| Халифаликка талабгор бўлиш | 42 |
| Халифаликнинг битта бўлиши | 43 |
| Ўз ўрнига халифа қолдириш ёки валиаҳдлик | 47 |
| Халифани тиклаш тариқати | 49 |
| Шариат халифаликка муайян бир шахсни тайин қилмаган .. | 64 |
| Умумий масъулиятлар | 129 |
| Исломий давлат илоҳий давлат эмас, башарий давлатдир | 141 |
| Халифани бўшатиш | 167 |
| Амирлик | 170 |
| Итоат | 176 |
| Халифанинг ҳукмлар ва услубларни табанний қилиши, яъни қонунлар чиқариш | 180 |
| Жиход | 195 |
| Халифа ва жиход | 203 |
| Халифанинг армия қўмондонлигини ўз қўлига олишининг маъноси | 206 |
| Шаҳид | 217 |
| Рибот | 230 |
| Исломий армия | 233 |
| Жангда кофирлардан ёрдам сўраш | 234 |
| Исломий армияни қуроллантириш | 242 |
| Ливолар ва роялар | 243 |
| Асирлар | 246 |

БИРИНЧИ ҚИСМ

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

Фикҳни ўрганиш

Ҳар бир мусулмонга ҳаётида зарур бўладиган шаръий ҳукмларни билиш фарзи айнди. Чунки у ўз ишларини шариат ҳукмларига мувофиқ қилишга буюрилган. Зеро Шореънинг одамларга ва мўминларга қилган тақлиф хитоби жазм (қатъий) хитоб бўлиб, бу тўғрида ҳеч кимнинг ўз ихтиёрича иш тутишга ҳаққи йўқ. Бунга далил Аллоҳ Таолонинг ушбу қавлидир:

وَمَا كَانَ لِمُؤْمِنٍ وَلَا لِمُؤْمِنَةٍ إِذَا قَضَىٰ اللّٰهُ وَرَسُولُهُ أَمْرًا أَنْ يَكُونَ لَهُمُ الْخِيَرَةُ مِنْ أَمْرِهِمْ

«Аллоҳ ва Унинг пайгамбари бир ишни ҳукм қилган – буюрган вақтида бирон мўмин ва мўмина учун (Аллоҳнинг ҳукмини қўйиб) ўз ишларидан ихтиёр қилиши жоиз эмасдир» [Ахзоб: 36]

Хитоб имон хусусида бўладими ёки инсоннинг амаллари хусусидами, бунинг фарқи йўқ. Зеро Аллоҳ Таолонинг:

آمِنُوا بِاللّٰهِ وَرَسُولِهِ

«Аллоҳга ва Унинг Росулига имон келтиринглар» [Нисо: 136]
деган қавли билан

وَأَحَلَّ اللّٰهُ الْبَيْعَ وَحَرَّمَ الرِّبَا

«Аллоҳ байни ҳалол, судхўрликни ҳаром қилди» [Бақара: 275]

деган қавли иккаласи ҳам тақлиф хитобидир. У ўзидаги мавзу жиҳатидан эмас, хитоб эканлиги жиҳатидан жазм хитобдир. Ҳар бир амал тўғрисида ҳисоб берилиши бунга далилдир: Аллоҳ Таоло деди:

فَمَنْ يَعْمَلْ مِثْقَالَ ذَرَّةٍ خَيْرًا يَرَهُ * وَمَنْ يَعْمَلْ مِثْقَالَ ذَرَّةٍ شَرًّا يَرَهُ

«Бас, ким (ҳаёти-дунёдалик пайтида) зарра мисқоличалик яхшилик қилса (қиёмат куннда) ўшани кўрур. Ким зарра мисқоличалик ёмонлик қилса уни ҳам кўрур!» [Залзала: 7-8]

يَوْمَ تَجِدُ كُلُّ نَفْسٍ مَّا عَمِلَتْ مِنْ خَيْرٍ مُّحْضَرًا وَمَا عَمِلَتْ مِنْ سُوءٍ تَوَدُّ لَوْ أَنَّ بَيْنَهَا وَبَيْنَهُ
أَمَدًا بَعِيدًا وَيُحَذِّرُكُمُ اللَّهُ نَفْسَهُ

«Ҳар бир жон ўз қилган яхши амалларини ҳозир у нозир ҳолда кўрадиган, ёмон амалларининг эса олис-олисларда қолиб кетишини истайдиган кунни (эсланглар)! Аллоҳ сизларни Ўзининг (азобидан) оғоҳ қилур» [Оли Имрон: 30]

وَتُوقَى كُلُّ نَفْسٍ مَّا عَمِلَتْ

«Ҳар бир жон қилган амалининг (мукофотини) тўла олади» [Нахл: 111]

Демак таклиф қатъий шаклда келди. Мусулмон ҳар қандай ишни қилиш чоғида шариат ҳукмлари доирасидан чиқмасликка қатъий буюрилди. Таклиф мавзусига, яъни Аллоҳ бажаришни ёки тарк этишни талаб қилиб ёки ихтиёр бериб таклиф қилган нарсага келсак, у фарз, мандуб, мубоҳ, ҳаром, макруҳ бўлиши мумкин. Аммо таклифнинг ўзи жазм-қатъийлик бўйича қолаверади, у тўғрида ихтиёр бўлмайди. Унга оид фақат битта ҳолат, яъни унинг доирасидан чиқмаслик вожиб бўлиб қолади. Шунга биноан дунё ҳаётида зарур бўладиган шаръий ҳукмларни билиш ҳар бир мусулмонга фарз бўлди. Бундан ортиқ ҳукмларни билиши эса фарзи айн эмас, фарзи кифоядир. Уни айримлар адо этса қолганлардан соқит бўлади. Буни Анас ибн Моликдан қилинган ушбу ривоят қувватлайди: Росулulloҳ ﷺ дедилар:

«طَلَبُ الْعِلْمِ فَرِيضَةٌ عَلَى كُلِّ مُسْلِمٍ»

«Илм талаб қилиш ҳар бир мусулмонга фарздир». Бу ерда гарчи мусулмонга ҳаётида зарур бўладиган ҳар бир илм ирода қилинаётган бўлса-да, бунга мусулмонга ҳаётида зарур бўладиган ибодатлар, муомалалар ва бошқаларнинг ҳукмлари жиҳатидан бўлган фикҳ ҳам киришини таъкидлаш жоиздир. Шунинг учун ҳам фикҳни ўрганиш мусулмонлар учун зарур ишлардан бири бўлибгина қолмай, балки зиммаларига Аллоҳ фарз қилган аҳкомлардан бири ҳамдир. Бу аҳком фарзи айн

бўладими ёки фарзи кифоями, бунинг фарқи йўқ. Росулulloх ﷺ фикҳни ўрганишга тарғиб қилдилар. Фикҳни ўрганишга ундаган қатор ҳадислар келди. Масалан Бухорий Муовия ибн Абу Суфёндан ривоят қилди: Росулulloх ﷺ дедилар:

«مَنْ يُرِدِ اللَّهُ بِهِ خَيْرًا يُفَقِّهْهُ فِي الدِّينِ»

«Аллоҳ кимга яхшиликни раво кўрса уни динда фақиҳ қилиб қўяди». Саид ибн Мусайяб Абу Хурайрадан ушбуни ривоят қилди:

«مَنْ يُرِدِ اللَّهُ بِهِ خَيْرًا يُفَقِّهْهُ فِي الدِّينِ»

«Аллоҳ кимга яхшиликни раво кўрса уни динда фақиҳ қилиб қўяди». Ибн Можа ривояти. Бу ҳадисларда фикҳнинг фазилати ва уни ўрганишга тарғиб очик кўриниб турибди. Умар ибн Хаттоб رضي الله عنه дан ривоят қилинишича у бундай деди: «Кечалари ибодатда бедор, кундузи рўзадор минг обиднинг ўлими Аллоҳ ҳалол ва ҳаром қилган нарсаларни билувчи битта оқилнинг ўлиmidан енгилроқдир». Ибн Ҳанбал ривояти. □

Фикҳдан намуналар

Саҳобалар – Аллоҳ улардан рози бўлсин – араб эди. Араб тили уларнинг она тили эди. Улар араб тилини нозик, атрофлича тушунадиган олимлар эди. Қуръон нозил бўлаётганда улар Росулulloҳ ﷺ билан бирга эдилар, у кишидан ажрамасдилар. Пайғамбаримиз ﷺ ҳодисалар ҳақидаги Аллоҳ ҳукмини уларнинг кўз ўнгида баён қилар эди. Улар шариатни атрофлича билувчи уламолар ҳам эдилар. Шунинг учун қачон ўзларига бир воқеа кўндаланг келиб, у ҳақдаги Аллоҳ ҳукмини баён қилиш керак бўлса, насдан ёки нас маъқулидан¹ ўзлари истинбот қилишган раъйларини баён қилиш билан у ҳақдаги шаръий ҳукми баён қилар эдилар. Саҳобалар кўпинча далилни баён қилмай фақат ҳукм беришгагина чекланишар эди. Шунинг учун саҳобаларнинг ҳукмлари уларнинг раъйлари шаклида нақл қилинган. Бу эса баъзи одамларни «саҳобалар қазийя (масала, ҳукм) борасида ўз раъйларини билдиришган» деган тушунчага олиб келди. Аслида эса саҳобалар шаръий нусусдан ўзлари тушунганлари бўйича истинбот қилишган шаръий ҳукми илгари сурганлар. Лекин унинг далилини бирга келтирмаганлар ёки ҳукм иллатини ёки иллат далилини баён қилмаганлар. Бу нарса «бу саҳобанинг раъйидир, шунинг учун инсон модомики ақли Ислом билан суғорилган экан ва у араб тилини билар экан бирон қазийя борасида ўз раъйини илгари суриши жоиз», деган тушунчага олиб келди.

Кейинги асрларда араб тилида бузилиш пайдо бўлиб, араб тили сўз тузилишини ўргатувчи қоидалар билан ўрганиладиган бўлиб қолди. Ровийларга ёлғон суқулиб кирганлиги ва Росулulloҳ ﷺ номидан у киши айтмаган ҳадислар ривоят қилингани боис ҳадис усул билан ўрганиладиган фанга айланди. Шу боис ҳукмларни истинбот қилиш учун араб тилини ва шаръий нусусни билишга эҳтиёж сезиладиган бўлиб қолди. Шундан кейин шаръий ҳукм далил билан, гоҳида эса далил келтиришнинг асоси билан бирга келтириладиган бўлди. Натижада фикҳ баҳси янгича шакллана бошлади ва бобларга

¹ Нас маъқули – шаръий иллат, яъни шаръий ҳукмнинг боиси.

бўлишда ўзига хос тартиб юзага келди. Фикҳни бобларга бўлишда ва тартиблашда турли услублар қўлланган бўлса-да, ҳукмни баён қилиш билан бирга шаръий ҳукм далилини баён қилиш, ҳукм ихтилофли бўлиб қолган пайтда далил келтириш асосини ҳам баён қилиш зарурати туғилди. Исломий кутубхоналар турли услубларда бобларга бўлинган ва баён қилинган юз минглаб фикҳий асарлар билан тўлиб-тошди, гуллаб яшнади. Бироқ кофирлар милодий XVIII аср ўрталаридан кейин мусулмонлар юртларини босиб олишга мусулмонларни исломий илмлар борасида алдаб, адаштиришга киришишди. Мусулмонларга фикҳни – худди сафсатачи кимса одамларга асални «бу арининг ахлати» деб ёмон кўрсатганидек – хунук кўрсата бошлашди. Кофирлар исломий фикҳни «қора рўйхат»га тиркашди. Мақсад ундан мусулмонларни юз ўғиртириш эди. Зеро мусулмонлар фикҳдан юз ўгиришса Ислом ҳукмларини билишдан юз ўгиришган бўлар, натижада Аллоҳ динини билмайдиган нодон кимсаларга айланиб, жаҳолат тузоғига тушишган бўларди. Шундай ҳам бўлди. Шунинг учун ҳам мусулмонларни фикҳни зўр бериб ўрганишга тарғиб қилиш, уни ўрганишга шавқ, қизиқиш уйғотиш учун исломий фикҳдан намуналар тақдим қилиш зарур бўлиб қолди. Умумий алоқаларга оид – уларни бугунги кунда сиёсий ҳукмлар ёки дастурий фикҳ деб аталмоқда – шаръий ҳукмлардан намуналар келтириш одамлар учун жуда фойдали бўлиб қолди. Шахсларнинг бир-бирлари билан бўлган алоқаларига тааллуқли – бу алоқаларни фуқаролик қонуни деб аташмоқда – шаръий ҳукмлардан намуналар келтириш, жазо чораларига тааллуқли шаръий ҳукмлардан намуналар келтириш, баййинот (исбот, хужжат)га тааллуқли шаръий ҳукмлардан намуналар келтириш ҳам фойдалидир. Ана шунда фикҳ ҳақида тамоман аниқ, равшан тасаввур пайдо бўлади. Шояд шунда бу тасаввур исломий фикҳни асосий, мўътабар фикҳ китоблари бўйича ўқиб-ўрганишга қизиқиш уйғотса. □

Халифалик

Халифалик – исломий шариат ҳукмларини ўрнатиш ва исломий даъватни оламга кўтариб чиқиш учун дунёдаги ҳамма мусулмонларнинг умумий раҳбариятидир. Имомат ҳам Халифаликнинг айнан ўзидир. Зеро имомат ва халифалик битта маънодадир. Бу икки сўзнинг битта маънода экани ҳақида қатор саҳиҳ ҳадислар келган. Бу икки сўздан бирининг маъноси иккинчисининг маъносига зид экани ҳақида ҳеч бир нассада, яъни на Китобда ва на Суннатда – чунки Китоб ва Суннатгина шаръий нусусдир – келмаган. Бу лафзга, яъни имомат ёки халифалик, деган лафзга эмас, балки унинг мадлулига¹ амал қилиш вожиб.

Битта халифани тиклаш оламнинг барча ўлкаларидаги ҳамма мусулмонларга фарздир. Бу фарзни адо этиш – Аллоҳ мусулмонларга фарз қилган ҳар қандай фарзни адо этиш каби – қатъий буйруқ бўлиб, бу тўғрида ихтиёр йўқ. Уни адо этиш борасида лоқайдлик қилиш энг катта маъсиятлардан бири бўлиб, Аллоҳ бунинг учун қаттиқ азоблайди.

Битта халифани тиклаш ҳамма мусулмонларга вожиб эканига далил: Китоб, Суннат ва саҳобалар ижмосидир.

Китобга келсак, Аллоҳ Таоло Росулulloҳ ﷺ га мусулмонлар ўртасида Ўзи нозил қилган нарса билан ҳукм юритишни қатъий буюрди. Аллоҳ Таоло Росулulloҳ А.га хитоб қилиб бундай деди:

فاحْكُم بَيْنَهُمْ بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ وَلَا تَتَّبِعْ أَهْوَاءَهُمْ عَمَّا جَاءَكَ مِنَ الْحَقِّ

«Бас, одамлар ўртасида Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм қилинг ва Сизга келган ҳақдан юз ўгириб, уларнинг ҳавойи нафсларига эргашманг!» [Моида: 48]

¹ мадлул – сўзнинг далолат қиладиган мазмуни.

وَأَن احْكُم بَيْنَهُم بِمَا أَنزَلَ اللَّهُ وَلَا تَتَّبِعْ أَهْوَاءَهُمْ وَاحْذَرْهُمْ أَن يَفْتِنُوكَ عَن بَعْضِ مَا أَنزَلَ
اللَّهُ إِلَيْكَ

«(Эй Муҳаммад), улар ўртасида Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм қилинг, уларнинг ҳавойи нафсларига эргашманг ва Аллоҳ Сизга нозил қилган ҳукмларнинг айримларидан Сизни буриб фитнага солиб қўйишларидан эҳтиёт бўлинг!» [Моида: 49]

Пайғамбарга қилинган хитоб эса – модомики уни пайғамбарнинг ўзигагина хослаб қўядиган бирон далил келмаса – Умматига қилинган хитобдир. Бу ерда эса бундай далил келмаган. Демак у ҳукмни ўрнатиш ҳақида мусулмонларга қилинган хитоб бўлади. Зеро халифани тиклаш ҳукм ва салтанатни ўрнатиш демакдир. Аллоҳ Таоло ҳокимга итоат этишни мусулмонларга фарз қилди. Бу эса мусулмонлар устида битта ҳоким бўлиши вожиблигига далолат қилади. Аллоҳ Таоло деди:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا أَطِيعُوا اللَّهَ وَأَطِيعُوا الرَّسُولَ وَأُولِي الْأَمْرِ مِنْكُمْ

«Эй мўминлар, Оллоҳга ва пайғамбарга итоат қилингиз ҳамда ўзларингиздан бўлган (яъни мусулмон) ҳокимларга бўйинсунингиз!» [Нисо: 59]

Аллоҳ Таоло йўқ кишига итоат этишни буюрмайди. Демак бу битта ҳокимни вужудга келтириш кераклигига далолат қилади. Бу вужудга келтириш мандуб ёки мубоҳ эмас, вожибдир. Чунки Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм юритиш вожибдир. Аллоҳ Таоло битта ҳокимга итоат этишни буюрар экан демак уни вужудга келтиришни буюрган бўлади. Зеро ҳоким вужудга келса шаръий ҳукм ўрнатилади, вужудга келтирмай тек тураверилса шаръий ҳукм зое бўлади. Демак уни вужудга келтириш вожиб. Чунки вужудга келтирилмаса ҳозир айтиб ўтганимиздек ҳаром иш, яъни шаръий ҳукмнинг зое бўлиши юзага келади.

Суннатга келсак, Муслим Нофеънинг шундай деганини ривоят қилди: Ибн Умар менга бундай деди: мен Росулulloҳ ﷺнинг шундай деганини эшитдим:

«مَنْ خَلَعَ يَدًا مِنْ طَاعَةِ لَقِيَّ اللَّهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ لَا حُجَّةَ لَهُ، وَمَنْ مَاتَ وَلَيْسَ فِي عُنُقِهِ بَيْعَةٌ مَاتَ مَيِّتَةً جَاهِلِيَّةً»

«Кимки итоатдан бош тортса қиёмат куни Аллоҳга хужжати йўқ ҳолда йўлиқади. Кимки бўйнида байъат йўқ ҳолда ўлса жоҳилият ўлими билан ўлибди». Демак Набий ﷺ ҳар бир мусулмонга бўйнида байъат бўлишини фарз қилди, бўйнида байъатсиз ҳолда ўлган кимсани жоҳилият ўлими билан ўлибди, деб сифатлади. Байъат эса фақат халифага берилади, бошқа ҳеч кимга берилмайди. Росулulloҳ ﷺ ҳар бир мусулмонга бўйнида битта халифага берилган байъат бўлишини вожиб қилган бўлса-да, лекин ҳар бир мусулмоннинг халифа билан шахсан ўзи кўришиб байъат беришини вожиб қилмади. Чунки вожиб – ҳар бир мусулмоннинг бўйнида байъат вужудга келишидир, яъни ҳар бир мусулмоннинг бўйнида байъат бўлишига ҳақли бўладиган битта халифанинг вужудга келишидир. Демак халифанинг вужудга келиши ҳар бир мусулмоннинг бўйнида байъатни пайдо қилади. Мусулмон шахсан ўзи кўришиб байъат бердими ёки шахсан кўришмадими, бунинг фарқи йўқ. Шунинг учун юқоридаги ҳадис ҳар бир шахснинг ўзи халифа билан қўл беришиб байъатлашиши вожиблигига далил эмас, балки халифани тиклаш вожиблигига далил бўлади. Чунки Росулulloҳ ﷺ қоралаган нарса мусулмоннинг бўйни то ўлгунича байъатдан холи бўлиб қолишидир. Пайғамбаримиз ﷺ шахсан байъат бермасликни қораламадилар. Муслим Аъраждан, у Абу Ҳурайрадан Набий ﷺнинг шундай деганини ривоят қилди:

«إِنَّمَا الْإِمَامُ جَنَّةٌ يُقَاتَلُ مِنْ وَرَائِهِ وَيَتَقَى بِهِ»

«Имом бамисоли бир қалқондир. Унинг ортида туриб жанг қилинади ва у билан ҳимояланилади». Муслим Абу Ҳозимнинг бундай деганини ҳам ривоят қилди: мен Абу Ҳурайра билан беш йил ҳамсуҳбат бўлдим. Ундан Набий ﷺнинг шундай деганини эшитдим:

«كَانَتْ بَنُو إِسْرَائِيلَ تَسُوسُهُمُ الْأَنْبِيَاءُ، كُلَّمَا هَلَكَ نَبِيٌّ خَلَفَهُ نَبِيٌّ، وَإِنَّهُ لَا نَبِيَّ بَعْدِي، وَسَتَكُونُ خُلَفَاءُ فَتَكْثُرُ، قَالُوا: فَمَا تَأْمُرُنَا؟ قَالَ: فُوا بِبَيْعَةِ الْأَوَّلِ فَأَلَّوْا، وَأَعْطَوْهُمْ حَقَّهُمْ فَإِنَّ اللَّهَ سَائِلُهُمْ عَمَّا اسْتَرَعَاهُمْ»

«Бани Исроилга пайғамбарлар сиёсат юргизарди. Қачон бир пайғамбар ҳалок бўлса, ортидан бошқа бир пайғамбар келарди. Мендан кейин эса пайғамбар йўқ. Халифалар бўлади ва улар кўпайиб кетади. Шунда: бизга нимани буюрасиз? – дейишган эди, айтдиларки: **биринчисининг, фақатгина биринчисининг байъатига вафо қилинглари ва уларнинг ҳақларини беринглари, зеро Аллоҳ улардан фуқарони қандай бошқараганлари ҳақида сўрайди**». Ибн Аббосдан Росулulloҳ ﷺнинг шундай дегани ривоят қилинди:

«مَنْ كَرِهَ مِنْ أَمِيرِهِ شَيْئًا فَلْيَصْبِرْ عَلَيْهِ، فَإِنَّهُ لَيْسَ أَحَدٌ مِنَ النَّاسِ خَرَجَ مِنَ السُّلْطَانِ شَبْرًا فَمَاتَ عَلَيْهِ إِلَّا مَاتَ مَيِّتَةً جَاهِلِيَّةً»

«Ким амиридаги бирон нарсани ёқтирмаса унга сабр қилсин. Зеро кимки султондан бир қарич четга чиқиб шу ҳолда ўлса жоҳилият ўлими билан ўлибди». Муслим ривояти. Бу ҳадисларда Росулulloҳ ﷺ мусулмонларни бошлиқлар бошқаришини хабар бермоқда, халифани эса «қалқон», яъни сақловчи ҳимоя деб атамоқда. Росулulloҳ ﷺнинг имомни «қалқон» деб аташи имомнинг бор бўлиши фойдаларидан дарак беради. Демак бу хабар талабдир. Чунки Аллоҳ томонидан ва Росулulloҳ томонидан берилган хабар мазаммат, қоралаш мазмунида бўлса, у тарк қилишни талаб қилиш, яъни наҳий бўлади. Агар мақтов мазмунида бўлса бажаришни талаб қилиш бўлади. Агар талаб қилинган ишни бажариш шаръий ҳукмнинг барпо қилинишига олиб келса ёки талаб қилинган ишни тарк этиш шаръий ҳукмнинг зое бўлишига олиб келса бу талаб қатъий талаб бўлади. Яна бу ҳадисларда мусулмонларга фақат халифалар сиёсат юргизиши ҳам айтилмоқда. Бу эса халифани тиклаш талаб қилинади демакдир. Бу ҳадисларда мусулмоннинг султондан четга чиқиши харомлиги хабар қилинмоқда. Бу эса мусулмоннинг

султонни, яъни ҳокимни ўрнатиши вожиб иш эканини англатади. Қолаверса Росулulloҳ ﷺ халифаларга итоат этишни ва халифалик таллашиб улар билан низолашадиган кимсани ўлдиришни буюрди. Бу эса битта халифани тиклашни ва ундан халифаликни таллашадиган ҳар қандай кимсани ўлдириб унинг халифалигини сақлаб қолишни буюришдир. Муслимнинг ривоят қилишича, Набий ﷺ шундай дедилар:

□

«وَمَنْ بَايَعَ إِمَامًا فَأَعْطَاهُ صَفْقَةً يَدِهِ وَثَمَرَةً قَلْبِهِ فَلْيُطِعْهُ إِنَّ اسْتِطَاعَ، فَإِنْ جَاءَ آخِرُ
يَتَارَعُهُ فَاضْرِبُوا عُنُقَ الْآخِرِ»

«Кимки битта имом билан байъатлашиб унга қўлини ва қалби қўрини берса қўлидан келганича унга итоат қилсин. Энди агар бошқа биров келиб у билан имомликни талашса, унинг бўйнига уринглар». Имомга итоат қилишни буюриш уни тиклашни буюришдир. У билан низолашадиган кимсани ўлдиришни буюриш эса доим фақат битта халифа бўлиши қатъий буюрилганига қаринадир.

Энди саҳобалар ижмосига келсак, саҳобалар – улардан Аллоҳ рози бўлсин – Росулulloҳ ﷺ вафотидан кейин у кишининг халифасини тиклаш лозимлигига ижмо қилдилар. Абу Бакр, Умар, Усмон вафот этганларидан кейин уларнинг ўрнига халифани тиклаш вожиблигига ҳам ижмо қилдилар. Саҳобаларнинг халифани тиклаш вожиблигига қатъий ижмо қилганликлари Росулulloҳ ﷺ вафот этганларидан кейин Пайғамбаримиз ﷺни дафн қилишни кечиктириб, у кишининг халифасини тиклаш билан машғул бўлишларида яққол кўринди. Ҳолбуки маййитни вафот этганидан кейиноқ дафн қилиш фарз бўлиб, маййитни тайёрлаш ва дафн қилиш билан шуғулланишлари керак бўлган кишиларнинг то уни дафн қилмагунча бошқа нарса билан шуғулланишлари ҳаром бўлади. Росулulloҳ ﷺни тайёрлаш ва дафн қилиш билан машғул бўлишлари лозим бўлган саҳобалардан бир қисми дафн билан машғул бўлмай, халифани тиклаш билан машғул бўлдилар. Саҳобаларнинг қолган қисми эса бунга сукут қилдилар ва улар ҳам дафнни икки кеча кечиктиришда шерик бўлдилар. Ваҳоланки бунга қарши чиқишлари ва дафн билан

машғул бўлишлари мумкин эди, бунга кудратлари етарди. Демак бу маййитни дафн қилишни тўхтатиб туриб, халифани тиклаш билан машғул бўлишга ижмо бўлди. Бу эса халифани тиклаш маййитни дафн қилишдан кўра вожиброқ эканини билдиради. Саҳобаларнинг ҳаммаси бутун хаётлари давом ида битта халифани тиклаш вожиблигига ижмо қилганликларини таъкидлаш ҳам жоиз. Саҳобалар халифа бўлиб сайланадиган шахс тўғрисида талашиб-тортишган бўлсалар-да, лекин битта халифани тиклаш вожиблиги ҳақида мутлақо ихтилоф қилишмаган. Росулulloҳ ﷺ вафот этган пайтда ҳам, хулафои рошидинлардан биронтаси вафот этган пайтда ҳам бу тўғрида ихтилоф қилишмаган. Демак саҳобалар ижмоси битта халифани тиклаш вожиблигига очиқ ва кучли далилдир.

Динни барпо қилиш ва шариат ҳукмларини барча дунёвий ва ухровий ишларда ижро этиш мусулмонларга субути ҳам, далолати ҳам қатъий бўлган далил билан фарздир. Бу эса фақат салтанат эгаси бўлган ҳоким билангина амалга ошади. Демак «вожиб нима билан тамомига етса ўша нарса ҳам вожиб» деган қоидага кўра халифани тиклаш мана шу жиҳатдан ҳам фарздир.

Бу далиллар мусулмонлар устидан ўзларидан бўлган ҳукм ва салтанатни ўрнатиш фарзлигини очиқ кўрсатиб турибди. Ҳукм ва султанатни бошқарадиган битта халифани тиклаш мусулмонларга фарз эканини очиқ кўрсатиб турибди. Ҳукм ва салтанат бўлиши учунгина эмас, балки шариат аҳкомларини ижро этиш учун халифани тиклаш фарз. Муслим Авф ибн Моликдан ривоят қилади: Набий ﷺ шундай дедилар:

□

«خَيْرُ أُمَّتِكُمُ الَّذِينَ تُحِبُّوهُمْ وَيُحِبُّوكُمْ، وَيُصَلُّونَ عَلَيْكُمْ وَتُصَلُّونَ عَلَيْهِمْ،
وَشِرَارُ أُمَّتِكُمُ الَّذِينَ تَبْغُضُونَهُمْ وَيَبْغُضُونَكُمْ، وَتَلْعَنُونَهُمْ وَيَلْعَنُونَكُمْ، قِيلَ: يَا
رَسُولَ اللَّهِ أَفَلَا تُنَابِذُهُمْ بِالسَّيْفِ؟ قَالَ: لَا، مَا أَقَامُوا فِيكُمْ الصَّلَاةَ، وَإِذَا رَأَيْتُمْ مِنْ
وَلَايَتِكُمْ شَيْئًا تَكْرَهُونَهُ، فَارْهَوْا عَمَلَهُ، وَلَا تَنْزِعُوا يَدًا مِنْ طَاعَةٍ»

«Имомларингизнинг яхшилари сизлар уларни яхши кўрадиган, улар ҳам сизларни яхши кўрадиган, сизлар уларнинг ҳаққига дуо қиладиган, улар ҳам сизларнинг ҳаққингизга дуо қиладиганларидир. Имомларингизнинг ёмонлари сизлар уларни ёмон кўрадиган, улар ҳам сизларни ёмон кўрадиган, сизлар уларни лаънатлайдиган, улар ҳам сизларни лаънатлайдиганларидир. Шунда: ё Росулulloҳ, уларга қарши қилич кўтариб чиқмаймизми? – дейилди. Пайғамбаримиз ﷺ: йўқ, модомики орангизда намозни қоим қилишар экан (қарши чиқмайсиз). Агар хокимингизда сиз ёқтирмайдиган бирон нарсани кўрсангиз унинг амалини ёмон кўринг ва итоатдан бош тортманг, деб жавоб бердилар». Бу ҳадисда яхши имомлар ва ёмон имомлар ҳақида очик хабар бериляпти, модомики динни қоим қилишар экан уларга қарши чиқиш ҳаромлиги ҳам очик кўрсатилляпти. Чунки намозни қоим қилиш динни қоим қилишдан ва у билан ҳукм юритишдан киноядир. Демак Ислом ҳукмларини ўрнатиш ва унга бўлган даъватни кўтариб чиқиш учун битта халифани тиклашнинг мусулмонларга фарз эканлиги шундай бир ишки, бу иш шариатнинг саҳиҳ нассларида қатъий кўрсатилганида ҳеч шубҳа йўқ. Бунинг устига у Аллоҳ мусулмонлар зиммасига юклаган фарз талаб қиладиган Ислом ҳукмини ўрнатиш ва мусулмонлар дахлсизлигини ҳимоя қилиш жиҳатидан ҳам фарздир. Лекин бу фарз фарзи кифоя бўлиб, баъзилар уни адо этса бу фарз вужудга келади-да, қолганлардан соқит бўлади. Энди агар баъзи мусулмонлар уни адо этиша олмаса – гарчи уни қоим қиладиган ишларни қилишган бўлса ҳам – у холда ҳамма мусулмонлар зиммасига фарз бўлиб қолаверади ва модомики мусулмонлар халифасиз экан ҳеч қайси мусулмондан бу фарз соқит бўлмайди.

Мусулмонлар халифасини тикламай тек ўтиравериш энг катта гуноҳлардан биридир. Чунки у Исломдаги энг муҳим фарзлардан бирини адо этмай тек ўтираверишдир. Нафақат дин ҳукмларини ўрнатиш, балки Исломнинг ҳаёт майдонида мавжуд бўлиши ҳам шу фарзнинг адо этилишига боғлиқ. Шунинг учун мусулмонлар битта халифани тикламай тек ўтираверишса ҳам малари катта гуноҳга ботишади. Ҳам малари тек ўтираверишса ер юзининг барча ўлкаларидаги ҳар бир мусулмон гуноҳкор бўлади. Энди агар баъзи мусулмонлар

халифани тиклашга ҳаракат қилиб, қолганлари ҳаракат қилмаса бунда гуноҳ ўша ҳаракат қилаётганлардан соқит бўлади ва то халифа тикланмагунча фарз зиммаларида тураверади. Чунки бу фарзни адо этиш билан шуғулланиш халифани вақтида тиклашни кечиктириш гуноҳини ва уни тикламаслик гуноҳини соқит қилади. Уни тиклашга киришгани ва кучи етмайдиган бирон нарса уни тиклашнинг кечикишига мажбур қилгани учун гуноҳ зиммасидан соқит бўлади. Аммо бу фарзни адо этишга киришмаган кишилар халифа йўқ бўлганидан уч кун ўтишидан бошлаб то халифа тикланмагунча гуноҳкор бўлиб қолаверади. Чунки Аллоҳ уларнинг зиммасига бир фарзни юкласа улар уни адо этишмади ва уни адо этишга олиб борадиган ишларни ҳам қилишмади. Шунинг учун гуноҳга ва дунёю охиратда Аллоҳнинг азобига ва расволикка лойиқ бўлиб қолишди. Халифани тикламай ёки тиклашга олиб борадиган ишларни қилмай тек ўтираверганлари учун гуноҳга лойиқ бўлишлари мусулмоннинг Аллоҳ фарз қилган қайсидир фарзни тарк қилгани учун азобга лойиқ бўлишида очиқ-ойдин кўриниб турибди. Айниқса бу фарз бошқа фарзларнинг адо этилишига, дин ҳукмларининг ўрнашига, Ислому иши олий бўлишига ва Аллоҳ калимаси Ислому юртларида ҳам, оламнинг бошқа томонларида ҳам олий бўлишига олиб келадиган фарз бўлса.

Энди, одамлардан узлатга чекиниш ва дин ишларига маҳкам ёпишишгагина чекланиш ҳақидаги ҳадисларга келсак, бу ҳадислар халифани тикламай тек ўтиравериш жоизлигига ҳам, тек ўтиравериш гуноҳини соқит қилишга ҳам далил бўлмайди. Бу ҳадисларни диққат билан ўрганган одам улар халифани тикламай тек ўтираверишга рухсат бериш ҳақида эмас, динни маҳкам ушлаш ҳақида эканини кўради. Масалан Бухорий Бусрибн Убайдуллоҳ Хазрабийдан ривоят қилишича у Абу Идрис Хавлонийдан, у эса Ҳузайфа ибн Ямондан шундай деганини эшитган:

□

«كَانَ النَّاسُ يَسْأَلُونَ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ عَنِ الْخَيْرِ وَكَنتُ أَسْأَلُهُ عَنِ الشَّرِّ مَخَافَةَ أَنْ يُدْرِكَنِي، فَقُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنَّا كُنَّا فِي جَاهِلِيَّةٍ وَشَرٌّ فَجَاءَنَا اللَّهُ بِهَذَا الْخَيْرِ،

فَهَلْ بَعْدَ هَذَا الْخَيْرِ مِنْ شَرٍّ؟ قَالَ: نَعَمْ، قُلْتُ: فَهَلْ بَعْدَ ذَلِكَ الشَّرِّ مِنْ خَيْرٍ؟ قَالَ: نَعَمْ، وَفِيهِ دَخْنٌ. قُلْتُ: وَمَا دَخْنُهُ؟ قَالَ: قَوْمٌ يَهْدُونَ بِغَيْرِ هُدًىي تَعْرِفُ مِنْهُمْ وَتُنْكِرُ، قُلْتُ: هَلْ بَعْدَ ذَلِكَ الْخَيْرِ مِنْ شَرٍّ؟ قَالَ: نَعَمْ، دُعَاةٌ عَلَى أَبْوَابِ جَهَنَّمَ مَنْ أَجَابَهُمْ إِلَيْهَا قَدَفُوهُ فِيهَا. قُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ صِفْهُمْ لَنَا. قَالَ: هُمْ مِنْ جِلْدَتِنَا وَيَتَكَلَّمُونَ بِأَلْسِنَتِنَا. قُلْتُ: فَمَا تَأْمُرُنِي إِنْ أَدْرَكَنِي ذَلِكَ؟ قَالَ: تَلْزِمُ جَمَاعَةَ الْمُسْلِمِينَ وَإِمَامَهُمْ، قُلْتُ: فَإِنْ لَمْ يَكُنْ لَهُمْ جَمَاعَةٌ وَلَا إِمَامٌ؟ قَالَ: فَاعْتَزِلْ تِلْكَ الْفِرْقَ كُلَّهَا، وَلَوْ أَنْ تَعْصَّ بِأَصْلِ شَجَرَةٍ حَتَّى يَدْرِكَكَ الْمَوْتُ وَأَنْتَ عَلَى ذَلِكَ»

«Одамлар Росулulloҳ ﷺ дан яхшилик ҳақида сўрашарди. Мен эса ёмонлик ҳақида сўрардим. Менга бирон ёмонлик етиб қолишдан қўрқардим. Мен: ё Росулulloҳ, биз жоҳилият ва ёмонликда эдик. Аллоҳ бизга мана бу яхшиликни олиб келди. Шу яхшиликдан кейин ёмонлик бўладими? - деб сўрадим. Пайғамбаримиз: ҳа, дедилар. Мен: ана шу ёмонликдан кейин яхшилик бўладими? - дедим. Пайғамбаримиз: ҳа бўлади, унда «дахан» бўлади, дедилар. Мен: ундаги «дахан» нима ўзи? - деб сўрадим. Пайғамбаримиз: менинг йўлимдан бошқа йўлни тутадиган кишилар, уларнинг маъруф ишларини ҳам мункар ишларини ҳам кўрасиз, дедилар. Мен: ана шу яхшиликдан кейин ёмонлик бўладими? - дедим. Пайғамбаримиз: ҳа, жаҳаннам эшикларига чақирадиган кимсалар бўлади, ким уларнинг чақириғига жавоб берса уни жаҳаннамга улоқтиришади, дедилар. Мен: ё Росулulloҳ, уларни бизга сифатлаб беринг, дедим. Пайғамбаримиз: уларнинг тани ҳам, тили ҳам бизникидек бўлади, дедилар. Мен: агар менга шу ёмонлик етса нимани буюрасиз? - дедим. Пайғамбаримиз: мусулмонлар жамоатини ва имомини маҳкам тутасан, улардан ажралмайсан, дедилар. Мен: мусулмонларнинг жамоати ҳам, имоми ҳам бўлмасачи? - дедим. Пайғамбаримиз: у ҳолда ана шу фирқаларнинг ҳаммасидан узилиб узлатга чекин. Дарахт илдизига тишларинг билан ёпишиб бўлса ҳам шундай қил. Сенга ўлим етгунга қадар шу ҳолда бўл, дедилар». Бу ҳадисда очик

кўриниб турибдики, Росулulloҳ ﷺ мусулмонга мусулмонлар жамоати ва имомини лозим тутишни, жаҳаннам эшикларига чақирувчиларни тарк қилишни буюрмоқда. Ўша сўровчи Пайғамбаримиздан: мусулмонларнинг имоми ҳам, жамоати ҳам бўлмаган пайтда жаҳаннам эшикларига чақирувчиларга қандай муносабатда бўлиш кераклиги ҳақида сўраганида Росулulloҳ ﷺ унга мусулмонлардан узилишни ёки битта имомни тикламай тек ўтираверишни эмас, балки ана шу фирқалардан узилишни буюрдилар. Пайғамбаримиз: «**У ҳолда ана шу фирқаларнинг ҳаммасидан узилиб узлатга чекин**», деб буюрдилар. Гарчи дарахт илдизига тиши билан ёпишиб бўлса ҳам ана шу фирқалардан узилишини, жаҳаннам эшикларига чақирувчи бу фирқалардан ўлим келган пайтда ҳам узилган ҳолда бўлишини буюриб, бу узилишни сифатлашда шу даражада муболаға қилдилар. Бунинг маъноси «динингни маҳкам ушла ва жаҳаннам эшикларига чақирувчилардан йироқ бўл», демакдир. Бу ҳадисда халифани тиклашга ҳаракат қилишни тарк этишга оид ҳеч қандай узр ҳам, ҳеч қандай рухсат ҳам йўқ. Аксинча унда динни маҳкам ушлашни ва жаҳаннам эшикларига чақирувчилардан узилишни буюриляпти, холос. Шунинг учун мусулмон агар халифани тиклашга ҳаракат қилмаса гуноҳкор бўлиб қолаверади. Демак унга мусулмонлар жамоатидан узоклашиш, дин ҳукмларини ўрнатмай ва имомни тикламай тек ўтиравериш эмас, аксинча динини – гарчи дарахт илдизига тиши билан ёпишиб бўлса ҳам – залолатга чақирувчилардан саломат сақлаш учун ана шу адашган фирқалардан йироқ бўлиши буюрилди.

Яна Бухорий Абу Саид Худрий رضي الله عنهдан ривоят қилишича, Росулulloҳ ﷺ шундай дедилар:

«يُوشِكُ أَنْ يَكُونَ خَيْرُ مَالِ الْمُسْلِمِ غَنَمٌ يَتَّبِعُ بِهَا شَعَفَ الْجِبَالِ وَمَوَاقِعَ الْقَطْرِ
يَفِرُّ بِدِينِهِ مِنَ الْفِتَنِ»

«**Яқинда мусулмоннинг энг яхши моли қўй подаси бўлиб қолади. Динини фитналардан олиб қочиб қўйларини тоғлар устида ва ёмғирли жойларда боқиб юради**». Бу ҳадис мусулмонлар жамоатидан ажралиш, ер юзи халифадан холи бўлиб қолган пайтда дин ҳукмларини ўрнатмай ва битта

халифани тикламай тек ўтиравириш керак, деган маънони англамайди. Аксинча унда бор-йўғи фитна кунларида мусулмоннинг энг яхши моли ва фитналардан қочиш учун у қиладиган энг яхши иш баён қилинмоқда, холос. Унда мусулмонлардан йироқ бўлиш ва одамлардан ажраб узлатда бўлишга ундаш йўқ.

Демак ер юзидаги бирон мусулмонга Аллоҳ динни ўрнатиш учун зиммасига юклаган фарзни адо этмай тек ўтиравириши тўғрисида ҳеч бир узр йўқ. Бу фарз – ер юзида Халифалик йўқ бўлиб қолган пайтда мусулмонлар халифасини тиклашга ҳаракат қилишдир. Ер юзида Аллоҳ ҳурматларини сақлаш учун Аллоҳ ҳадларини адо этадиган, дин ҳукмларини ўрнатадиган ва мусулмонларни «Ла илаҳа иллаллоҳ Муҳаммадур росулуллоҳ» байроғи остига бирлаштирадиган киши йўқ бўлиб қолган пайтда уни тиклашга ҳаракат қилиш фарздир. Шунинг учун Исломда бу фарзни – то у адо этилмагунча – адо этмай тек ўтиравиришга ҳеч қандай рухсат йўқ.

Халифани тиклаш учун мусулмонларга муҳлат бериладиган муддат

Халифани тиклаш учун мусулмонларга муҳлат бериладиган муддат уч кун ва кечадир. Мусулмон бўйнида байъат бўлмаган ҳолда уч кечани ўтказиши ҳалол бўлмайди. Узоғи билан уч кеча белгиланганининг сабаби шуки, халифани тиклаш собик халифа вафот этган ёки бўшатилган лахзадан бошлаб фарздир. Лекин уни тиклаш билан машғул бўлиш сабабли у уч кун ва кеча кечикиши жоиздир. Уч кечадан ошиб кетсаю, лекин халифани тиклашмаган бўлса бунда қаралади. Агар мусулмонлар халифани тиклаш билан машғул бўлиб, енгиш қийин бўлган ва даф қилишга кучлари етмаган қайсидир ишлар сабабли уни уч кеча орасида тиклашга муваффақ бўлишмаган бўлса, бундай ҳолатда улардан гуноҳ соқит бўлади. Фарзни адо этиш билан машғул бўлганлари ва юқорида айтилган ишлар сабабли кечиктиришга мажбур бўлганлари учун гуноҳ улардан соқит бўлади. Зеро Пайғамбар ﷺ бундай дедилар:

«رُفِعَ عَنْ أُمَّتِي الْخَطَأُ وَالنَّسْيَانُ وَمَا أَسْتَكْرَهُوا عَلَيْهِ»

«Умнатимдан хато, унутиш ва мажбур қилинишган нарса (гуноҳи) кўтарилди». Бу ҳадисни Табароний «ал-Кабир»да ривоят қилди. Энди агар бу фарз билан машғул бўлишмаса, унда то халифа тикланмагунча ҳаммалари гуноҳкор бўлади. Халифа тиклансагина бу фарз улардан соқит бўлади. Аммо халифани тикламай тек ўтиравериб қилишган гуноҳ улардан соқит бўлмайди. Аксинча бу гуноҳ зиммаларида қолаверади. Аллоҳ бу гуноҳ учун – мусулмонни фарзни адо этишни тарк қилиб қилган ҳар қандай гуноҳ учун қандай ҳисоб-китоб қилса, шундай – ҳисоб-китоб қилади.

Халифалик мансаби бўшаб қолиши биланоқ халифага байъат бериш билан машғул бўлишнинг вожиблиги далилига келсак, у шуки, саҳобалар Росулulloҳ ﷺ вафот этганидан кейинок, ана шу куннинг ўзида, ҳали Росулulloҳ ﷺ дафн қилинмай туриб шу ишга киришдилар. Ўша куннинг ўзида Абу

Бакрга инъикод байъати берилди. Эртаси кун и одамлар масжидда Абу Бакрга итоат байъати бериш учун тўпландилар.

Энди мусулмонлар халифани тиклашлари учун узоғи билан уч кун ва кеча муҳлат берилганига келсак, чунки Умар ўзига санчилган ханжар жароҳатидан вафот этиши аниқ бўлиб қолгач аҳли шўрога топшириқ бериб, уларга уч кунни белгилаб берди. Сўнгра агар уч кун ичида халифани танлашга келиша олишмаса қарши чиққанни ўлдиришни буюрди. Умар мусулмонлардан эллик кишига бу ишни бажаришни, яъни қарши чиққанни ўлдиришни топширди. Ваҳоланки улар шўро аҳлидан ва улуғ саҳобалардан эди. Бу саҳобаларнинг кўз ўнгида бўлди. Улардан биронтаси Умарнинг бу қарорига қарши чиққани ёки инкор қилгани нақл қилинмаган. Демак бу мусулмонларнинг уч кун ва кечадан ортиқ халифасиз қолишлари жоиз эмаслигига саҳобалар томонидан қилинган ижмо бўлди. Саҳобалар ижмоси эса худди Китоб ва Суннат каби шаръий далилдир. Бухорий Мисвар ибн Махраманинг шундай деганини ривоят қилди: **«Абдуллаҳ ибн Абдуллоҳ ярим кечадан кейин эшигимни тақиллатди. У эшикни шундай урдикки хатто уйғониб кетдим. У: ухлаганингни кўриб турибман, Аллоҳга қасамки, мен шу уч кеча давомида кўп ухламадим, деди. Бомдод намози ўқилгач Усмонга байъат берилди».**

Халифалик битими боғланиши

Халифалик – ўзаро розилик ва ихтиёр билан боғланадиган (тузиладиган) битимдир. Чунки у итоат қилинишга ҳақли бўлган бошлиққа итоат байъати беришдир. Бунда байъат бериладиган кишининг ҳам, байъат берадиганларнинг ҳам розилиги зарур бўлади. Шунинг учун бирон киши халифа бўлишни рад қилса ва халифаликдан бош тортса уни бунга мажбурлаш жоиз бўлмайди. Аксинча бошқасига мурожаат қилинади. Шунингдек одамлардан ҳам мажбурлаб ва зўрлик билан байъат олиш жоиз бўлмайди. Чунки бу ҳолатда битимни саҳиҳ деб бўлмайди. Мажбурлаш халифаликка зиддир. Чунки у юқорида айтиб ўтганимиздек ўзаро розилик ва ихтиёр билан боғланадиган битимдир. Бунда ҳам ҳар қандай битим каби зўрлик ва мажбурлаш кетмайди. Лекин байъатлари нуфузли саналадиган кишилар томонидан байъат берилган бўлса инъиқод байъати битими боғланган бўлади ва байъат берилган киши халифага айланади. Унга итоат этиш вожиб бўлади. Бундан кейин унга бериладиган байъат халифалик битимини боғлаш учун бериладиган байъат эмас, балки итоат байъати бўлиб қолади. Бу пайтда халифа қолган одамларни ўзига байъат беришга мажбурлаши жоиз бўлиб қолади. Чунки бу итоат этишга мажбурлашдир. Бу эса шаръан вожиб. Зеро у бу ҳолатда халифалик битимини боғлаш эмаски, «бунда мажбурлаш дуруст бўлмайди», дейишга асос бўлса. Демак байъат дастлаб фақат ўзаро розилик ва ихтиёр билангина дуруст бўладиган битим бўлади. Аммо халифага байъат берилиб битим боғланганидан кейин итоат, яъни халифа амрига бўйсунуш байъати бериладиган бўлади. Бунда Аллоҳ Таоло амрини адо этиш учун мажбурлаш жоиз бўлади. Халифалик битим бўлгани учун у фақат битим боғловчи бўлсагина амалга ошади. Киши фақат биров уни қозиликка тайинласа қози бўлганидек ва амир ҳам биров уни амирликка тайинласа амир бўлганидек халифа бўлишда ҳам киши биров уни халифа қилиб сайласагина халифа бўла олади. Акс ҳолда бўлолмайди. Шундан аён бўладики бирон киши фақат мусулмонлар уни ўзларига бошлиқ қилиб танлашагина халифа бўла олади. Унинг номига битим боғлансагина у халифалик салоҳиятларига эга бўлади. Бу битим эса албатта

икки томондан тузилади. Биринчи томон: халифаликка талабгор. Иккинчи томон: унинг ўзларига халифа бўлишига рози бўлган мусулмонлар. Демак халифалик битими боғланиши учун мусулмонларнинг байъати зарур. Шунга биноан бирон зўравон ҳокимиятни куч билан эгаллаб олса у бу билан халифа бўлиб қолмайди. Гарчи у ўзини мусулмонлар халифаси деб эълон қилса ҳам. Чунки бу ҳолатда мусулмонлар томонидан унинг номига халифалик битими боғланмаган бўлади. Гарчи у одамларни мажбурлаб, зўравонлик билан байъат олган бўлса ҳам халифа бўлолмайди. Чунки мажбурлаш ва зўравонлик билан олинган байъат эътиборга олинмайди ва у билан халифалик битими боғланмайди. Чунки халифалик ўзаро розилик ва ихтиёр билан тузиладиган битим бўлиб, унда мажбурлаш ва зўравонлик кетмайди. Демак халифалик битими розилик ва ихтиёр билан берилган байъат билангина боғланади. Лекин ўша зўравон ўзига байъат бериш мусулмонлар учун манфаатли эканига ва шарият ҳукмларини ўрнатиш учун ўзига байъат берилиши лозим эканига одамларни ишонтира олса, одамлар бунга ишониб ва рози бўлиб унга байъат беришса, у ҳолда розилик ва ихтиёр билан байъат берилган лаҳзадан бошлаб у халифага айланади. Гарчи у бошида салтанатни зўравонлик ва куч билан олган бўлса ҳам. Зеро шарт байъат берилишидир ва унинг розилик ва ихтиёр билан берилишидир. Байъат берилган киши ҳоким ва султон бўладими ёки бўлмайди, фарқи йўқ.

Энди кимларнинг берган байъати билан халифалик битими боғланади? - деган савол туғилади. Буни хулафои рошидинларга байъат берилишда бўлган нарсани ва саҳобалар ижмосини кузатиш билан тушуниб оламиз. Масалан Абу Бакрга байъат беришда мусулмонлар орасидаги аҳли ҳал ва ақд (ҳал қила олувчи нуфузли кишилар) билангина кифояланилди. Бу нуфузли кишилар фақат Мадинадаги кишилар эди. Маккадаги ва араб ярим оролининг бошқа ерларидаги мусулмонлар раъйи олинмади. Олинмадигина эмас, балки улардан сўралмади ҳам. Умарга байъат беришда ҳам шундай бўлди. Аммо Усмонга байъат беришда Абдуррахмон ибн Авф Мадинадаги мусулмонларнинг раъйини олди ва фақат аҳли ҳал ва ақддан сўрашгагина чекланиб қолмади. Али даврида эса Мадина аҳлининг кўпчилиги ва Куфа аҳли билангина кифояланилди. Алининг бир ўзига байъат берилди.

Ҳатто Алига қарши чиқиб, унга қарши уруш қилганлар ҳам унга берилган байъатни эътиборли санашди. Чунки улар ҳам ундан бошқага байъат беришмади ва унга байъат берилишига эътироз билдиришмади. Улар фақат Усмон қони учун ўч олишни талаб қилишди, холос. Шунинг учун уларга халифани бирон ишда айблаб қарши чиққан боғийлар ҳукми берилади. Шунинг учун халифанинг уларга ўша ишни изоҳлаши ва уларга қарши жанг қилиши лозим бўлди. Улар бошқа алоҳида Халифалик тузишмаган.

Буларнинг барчаси саҳобаларнинг кўз ўнгида рўй берди. Яъни халифага фақат пойтахт аҳлининг кўпчилиги томонидан байъат берилиб бошқа минтақаларнинг эътиборга олинмагани, фақат имом Алига байъат берилганида Куфа аҳлининг ҳам иштирок этиши, буларнинг ҳаммаси саҳобаларнинг кўз ўнгида рўй берди. Улардан ҳеч ким бунга қарши чиқмади. Гарчи саҳобалар халифанинг шахсида (ким халифа бўлиши ҳақида) ихтилоф қилишган ва унинг ишларини инкор қилишган бўлса-да, лекин халифага Мадина аҳлининг кўпчилиги берган байъат билангина кифояланишга қарши чиқишмади. Демак бу халифалик битими мусулмонларнинг ҳокимият ҳақидаги раъйларини акс эттирадиган кишилар томонидан боғланиши тўғрисида саҳобалар томонидан қилинган ижмо бўлди. Чунки аҳли ҳал ва ақд билан Мадина аҳлининг кўпчилиги ўша даврда Исломий давлатнинг ҳамма жойларидаги Умнатнинг ҳукм ҳақидаги раъйини акс эттирувчи кўпчилик ҳисобланарди.

Демак халифалик битими Исломий Умнатнинг кўпчилигини акс эттирувчи кўпчилик томонидан байъат берилса боғланади. Умнатнинг бу кўпчилиги халифа ўрнига сайланмоқчи бўлган халифага итоат этиш остига кирадиган кишилар жумласидан бўлади. Бундай ҳол айтиб ўтганимиздек хулафои рошидинлар даврида кузатилган. Бу кўпчиликнинг берган байъати ана шу пайтда инъиқод (халифалик битими) байъати бўлиб қолади. Аммо бошқаларнинг байъати – халифа номига халифалик битими боғланганидан кейин – инъиқод байъати эмас, балки итоат байъати, яъни халифага бўйсунуш байъати бўлади.

Бу халифа ўлиб ёки бўшатилиб унинг ўрнига халифа тикланмоқчи бўлган пайтда бўлади. Аммо агар халифа мутлақо йўқ бўлса ва шариат ҳукмларини ижро этиш ва исломий даъватни оламга кўтариб чиқиш учун битта халифани тиклаш

мусулмонларга фарз бўлиб қолган бўлса – бу ҳолат ҳижрий 1343, милодий 1924 йилда Истанбулдаги Исломий Халифалик йўқ қилинганидан бошлаб то шу бугунгача давом этиб келмоқда – у ҳолда исломий оламдаги мавжуд ҳар қандай исломий ўлка битта халифага байъат беришга лойиқ бўлиб қолади ва унда халифалик битими боғланади. Шунинг учун агар исломий ўлкалардан биронтаси халифага байъат берса ва халифалик битими боғланса шу халифага итоат байъати бериш барча мусулмонларга фарз бўлиб қолади. Бу ўлка Миср ёки Туркия ёки Индонезия каби катта бўладими ёки Иордания ёки Албания ёки Ливан каби кичик бўладими, фарқи йўқ. Фақат куйидаги тўрт иш тўла топилиши шарт:

Бу ўлка бошқаруви бирон кофир давлатга ёки бирон кофир нуфузига эмас, фақат мусулмонларнинг ўзигагина суянадиган ўзига мустақил бошқарув бўлиши лозим.

Бу ўлкадаги мусулмонлар омонлиги куфр омонлиги билан эмас, Ислом омонлиги билан бўлиши лозим. Яъни унинг ички ва ташқи ҳимояси соф исломий қувват деган эътиборда мусулмонлар қувватидан иборат Ислом ҳимояси бўлиши шарт.

Исломни тўла, ҳамма соҳани қамраб оладиган инқилобий тарзда татбиқ этиш дарҳол бошланиши керак. У билан бир қаторда исломий даъватни кўтариб чиқишни ҳам бошлаш керак.

Байъат бериладиган халифа – гарчи унда афзаллик шартлари тўла топилмаса ҳам – халифалик битими боғланиши шартларига тўла тўғри келиши керак. Чунки эътиборлиси битим боғланиши шартларидир.

Агар бу ўлкада шу тўрт иш тўла топилса бу ўлканинг бир ўзи байъат бериши билангина Халифалик вужудга келган ва битим боғланган бўлади. Гарчи бу ўлка Исломий Умматнинг кўпчилиги учун аҳли ҳал ва ақднинг кўпчилигини акс эттирмаса ҳам. Чунки Халифаликни тиклаш фарзи кифоядир. Бу фарзни тўғри йўсинда адо этган ўлка фарз қилинган нарсани адо этган бўлади. Аҳли ҳал ва ақднинг кўпчилик бўлиши Халифалик мавжуд бўлиб, вафот этган ёки бўшатирилган халифа ўрнига бошқа халифани тикланмоқчи бўлинган пайтда

шарт қилинади. Аммо Халифалик мутлақо йўқ бўлиб, Халифалик вужудга келтирилмоқчи бўлса у ҳолда шаръий тарзда вужудга келиши биланоқ инъикод (битим боғлаш) шартлари тўла топиладиган ҳар қандай халифа билан халифалик битими боғланади. Унга байъат берувчилар сони қанча бўлишининг эътибори йўқ. Чунки бу пайтда масала мусулмонлар уч кундан ошиқ муддат давомида адо этишдан лоқайдлик қилиб келган фарзни адо этиш масаласи бўлиб қолади. Мусулмонларнинг бу лоқайдлиги ўзлари хоҳлаган кишини танлаб сайлашдаги ҳақ-ҳуқуқларини тарк қилишдир. Шунинг учун ким бу фарзни адо этса халифалик битими боғланиши учун кифоя қилади. Қачон ўша ўлкада Халифалик ўрнатилиб халифа номига битим боғланса ҳамма мусулмонларга Халифалик байроғи остига киришлари ва халифага байъат беришлари фарз бўлиб қолади. Акс ҳолда ҳаммалари Аллоҳ ҳузурида гуноҳкор бўлишади ва бу халифанинг мусулмонларни ўзига байъат беришга даъват қилиши вожиб бўлиб қолади. Агар бош тортишадиган бўлса уларга боғийлик ҳукми берилади ва халифанинг уларга қарши то итоат қилмагунларича уруш қилиши вожиб бўлади. Энди агар халифага байъат берилиб, унинг номига юқорида айтилган тўрт ишни тўла ўз ичига олган халифалик битими боғланганидан кейин шу ўлкада ёки бошқа ўлкада яна бир халифага байъат бериладиган бўлса мусулмонларнинг бу иккинчи халифага қарши – то у биринчи халифага байъат бермагунча – уруш қилишлари вожиб бўлиб қолади. Бунга далил Муслим Абдуллоҳ ибн Амр ибн Оссдан қилган ушбу ривоятдир: Росулulloҳ ﷺ шундай дедилар:

«وَمَنْ بَايَعَ إِمَامًا فَأَعْطَاهُ صَفَقَةً يَدِهِ وَتَمَرَةً قَلْبِهِ فَلْيَطِعْهُ إِنْ اسْتَطَاعَ، فَإِنْ جَاءَ آخَرٌ يُنَازِعُهُ فَاضْرِبُوا عَنْقَ الْآخَرِ»

«Кимки битта имом билан байъатлашиб унга қўлини ва қалби қўрини берса қўлидан келганича унга итоат қилсин. Энди агар бошқа биров келиб у билан имомликни талашса, унинг бўйнига уринглар». Чунки мусулмонларни Ислом байроғи остида бирлаштирувчи раҳбар халифадир. Халифа вужудга келса мусулмонлар жамияти вужудга келади. Уларга қўшилиш фарз бўлиб қолади ва улардан ажралиб чиқиш ҳаром

бўлади. Муслим Ибн Аббос رضي الله عنهдан, у эса Росулulloх ﷺдан шундай деганини ривоят қилди:

«مَنْ رَأَى مِنْ أَمِيرِهِ شَيْئًا فَلْيَصْبِرْ عَلَيْهِ، فَإِنَّهُ مَنْ فَارَقَ الْجَمَاعَةَ شَبِيرًا فَمَاتَ إِلَّا مَاتَ مَيِّتَةً جَاهِلِيَّةً»

«Ким амиридан бир нарсани кўрса унга сабр қилсин. Зеро ким жамоатдан бир қарич ажраб ўлса жоҳилият ўлими билан ўлибди». Муслим Ибн Аббосдан Набий ﷺнинг шундай деганини ҳам ривоят қилди:

«مَنْ كَرِهَ مِنْ أَمِيرِهِ شَيْئًا فَلْيَصْبِرْ عَلَيْهِ، فَإِنَّهُ لَيْسَ أَحَدٌ مِنَ النَّاسِ خَرَجَ مِنَ السُّلْطَانِ شَبِيرًا فَمَاتَ عَلَيْهِ إِلَّا مَاتَ مَيِّتَةً جَاهِلِيَّةً»

«Ким амиридаги бирон нарсани ёқтирмаса унга сабр қилсин. Зеро кимки султондан бир қарич четга чиқиб шу ҳолда ўлса жоҳилият ўлими билан ўлибди». Бу икки ҳадисдан жамоат ва султондан ажрамаслик лозимлиги тушуниляпти.

Мусулмонлардан бошқаларнинг байъат беришга ҳаққи йўқ ва уларга вожиб бўлмайди. Чунки у Ислому асосида, Аллоҳнинг Китоби ва Росулulloх ﷺнинг Суннати асосида бериладиган байъатдир. Бу эса Исломуга, Китоб ва Суннатга имон келтиришни тақозо қилади. Шунинг учун ғайри мусулмонларнинг ҳокимиятда бўлиши ҳам, ҳокимни сайлашлари ҳам жоиз бўлмайди. Чунки улар учун мусулмонлар устига йўл ҳам ва байъатда ўрин ҳам йўқ.

Байъат

Байъат ҳамма мусулмонларга фарздир. У ҳар бир эркак ва аёл мусулмоннинг ҳақ-ҳуқукидир. Унинг фарз эканлигига кўплаб ҳадислар далилдир. Жумладан Ибн Умар ривоят қилган Росулulloҳ ﷺнинг ушбу сўзлари:

«... وَمَنْ مَاتَ وَلَيْسَ فِي عُنُقِهِ بَيْعَةٌ مَاتَ مَيْتَةً جَاهِلِيَّةً»

«... Кимки бўйнида байъат йўқ ҳолда ўлса жоҳилият ўлими билан ўлибди». Байъат мусулмонларнинг ҳақ-ҳуқуқи эканига келсак, бунга байъатнинг ўзи далолат қилиб турибди. Чунки байъат халифа томонидан мусулмонларга эмас, аксинча мусулмонлар томонидан халифага берилади. Мусулмонларнинг Росулulloҳ ﷺга байъат берганлари саҳиҳ ҳадисларда собит бўлган. Масалан Бухорий Убода ибн Сомитдан шундай деганини ривоят қилди:

«بَايَعْنَا رَسُولَ اللَّهِ ﷺ عَلَى السَّمْعِ وَالطَّاعَةِ فِي الْمَنْشَطِ وَالْمَكْرَهِ وَأَنْ لَا تُتَارَعَ الْأَمْرَ أَهْلُهُ وَأَنْ نَقُومَ أَوْ نَقُولَ بِالْحَقِّ حَيْثُمَا كُنَّا لَا نَخَافُ فِي اللَّهِ لَوْمَةَ لَائِمٍ»

«Биз Росулulloҳ ﷺга хурсандчиликда ҳам, хафачиликда ҳам қулоқ солиб, итоат этишга, бошлиқликни эгасидан талашмасликка, қаерда бўлмайлик ҳақ ишни қилиш ва ҳақ сўзни айтишга, Аллоҳ йўлида ҳеч бир маломатчининг маломатидан кўркмасликка байъат бердик». Бухорий Айюбдан, у Ҳафсадан, у Умму Атийядан ривоят қилади:

«بَايَعْنَا النَّبِيَّ ﷺ فَقَرَأَ عَلَيْنَا أَنْ لَا يُشْرِكَنَّ بِاللَّهِ شَيْئًا، وَنَهَانَا عَنِ التِّيَاحَةِ، فَقَبَضَتْ امْرَأَةٌ مِنَّا يَدَهَا فَقَالَتْ: فَلَانَهُ أَسْعَدْتَنِي، وَأَنَا أُرِيدُ أَنْ أُجْزِيَهَا، فَلَمْ يَقُلْ شَيْئًا فَدَهَبَتْ ثُمَّ رَجَعَتْ»

«Биз Набий ﷺга байъат бердик. Бизга «мўминалар Аллоҳга бирон нарсани шерик қилмасинлар», оятини ўқиб бердилар

ва бизни ниёха (ўлиқлар устида дод солиб йиғлаш)дан қайтардилар. Шунда орамиздан бир аёл қўлини тортиб олиб: фалончи аёл менга йиғлашиб юборган эди, мен ҳам унга қайтаришим керак, деди. Пайғамбаримиз ﷺ ҳеч нарса демадилар. Ҳа аёл кетди сўнг қайтиб келди». Бухорий Абу Ҳурайрадан ривоят қилди: Росулulloҳ ﷺ дедилар:

«ثَلَاثَةٌ لَا يُكَلِّمُهُمُ اللَّهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ، وَلَا يُرَكِّبُهُمْ وَلَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ: رَجُلٌ عَلَى فَضْلِ مَاءٍ بِالطَّرِيقِ يَمْنَعُ مِنْهُ ابْنَ السَّبِيلِ، وَرَجُلٌ بَايَعَ إِمَامًا لَا يُبَايِعُهُ إِلَّا لِدُنْيَاهُ إِنْ أَعْطَاهُ مَا يُرِيدُ وَفَى لَهُ، وَإِلَّا لَمْ يَفْ لَهُ، وَرَجُلٌ بَايَعَ رَجُلًا بِسِلْعَةٍ بَعْدَ الْعَصْرِ فَخَلَفَ بِاللَّهِ لَقَدْ أُعْطِيَ بِهَا كَذًا وَكَذَا فَصَدَّقَهُ فَأَخَذَهَا وَلَمْ يُعْطَ بِهَا»

«Уч кимса борки, Аллоҳ қиёмат куни уларга сўзламайди, уларни покламайди ва уларга аламли азоб бўлади. Бири йўлдаги ортикча сув устида туриб олиб ундан йўловчи мусофирга бермаган кимса, иккинчиси имомга фақат дунёси учунгина байъат берган, истаганини берса унга вафо қилган, бермаса вафо қилмаган кимса, учинчиси бир кишига асрдан кейин бир молни сотиб, унга фалончага кирди деб Аллоҳ номига қасам ичган кимса. Сотиб олувчи унинг сўзига ишониб молни олиб кетади. Ваҳоланки мол унчага кирмаган». Бухорий Абдуллоҳ ибн Умардан – икковидан Аллоҳ рози бўлсин – ривоят қилди:

«كُنَّا إِذَا بَايَعْنَا رَسُولَ اللَّهِ ﷺ عَلَى السَّمْعِ وَالطَّاعَةِ يَقُولُ لَنَا فِيمَا اسْتَطَعْتُ»

«Биз Росулulloҳ ﷺ га қулоқ солиб, итоат этишга байъат берган пайтимизда «ўзингиз қодир бўлган нарсада» деган эдилар». Бухорий Жарир ибн Абдуллоҳдан ривоят қилди:

«بَايَعْتُ النَّبِيَّ ﷺ عَلَى السَّمْعِ وَالطَّاعَةِ فَلَقَّنِي فِيمَا اسْتَطَعْتُ، وَالتَّصْحِ لِكُلِّ مُسْلِمٍ»

«Мен Набий ﷺ га қулоқ солиб, итоат этишга байъат бердим. Пайғамбаримиз менга қўлимдан келганича (итоат этишни) ва ҳар бир мусулмонга насихат қилишни уқтирдилар».
Бухорий Жунода ибн Абу Умайядан ривоят қилди:

«دَخَلْنَا عَلَىٰ عُبَادَةَ بْنِ الصَّامِتِ وَهُوَ مَرِيضٌ قُلْنَا أَصْلَحَكَ اللَّهُ حَدَّثَ بِحَدِيثٍ يَنْفَعُكَ اللَّهُ بِهِ سَمِعْتَهُ مِنَ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: دَعَانَا النَّبِيُّ ﷺ فَبَايَعَنَا. فَقَالَ فِيمَا أَخَذَ عَلَيْنَا أَنْ بَايَعَنَا عَلَى السَّمْعِ وَالطَّاعَةِ فِي مَنْشَطِنَا وَمَكْرَهِنَا وَعُسْرِنَا وَيُسْرِنَا وَأَثَرَةٍ عَلَيْنَا وَأَنْ لَا نُنَازِعَ الْأَمْرَ أَهْلَهُ قَالَ: إِلَّا أَنْ تَرَوْا كُفْرًا بَوَاحًا عِنْدَكُمْ مِنَ اللَّهِ فِيهِ بُرْهَانٌ»

«Биз Убода ибн Сомитнинг олдига кирдик. У касал эди. Биз: Аллоҳ сизга шифо берсин, Набий ﷺ дан эшитган бирон ҳадисни айтиб беринг, Аллоҳ у сабабли сизга наф етказсин - дедик. У бундай деди: Набий ﷺ бизни даъват қилдилар. Биз у кишига байъат бердик. Биздан байъат олар экан, хурсандчиликда ҳам, хафачиликда ҳам, оғир кунларимизда ҳам, енгил кунларимизда ҳам қулоқ солиб, итоат этишга, ўзимиздан афзал кўришимизга, ишни эгасидан талашмаслигимизга байъат беришимизни айтиб: фақат агар очик куфрни кўрсангиз ва сизда бу ҳақда Аллоҳдан аниқ ҳужжат бўлса, (шундагина талашингиз мумкин), дедилар».

Демак халифага байъат мусулмонлар қўли билан берилади ва у уларнинг ҳақ-ҳуқуқидир. Байъат берадиган улардир. Улар берадиган байъат халифа номига халифалик битими тузилишига олиб келади. Байъат қўл олишиш билан ёки ёзма равишда бўлади. Масалан Абдуллоҳ ибн Динорнинг шундай дегани ривоят қилинган: «Мен Ибн Умарнинг одамлар Абдулмаликка байъат бергани тўпланишган пайтда «мен Абдуллоҳ Абдулмаликни Аллоҳ суннати ва Росули суннати асосидаги мўминлар амири деб билиб, унга қўлимдан келганича қулоқ солиб, итоат қилишга розиман» деб ёзганини кўрдим». Байъатнинг ҳар қандай восита билан бўлиши дуруст.

Лекин байъат бериш учун кишининг балоғатга етган бўлиши шарт. Кичик ёшдагилардан байъат олиш тўғри бўлмайди. Абу Уқайл Захра ибн Маъбад бобоси Абдуллоҳ ибн Ҳишомдан – у Набий ﷺни кўрган – ривоят қилишича, онаси Зайнаб бинт Ҳамид уни Росулulloҳ ﷺ хузурига олиб бориб: ё Росулulloҳ, ундан байъат олинг, деганида Набий ﷺ: «**У ҳали кичик экан**» деб, бошини силаб, ҳаққига дуо қилган эканлар. Бухорий ривоят қилган.

Байъатда айтиладиган лафзларга келсак, улар муайян лафзларга чеклаб қўйилмаган. Лекин байъатда халифанинг Аллоҳ Китоби ва Росулининг Суннатига амал қилиши лозимлиги ва байъат берувчининг оғир, енгил кунларда, хурсандчиликда ҳам, хафачиликда ҳам итоат этиши вожиблиги айтилиши керак. Қачон киши халифага байъат берса ёки бошқа мусулмонлар берган байъат билан халифа номига халифалик битими тузилса бу байъат уни берганнинг бўйнидаги омонатга айланиб, ундан қайтиши ҳалол бўлмайди. Чунки байъат халифалик битими деган эътиборда то уни бергунга қадар ҳақ-хуқукдир. Шунинг учун, байъат берган экан, демак унга амал қилишга мажбур. Ундан қайтиш жоиз бўлмайди. Бухорий Жобир ибн Абдуллоҳ ﷺдан ривоят қилади:

«أَنَّ أَعْرَابِيًّا بَاعَ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ عَلَى الْإِسْلَامِ فَأَصَابَهُ وَعْكٌ فَقَالَ: أَقْلِنِي بَيْعَتِي، فَأَبَى. ثُمَّ جَاءَ فَقَالَ: أَقْلِنِي بَيْعَتِي، فَأَبَى، فَخَرَجَ. فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: الْمَدِينَةُ كَالْكَبِيرِ تَنْفِي خَبَثَهَا وَيَنْصَعُ طَيْبَهَا»

«Бир аъробий Росулulloҳ ﷺга Ислом асосида байъат берди. Шундан кейин унга касаллик тегиб: мени байъатимдан озод қилинг, деди. Пайғамбаримиз ﷺ кўнмадилар. Сўнгра у яна келиб: мени байъатимдан озод қилинг, деди. Пайғамбаримиз ﷺ яна кўнмадилар. Шундан кейин у чиқиб кетди. Росулulloҳ ﷺ: «**Мадина темирчининг босқонига ўхшайди. Нопокини кетказди, покизасини янада сайқаллайди**», дедилар». Нофеъдан шундай дегани ривоят қилинган: менга Ибн Умар Росулulloҳ ﷺнинг шундай деганини эшитдим, деди:

«مَنْ خَلَعَ يَدًا مِنْ طَاعَةٍ لَقِيَ اللَّهَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ لَا حُجَّةَ لَهُ»

«Ким итоатдан бош тортса қиёмат куни Аллоҳга ҳужжати йўқ ҳолда йўлиқди». Муслим ривояти. Халифага берилган байъатни бузиш эса Аллоҳга итоат этишдан бош тортишдир. Лекин бу халифага берган байъати инъикод байъати бўлганида ёки мусулмонлар рози бўлиб байъат беришган халифага итоат байъати бўлганида бўлади. Аммо агар бошида халифага байъат берган бўлсаю сўнгра унга тўлиқ байъат берилмаган бўлса у ҳолда мусулмонларнинг ҳаммаси ҳам унинг халифа бўлишига рози бўлмади деган эътиборда ана шу байъатдан халос бўлиши мумкин. Чунки ҳадисда халифалик битими тўлиқ боғланмаган кишига берилган байъатдан эмас, халифага берилган байъатдан қайтишдан қайтарилган.

Халифа бўлиш шартлари

Халифада халифаликка лойиқ бўлиши ва унга инъиқод байъати берилиши учун еттига шарт тўлиқ топилиши зарур. Бу етти шарт инъиқод шартларидир. Улардан биронтаси етишмаса халифалик битими боғланмайди. Бу шартлар қуйидагилар:

Биринчиси: Мусулмон бўлиши керак. Чунки кофирнинг халифа бўлиши мутлақо дуруст бўлмайди ва унга итоат этиш вожиб бўлмайди. Чунки Аллоҳ Таоло бундай дейди:

وَلَنْ يَجْعَلَ اللَّهُ لِلْكَافِرِينَ عَلَى الْمُؤْمِنِينَ سَبِيلًا

«Ва Аллоҳ ҳаргиз кофирлар учун мўминлар устига йўл бермагай»
[Нисо: 141]

Ҳокимият эса ҳокимнинг фуқаро устида туриши учун энг кучли йўлдир. Бу оятнинг «хеч қачон» маъносини билдирувчи «لَنْ» ҳарфи билан ифодаланиши кофирнинг – хоҳ халифалик бўлсин, хоҳ куйироқ мансаб бўлсин – бошқаришидан қатъий қайтарилганига қаринадир.

Иккинчиси: Эркак бўлиши керак. Чунки аёлнинг халифа бўлиши жоиз эмас. Бунга далил Абу Бакрадан қилинган ушбу ривоятдир: «жамал» кунлари «жамал» асҳобига қўшилиб, улар билан биргаликда жанг қилишимга сал қолди. Лекин Аллоҳ мени Росулulloҳ ﷺ дан эшитган бир сўз билан фойдалантирди. Росулulloҳ ﷺ га форслар ўзларига Кисронинг қизини подшоҳ қилганлари ҳақидаги хабар етгач Пайғамбаримиз ﷺ:

«لَنْ يُفْلِحَ قَوْمٌ وَلَوْ أَمَرَهُمْ امْرَأَةٌ»

«Ўз ишларига аёлни бошчи қилган қавм ҳечам нажот топмайди», дедилар. Бухорий ривояти. Росулulloҳ ﷺ нинг аёлни ўзларининг ишларига бошчи қилган кишиларнинг нажот топмаслигини хабар бериши аёлни раҳбар қилиб олишдан қайтаришдир. Чунки у талаб сийғаларидан биридир. Бу хабар

қоралаш мазмунида келгани бундан қатъий қайтарилганига қаринадир. Демак бунда аёлни бошчи қилишдан қайтариш бундай қилмасликни қатъий талаб қилишга далолат қилувчи қарина билан бирга келган бўлади. Шунинг учун аёлни раҳбар қилиш ҳаром бўлди. Аёлни раҳбар қилиш деганда халифалик ва ундан қуйроқ ҳокимиятдан ҳисобланадиган мансаблар кўзда тутилади. Чунки юқоридаги ҳадис мавзуси Кисро қизини подшоҳ қилиб кўтаришганидир. Демак у Кисро қизининг подшоҳ қилиш ҳодисасигагина эмас, балки бошқарув мавзусига ҳам тегишлидир. Шунингдек у ҳар бир нарса ҳақида умумий эмас. Шунинг учун ҳукм мавзусидан бошқасини ҳеч бир жиҳатдан ўз ичига олмайди.

Учичиси: Балоғатга етган бўлиш керак. Ёш бола бўлиши жоиз эмас. Бунга далил Али ибн Абу Толиб رضي الله عنه ривоят қилган Росулulloҳ صلى الله عليه وسلمнинг ушбу сўзларидир:

«رُفِعَ الْقَلَمُ عَنْ ثَلَاثَةٍ عَنِ النَّائِمِ حَتَّى يَسْتَيْقِظَ، وَعَنِ الصَّبِيِّ حَتَّى يَكْبُرَ، وَعَنِ الْمَبْتَلَى حَتَّى يَعْقِلَ»

«Қалам уч кишидан кўтарилди: Ухлаб қолгандан то уйғонгунича, ёш боладан то катта бўлгунича, ақли кетгандан то ақли қайтгунича». Абу Довуд ривояти. Кимдан қалам кўтарилган бўлса унинг ўз ишини тасарруф қилиши дуруст эмас. Зеро у шаръан мукаллаф эмас. Демак халифа бўлиши ёки ундан қуйроқ ҳокимият мансабларини эгаллаши дуруст эмас. Чунки у тасарруф қила олмайди. Ёш боланинг халифа бўлиши жоиз эмаслигига яна бир далил Росулulloҳ صلى الله عليه وسلمнинг Абдуллоҳ ибн Ҳишомдан байъат олишни рад қилганлари ва буни «у ҳали кичик экан» деб иллатлаганларидир. Ёш боладан байъат олиш дуруст эмас экан демак унинг халифа бўлиши аллақачон жоиз эмас.

Тўртинчиси: Оқил бўлиши керак. Жиннининг халифа бўлиши дуруст эмас. Бунга далил Росулulloҳ صلى الله عليه وسلمнинг:

«رُفِعَ الْقَلَمُ عَنْ ثَلَاثَةٍ ... وَعَنِ الْمَبْتَلَى حَتَّى يَعْقِلَ»

«Қалам уч кишидан кўтарилди... ақли кетгандан то ақли қайтгунича», деган сўзларидир. Қалам кўтарилган киши мукаллаф бўлмайди. Чунки ақл таклиф ўрни ва тасарруфларнинг дуруст бўлиши шартидир. Халифа эса ҳокимият тасарруфларини юритади ва шаръий таклифларни амалга оширади. Шунинг учун унинг жинни бўлиши дуруст эмас.

Бешинчиси: Одил бўлиши керак. Фосиқ бўлиши дуруст бўлмайди. Зеро адолат халифалик битими боғланиши ва давом этиши учун лозим шартдир. Чунки Аллоҳ Таоло гувоҳнинг одил бўлишини шарт қилиб бундай деди.

وَأَشْهَدُوا ذَوِي عَدْلٍ مِّنكُمْ

«Ва (ярашиб олиб қолаётган ёки ажрашиб кетаётган чоғларингда) ўзларингиздан (яъни, мусулмонлардан) бўлган икки адолат соҳибини гувоҳ қилинглр» [Талок: 2]

Демак, гувоҳдан кўра улуғроқ бўлган халифанинг одил бўлиши аллақачон лозим бўлади. Чунки гувоҳнинг адолатли бўлиши шарт қилинган экан, демак халифанинг шундай бўлиши аллақачон шарт.

Олтинчиси: Хур бўлиши керак. Чунки қул хўжайинининг мулки бўлиб ўзича иш юритолмайди. Шундай экан бошқаларни аллақачон тасарруф қилолмайди. Демак одамларни бошқаролмайди.

Еттинчиси: Халифалик машаққатларини кўтаришга қодир бўлиши керак. Чунки байъат шуни тақозо қилади. Шунинг учун бу машаққатни кўтаришдан ожиз кимсанинг халифа бўлиши тўғри бўлмайди.

Мана шулар халифа номига халифалик битими боғланиши шартларидир. Бу етти шартдан бошқа ҳеч қайси шарт – гарчи саҳиҳ нусусда келиб, афзаллик шarti бўлиши мумкин бўлса-да ёки саҳиҳ насс билан собит бўлган ҳукм остига кирган бўлса-да – инъиқод шarti бўлишга ярамайди. Чунки инъиқод шarti бўлиши учун бундай шарт эканлигига қатъий талаб

мазмунидаги далил келган бўлиши зарур. Шунда бу далил лозимликка қарина бўлади. Қатъий талаб мазмунидаги далил келмаган бўлса шарт инъикод шарти эмас, афзаллик шарти бўлиб қолади. Инъикод шарти учун қатъий талаб мазмунидаги мана шу етти шарт келган, холос. Шунинг учун шу етти шартнинг ўзигина инъикод шартлари бўлди. Саҳиҳ далил келган қолган шартлар эса афзаллик шартидир. Шунга биноан масалан халифанинг мужтаҳид бўлиши шарт эмас. Чунки бу тўғрида бирон саҳиҳ насс келмаган. Чунки халифанинг қиладиган иши бошқарувдир. У бошқарув ҳақида сўраб билиши ва бирон мужтаҳидга таклид қилиб, шу таклиди бўйича ҳукмларни табанний қилиши мумкин бўлгани учун ижтиҳод қилишга эҳтиёж сезмайди. Шунинг учун мужтаҳид бўлиши зарур эмас. Лекин мужтаҳид бўлиши афзалдир. Агар бундай бўлмаса ҳам унинг номига халифалик битими боғланаверади. Шунингдек халифанинг шижоатли бўлиши ёки фуқарога сиёсат юргизишга ва манфаатларни татбиқ қилишга олиб келувчи раъй соҳибларидан бўлиши ҳам шарт эмас. Чунки бу тўғрида бирон саҳиҳ ҳадис келмаган ва буни инъикод шарти қилиб қўядиган бирон шаръий ҳукм остига ҳам кирмайди. Гарчи шижоатли, раъй ва ўткир фикр соҳиби бўлиши афзал бўлса ҳам, лекин шарт эмас. Шунингдек халифанинг Қурайшдан бўлиши ҳам шарт эмас. Аммо Муовиядан Росулulloҳ ﷺнинг:

«إِنَّ هَذَا الْأَمْرَ فِي قُرَيْشٍ لَا يُعَادِيهِمْ أَحَدٌ إِلَّا كَبَّهُ اللَّهُ عَلَىٰ وَجْهِهِ مَا أَقَامُوا الدِّينَ»

«Бу иш Қурайшда бўлади. Модомики улар динни қойим қилар экан бирон кимса уларга душманлик қиладиган бўлса Аллоҳ уни юз тубан қулатади», деганини эшитганлиги ҳақида Бухорий қилган ривоятга келсак, ҳамда Бухорий ва Муслим Ибн Умардан Росулulloҳ ﷺнинг:

«لَا يَزَالُ هَذَا الْأَمْرُ فِي قُرَيْشٍ مَا بَقِيَ مِنْهُمْ اثْنَانِ»

«Бу иш Қурайшда – модомики улардан икки киши қолса ҳам – давом этади», дегани ҳақида қилган ривоятга келсак, халифаликни Қурайшга хос қилиб қўйган бу ва булардан бошқа исноди саҳиҳ ҳадислар хабар бериш сийғасида

(мазмунида) келган бўлиб, улардан биронтаси амр сийғасида келмаган. Хабар бериш сийғаси эса – гарчи талабни ифодаласа-да, лекин – модомики таъкидга далолат қилувчи бирон қарина билан бирга келмаган бўлса қатъий талаб ҳисобланмайди. Бу саҳиҳ ривоятларнинг биронтаси таъкидга далолат қилувчи қарина билан бирга келмаган. Демак у вожибликка эмас, мандубликка далолат қилади. Демак Қурайшдан бўлиши инъиқод шарти эмас, афзаллик шарти бўлади. Аммо Пайғамбаримиз ﷺнинг шу ҳадисдаги **«Бирон кимса уларга душманлик қиладиган бўлса Аллоҳ уни юз тубан қулатади»**, деган сўзларига келсак, бу Пайғамбаримиз ﷺнинг: **«Бу иш Қурайшда бўлади»** деган сўзининг таъкиди эмас, балки уларга душманлик қилишдан қайтариш ҳақидаги бошқа бир маънодир. Демак ҳадисда иш уларда бўлиши кўрсатилди ва уларга душманлик қилишдан қайтарилди. Қолаверса «Қурайш» сўзи сифат эмас исмдир. Усул илми истилоҳида уни лақаб дейилади. Лақабнинг мафҳумига мутлақо амал қилинмайди. Чунки лақабнинг мафҳуми бўлмайди. Шунинг учун нассада Қурайшнинг кўрсатилгани халифалик Қурайшдан бошқада бўлмайди деган маънони англатмайди. Чунки Пайғамбар ﷺнинг: **«Бу иш Қурайшда бўлади»**, **«Бу иш Қурайшда давом этади»** деган сўзлари «бу ишнинг Қурайшдан бошқада бўлиши дуруст эмас» деган маънони англатмайди. Аксинча уларда ҳам, бошқаларда ҳам бўлиши дуруст бўлаверади. Демак нассада Қурайш кўрсатилгани халифалик бошқаларда бўлишига монелик қилмайди. Демак Қурайшдан бўлиши инъиқод шарти эмас, афзаллик шартидир.

Қолаверса Росулulloҳ ﷺ Абдуллоҳ ибн Равоҳани, Зайд ибн Ҳорисани ва Усома ибн Зайдни амир қилиб тайинлаганлар. Ваҳоланки уларнинг ҳаммаси Қурайшдан эмас, бошқа қабиладан эди. Демак Росулulloҳ ﷺ Қурайшдан бошқани амир қилиб тайинлаган бўлади. «Бу иш» сўзи ҳокимиятни англатади. У фақат халифаликнинг ўзигагина нисбатан ишлатиладиган сўз эмас. Демак Росулulloҳ ﷺнинг бошқарувга Қурайшдан бошқасини тайинлаганлиги бошқарув Қурайшнинг ўзигагина чекланмаганига ва бошқалар бундан ман қилинмаганига далилдир. Бухорий ривоят қилишича, Росулulloҳ ﷺ шундай деди:

«إِسْمَعُوا وَأَطِيعُوا وَإِنِ اسْتَعْمِلَ عَلَيْكُمْ عَبْدٌ حَبَشِيٌّ كَانَ رَأْسَهُ زَيْبَةً»

«Устингизга боши майиздек бўлган бир хабаш кул амир қилиб тайинланса ҳам кулоқ солиб итоат қилинглр». Муслим Абу Заррдан шундай деганини ривоят қилди:

«أَوْصَانِي خَلِيلِي ﷺ أَنْ أَسْمَعَ وَأُطِيعَ وَإِنِ كَانَ عَبْدًا مُجَدَّعَ الْأَطْرَافِ»

«Халилим ﷺ менга гарчи (амир) ногирон кул бўлса ҳам кулоқ солиб, итоат этишимни буюрди». Бошқа бир ривоятда:

«إِنَّ أَمْرَ عَلَيْكُمْ عَبْدٌ مُجَدَّعٌ أَسْوَدٌ يَقُودُكُمْ بِكِتَابِ اللَّهِ فَاسْمَعُوا لَهُ وَأَطِيعُوا»

«Устингизга бир қора ногирон кул амир қилиб тайинланса ҳам – модомики у сизларни Аллоҳнинг Китоби билан бошқарар экан – унга кулоқ солиб итоат этинглр» дейилган. Бу ҳадисларда мусулмонларни бир қора кул бошқариши ҳам жоизлиги айтилмоқда. Бу эса халифаликни ёки амирликни Қурайшдан бошқа, балки араблардан бошқа одамлар ҳам бошқариши жоизлигига очиқ далолат қилади. Демак юқоридаги ҳадисларда халифаликни баъзи одамларгагина чеклаб қўйиш ва улардан бошқаларга халифалик битими боғланмаслиги эмас, балки баъзиларнинг афзаллигини кўрсатиш учун уларнинг халифаликка лойиқ эканлиги айтилган бўлади, холос.

Шунингдек халифанинг хошимий ёки алавий бўлиши ҳам шарт эмас. Бунинг исботи Набий ﷺ бошқарувга Бани Ҳошим ва Бани Алидан бошқаларни тайинлаганидир. Пайғамбаримиз ﷺ Табукка чиққанларида Мадинага Муҳаммад ибн Масламани бошчи қилиб қолдирдилар. Ваҳоланки у хошимий ҳам, алавий ҳам эмас эди. Пайғамбаримиз ﷺ Яманга Муоз ибн Жабал ва Амр ибн Осни бошчи қилдилар. Ваҳоланки иккови ҳам хошимий ҳам, алавий ҳам эмас эди. Мусулмонларнинг Абу Бакр, Умар, Усмонга байъат берганлари ва Али ﷺнинг уларнинг ҳар бирига байъат берганлари қатъий далил билан собит бўлган. Ваҳоланки улар Бани Ҳошимдан эмас эди. Саҳобаларнинг ҳаммаси уларга байъат берилишига сукут

қилганлар. Улардан биронтаси – улар ҳошимий ёки алавий бўлмаганлари учун – бунга қарши чиққанлиги ривоят қилинмаган. Демак бу саҳобалар томонидан, жумладан Али, Ибн Аббос ва бошқа ҳошимийлар томонидан халифа ҳошимий ва алавийдан бошқа бўлиши жоизлигига қилинган ижмо бўлди. Аммо саййидимиз Али رضي الله عنهнинг фазли ва оли байтнинг фазли ҳақида келган ҳадисларга келсак, улар халифалик битими боғланиши учун халифа улардан бўлиши шарт эканлигига эмас, балки уларнинг фазлига далолат қилади.

Шундан аён бўладики, халифалик битими боғланиши учун юқоридаги етти шартдан бошқа яна қандайдир шарт борлиги ҳақида ҳеч қандай далил йўқ. Бу етти шартдан бошқаси – у ҳақда келган нассларнинг ҳаммасини саҳиҳ деб фараз қилинган тақдирда ҳам ёки саҳиҳ нусус келган ҳукм остига кирган бўлса ҳам – инъиқод шарти эмас, афзаллик шарти бўлиши мумкин. Шаръан талаб қилинган шарт эса инъиқод шартидир. Ундан бошқаси мусулмонларга бирон киши халифаликка номзод кўрсатилган пайтда афзалроғини танлашлари учун айтилади. Лекин мусулмонлар танлаган ҳар қандай шахсда фақат инъиқод шартларигина тўла топилса – бундан бошқаси гарчи топилмаса ҳам – унинг номига халифалик битими боғланаверади.

Халифаликка талабгор бўлиш

Халифаликка талабгор бўлиш ва бу борада ўзаро рақобатлашиш ҳамма мусулмонларга жоиз бўлиб, макруҳ эмас. Халифа бўлиш учун ўзаро рақобатлашишдан қайтарувчи ҳеч қандай насс келмаган. Мусулмонларнинг Бани Соида гузарида халифаликка талабгор бўлиб ўзаро рақобатлашганлари собит бўлган. Ваҳоланки ўшанда Росулulloҳ ﷺнинг муборак жасадлари тўшакларида ўраб қўйилган бўлиб, ҳали дафн қилинмаган эди. Шунингдек шўро аҳли бўлган олти улуг саҳобанинг – Аллоҳ улардан рози бўлсин – халифа бўлиш учун ўзаро рақобатлашганлари ҳам собит бўлган. Бу ҳамма саҳобаларнинг кўз ўнгидан рўй берган. Улардан ҳеч ким бунга қарши чиқмаган ва бу ўзаро рақобатлашувни маъқуллаганлар. Бу эса халифа бўлиш учун ўзаро рақобатлашиш жоизлигига, унга талабгор бўлиб, ҳаракат қилиш, унга эришиш учун раъйга раъй билан, ҳужжатга ҳужжат билан қарши туриб ўзаро курашиш жоизлигига саҳобалар ижмо қилганига далолат қилади. Аммо ҳадисларда амирликка талабгор бўлишдан қайтарилганига келсак, у Абу Зарр каби амирликка лаёқати бўлмаган заиф кишиларни қайтаришдир. Аммо амирликка ярайдиган кишиларнинг унга талабгор бўлишлари жоиз. Бани Соида гузари ҳодисаси ва шўро аҳли бўлган олти саҳоба ҳодисасидаги ижмо бунга далилдир. Демак ворид бўлган ҳадислардаги қайтарув амирлик ёки халифаликка ярамайдиган кишиларга тегишлидир. Аммо ярайдиган кишиларнинг унга талабгор бўлишлари жоиздир. Росулulloҳ ﷺнинг амирликка талабгор бўлишдан қайтарганларини, сўнгра унга талабгор бўлиш, унинг учун ўзаро рақобатлашиш ижмо билан дуруст бўлганини шундоқ тушуниш керакки, бу қайтариш мутлак қайтариш эмас, балки амирликка ярамайдиган, унга лаёқати бўлмаган кишиларни талабгор бўлишдан қайтаришдир.

Халифаликнинг битта бўлиши

Дунёда фақат битта халифа бўлиши лозим. Бунга далил куйидагилардир. Абдуллох ибн Амр ибн Оссдан Росулуллох ﷺнинг шундай деганлари ривоят қилинган:

«وَمَنْ بَايَعَ إِمَامًا فَأَعْطَاهُ صَفَقَةً يَدِهِ وَتَمْرَةَ قَلْبِهِ فَلْيُطِعْهُ إِنْ اسْتَطَاعَ، فَإِنْ جَاءَ آخَرُ يَنَازِعُهُ فَاضْرِبُوا عُنُقَ الْآخَرِ»

«Кимки битта имом билан байъатлашиб унга қўлини ва қалби қўрини берса қўлидан келганича унга итоат қилсин. Энди агар бошқа биров келиб у билан имомликни талашса, унинг бўйнига уринглар». Муслим ривояти. Муслим яна Абу Саид Худрийдан Росулуллох ﷺнинг шундай деганларини ҳам ривоят қилган:

«إِذَا بُوِيعَ لِخَلِيفَتَيْنِ فَأَقْتُلُوا الْآخَرَ مِنْهُمَا»

«Аган икки халифага байъат берилса, улардан иккинчисини ўлдириглар». Муслим Арфажадан ривоят қилди: Мен Росулуллох ﷺнинг шундай деганларини эшитдим:

«مَنْ أَتَاكُمْ وَأَمْرُكُمْ جَمِيعٌ عَلَى رَجُلٍ وَاحِدٍ يُرِيدُ أَنْ يَشُقَّ عَصَاكُمْ، أَوْ يُفَرِّقَ جَمَاعَتَكُمْ فَأَقْتُلُوهُ»

«Кимки ишингиз битта кишида жамланиб турган пайтда келиб бирлигингизни бузмокчи ёки жамоатингизни бўлмокчи бўлса уни ўлдириглар». Муслим Абу Ҳозимдан ривоят қилди: Мен Абу Ҳурайра билан беш йил ҳамсухбат бўлдим. Ундан Набий ﷺнинг шундай деганларини эшитдим:

«كَانَتْ بَنُو إِسْرَائِيلَ تَسُوسُهُمُ الْأَنْبِيَاءُ، كُلَّمَا هَلَكَ نَبِيٌّ خَلَفَهُ نَبِيٌّ، وَإِنَّهُ لَا نَبِيَّ بَعْدِي، وَسَتَكُونُ خَلْفَهُ فِتْنَةٌ، قَالُوا: فَمَا تَأْمُرُنَا؟ قَالَ: فُوا بِبَيْعَةِ الْأَوَّلِ فَالْأَوَّلِ وَأَعْطُوهُمْ حَقَّهُمْ فَإِنَّ اللَّهَ سَائِلُهُمْ عَمَّا اسْتَرَعَاهُمْ»

«Бани Исроилга пайғамбарлар сиёсат юргизарди. Қачон бир пайғамбар ҳалок бўлса, ортидан бошқа бир пайғамбар келарди. Мендан кейин эса пайғамбар йўқ. Халифалар бўлади ва улар кўпайиб кетади. Шунда: бизга нимани буюрасиз? – дейишган эди, айтдиларки: **биринчисининг, фақатгина биринчисининг байъатига вафо қилинглари ва уларнинг ҳақларини беринглари, зеро Аллоҳ улардан фуқарони қандай бошқараганлари ҳақида сўрайди**». Шунинг учун агар бир вақтнинг ўзида икки юртда икки халифага халифалик битими тузилган бўлса, иккаласига ҳам битим боғланмаган бўлади. Чунки мусулмонлар учун икки халифанинг бўлиши асло жоиз эмас. Бунда иккаласидан ким олдинроқ бўлган бўлса ўшанга байъат берилади, дейилмайди. Чунки масала ким олдинроқ халифа бўлиши эмас, балки халифани тиклашдир. Халифалик халифанинг ҳақки эмас, ҳамма мусулмонлар ҳақ-ҳуқуқидир. Демак мусулмонлар иккита халифани тиклаб қўйишадиган бўлса, бунда иш иккинчи марта яна мусулмонларга ҳавола қилинади. Икки халифа ўртасида қуръа ташланади, дейилмайди. Чунки халифалик битимдир. Қуръа эса битимлар сирасига кирмайди. Росулulloҳ ﷺ: «**Биринчисининг, фақатгина биринчисининг байъатига вафо қилинглари**», деганлар деб далил келтириш ҳам тўғри бўлмайди. Чунки бу битта халифа бўлиб туриб, бир неча халифаларга байъат берилганида бўлади. Бунда байъат биринчисига бўлади, ундан кейин келганига эса байъат берилмайди. Бу ерда гап шуки, аҳли ҳал ва ақд (нуфузли кишилар)нинг кўпчилиги бир вақтнинг ўзида икки халифага байъат берганлари ва иккаласининг ҳар бирига берилган байъат шаръан бўлганлиги сабабли халифалик битими икки халифага тузилиб қолган бўлса, бундай ҳолатда иккала битим ҳам бекор қилинади ва яна мусулмонларга мурожаат қилишга тўғри келади. Мусулмонлар иккаласидан бирига байъат беришса унинг номига битим тузилган бўлади. Унинг биринчи ҳолатини мустаҳкамлаш учун эмас, балки унга янгидан байъат

бериш учун битим тузилган бўлади. Мабодо мусулмонлар иккаласидан бошқаси номига халифалик битимини тузишса, бунда ҳам битим тузилган бўлади. Демак иш халифалик учун ўзаро мусобақалашадиган шахсларга эмас, балки ҳамма мусулмонлар ихтиёрига ҳавола қилинади. Агар икки халифага байъат берилган пайтда бошқарув ва халифалик ишлари борасида нуфузи бор кишилар бўлмиш аҳли ҳал ва ақднинг кўпчилиги биттасига тарафдор бўлиб, унга байъат беришган бўлса, озчилик эса иккинчисига тарафдор бўлса, бунда байъат аҳли ҳал ва ақднинг кўпчилиги байъат берган кишига бўлади. Бу кишининг биринчи бўлиб ёки иккинчи ё учинчи бўлиб байъат берилган киши бўлишининг фарқи йўқ. Чунки у аҳли ҳал ва ақднинг кўпчилиги берган байъат билан шаръан халифа деб эътибор қилинади. Ундан бошқаси Халифаликнинг бир бутунлигини сақлаб қолиш учун унга байъат бериши вожиб. Акс ҳолда мусулмонлар уни ўлдирадилар. Чунки халифалик битими кўпчилик мусулмонлар берган байъат билан тузилади. Шунинг учун агар мусулмонлардан бир киши номига битим тузилса у халифа бўлиб қолади, ундан бошқага байъат бериш харом бўлади ва унга итоат қилиш ҳаммага вожиб бўлади.

Лекин бошқарув воқелиги шундан иборатки, бошқарув ишлари кўлида бўлган аҳли ҳал ва ақднинг кўпчилиги одатда пойтахтда бўладилар. Чунки ҳокимиятнинг юқори даражадаги ишларини юритиш одатда пойтахтда кечади. Шунинг учун агар пойтахт аҳли, яъни у ердаги аҳли ҳал ва ақд битта халифага байъат беришган бўлса, бир регион ёки бир неча регион аҳли эса бошқа бир халифага байъат беришса, бундай ҳолатда агар пойтахтда байъат олдинроқ берилган бўлса халифалик ўша кишининг ҳаққи бўлади. Чунки пойтахтдаги кишига берилган байъат аҳли ҳал ва ақднинг кўпчилиги унинг тарафида эканлигига далолат қилувчи қарина (далил, белги)дир. Бу ҳолатда байъат пойтахтдаги кишига берилади. Аммо агар ундан олдин регионлардаги кишига байъат берилган бўлса бу ҳолатда аҳли ҳал ва ақднинг кўпроқ ким томонида эканлиги аниқланади. Чунки регионлардагиларнинг байъатни олдинроқ беришгани пойтахтнинг кўпчилик унда эканига қарина эканлигини заифлаштириб кўяди. Қандай бўлмасин фақат битта халифа қолиши керак. Гарчи бу нарса халифалик битими боғланмаган кишига қарши уруш қилишга олиб келса ҳам.

Ўз ўрнига халифа қилиб қолдириш ёки валиаҳдлик

Халифалик битими ўз ўрнига халифа қилиб қолдириш ёки валиаҳдлик билан тузилмайди. Чунки у мусулмонлар билан халифа ўртасидаги битимдир. Унинг тузилиши учун мусулмонлар томонидан байъат берилиши ва улар байъат берган шахс буни қабул қилиши шарт. Ўз ўрнига халифа қилиб қолдириш ёки валиаҳдликда эса бу нарса ҳосил бўлмайди. Демак у билан халифалик битими тузилган бўлмайди. Шунга кўра демак бир халифа ўз ўрнига бошқа бировни халифа қилиб қолдиришида халифалик битими ҳосил бўлмайди. Чунки халифа бу битимни тузиш ҳуқуқига эга эмас. Чунки халифалик халифанинг эмас, мусулмонларнинг ҳаққидир. Демак мусулмонлар ўзлари хоҳлаган киши номига бу битимни тузадилар. Демак халифа ўз ўрнига бошқани халифа қилиб қолдириши ёки валиаҳд қилиши дуруст эмас. Чунки бу ўзи эга бўлмаган нарсани беришдир. Ўзи эга бўлмаган нарсани бериш эса шаръан жоиз эмас. Демак халифанинг бошқани халифа қилиб қолдириши – бу бошқаси ўзининг ўғли бўладими ёки яқин ё узоқ қариндоши бўладими, бунинг фарқи йўқ – жоиз бўлмайди ва халифалик битими унинг номига мутлақо тузилган бўлмайди. Чунки бу битим уни тузиш ҳуқуқига эга бўлган кишилар томонидан тузилган бўлмайди. Демак у дуруст бўлмайдиган, кераксиз битимдир.

Аммо «Абу Бакр Умарни ўз ўрнига халифа қилиб қолдиргани, Умар эса олти кишини қолдиргани, саҳобаларнинг эса бунга сукут қилиб қарши чиқишмагани ривоят қилинган, демак саҳобаларнинг бунга сукут қилганлари ижмоъ бўлди», деган гапга келсак, бу халифа қилиб қолдиришнинг, яъни валиаҳд қилишнинг жоизлигига далолат қилмайди. Чунки Абу Бакр биронтасини халифа қилиб қолдирмади, балки мусулмонларга ким халифа бўлиши ҳақида аҳли ҳал ва ақд билан маслаҳатлашди, сўнгра Али билан Умар номзодини кўрсатди. Шундан сўнг аҳли ҳал ва ақд Абу Бакр ҳаётлик чоғида уч ой орасида кўпчилик овоз билан Умар номзодини танлашди. Абу Бакр вафотидан кейин одамлар келиб Умарга байъат беришди. Ўшанда халифалик битими Умар номига

тузилди. Аммо байъат берилишидан олдин Умар на Абу Бакрнинг номзод кўрсатиши билан ва на мусулмонларнинг уни танлаши билан халифа бўлгани йўқ ва унинг номига халифалик битими тузилгани йўқ. Аксинча мусулмонлар унга байъат берганларидан кейингина битим тузилди ва Умар халифаликни қабул қилиб олди. Энди Умар олти кишини валиаҳд қилган, деган гапга келсак, Умар уларни мусулмонлар талабига биноан ўз томонидан номзод қилиб кўрсатган. Шундан сўнг Абдурраҳмон ибн Авф ким халифа бўлиши ҳақида мусулмонлар билан маслаҳатлашгач кўпчилик мусулмонлар агар Али Абу Бакр ва Умардек иш тутиш доирасидан чиқмаса уни, акс ҳолда Усмонни сайлайдиган бўлишди. Али Абу Бакр ва Умарнинг иш тутиши доирасидан чиқмасликни рад қилгач Абдурраҳмон Усмонга байъат берди ва одамлар ҳам унга байъат бердилар. Демак халифалик битими Усмон номига Умарнинг номзод кўрсатиши билан ҳам ва одамларнинг танлаши билан ҳам эмас, балки одамларнинг унга байъат беришлари билан тузилди. Шунинг учун агар одамлар Усмонга байъат бермаганларида ва Усмон буни қабул қилмаганида эди, халифалик битими тузилмаган бўларди. Шунга кўра демак мусулмонларнинг халифага байъат беришлари шарт. Шунинг учун халифаликнинг валиаҳдлик ёки халифа қилиб қолдириш орқали бўлиши жоиз бўлмайди. Чунки халифалик вилоят ақди (битими) бўлиб, битимларга тўғри келган нарса унга ҳам тўғри келади.

Халифани тиклаш тариқати

Шариат Умматга ўзига бир халифани тиклашни вожиб қилар экан халифани тиклаш тариқатини ҳам аниқ кўрсатиб берди. Бу тариқат Китоб, Суннат ва саҳобалар ижмоси билан собит бўлган. Бу тариқат байъатдир. Демак халифа мусулмонларнинг унга Аллоҳнинг Китоби ва Росулининг Суннати асосида байъат беришлари билан тикланади. Бу тариқатнинг байъат эканига келсак, у мусулмонларнинг Росулulloҳ ﷺга байъат беришлари орқали ва Пайғамбаримиз ﷺнинг имомга байъат беришни бизга амр қилишлари орқали собит бўлган. Мусулмонларнинг Росулulloҳ ﷺга берган байъатлари пайғамбарлик борасида берилган байъат бўлмаган, балки бошқарув борасида берилган байъат бўлган. Чунки у тасдиқлаш борасидаги байъат эмас, балки амал борасидаги байъат эди. Пайғамбаримиз ﷺга у кишини набий ва росул деган эътиборда эмас, балки ҳоким деган эътиборда байъат берилган. Чунки набийлик ва росулликни тасдиқлаб тан олиш байъат эмас, имондир. Демак Пайғамбаримиз ﷺга байъат у кишини давлат бошлиғи деган эътиборда берилган бўлиб, бундан бошқа эътиборга ўрин қолмади. Байъат Қуръон ва ҳадисда ворид бўлган. Аллоҳ Таоло деди:

يَا أَيُّهَا النَّبِيُّ إِذَا جَاءَكَ الْمُؤْمِنَاتُ يُبَايِعْنَكَ عَلَىٰ أَنْ لَّا يُشْرِكْنَ بِاللَّهِ شَيْئًا وَلَا يَسْرِفْنَ وَلَا يَزْنِينَ وَلَا يَقْتُلْنَ أَوْلَادَهُنَّ وَلَا يَأْتِينَ بِنِهَائِنَ يَقْتَرِبْنَهُ بَيْنَ أَيْدِيهِنَّ وَأَرْجُلِهِنَّ وَلَا يَعْصِيَنَّكَ فِي مَعْرُوفٍ قَبَائِعُهُنَّ

«Эй пайғамбар, қачон сизнинг олдингизга мўминалар келишиб, сизга ўзларининг Аллоҳга бирон нарсани шерик қилмасликларига, ўғирлик қилмасликларига, зино қилмасликларига, ўз болаларини ўлдирмасликларига, ва қўл-оёқлари ўртасида тўқиб оладиган бўҳтонни қилмасликларига (яъни фарзандсизлик сабабли ўз эрларидан ажралиб қолмаслик учун бирон ташландиқ болани топиб, гўё у қўл-оёқлари ўртасидан чиққандек, яъни ўзлари туққандек эрларига «Мана шу бола сендан бўлди», деб бўҳтон қилмасликка) ҳамда бирон яхши ишда сизга итоатсизлик қилмасликларига байъат берсалар, сиз уларнинг байъатларини қабул қилинг»

[Мумтаҳина 12]

Аллоҳ Таоло яна деди:

إِنَّ الَّذِينَ يُبَايِعُونَكَ إِنَّمَا يُبَايِعُونَ اللَّهَ يَدُ اللَّهِ فَوْقَ أَيْدِيهِمْ

«(Эй Мухаммад), дарҳақиқат сизга байъат қиладиган зотлар ҳеч шак-шубҳасиз Аллоҳга байъат қилурлар. Аллоҳнинг қўли уларнинг қўллари устида бўлур» [Фатх 10]

Бухорий Убода ибн Сомитдан шундай деганини ривоят қилди:

«بَايَعْنَا رَسُولَ اللَّهِ ﷺ عَلَى السَّمْعِ وَالطَّاعَةِ فِي الْمَنْشَطِ وَالْمَكْرَهِ وَأَنْ لَا تَنْزَاعَ الْأَمْرَ أَهْلَهُ وَأَنْ نَقُومَ أَوْ نَقُولَ بِالْحَقِّ حَيْثُمَا كُنَّا لَا نَخَافُ فِي اللَّهِ لَوْمَةً لَائِمًا»

«Биз Росулulloҳ ﷺ га хурсандчиликда ҳам, хафачиликда ҳам кулоқ солиб, итоат этишга, бошлиқликни эгасидан талашмасликка, қаерда бўлмайлик ҳақ ишни қилиш ва ҳақ сўзни айтишга, Аллоҳ йўлида ҳеч бир маломатчининг маломатидан қўркмасликка байъат бердик». Бухорий яна ривоят қилиб шундай деди: Бизга Али ибн Абдуллоҳ, бизга Абдуллоҳ ибн Язид, бизга Саид ибн Абу Айюб ҳадис ривоят қилиб шундай деди: Менга Абу Уқайл Заҳра ибн Маъбад бобоси Абдуллоҳ ибн Ҳишомдан ҳадис ривоят қилди. Унинг бобоси Набий ﷺ ни кўрган эди. Уни (бобосини) онаси Зайнаб бинт Ҳамид Росулulloҳ ﷺ нинг хузурига олиб бориб: Ё Росулulloҳ ундан байъат олинг, деганида Набий ﷺ «У ҳали кичик экан», деб бошини силаб, унинг ҳаққига дуо қилган эди. Бухорий яна ривоят қилиб деди: Бизга Абдон Абу Ҳамзадан, у Аъмашдан, у Абу Солиҳдан, у Абу Ҳурайрадан ҳадис ривоят қилиб деди: Росулulloҳ ﷺ дедилар:

«ثَلَاثَةٌ لَا يُكَلِّمُهُمُ اللَّهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ، وَلَا يُزَكِّيهِمْ وَلَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ: رَجُلٌ عَلَى فَضْلِ مَاءٍ بِالطَّرِيقِ يَمْنَعُ مِنْهُ ابْنَ السَّبِيلِ، وَرَجُلٌ بَايَعَ إِمَامًا لَا يُبَايِعُهُ إِلَّا لِدُنْيَاهُ إِنْ أَعْطَاهُ مَا يُرِيدُ وَفَى لَهُ، وَإِلَّا لَمْ يَفِ لَهُ، وَرَجُلٌ يُبَايِعُ رَجُلًا بِسِلْعَةٍ بَعْدَ الْعَصْرِ فَحَلَفَ بِاللَّهِ لَقَدْ أُعْطِيَ بِهَا كَذَا وَكَذَا فَصَدَّقَهُ فَأَخَذَهَا وَلَمْ يُعْطَ بِهَا»

«Уч кимса борки, Аллоҳ қиёмат куни уларга сўзламайди, уларни покламайди ва уларга аламли азоб бўлади. Бири йўлдаги ортиқча сув устида туриб олиб ундан йўловчи мусофирга бермаган кимса, иккинчиси бир имомга фақат дунёси учунгина байъат берган, истаганини берса унга вафо қилган, бермаса вафо қилмаган кимса, учинчиси бир кишига асрдан кейин бир молни сотиб, унга фалончага кирди деб Аллоҳ номига қасам ичган кимса. Сотиб олувчи унинг сўзига ишониб молни олиб кетади. Ваҳоланки мол унчага кирмаган». Бу уч ҳадисда байъат халифани тиклаш тариқати эканлиги очиқ кўриниб турибди. Чунки Убода ривоят қилган ҳадисда унинг Росулulloҳ ﷺ га қулоқ солиб итоат этишга байъат берганлиги айтилди. Бу байъат эса ҳокимга берилади. Абдуллоҳ ибн Ҳишом ривоят қилган ҳадисда у балоғатга етмагани учун Пайғамбаримиз ﷺ ундан байъат олишдан бош тортганлари айтилди. Бу эса байъатнинг бошқарув байъати эканига далолат қилади. Абу Хурайра ҳадисда эса имомга байъат берилиши очиқ айтилди. Унда имом сўзи накра келди. Яъни ҳар қайси имом демакдир. Бу ерда имомга байъат берилиши кўрсатилган бошқа ҳадислар ҳам бор. Масалан саҳиҳи Муслимда Набий ﷺ нинг Абдуллоҳ ибн Амр орқали ривоят қилинган қуйидаги сўзлари бор:

□

«وَمَنْ بَايَعَ إِمَامًا فَأَعْطَاهُ صَفْقَةً يَدِهِ وَثَمَرَةَ قَلْبِهِ فَلْيُطِعْهُ إِنْ اسْتَطَاعَ، فَإِنْ جَاءَ آخِرُ يَنْزَعُهُ فَاضْرِبُوا عُنُقَ الْآخِرِ»

«Кимки битта имом билан байъатлашиб унга қўлини ва қалби қўрини берса қўлидан келганича унга итоат қилсин. Энди агар бошқа биров келиб у билан имомликни талашса, унинг бўйнига уринглар». Муслим Абу Саид Худрийнинг шундай деганини ривоят қилди: Росулulloҳ ﷺ дедилар:

□

«إِذَا بُوعَ لِخَلِيفَتَيْنِ فَاقْتُلُوا الْآخَرَ مِنْهُمَا»

«Агар икки халифага байъат берилса улардан иккинчисини ўлдилинглар». Муслим Абу Ҳозимнинг шундай деганини ҳам

ривоят қилди: Мен Абу Ҳурайра билан беш йил ҳамсухбат бўлдим. Ундан Набий ﷺнинг шундай деганларини эшитдим:

□

«كَانَتْ بَنُو إِسْرَائِيلَ تَسُوسُهُمُ الْأَنْبِيَاءُ، كُلَّمَا هَلَكَ نَبِيٌّ خَلَفَهُ نَبِيٌّ، وَإِنَّهُ لَا نَبِيَّ بَعْدِي، وَسَتَكُونُ خَلَفَاءُ فَتَكْتُمُوا، قَالُوا: فَمَا تَأْمُرُنَا؟ قَالَ: فُوا بِبَيْعَةِ الْأَوَّلِ فَالْأَوَّلِ»

«Бани Исроилга пайғамбарлар сиёсат юргизарди. Қачон бир пайғамбар ҳалок бўлса, ортидан бошқа бир пайғамбар келарди. Мендан кейин эса пайғамбар йўқ. Халифалар бўлади ва улар кўпайиб кетади. Шунда: бизга нимани буюрасиз? - дейишган эди, айтдиларки: биринчисининг, фақатгина биринчисининг байъатига вафо қилинглр». Демак Китоб ва Суннатдан олинган бу нусусларда халифани тиклаш тариқати байъат эканлиги очиқ кўриниб турибди. Буни ҳамма саҳобалар тушунишган ва шу асосда йўл тутишган. Шунинг учун Абу Бакрга Бани Соида гузарида хос байъат, масжидда эса умумий байъат берилди. Шундан сўнг масжидда байъат бермаган кишилар ва Али ибн Абу Толиб رضي الله عنه каби байъати муҳим бўлган кишилар ҳам унга байъат бердилар. Умарга ҳам, Усмонга ҳам, Алига ҳам мусулмонлар томонидан байъат берилди. Демак байъат мусулмонлар халифасини тиклашнинг бирдан бир тариқатидир.

Энди бу байъатни беришнинг амалий тафсилотларига тўхталадиган бўлсак, бу тафсилотлар Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم вафотларидан кейинок халифа бўлган тўрт халифа: Абу Бакр, Умар, Усмон, Алининг – улардан Аллоҳ рози бўлсин – халифа бўлиб тикланишларида шундоқ кўриниб турибди. Ҳамма саҳобалар бу тафсилотларни индамай маъқуллашган. Агар бу тафсилотлар шариатга хилоф бўлганида саҳобалар уларни инкор қилган бўлардилар. Чунки бу тафсилотлар мусулмонларнинг вужуди ва Исломдаги бошқарувнинг сақланиб қолиши боғлиқ бўлган энг муҳим нарсага тааллуқлидир. Мана шу халифаларнинг тикланишида юз берган нарсаларни кузатган киши айрим мусулмонларнинг Бани Соида гузарида талашиб-тортишганларига гувоҳ бўлади. Ўшанда номзодлар Саъд, Абу Убайда, Умар ва Абу Бакр эди. Улардан бошқа номзод йўқ эди. Тортишувлар натижасида Абу

Бакрга инъиқод байъати берилиб, у мусулмонлар халифасига айланди. Эртаси куни мусулмонлар масжидга таклиф қилиниб, улар итоат байъати бердилар. Абу Бакр касал бўлиб вафоти яқинлашганини сезгач аҳли ҳал ва ақдни таклиф қилиб улар билан мусулмонларга ким халифа бўлиши ҳақида маслаҳатлашди. Бу маслаҳатларда Али ва Умар ҳақида фикрлашув бўлди. Бу маслаҳатлашувлар уч ой давом этди. Абу Бакр маслаҳатлашувларни тамомлаб аҳли ҳал ва ақд раъйини билгач уларга ўзидан кейин Умар халифа эканини эълон қилди. Абу Бакр вафот этиши билан оқ мусулмонлар масжидга йиғилиб Умарга халифалик байъатини бердилар. Демак Умар маслаҳатлашувлар ва Абу Бакрнинг эълон қилиши билан эмас, балки мана шу байъат билан мусулмонлар халифасига айланди. Умарга ханжар санчилик жароҳатлангач мусулмонлар ундан ўз ўрнига халифа қолдиришни талаб қилдилар. Умар бундан бош тортди. Мусулмонлар ундан буни қаттиқ туриб талаб қилдилар. Шундан сўнг Умар бу ишни олти кишига топширди. Умар вафотидан кейин номзодлар ўзларидан бирини, яъни Абдурраҳмон ибн Авфни вакил қилдилар. Абдурраҳмон ибн Авф мусулмонлар раъйини билиш учун уларга мурожаат қилди ва улар билан маслаҳатлашди. Шундан сўнг Усмонга байъат берилишини эълон қилди. Шундан кейин мусулмонлар туриб Усмонга байъат бердилар. Демак Усмон Умарнинг халифа қилиб қолдириши билан ҳам ва Абдурраҳмоннинг эълон қилиши билан ҳам эмас, балки мусулмонлар берган байъат билан халифа бўлди. Усмон ўлдирилгач Мадина ва Куфадаги мусулмонлар оммаси Али ибн Абу Толибга байъат бердилар. Демак Али ҳам мусулмонларнинг байъати билан халифа бўлди.

Мана шундан аён бўладикки, халифага байъат беришнинг амалий тафсилотлари мусулмонларнинг халифаликка ким яроқлилиги ҳақида тортишувларидир. Агар раъй бир неча шахсларга келиб тўхталадиган бўлса, уларнинг номзодлари мусулмонларга кўрсатилади. Мусулмонлар улардан кимни ихтиёр қилишса улардан унга байъат беришлари талаб қилинади. Қолган номзодлардан ҳам унга байъат беришлари талаб қилинади. Масалан Бани Соида гузариди баҳс Саъд, Абу Убайда, Умар ва Абу Бакр ҳақида борди. Шундан сўнг Абу Бакрга байъат берилди. Унга аввал инъиқод байъати берилиб, сўнгра мусулмонлар оммаси томонидан итоат байъати

берилди. Абу Бакр мусулмонлар билан Али хақида маслаҳатлашди, сўнгра Умар номини эълон қилди. Шундан кейин Умарга байъат берилди. Умар эса ишни олти кишига топширди. Мусулмонларга мурожаат қилганидан кейин Абдурраҳмон ибн Авф Усмон исмини эълон қилди. Шундан кейин Усмонга байъат берилди. Алига эса бевосита байъат берилди. Чунки у пайтда вазият қалтис бўлиб, фитна бошланган эди. Усмон ўлдирилгач халифаликка номзодликда ҳеч ким Алининг ёнига йўлмаслиги мусулмонларга маълум эди. Демак хулоса қилиш мумкинки, байъат иши халифаликка кимнинг яроқлилиги баҳс ва муҳокама қилинганидан кейин халифаликка номзодларни аниқлаш асосида кечади. Шундан кейин улардан бири халифа қилиб сайланиб, унга одамлардан байъат олинади. Бу нарса Абу Бакр маслаҳатлашувларида аниқ кўзга ташланган бўлса, Усмонга байъат берилишида янада аниқроқ кўзга ташланди. Бухорий Зухрийдан ривоят қилишича, Ҳумайд ибн Абдурраҳмон унга Мисвар ибн Махрама ўзига қуйдагиларни хабар қилганини айтган: «Умар вазифа топширган гуруҳ тўпланиб ўзаро маслаҳат қилдилар. Абдурраҳмон уларга: Мен сизлар билан бу иш борасида рақобатлашадиган киши эмасман, лекин хоҳласангиз сизларга ўзингиздан бир кишини танлаб бераман, деди. Улар буни Абдурраҳмонга топширишди. Шундан кейин одамлар Абдурраҳмонга мурожаат қиладиган бўлишди. Ҳатто одамлардан биронтаси ана шу гуруҳга эргашиб, Абдурраҳмон ортидан колганини кўрмадим. Одамлар ўша кечаларда Абдурраҳмонга мурожаат қилиб у билан маслаҳатлашишди. Биз кечани тонг оттириб Усмонга байъат бердик. Мисвар сўзини давом эттириб деди: Абдурраҳмон тун ярмидан кейин эшигимни таққиллатиб, мени уйғотиб: ухлаётган экансан-да, мен эса, Аллоҳга қасамки, мана шу уч кеча давомида деярли ухламадим. Бориб Зубайр ва Саъдни чақириб кел, деди. Мен икковларини чақириб келдим. Абдурраҳмон иккови билан маслаҳатлашгач мени яна чақириб: Алини чақириб кел, деди. Мен Алини чақириб келдим. Абдурраҳмон у билан то кун ёришгунга қадар сўзлашди. Шундан кейин Али унинг олдидан турди. У умид қилган ҳолда эди. Абдурраҳмон Али томонидан бирон нарса бўлишидан кўрққан эди. Шундан кейин у менга: Усмонни чақириб кел, деди. Уни ҳам чақириб келдим. Абдурраҳмон у билан то муаззин бомдодга азон айтгунгача сўзлашди. Одамлар билан маслаҳат қилганидан кейин

Абдурраҳмон ибн Авфга одамларнинг кўпчилиги Алини хошлашаётгани, агар у Абу Бакр ва Умар тутган иш доирасидан чиқмаса унинг бўлишини, акс ҳолда Усмоннинг бўлишини хошлашаётгани аён бўлди. Бомдод намози ўқилгач ана шу гуруҳ минбар олдида тўпланиб ҳозир бўлган муҳожир ва ансорларга, аскарлар амирларига одам юборди. Улар бу хужжатни Умар билан келишиб олишган эди. Улар тўпланишгач Абдурраҳмон ташаҳхудни айтди ва халифаликни Алига таклиф қилди. Али Абу Бакр ва Умар тутган иш доирасидан чиқмасликни рад қилгач Абдурраҳмон Усмоннинг кўлини ушлаб: Мен сизга Аллоҳ ва Росули ҳамда ундан кейинги икки халифа суннати асосида байъат бераман, деб унга байъат берди, одамлар, муҳожирлар ва ансорлар, аскарлар амирлари ва мусулмонлар ҳам унга байъат бердилар».

Демак халифаликка номзодлар ана шу гуруҳдаги кишилардангина иборат бўлиб Умар уларни мусулмонлар талабидан кейин номма-ном айтган эди. Абдурраҳмон ибн Авф ўз номзодини олиб ташлаганидан кейин ким халифа бўлиши ҳақида мусулмонлар фикрини олди. Одамлар билан маслаҳат қилганидан кейин мусулмонлар хошлаётган киши исмини эълон қилди. Шундан кейин ўша кишига байъат берилиб у шу байъат билан халифага айланди. Демак халифани тиклашдаги шаръий ҳукм шундан иборатки, аввало мусулмонлар оммаси фикрини акс эттирадиган кишилар томонидан халифаликка номзодлар аниқланади. Шундан кейин уларнинг исмлари мусулмонларга эълон қилиниб улардан номзодлардан бирини ўзларига халифа бўлиши учун танлашлари талаб қилинади. Шундан кейин мусулмонлар оммаси, яъни уларнинг кўпчилиги ким томонида эканига қаралиб унга ҳамма мусулмонлардан байъат олинади. Бунда ким уни ихтиёр қилди ёки ким уни ихтиёр қилмади, бунинг эътибори йўқ. Чунки Умарнинг халифаликка номзодларни тайинли олти шахсдангина иборат қилиб кўйганига мусулмонларнинг сукутий ижмолари (индамай бир овоздан маъқуллашлари), шунингдек Абдурраҳмоннинг ким халифа бўлиши ҳақида ҳамма мусулмонлар раъйини олишига ҳам мусулмонларнинг ижмо қилишлари, қолаверса Абдурраҳмоннинг: «Мен одамлар ишини кўриб уларнинг Усмонга бировни тенглаштиришганини кўрмадим», деб Усмон исмини эълон қилиши, мусулмонлар уни ўзларига халифа бўлишини ихтиёр қилдилар, деб айтиши

ва мусулмонларнинг Усмонга байъат беришга ижмо қилишлари, буларнинг барчаси халифани тиклаш ҳақидаги шаръий ҳукмда очиқ кўриниб турибди.

Энди иккита масала қолди. Биринчиси: Халифани тиклайдиган мусулмонлар кимлар ўзи? Улар аҳли ҳал ва ақдми ёки муайян сондаги мусулмонларми ёки ҳамма мусулмонларми?

Иккинчиси: Яширин овоз бериш, овоз бериш қутилари ва овозларни ҳисоблаш каби ҳозирги асрдаги сайловларда бўлаётган ишларга Ислом буюрадими ёки йўқми?

Биринчи масалага тўхталадиган бўлсак, Шорей султонни Уммат ҳақ-ҳуқуқи қилиб қўйди ва халифани тиклашни мусулмонлар оммаси ҳақ-ҳуқуқи қилиб қўйди. Бу ҳуқуқни фақат битта гуруҳагина ва битта жамоатгагина бериб қўймади. Демак байъат ҳамма мусулмонлар зиммасидаги фарздир:

□

«مَنْ مَاتَ وَلَيْسَ فِي عُنُقِهِ بَيْعَةٌ مَاتَ مِيتَةً جَاهِلِيَّةً»

«Кимки бўйнида байъат йўқ ҳолда ўлса жоҳилият ўлими билан ўлибди». Бу барча мусулмонлар учун умумийдир. Шунинг учун халифани тиклаш ҳуқуқи фақат аҳли ҳал ва ақдникигина эмас. Шунингдек у муайян шахсларнинггина ҳуқуқи ҳам эмас. Аксинча у ҳеч истисносиз ҳамма мусулмонларнинг ҳақ-ҳуқуқидир. У ҳатто фожир ва мунофиқларнинг – модомики улар балоғатга етган мусулмонлар экан – ҳам ҳуқуқидир. Чунки насслар умумий келган. Балоғатга етмаган кичик ёшдаги боланинг байъатини рад қилишдан бошқа бу нассларни хослаб қўядиган ҳеч бир далил келмаган. Демак бу насслар умумий бўлиб қолаверади.

Бироқ ҳамма мусулмонлар бу ҳуқуқни ўз ҳақлари бўлгани учун бевосита амалга оширишлари шарт эмас. Зеро у гарчи уларга фарз бўлса ҳам – чунки байъат фарздир – лекин у фарзи айн эмас, фарзи кифоядир. Шунинг учун уни айримлар адо қилса қолганлардан соқит бўлади. Лекин шундай бўлса-да ҳамма мусулмонларга халифани тиклашдаги ўз ҳақ-

ҳуқуқларидан бевосита фойдаланиш имконини бериш лозим. Улар бу ҳуқуқдан фойдаланадиларми ёки йўқми, бундан қатъий назар, уларга шундай имконият берилиши вожиб. Яъни ҳар бир мусулмон халифани тиклаш имкониятига эга бўлиши лозим. Уларга тўла имконият берилиши керак. Демак масала ҳамма мусулмонларнинг бу фарзни амалда бажариши эмас, балки мусулмонларга Аллоҳ зиммаларига юклаган халифани тиклаш фарзини тўла адо этиш имконини беришдир. Бу фарзни зиммаларидан соқит қиладиган даражада адо этиш имконини беришдир. Чунки Аллоҳ юклаган фарз барча мусулмонлар халифани тиклаши эмас, балки мусулмонлар розилиги билан халифанинг тикланишидир. Бундан икки иш келиб чиқади. Биринчиси: ҳамма мусулмонларнинг халифа тикланишига рози бўлиши. Иккинчиси: Мусулмонларга имконият берилса-да, ҳамма мусулмонларнинг бу тиклашга рози бўлмасликлари.

Биринчи ишга тўхталадиган бўлсак, халифани тиклайдиган кишиларнинг муайян сонда бўлиши шарт эмас, балки ҳар қандай сондаги кишилар халифага байъат берса ва бу байъатда мусулмонларнинг сукут қилишлари ёки халифага унга берилган байъат асосида итоат қилишга киришишлари билан уларнинг розилиги олинса ёки уларнинг розилигига далолат қиладиган ҳар қандай нарса билан уларнинг розилиги билинса, тикланган халифа ҳамма мусулмонларнинг халифаси бўлиб қолади. Гарчи уни бешта шахс тиклаган бўлса ҳам у шаръан халифа бўлади. Чунки шу беш шахс билан халифани тиклашни ижро қилишдаги кўпчилик ҳосил бўлади ва мусулмонларнинг сукут қилишлари, итоатга шошилишлари ёки шунга ўхшаган нарсалар билан уларнинг розиликлари олинган бўлади. Фақат бу тўла ихтиёр ва ўз раъйини билдиришга тўла имкон бериш билан амалга ошиши шарт. Аммо агар ҳамма мусулмонларнинг розилигини олишга эришилмаса у ҳолда халифа тикланмайди. Фақат агар бир жамоат халифани тиклаб бунда мусулмонлар оммасининг, яъни улардан кўпчилигининг розилигини олишга эришсаларгина халифа тикланади. Бу жамоатдаги кишиларнинг сони қанча бўлишининг эътибори йўқ. Шундан келиб чиқиб айрим фақиҳлар шундай деб фикр билдирганлар: «Халифани тиклаш аҳли ҳал ва ақднинг унга байъат бериши билан амалга ошади». Чунки улар аҳли ҳал ва ақдни жамоат деб ҳисоблашади. Бу жамоатнинг халифалик битими тузилиши шартларига жавоб берадиган ҳар қандай кишига байъат

бериши билан мусулмонлар розилиги ҳосил бўлади. Шунга кўра демак аҳли ҳал ва ақднинг байъати халифани тиклаш жараёни амалга ошадиган байъат бўлиб, халифанинг шаръий тикланиши учун мусулмонлар байъатининг мавжуд бўлиши шарт эмас, балки аҳли ҳал ва ақднинг байъати мусулмонларнинг мана шу байъатга розилиги олинганига далолат қилувчи бир белгидир. Чунки аҳли ҳал ва ақд мусулмонларнинг вакиллари ҳисобланадилар. Шунинг учун мусулмонларнинг халифага берилган байъатга розилиги олинганига далолат қиладиган ҳар қандай белги орқали халифани тиклаш амалга ошади ва унинг шу белги орқали тикланиши шаръий тикланиш бўлади.

Шунга кўра демак шаръий ҳукм бир неча киши жамланиб халифани тиклашлари, уни тиклашларида мусулмонларнинг бунга розилиги қайсидир белги билан кўринишидир. Бу иш байъат аҳли ҳал ва ақднинг кўпчилиги байъат бериши билан амалга ошадими ёки мусулмонлар вакилларининг кўпчилигини аҳли ҳал ва ақд ташкил қилиши билан бўладими ёки уларнинг берган байъатига мусулмонларнинг сукут қилиши билан бўладими ёки ана шу байъатга биноан мусулмонларнинг итоатга шошилишлари билан бўладими ёки воситалардан қайсидир восита билан бўладими, бунинг фарқи йўқ. Модомики мусулмонларга ўз раъй-фикрларини билдиришга тўла имкон берилган экан, бунинг фарқи йўқ. Уларнинг аҳли ҳал ва ақд эканликлари ҳам, тўрт нафар ёки тўрт юз нафар ёки бундан ҳам кўп ё оз бўлишлари ҳам, пойтахт аҳли ёки регионлар аҳли бўлишлари ҳам шаръий ҳукмдан эмас. Аксинча шаръий ҳукм улар берган байъатда мусулмонлар оммасининг розилиги қайсидир белги билан акс этишидир, мусулмонларнинг ўз раъй-фикрларини билдиришларига тўла имкон бериб уларнинг розилиги олингани қайсидир белги билан акс этишидир.

Ҳамма мусулмонлар дейилганда Исломий давлатга бўйсунган юртларда яшайдиган мусулмонлар кўзда тутилади. Яъни Халифалик мавжуд бўлиб келаётган бўлса, халифанинг собиқ фуқаролари бўлган мусулмонлар кўзда тутилади. Ёки агар Исломий давлатни ҳали тиклашмаган бўлса ва уни тиклаб исломий ҳаётни қайтадан бошлашса, шу давлатни тиклаб халифалик битимини тузган мусулмонлар кўзда тутилади.

Аммо мусулмонлардан бошқаларнинг байъат беришлари ҳам ва рози бўлишлари ҳам шарт эмас. Чунки улар ё Ислому салтанатига қарши чиқишади ёки куфр диёрида яшаб Ислому диёрига қўшилиш имконига эга бўлишмайди. Бу иккала тоифанинг ҳам инъиқод байъати беришга ҳаққи йўқ, фақат итоат байъати бериши лозим. Чунки Ислому салтанатига қарши чикувчиларга боғийлик ҳукми берилади. Куфр диёрида яшайдиганларга келсак, улар билан Ислому салтанатининг тикланиши амалга ошмайдики, улар уни амалда тиклашса ёки унинг таркибига киришса. Шунга кўра демак инъиқод байъати бериш ҳуқуқига эга бўлган ва халифанинг тикланиши шаръий бўлиши учун розиликлари олиниши шарт бўлган мусулмонлар Ислому салтанатини амалда барпо қиладиган кишилардир. «Бу гап аклий баҳсдир, бу ерда унга ҳеч қандай шаръий далил йўқ», дейилмайди. Бундай дейилмайди. Чунки у ҳукмнинг ўзи ҳақида эмас, балки ҳукм маноти ҳақидаги баҳсдир. Шунинг учун унга ҳеч бир шаръий далил келтирилмайди. Балки у ўз ҳақиқати баёни билан келади. Масалан ўлимтикни ейиш ҳаром. Бу шаръий ҳукмдир. Ўлимтик нима эканлигини ўрганиб аниқлаш эса ҳукм манотидир, яъни ҳукм тааллуқли бўладиган мавзудир. Яна масалан мусулмонларнинг халифани тиклашлари шаръий ҳукмдир. Бу тиклаш розилик ва ихтиёр билан бўлиши ҳам шаръий ҳукмдир. Далил мана шунга келтирилади. Аммо бу тиклашни амалга оширадиган мусулмонлар ким эканлигига ва розилик билан ихтиёр акс этадиган иш нима эканлигига келсак, бу ҳукм манотидир, яъни муолажаси учун ҳукм келган мавзудир. Унга шаръий ҳукмнинг тўғри келиши эса у ҳақдаги шаръий ҳукмни рўёбга чиқадиган қилиб қўювчи нарсадир. Шунга кўра мана шу нарса, яъни ҳақиқатини шаръий ҳукм баён қилиб келган мана шу нарса баҳс қилинади.

«Ҳукм маноти ҳукм иллатидир, шунинг учун унинг бирон шаръий далили бўлиши керак», дейилмайди. Чунки ҳукм маноти ҳукм иллатидан ўзгадир. Бу ерда иллат билан манот ўртасида катта фарқ бор. Чунки иллат ҳукмга боис бўлган нарсадир ва унинг албатта бир шаръий далили бўлиши лозим. Аммо ҳукм маноти ҳукм олиб келган мавзудир, яъни ҳукм тўғри келадиган масаладир, ҳукмнинг далили ҳам, унинг илллати ҳам эмас. Унинг ҳукм маноти бўлишининг маъноси унинг ҳукм тааллуқли бўлган нарса эканлигидир. Яъни унинг

муолажаси учун ҳукм келтирилган. Лекин у ҳукмни келтиришга боис бўлмаган. Шунинг учун уни ҳукм иллоти дейишга асос йўқ. Чунки ҳукм маноти шаръий ҳукмдаги нақлийликдан бошқа бўлган томондир ва уни ўрганиб ҳақиқатини аниқлаш иллат ҳақиқатини ўрганиб аниқлашдан ўзгадир. Чунки иллат ҳақиқатини ўрганиб аниқлаш иллатлаб келган нассни тушунишга оид бўлади. Бу эса нақлийёт (нақл қилинган нарсалар)ни тушуниш бўлиб, у манот эмас. Аксинча манот нақлийётлардан бошқа нарсадир. Манот деганда шаръий ҳукм татбиқ этиладиган воқеълик кўзда тутилади. Масалан хамр (маст қилувчи ичимлик) ҳаром десангиз бунда шаръий ҳукм хамрнинг ҳаромлигидир. Муайян ичимликка ҳаром ёки ҳаром эмас деган ҳукм берилиши учун ўша ичимликнинг хамр эканлигини ёки эмаслигини текшириб аниқлаш манот ҳақиқатини текшириб аниқлашдир. Демак ичимликни ҳаром дейиш учун унинг хамр эканлигини ёки ундай эмаслигини текшириб кўриш зарур бўлади. Хамр ҳақиқатини мана шундай текшириб ўрганиш манот ҳақиқатини ўрганишдир. Яна масалан таҳорат қилиш жоиз бўладиган сув мутлақ сувдир, деб айтсангиз, бунда шаръий ҳукм мутлақ сувнинг таҳорат олиш жоиз бўладиган сув эканидир. Сувга ундан таҳорат олиш жоиз бўлади деб ҳукм бериш учун унинг мутлақ сув эканини ёки бундай эмаслигини аниқлаш манот ҳақиқатини ўрганиб аниқлашдир. Демак сувнинг мутлақ эканини ёки ундай эмаслигини текшириб кўришга тўғри келади. Ана шунда ундан таҳорат олиш жоиз дейишга асос бўлади. Сув ҳақиқатини ўрганиш учун бўлган бу текшириб кўриш манот ҳақиқатини текшириб ўрганишдир. Яна масалан таҳорати бузилган одам намозга таҳорат олиши вожиб, деб айтсангиз, ўша шахснинг таҳоратли ёки таҳоратсиз эканлигини аниқлаш манот ҳақиқатини аниқлашдир ва ҳоказо. Шотибий «Мувофақот»да бундай деган: «Бу ва бунга ўхшаган мавзулар манотни тайин қилишни тақозо қиладиган нарсалардан бўлиб, улар борасида ҳар бир нозил бўладиган нарсага нисбатан воқенинг мувофиқ келишига далил олиш зарур». У яна шундай дейди: «Гоҳида ижтиҳод манот ҳақиқатини аниқлашга тааллуқли бўлади. Бунда Шорей мақсадлари ҳақидаги илмга муҳтож бўлинмайди. Шунингдек арабий илмни билишга ҳам муҳтож бўлинмайди. Чунки бу ижтиҳоддан мақсад мавзуни қандай бўлса шундай билишдир. Унда шу мавзуни билишга ёрдам берадиган илмга муҳтож бўлинади, холос. Демак мужтаҳид мавзуни билиш

жиҳатидан билимдон ва мужтаҳид бўлмоғи даркор. Чунки у шаръий ҳукм ана шу воқега мувофиқ тушиши учун воқени ўрганиб чиқиши лозим».

Демак иллатнинг ҳақиқатини ўрганиб аниқлаш иллатлаб келган нассни тушунишга оид бўлади. Бу эса нақлиёт (нақл қилинган нарсалар)ни тушуниш бўлиб, у манот эмас. Аксинча манот нақлиётлардан бошқа нарсадир. Манот деганда шаръий ҳукм татбиқ этиладиган воқелик кўзда тутилади. Масалан хамр (маст қилувчи ичимлик) ҳаром десангиз бунда нарсанинг (ичимликнинг) хамр эканлиги ёки эмаслигини текшириб аниқлаш манот ҳақиқатини аниқлашдир. Яна масалан таҳорат олиш жоиз бўладиган сув мутлақ сувдир, деб айтсангиз бунда сувнинг мутлақ эканини ёки эмаслигини аниқлаш ҳам манот ҳақиқатини аниқлашдир. Яна масалан таҳорати бузилган одам намозга таҳорат олиши вожиб, деб айтилса, ўша шахснинг таҳоратли ёки таҳоратсиз эканлигини аниқлаш ҳам манот ҳақиқатини аниқлашдир. Демак манот ҳақиқатини аниқлаш ҳукм мавзуси бўлган нарсанинг ҳақиқатини аниқлашдир. Шунинг учун манот ҳақиқатини текшириб ўрганадиган кишининг мужтаҳид ёки мусулмон бўлиши шарт эмас, балки нарсани билувчи олим бўлиши kifоя. Шундан келиб чиқиб байъатлари розиликка далолат қилувчи бўладиган мусулмонлар ким эканлиги ҳақидаги баҳс манот ҳақиқатини аниқлаш ҳақидаги баҳс бўлди.

Бу биринчи масала жиҳатидан. Энди иккинчи масалага, яъни шу кунларда сайловларда бўлаётган яширин овоз бериш, овоз бериш қутиларини ўрнатиш, овозларни ҳисоблаш ва шунга ўхшаган ишларга тўхталадиган бўлсак, буларнинг барчаси розилик билан сайлашни амалга ошириш услубларидир. Шунинг учун бу услублар шаръий ҳукм остига ҳам, муолажаси учун ҳукм келган мавзу бўлмиш шаръий ҳукм маноти сирасига ҳам кирмайди. Чунки бу услублар шаръий ҳукм тўғри келишига далолат қиладиган далили бўлиши лозим бўлган бандалар феъллари сирасига кирмайди, балки улар банда феълига оид услублардир, холос. Банданинг феъли (иши) раъй-фикр билдиришга тўла имкон берилган шароитда розилик билан халифани тиклаш бўлиб, унга оид шаръий ҳукм, яъни унга тааллуқли Шорей хитоби келган. Демак бу услубларни ёки бошқасини танлаш мусулмонларнинг ўз

ихтиёрида. Мусулмонларнинг халифани ўз розиликлари ва ихтиёрлари билан тиклашлари имконини беришга олиб келадиган ҳар қандай услубдан фойдаланишлари жоиздир. Модомики бу услубнинг ҳаромлигига далолат қилувчи бирон шаръий далил келмаган экан, уни қўллаш жоиздир. «Бу услуб банданинг феълидир, демак у фақат шаръий ҳукмга мувофиқ ижро қилиниши керак, шунинг учун унинг ҳукмига далолат қиладиган бир далил бўлиши даркор», дейилмайди. Чунки шаръий ҳукмга мувофиқ ижро қилиниши вожиб бўлган ва ҳукмига далолат қиладиган бир далил бўлиши албатта даркор бўлган банданинг феъли асл деб эътибор қилинадиган ёки феълнинг фаръи (иккиламчи қисми) деб эътибор қилинадиган феъл бўлиб, унинг аслига оид умумий далил келмасдан балки аслининг далили хос бўлиб келган бўлади. Бунга намозни мисол қилиш мумкин. Чунки намознинг далили уни адо этишга хос бўлиб, ундаги барча феълларни ўз ичига олмайди. Аммо феълнинг фаръи бўлган феълга келсак унинг аслини адо этишга доир умумий далил келган бўлади. Мана шу умумий далил феъл аслини адо этишга олиб келадиган барча фаръий феълларни мувоҳ қилиб қўяди. Фаръий феълни ҳаром дейиш учун далил керак. Шундай далил бўлсагина у мувоҳлик ҳукмидан чиқади. Барча услублар ҳам худди шундай. Мана бу сайловлар масаласидаги асл феъл халифани розилик ва ихтиёр билан тиклашдир. Бундан келиб чиқадиган овоз бериш, овоз бериш қутиларини ўрнатиш, овозларни ҳисоблаш ва шунга ўхшаган фаръий ишлар эса асл ҳукми остига киради ва бошқа далилга мувоҳ бўлмайди. Уларни ҳаром дейиш учун бир далил керак. Барча услублар шундай бўлади. Аммо воситаларга келсак, улар қуроллардир. Масалан қоғозлар ташланадиган сайлов қутилари каби. Воситалар феъллар ҳукмини эмас, нарсалар ҳукмини олади ва уларга «нарсалардаги асл-асос – модомики ҳаромлигига далил келмаган экан – мувоҳликдир» деган қоида тўғри келади. Тариқат билан услуб ўртасидаги фарқ шуки, тариқат аслдир ёки аслнинг фаръи деб эътибор қилинадиган, аслига оид умумий далил келмасдан балки аслининг далили хос бўлиб келган феълдир. Услуб эса бир феълнинг фаръи бўладиган феъл бўлиб, аслига оид умумий далил келган бўлади. Шунга асосланиб тариқат бир шаръий далилга суянган бўлиши лозим. Чунки тариқат шаръий ҳукмдир. Шунинг учун тариқатга қаттиқ амал қилиниши лозим ва унда мусулмон ихтиёрли

бўлмайди. Модомики тариқатнинг ҳукми мубоҳлик эмас экан, унга қаттиқ амал қилиш лозим ва унда мусулмон ихтиёри бўлмайди. Услуб эса бунинг хилофидир. Чунки услуб бир шаръий далилга суянмайди, балки унга унинг аслининг ҳукми жорий қилинади. Шунинг учун бир муайян услубга қаттиқ амал қилиш лозим эмас, гарчи уни Росулulloҳ ﷺ қилган бўлсалар ҳам. Аксинча мусулмон одам ҳамма услубни қўллаши мумкин. Модомики услуб амални адо этишга олиб келар экан ва унинг бир фаръи бўлар экан уни қўллаши мумкин. Шунинг учун ҳам услубни амалнинг нави белгилайди деб айтилган.

Шариат халифаликка муайян бир шахсни тайин қилмаган

Росулуллоҳ ﷺ ўзидан кейин халифа бўладиган муайян шахсни тайин қилган, деган гап шариат нассларига зиддир. Росулуллоҳ ﷺ ўзидан кейин қиёматгача халифа бўладиган шахсларни тайин қилиб кетган, деган гап эса Ислому нассларига бутунлай зиддир.

Росулуллоҳ ﷺ ўзидан кейин халифаликка бир шахсни тайин қилган, деган гап қуйидаги бир неча жиҳатга кўра ботилдир:

Биринчидан: Бу гап байъатга зиддир. Чунки шахсни тайинлаб қўйиш мусулмонларга ўзларига ким халифа бўлишини билдириб қўйиш демакдир. Бу билан халифа ким эканлиги маълум бўлиб қолади. Демак байъатнинг шаръий ҳукм бўлиб жорий бўлишига ҳожат қолмайди. Чунки байъат халифани тиклаш тариқатидир. Энди агар халифанинг кимлиги олдиндан тайин қилиб қўйилган бўлса уни тиклаш тариқатини баён қилишга ҳожат қолмайди. Чунки халифа амалда тикланиб бўлган бўлади. Байъат мана шу халифага итоат аҳдини беришдир дейилмайди. Чунки шариатда халифага ва бошлиқларга итоат қилиш ҳақида келган насслар байъат нассидан бошқадир. Чунки итоат мусулмонлардан очиқ талаб қилинган бўлса, байъат итоат деган эътиборда эмас, бошқача тарзда талаб қилинган. Гарчи байъат мазмуни итоат маъносини ўз ичига олса-да, лекин у халифалик битими деган эътиборда талаб қилинган. Байъат ҳақида ворид бўлган барча ҳадисларда унинг маъноси байъат бериладиган кишига раҳбарликни бериш ва мана шу раҳбариятга бўйсунушга тайёрликдир. Унинг маъноси итоатнинг ўзигина эмас. Демак халифа тикланиши учун байъатнинг шартлиги «Росулуллоҳ ﷺ ўзидан кейин халифа бўладиган шахсни тайин қилган», деган гапга зид келади. Саҳиҳ ҳадисларда келган байъат лафзлари ом¹ келган бўлиб, муайян шахсларга хосланмаган ва мутлақ келиб, ҳеч

¹ Ом – маъноси далолат қилган барча нарсани ўз ичига олган сўз, масалан, кишилар ёки ўғил, хос – лафз далолат қилган маънодан баъзи нарсаларни ажратиб олиш, масалан, Аллоҳ Таоло ҳар қандай занокорга, ҳоҳ эркак бўлсин, ҳоҳ аёл бўлсин, юз дарра уришни буюрди, лекин суннат оилали занокорни бундан ажратиб уни тошбўрон қилишга қилишни кўрсатди, мутлақ – ўз жинсидаги барча нарсага далолат қиладиган сўз, масалан, одам, муқайяд – муайян маънога далолат қиладиган сўз, масалан, Зайд.

кандай кайд билан мукайяд бўлмаган. Агар бу лафзлар бир муайян шахсга бериладиган байъат маъносини англатганида ом ва мутлақ бўлиб келмаган бўларди. Ҳадисларнинг лафзлари куйидагилар:

□

«مَنْ مَاتَ وَلَيْسَ فِي عُنُقِهِ بَيْعَةٌ»

«Кимки бўйнида байъат бўлмаган ҳолда ўлса...»,

□

«وَمَنْ بَايَعَ إِمَامًا»

«Ким бир имомга байъат берса...»,

□

«وَرَجُلٌ بَايَعَ إِمَامًا»

«Бир имомга байъат берган киши...». Демак «Росулуллоҳ ﷺ ўзидан кейин халифа бўладиган бир муайян шахсни кўрсатиб кетган», деган гапни байъатнинг ом ва мутлақ лафзларда келганлиги бекор қилиб, ботилга чиқаради. Бу нарса байъат халифа тиклашнинг айнан ўзи эканини англатади. Ваҳоланки халифани тиклаш бошқа, байъат бошқадир. Чунки аввало халифа тикланиши лозим, шундан кейин байъат берилади, дейилмайди. Чунки байъатнинг халифани тиклаш тариқати эканлиги унинг уни тиклашнинг айнан ўзи эканлигини англатмайди. Аввало халифа тикланиши керак, унинг тиклангани билинганидан кейин байъат берилади, деб айтилмайди. Бундай дейиш нотўғри. Чунки бундай дейиш бу ерда халифа тиклашнинг бошқа тариқати бор, байъат эса итоат аҳдини беришдир, холос деган маънони англатади. Ваҳоланки байъат ҳақидаги барча ҳадислар байъат халифани тиклаш тариқати эканлигига далолат қилади. Шунинг учун бу ерда байъатдан бошқа тариқат йўқ. Пайғамбаримиз ﷺнинг: □

«مَنْ مَاتَ وَلَيْسَ فِي عُنُقِهِ بَيْعَةٌ»

«Ким бўйнида байъат бўлмаган ҳолда ўлса...», деган сўзларига эътибор беринг. Бу ҳадисда кимки ўлсаю унга бир имом байъат билан тикланмаган бўлса, деган маъно очиқ-ойдин тушунилиб турибди. Бу ҳадис «кимки бир имомга итоат қилмаган ҳолда ўлса», деган маънони мутлақо билдирмаяпти. Бу эса ҳадисдаги байъат халифани тиклаш тариқати эканига далолат қилади ва итоатнинг ўзинигина англатмайди. Яна масалан Пайғамбаримиз ﷺнинг:

□

«إِذَا بُيِعَ لِخَلِيفَتَيْنِ فَأَقْتُلُوا الْآخَرَ مِنْهُمَا»

«Агар икки халифага байъат берилса улардан иккинчисини ўлдиришлар», деган ҳадисини олиб кўрайлик. Бу ҳадисдан агар икки халифа тикланса улардан иккинчисини ўлдиришлар, деган маъно очиқ тушунилиб турибди. Байъат ҳақидаги ҳамма ҳадисларда байъат халифани тиклаш тариқати эканлиги худди шу тарзда очиқ тушунилади. Зеро байъат ҳақидаги ҳадислар байъатнинг фақат итоат маъносинигина англатмаслигига, балки унинг маъноси халифани тиклаш тариқати эканига, шу билан бирга тикланган халифага бўйсунуш маъносини ҳам англатишига далолат қилади. Бунинг устига Росулulloҳ ﷺдан халифани тиклашнинг байъатдан бошқа тариқати борлигини баён қиладиган ҳеч қандай саҳиҳ ҳадис мутлақо ривоят қилинмаган ва бундай ҳадис борлиги мутлақо билинмаган.

Иккинчидан: Росулulloҳ ﷺдан ворид бўлган бир қанча ҳадислар одамлар ўртасида халифаликни таллашиб низо бўлишига, унинг учун ким ўзарга мусобақалашиларига далолат қилади. Демак агар бирон муайян шахснинг халифа бўлиши ҳақида Росулulloҳ ﷺдан бирон насс ворид бўлганида бу ерда ҳеч бир низо бўлмаган бўларди. Ёки Пайғамбаримиз ﷺ бир қанча одамлар ана шу шахсдан талашадилар, деб албатта кўрсатиб кетган бўларди. Лекин насслар одамларнинг бир-бирлари билан низолашилларини баён қилиб келди ва халифалик мавзусидаги бу низони узил-кесил ҳал қилиш тариқатини кўрсатиб берди. Масалан Муслим саҳиҳида ривоят қилиб шундай деди: Менга Ваҳб ибн Бақийя ал-Воситий ҳадис ривоят қилди, бизга Холид ибн Абдуллоҳ ал-Жаририй Абу

Назрандан, у Абу Саид Худрийдан шундай деганини ривоят қилди: Росулulloҳ ﷺ дедилар:

□

«إِذَا بُوعَ لِخَلِيفَتَيْنِ فَاقْتُلُوا الْآخَرَ مِنْهُمَا»

«Агар икки халифага байъат берилса улардан иккинчисини ўлдиришлар». Муслим саҳиҳида Зухайр ибн Ҳарб ва Исҳоқ ибн Иброҳим орқали Жарирнинг Аъмашдан, у Зайд ибн Ваҳбдан, у Абдуррахмон ибн Абдуроббил Каъбадан шундай деганини ривоят қилди: Масжидга кирсам Абдуллоҳ ибн Амр ибн Осс Каъба соясида ўтирган экан. Унинг атрофида одамлар тўпланибди. Мен ҳам келиб ўтирдим. У бундай деди: Биз Росулulloҳ ﷺ билан бирга сафарда эдик. Бир манзилга тушдик. Шунда тўсатдан Росулulloҳ ﷺнинг нидо қилувчи жарчиси «ас-Солату жомиа» (намоз жамловчидир), деб нидо қилди. Биз Росулulloҳ ﷺ атрофига тўпландик. Пайғамбаримиз ﷺ бундай дедилар:

«إِنَّهُ لَمْ يَكُنْ نَبِيٌّ قَبْلِي إِلَّا كَانَ حَقًّا عَلَيْهِ أَنْ يَدُلَّ أُمَّتَهُ عَلَى خَيْرٍ مَا يَعْلَمُهُ لَهُمْ وَيَنْذِرَهُمْ شَرًّا مَا يَعْلَمُهُ لَهُمْ إِلَى أَنْ قَالَ: وَمَنْ بَايَعَ إِمَامًا فَأَعْطَاهُ صَفَقَةً يَدِيهِ وَتَمَرَةً قَلْبِهِ فَلْيَطِعْهُ إِنْ اسْتَطَاعَ، فَإِنْ جَاءَ آخَرٌ يَبْتَازُهُ فَاصْرَبُوا عَنْقَ الْآخَرِ»

«Мендан олдин қайсики пайғамбар ўтган бўлса, умматини ўзи биладиган яхшиликка далолат қилиши ва ўзи биладиган ёмонликдан огоҳлантириши зиммасидаги ҳақ эди». Пайғамбаримиз ﷺ кўп нарсалар ҳақида сўзлаб, сўнгра бундай дедилар: **«Кимки битта имом билан байъатлашиб унга қўлини ва қалби қўрини берса қўлидан келганича унга итоат қилсин. Энди агар бошқа биров келиб у билан имомликни талашса, унинг бўйнига уриншлар».** Муслим саҳиҳида ривоят қилиб бундай деди: Бизга Муҳаммад ибн Башшор, бизга Муҳаммад ибн Жаъфар, бизга Шуъба Фурот ал-Қаззоздан, у Абу Ҳозимдан шундай деганини ривоят қилди: Мен Абу Ҳурайра билан беш йил ҳамсуҳбат бўлдим. Ундан Набий ﷺнинг шундай деганларини эшитдим:

□

«كَانَتْ بَنُو إِسْرَائِيلَ تَسُوسُهُمُ الْأَنْبِيَاءُ، كُلَّمَا هَلَكَ نَبِيٌّ خَلَفَهُ نَبِيٌّ، وَإِنَّهُ لَا نَبِيَّ بَعْدِي، وَسَتَكُونُ خُلَفَاءُ فَتَكْتُمُونَ، قَالُوا: فَمَا تَأْمُرُنَا؟ قَالَ: فُؤَا بَيْعَةِ الْأَوَّلِ فَالْأَوَّلِ»

«Бани Исроилга пайғамбарлар сиёсат юргизарди. Қачон бир пайғамбар ҳалок бўлса, ортидан бошқа бир пайғамбар келарди. Мендан кейин эса пайғамбар йўқ. Халифалар бўлади ва улар кўпайиб кетади. Шунда: бизга нимани буюрасиз? – дейишган эди, айтдиларки: **биринчисининг, фақатгина биринчисининг байъатига вафо қилинглар**». Муслим саҳиҳида ривоят қилиб яна бундай деди: Менга Усмон ибн Абу Шайба бундай деди: Бизга Юнус ибн Абу Яъфур отасидан, у эса Арфажадан шундай деганини ривоят қилди: Мен Росулulloҳ ﷺнинг шундай деганларини эшитдим:

□

«مَنْ أَتَاكُمْ وَأَمْرُكُمْ جَمِيعٌ عَلَى رَجُلٍ وَاحِدٍ يُرِيدُ أَنْ يَشُقَّ عَصَاكُمْ أَوْ يَفْرَقَ جَمَاعَتَكُمْ فَاقْتُلُوهُ»

«Кимки ишингиз битта кишида жамланиб турган пайтда келиб бирлигингизни бузмоқчи ёки жамоатингизни бўлмоқчи бўлса уни ўлдириңглар». Бунинг маъноси шуки, халифалик ҳамма мусулмонларнинг ҳаққидир ва у учун ўзаро рақобатлашиш ҳар бир мусулмоннинг ҳуқуқидир. Бу эса Росулulloҳ ﷺ ўзидан кейин халифа бўладиган бир муайян шахсни тайин қилиб қўйганлар деган гапга зид келади.

Учинчидан: Халифа маъносидаги «имом» калимаси келган ҳадисларда бу калима накра¹ келган. Маърифа келган пайтда эса ё алиф-лом жинс билан маърифа бўлиб келган ёки жам (кўплик) лафзига изофа бўлиб маърифа бўлиб келган. Бу калима алиф-лом билан маърифа бўлиб келган ўринларда бу алиф-ломнинг жинс эканлигини жумла оқими кўрсатади. Масалан Росулulloҳ ﷺ шундай дедилар:

¹ Накра – ноаник, масалан, уй, маърифа – аник, муайян, масалан, бозор ёнидаги уй, изофа - нарсани ёки шахсни бирор нарса ёки шахсга нисбат бериш, масалан, Зайднинг уйи ёки Зайднинг ўғли ёки уйнинг эшиги.

«يَكُونُ بَعْدِي أئِمَّةٌ», «قَامَ إِلَى إِمَامٍ جَائِرٍ», «وَمَنْ بَاعَ إِمَامًا» яна дедилар: «فَالْإِمَامُ الَّذِي عَلَى النَّاسِ رَاعٍ وَهُوَ مَسْئُولٌ عَنْ رَعِيَّتِهِ», «خَيْرٌ», «لَأئِمَّةِ الْمُسْلِمِينَ», «جَنَّةٌ يُقَاتَلُ مِنْ وَرَائِهِ وَيَتَّقَى بِهِ شِرَارُ أئِمَّتِكُمْ», «أئِمَّتِكُمْ». Буларнинг барчаси Росулulloҳ ﷺ ким халифа бўлишини ноаниқ қолдирганига ва уни тайин қилмаганига далолат қилади. Росулulloҳ ﷺнинг халифаликка бир муайян шахсни тайин қилмаганлиги, аксинча уни ҳамма мусулмонларнинг ҳаққи қилиб қўйганлиги бунинг далолатидан очиқ кўриниб турибди. Бунга айрим нассларда шу калима жам сийғаси (кўплик шакли)да келганлигини кўшимча қиладиган бўлсак, бу ҳам бир муайян шахснинг имом-халифа бўлишини рад қилишдаги яна бир насс бўлади.

Тўртинчидан: Саҳобалар – улардан Аллоҳ рози бўлсин – ўзларидан қайси шахснинг халифа бўлиши тўғрисида ихтилоф қилиб талашиб-тортишганлар. Бу эса Росулulloҳ ﷺ халифаликка бир муайян шахсни тайин қилмаганига далолат қилади. Саҳобалар кимнинг халифа бўлиши ҳақида талашиб-тортишган шахслар номлари орасида Росулulloҳ ﷺ халифа бўлишини кўрсатиб кетган деб айтиладиган шахслар, яъни Абу Бакр ва Али ҳам бор эди. Саҳобалар талашиб-тортишар экан, улардан биронтаси Росулulloҳ ﷺ фалончини халифа бўлишини кўрсатиб кетган деб ҳужжат келтирмади. Саҳобалардан ҳеч бири қайсидир шахсларнинг халифа бўлиши ҳақида насс мавжуд деб умуман ҳужжат келтирмаган. Агар бирон насс бўлганида эди албатта уни ҳужжат қилиб келтирган бўлардилар. Демак уларнинг ҳеч қандай нассни ҳужжат қилиб келтирмаганлари халифаликка бир муайян шахсни тайин қилинганлиги ҳақида ҳеч бир насс йўқлигини англатади. «Шундай насс бору, лекин саҳобаларнинг ундан хабари бўлмаган ва улардан кейин борлиги билинган», деб айтилмайди. Бундай дейиш нотўғри. Чунки биз динимизни саҳобалардан олдик. Зеро Қуръонни бизга улар нақл қилди, ҳадисни ҳам бизга улар ривоят қилди. Шунинг учун агар насс – ҳар қандай насс – саҳобалардан ворид бўлмас экан, ҳеч бир жиҳатдан унинг мутлақо эътибори бўлмайди. Шунинг учун биз саҳобалардан нима келган бўлса уни оламиз ва нима улардан

келмаган бўлса уни четга улоқтирамиз. Росулulloҳ ﷺ дан кейин халифа бўлиш ҳақидаги насс масаласида ҳамма саҳобаларнинг ҳеч истисносиз – уларнинг орасида Абу Бакр ва Али ҳам бор – халифаликка бир муайян шахсни тайин қилиш тўғрисида ҳеч қандай насс йўқлигига иттифоқ қилишганини кўрамиз. Улар бундай насс борлигини зикр қилмаганлар. Агар бор бўлганида эди, албатта уни айтган бўлардилар. Демак бу «Росулulloҳ ﷺ бир шахсни халифаликка тайин қилган» деган гапнинг ботил эканига далолат қилади. «Мусулмонлар бирлигини сақлаб қолиш ҳақида қайғурилгани учун ўша насс айтилмаган», дейилмайди. Чунки бу Аллоҳ ҳукмларидан бирини яшириш ва унга ўта эҳтиёж бўлиб турган вақтда уни етказмасликни англатади. Айниқса у мусулмонларнинг энг катта ишларидан бири бўлса. Аллоҳ динини бундай яширишнинг Росулulloҳ ﷺ нинг саҳобалари томонидан содир бўлиши ҳечам мумкин эмас.

Бешинчидан: Росулulloҳ ﷺ нинг ҳеч кимни халифа қилиб қолдирмагани ҳақида очиқ насслар ворид бўлган. Шу маънодаки, Пайғамбаримиз ﷺ ўзидан кейин бир муайян шахснинг халифа бўлишини кўрсатмаганлар. Бухорий Абдуллоҳ ибн Умардан – икковларидан Аллоҳ рози бўлсин – шундай деганини ривоят қилди: **«Умарга ўрнингизга халифа қилиб қолдирмайсизми? - дейилганида у айтди: агар халифа қилиб қолдирсам, мендан кўра яхшироқ бўлган Абу Бакрга эргашган бўламан. Агар қолдирмасам, мендан кўра яхшироқ бўлган зот Росулulloҳ ﷺ га эргашган бўламан».** Муслим Ибн Умардан Умар ибн Хаттоб ﷺ нинг шундай деганини ривоят қилди: «Аллоҳ Азза ва Жалла ўз динини асрайди. Мен агар халифа қилиб қолдирмасам Росулulloҳ ﷺ қолдирмагани учун қолдирмайман. Агар қолдирсам Абу Бакр қолдиргани учун қолдираман». Бу Росулulloҳ ﷺ халифа қилиб қолдирмаганини кўрсатувчи нассдир. «Бу Умарнинг раъйи эди», дейилмайди. Чунки саҳобий агар: Росулulloҳ ﷺ бундай қилдилар ва бундай қилмадилар, деса ёки биз Пайғамбаримиз ﷺ даврида бундай эдик ёки бундай бўлган эди, деса бу саҳобийнинг сўзи эмас, балки ҳужжат қилинадиган бир ҳадис бўлади. Умар бу гапни саҳобаларга эшиттириб, уларнинг кўз ўнгида айтди, Али ﷺ га ҳам бу гап етди. Умарнинг бу гапига

хеч ким қарши чикмади. Бу эса саҳобаларнинг Умар айтган гапга қўшилишларига далолат қилади.

Булар халифаликка бир муайян шахсни тайин қилиш ҳақида насс ворид бўлмаганлиги жиҳатидан келтирилган далиллардир. Аммо бу ерда муайян шахсни тайин қилингани ҳақида келган насс мавжуд деб айтадиган кишилар келтирадиган нассларга тўхталадиган бўлсак, бу насслар орасида Росулulloҳ ﷺ ўзидан кейин Абу Бакрни халифа қилиб қолдирганига далил қилиб келтиришадиган насслар ҳам ва Алини халифа қилиб қолдирганига далил қилиб келтиришадиган насслар ҳам бор. Шунинг учун ана шу нассларни келтириб улардаги нарсаларни баён қилиб ўтишга тўғри келади:

Росулulloҳ ﷺ Абу Бакрни халифа қилиб қолдирган деб айтадиган кишилар келтирган нассларга келсак, бу насслар икки қисмдир. Биринчи қисмда Росулulloҳ ﷺ Абу Бакрни мақтаганлиги айтилган ва уларда Абу Бакрни халифа қилиб қолдирганига далолат қиладиган ҳеч қандай нарса йўқ. Иккинчи қисмдан эса айримлар Росулulloҳ ﷺ Абу Бакрни халифа қилиб қолдирган деб хулоса чиқарса, бошқалари Пайғамбаримиз ﷺ Абу Бакрни халифаликка номзод қилиб кўрсатган деб хулоса чиқарган. Росулulloҳ ﷺ Абу Бакрни мақтаган биринчи қисмга келсак, биз бу насслардан намуналар келтириб айримларини зикр қилиб ўтамыз. Уларнинг ҳеч бири мактовдан бошқа нарсани англатмайди.

Бухорий Абу Саид Худрийдан ривоят қилади: Набий ﷺ дедилар:

«إِنَّ مِنْ أَمْنِ النَّاسِ عَلَيَّ فِي صُحْبَتِهِ وَمَالِهِ أَبَا بَكْرٍ، وَلَوْ كُنْتُ مَتَّخِذًا خَلِيلًا غَيْرَ رَبِّي لَاتَّخَذْتُ أَبَا بَكْرٍ، وَلَكِنْ أُخُوَّةَ الْإِسْلَامِ وَمَوَدَّتَهُ، لَا يَبْقَيْنَ فِي الْمَسْجِدِ بَابٌ إِلَّا سُدًّا، إِلَّا بَابَ أَبِي بَكْرٍ»

«Одамлар орасида менга суҳбати ва молида энг кўп меҳр-мурувват кўрсатган инсон Абу Бакр дир. Агар Роббимдан бошқа яна бировни халил (энг яқин дўст) тутганимда эди,

албатта Абу Бакрни халилтутган бўлардим. Лекин Исло**м биродарлиги ва муҳаббати** (кифоя). Масжидда Абу Бакрнинг эшигидан бошқа бирон эшикни қолдирмай беркитинглар». Муслим ҳам бу ҳадисни бошқача, лекин шунга яқин лафзлар билан ривоят қилган. Бу ҳадисда Абу Бакрни халифа қилиб қолдирилган дейишга асос бўладиган ҳеч нарса йўқ. Унда Пайғамбаримиз ﷺ Абу Бакрни мақтаган. Бор гап шу. Росулulloҳ ﷺ саҳобалардан кўпининг исмини айтиб мақтаганлар. Масалан Умар, Усмон, Али, Саъд ибн Абу Ваққос, Талха, Зубайр, Абу Убайда ибн Жарроҳ, Ҳасан, Ҳусайн, Зайд ибн Ҳориса, Усома ибн Зайд, Абдуллоҳ ибн Жаъфар, Хадижа, Оиша, Пайғамбар ﷺнинг кизи Фотима, Умму Салама, Билол ва бошқа саҳобалар – ҳаммаларидан Аллоҳ рози бўлсин – мақталган ҳадислар ворид бўлган. Мақтовнинг ўзигина халифа қилиб қолдиришга ҳеч бир жиҳатдан далолат қилмайди.

Энди айримлар Абу Бакр халифа қилиб қолдирилган деб хулоса чиқарган ҳадисларга тўхталадиган бўлсак, улар тўрт ҳадис бўлиб, биз уларни келтириб ҳар биридаги нарсани баён қилиб ўтамиз. Бу ҳадислар қуйидагилардир:

Биринчи: Бухорий Қосим ибн Муҳаммаддан ривоят қилди:

□

«قَالَتْ عَائِشَةُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا: وَارَأَسَاهُ. فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ، ذَلِكَ لَوْ كَانَ وَأَنَا حَيٌّ فَاسْتُغْفِرُ لَكَ وَأَدْعُو لَكَ، فَقَالَتْ عَائِشَةُ: وَأَشْكِيَاهُ، وَاللَّهِ إِنِّي لَأُظَنُّكَ تُحِبُّ مَوْتِي، وَلَوْ كَانَ ذَلِكَ لَظَلَلْتَ آخِرَ يَوْمِكَ مُعْرَسًا بِيَعْضِ أَرْوَاحِكْ؛ فَقَالَ النَّبِيُّ ﷺ: بَلْ أَنَا وَارَأَسَاهُ، لَقَدْ هَمَمْتُ أَوْ أَرَدْتُ أَنْ أُرْسِلَ إِلَى أَبِي بَكْرٍ وَأَبْنِهِ فَأَعْهَدَ أَنْ يَقُولَ الْقَائِلُونَ أَوْ يَتَمَنَّى الْمُتَمَنِّونَ، ثُمَّ قُلْتُ يَا أَبَى اللَّهِ وَيَدْفَعُ الْمُؤْمِنُونَ، أَوْ يَدْفَعُ اللَّهُ وَيَأْبَى الْمُؤْمِنُونَ»

«Оиша: вой бошим, деди. Росулulloҳ ﷺ буни эшитиб: агар тириклигимда ўлиб кетсангиз сиз учун истиғфор айтаман ва ҳаққингизга дуо қиламан, дедилар. Оиша: вой шўрим,

Аллоҳга қасамки, ўлишимни хоҳлаяпсиз, шекилли. Ўлиб кетсам умрингизнинг охиригача баъзи аёлларингиз билан бўлаверар экансизда, деди. Шунда Набий ﷺ дедилар: энди менинг бошим оғриб кетди, Абу Бакр ва ўғлига одам юбориб васият қилмоқчи бўлдим, токи кимлардир (мен халифаликка лойикроқман деб) гапириб юрмасин ёки кимлардир орзу қилмасин. Сўнг: Аллоҳ (Абу Бакрдан бошқаси халифа бўлишига) кўнмайди, мўминлар ҳам буни рад қилади ёки Аллоҳ буни рад қилади, мўминлар ҳам бунга кўнмайди, дедим». Муслим бу ҳадисни Оишадан бошқа лафз билан ривоят қилди. Оиша ﷺ деди: Росулulloҳ ﷺ касал бўлиб ётганларида менга:

□

«أَدْعِي لِي يَا أَبَا بَكْرٍ وَأَخَاكَ حَتَّى أَكْتُبَ كِتَابًا، فَإِنِّي أَخَافُ أَنْ يَتَمَنَّيَ مُتَمَنَّيٌّ وَيَقُولُ قَائِلٌ أَنَا أَوْلَى، وَيَأْتِي اللَّهَ وَالْمُؤْمِنُونَ إِلَّا أَبَا بَكْرٍ»

«Отанг Абу Бакрни ва акангни чақириб кел. Бир мактуб ёзиб бермоқчиман. Чунки мен бирон умидвор умид қилиб қолишидан ва бирон кимса мен лойикроқман, деб айтишидан кўрқмоқдаман. Аллоҳ ва мўминлар эса Абу Бакрдан бошқасига кўнмайди», дедилар.

Иккинчи: Бухорий Жубайр ибн Мутъимдан ривоят қилади:

□

«أَتَتِ النَّبِيَّ ﷺ امْرَأَةً فَكَلَّمَتْهُ فِي شَيْءٍ، فَأَمَرَهَا أَنْ تَرْجِعَ إِلَيْهِ، قَالَتْ يَا رَسُولَ اللَّهِ أَرَأَيْتَ إِنْ حِثْتُ وَلَمْ أَجِدْكَ - كَأَنَّهَا تُرِيدُ الْمَوْتَ - قَالَ: إِنْ لَمْ تَجِدِيْنِي فَأْتِي أَبَا بَكْرٍ»

«Набий ﷺ хузурига бир аёл келиб у киши билан бир нарса ҳақида гаплашди. Пайғамбармиз ﷺ унга (бошқа сафар келиб) мурожаат қилишини буюрди. Аёл: ё Росулulloҳ келиб сизни топмасамчи, деди. У бу гапи билан ўлимни кўзда тутгандек бўлди. Пайғамбаримиз ﷺ: агар мени топмасанг у ҳолда Абу Бакрга мурожаат қил, дедилар». Муслим бу ҳадисни ушбу лафз билан ривоят қилди:

«إِنَّ امْرَأَةً سَأَلَتْ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ شَيْئًا، فَأَمَرَهَا أَنْ تَرْجِعَ إِلَيْهِ، فَقَالَتْ: يَا رَسُولَ اللَّهِ أَرَأَيْتَ إِنْ جِئْتُ فَلَمْ أَجِدْكَ - قَالَ أَبِي كَأَنَّهَا تَعْنِي الْمَوْتَ - قَالَ فَإِنْ لَمْ تَجِدِينِي فَأْتِي أَبَا بَكْرٍ»

«Бир аёл Росулulloҳ ﷺ дан бир нарса ҳақида сўради. Пайғамбаримиз ﷺ унга бошқа сафар мурожаат қилишини буюрди. Шунда аёл: ё Росулulloҳ келиб сизни топмасамчи, деди (отамнинг айтишича у ўлимни кўзда тутгандек бўлди). Пайғамбаримиз ﷺ: агар мени топмасанг Абу Бакрнинг хузурига кел, дедилар».

Учинчи: Бухорий уммул мўминин Оишадан ривоят қилди:

«أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ قَالَ فِي مَرَضِهِ مُرُوا أَبَا بَكْرٍ يُصَلِّيَ بِالنَّاسِ، قَالَتْ عَائِشَةُ: قُلْتُ إِنَّ أَبَا بَكْرٍ إِذَا قَامَ فِي مَقَامِكَ لَمْ يُسْمِعِ النَّاسَ مِنَ الْبُكَاءِ فَمُرْ عُمَرَ فَلْيُصَلِّ، فَقَالَ مُرُوا أَبَا بَكْرٍ فَلْيُصَلِّ بِالنَّاسِ. فَقَالَتْ عَائِشَةُ: فَقُلْتُ لِحَفْصَةَ قُولِي إِنَّ أَبَا بَكْرٍ إِذَا قَامَ فِي مَقَامِكَ لَمْ يُسْمِعِ النَّاسَ، فَفَعَلْتَ حَفْصَةُ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: إِنَّكَ نَّ صَوَاحِبُ يَوْسُفَ، مُرُوا أَبَا بَكْرٍ فَلْيُصَلِّ بِالنَّاسِ، فَقَالَتْ حَفْصَةُ لِعَائِشَةَ: مَا كُنْتُ لِأُصِيبَ مِنْكَ خَيْرًا»

«Росулulloҳ ﷺ касал бўлиб ётганларида: Абу Бакрга буюринглар одамларга намоз ўқиб берсин, дедилар. Мен: аган Абу Бакр имомлик қилса йиғлаганидан одамлар эшитмай қолади. Шунинг учун Умарга буюринг, у намоз ўқиб берсин, дедим. Пайғамбаримиз ﷺ яна: Абу Бакрга буюринглар одамларга намоз ўқиб берсин, дедилар. Шундан сўнг мен Ҳафсага: агар Абу Бакр имомлик қилса одамлар эшитмай қолади деб айтинг, дедим. Ҳафса шундай қилди. Росулulloҳ ﷺ: Сизлар Юсуф «дугона»ларининг ўзисиз, Абу Бакрга буюринглар одамларга намоз ўқиб берсин, дедилар. Ҳафса буни эшитиб Оишага: сиздан менга бирон яхшилик етмаганиди ўзи, деди».

Тўртинчи: Муслим Ибн Абу Мулайкадан шундай деганини ривоят қилди: «**Оишадан Росулulloҳ ﷺ кимни халифа қилиб қолдирган бўларди? - деб сўралганида у: Абу Бакрни, деди. Абу Бакрдан кейинчи? - деб сўралганида: Умарни, деди. Умардан кейинчи? - деб сўралганида: Абу Убайда ибн Жаррохни, деди ва шу ерда гапни тўхтатди**».

Бу ҳадисларнинг барчаси Росулulloҳ ﷺ Абу Бакрни халифа қилиб қолдирганига далил бўлишга ярамайди. Биринчи ҳадисни оладиган бўлсак у икки сабабга кўра рад қилинади: Биринчи сабаб шуки, Росулulloҳ ﷺ: «**қасд қилдим ёки шундай қилмоқчи бўлдим**», демоқдалар. Лекин қилмадилар. Демак у далил бўлмайди. Чунки далил Росулulloҳ ﷺнинг айтган сўзи, қилган иши ва сукутидир. Бундан бошқаси шаръий далил деб эътибор қилинмайди. Иккинчи сабаб шуки, Оиша Абу Бакрнинг кизидир. Шунинг учун агар бу ҳадис мавжуд бўлганида эди, уни Абу Бакр албатта билган бўлар ва ансорлар ўзларидан бирини халифа қилиб байъат бериш учун тўпланишиб баҳс-мунозара қилишаётганда ас-Сақифага бориб бу ҳадисни албатта хужжат қилган бўларди.

Иккинчи ҳадисга келсак, у Абу Бакрни халифа қилиб қолдиришга далолат қилмайди. Чунки ўша аёл: ...сизни топмасамчи, деди. Ростдан ҳам у Пайғамбаримиз ﷺни бирон ғазотга кетгани ёки қандайдир иш билан кетиб, йўқ бўлгани учун топмаслиги мумкин эди. Бу ҳадисдаги аёлнинг: ...сизни топмасамчи, деган сўзидан ўлган бўлсангизчи деган мазмунни кўзда тутганига далолат қиладиган ҳеч нарса йўқ. Бу ҳадисдаги: «у гўё ўлимни кўзда тутгандек бўлди», деган сўз Жубайрнинг сўзидир ва унинг тушунган нарсасидир. Росулulloҳ ﷺнинг бу аёлга мени топмасанг Абу Бакрнинг олдига бор, деб буюрганига келсак бунда Абу Бакрни ўзидан кейин халифа қилиб қолдиришга ҳеч қандай далолат йўқ. У аёл ўлимни кўзда тутган эди, деб фараз қилган тақдиримизда ҳам бу Пайғамбаримиз ﷺ мана шу гапга кўра Абу Бакрни ўзидан кейин халифа қилиб тайинлаган деган маънони англамайди. Учинчи ҳадисга келсак унда Пайғамбаримиз ﷺ намозда ўз ўрнига Абу Бакр ўтишини буюрдилар, холос, бундан бошқа гап йўқ. Намозда ўринбосар бўлиш бошқарувда ўринбосар бўлишга далолат қилмайди. Аммо уларнинг «Росулulloҳ ﷺ

Абу Бакрнинг динимиз ишига бош бўлишига рози бўлган экан, биз унинг дунёмиз ишига бош бўлишига рози бўлмаймизми?», деган гапларига келсак бу уларнинг тушунчасидир. Бу тушунча хатодир. Чунки намоз билан бошқарув ўртасида жуда катта фарқ бор. Зеро намозда имом бўлишга ярайдиган ҳар қандай киши ҳукмда имом бўлишга ярайвермайди. Қолаверса бу насс намозгагина хос бўлиб бошқасини ўз ичига олмайди. Уни намоздан бошқасига қўллаш дуруст эмас.

Энди тўртинчи ҳадисга келсак, у ҳадис ҳисобланмайди. Чунки унинг санади бирон нарсада Росулulloҳга етиб бормаган. Балки у Оишанинг раъйидир холос. Саҳобанинг раъйини ҳужжат қилинмайди ва у шаръий далил деб ҳисобланмайди. Шунинг учун у рад қилинади. Чунки у ҳадис эмас. Шу боис шаръий ҳукмларда унинг ҳеч бир қиймати йўқ.

Булар Абу Бакрни халифа қилиб қолдирган деб айтадиган кишилар келтирадиган ҳадислар ҳақида эди. Аммо Росулulloҳ ﷺ Алини халифа қилиб қолдирган деб айтадиган кишилар келтирадиган ҳадисларга келсак, улар уч қисмдир: биринчи қисмда Росулulloҳ ﷺ саййидимиз Али ﷺ ни мақтаган бўлсалар, иккинчи қисмдан айримлар Росулulloҳ ﷺ Алини халифа қилиб қолдирган деган хулосани чиқаришган, учинчи қисмда эса ҳужжат келтирувчилар фикрича Росулulloҳ ﷺ Алини халифа қилиб қолдиргани ҳақида очиқ насс келган.

Энди Росулulloҳ ﷺ Алини мақтаган биринчи қисмга келсак, намуна сифатида айрим ҳадисларни келтирамиз, қолганлари ҳам мақтов маъноси доирасидан чиқмайди.

Бухорий Саҳл ибн Саъд رضي الله عنه дан ушбуни ривоят қилди:

«أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ قَالَ: لأَعْطِينَ الرَّأْيَةَ غَدًا رَجُلًا يَفْتَحُ اللَّهُ عَلَى يَدَيْهِ، قَالَ: فَبَاتَ النَّاسُ يَدُوكُونَ لَيْلَتَهُمْ أَيُّهُمْ يُعْطَاهَا. فَلَمَّا أَصْبَحَ النَّاسُ غَدَوْا عَلَى رَسُولِ اللَّهِ ﷺ كُلُّهُمْ يَرْجُو أَنْ يُعْطَاهَا، فَقَالَ: أَيْنَ عَلِيُّ بْنُ أَبِي طَالِبٍ؟ فَقَالُوا يَشْتَكِي

عَيْنِيهِ يَا رَسُولَ اللَّهِ، قَالَ فَأَرْسَلُوا إِلَيْهِ فَأَتُونِي بِهِ، فَلَمَّا جَاءَ بَصَقَ فِي عَيْنِيهِ وَدَعَا لَهُ فَبَرَأَ حَتَّى كَأَن لَمْ يَكُنْ بِهِ وَجَعٌ فَأَعْطَاهُ الرَّأْيَةَ»

«Росулulloх ﷺ: Эртага рояни шундай бир кишига бераманки, Аллох унинг қўлида фатҳга етказди. Ўша кечани одамлар роя ўзларидан қайси бирларига берилиши ҳақида зўр бериб тортишиб тонг оттирдилар. Тонг отгач одамлар Росулulloх ﷺ хузурига келишди. Ҳаммалари роя ўзига берилишини умид қилиб турарди. Шунда Пайғамбаримиз ﷺ: Али ибн Абу Толиб қаерда? - деб сўрадилар. Одамлар ё Росулulloх унинг кўзи оғриб қолибди, дейишди. Пайғамбаримиз ﷺ: унга одам юбориб айтиб келинглар, деди. Али келгач Пайғамбаримиз ﷺ унинг кўзига туфладилар ва унинг ҳаққига дуо қилдилар. Шунда Али тузалиб оғримагандек бўлиб қолди. Шундан сўнг Пайғамбаримиз ﷺ унга рояни берди». Муслим бу ҳадисни Абу Ҳурайрадан мана бу лафз билан ривоят қилди:

«أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ قَالَ يَوْمَ خَيْبَرَ: لأُعْطِينَ هَذِهِ الرَّأْيَةَ رَجُلًا يُحِبُّ اللَّهَ وَرَسُولَهُ، يَفْتَحُ اللَّهُ عَلَى يَدَيْهِ. قَالَ عُمَرُ بْنُ الْخَطَّابِ: مَا أَحْبَبْتُ الْإِمَارَةَ إِلَّا يَوْمَئِذٍ. قَالَ فَتَسَاوَرْتُ لَهَا رَجَلَهُ أَنْ أُدْعَى لَهَا، قَالَ: فدَعَا رَسُولُ اللَّهِ ﷺ عَلِيَّ بْنَ أَبِي طَالِبٍ فَأَعْطَاهُ إِيَّاهَا»

«Росулulloх ﷺ Хайбар кунда: Албатта бу рояни Аллох ва Росулини севадиган бир кишига бераман, Аллох унинг қўлида фатҳга етказди, дедилар. Умар ибн Хаттоб дейди: «Мен амирликни фақат ўша кундагина хоҳлаган эдим». (Абу Ҳурайра айтади) Менга бериб қолармикин деган умидда менда унга зўр иштиёқ туғилди. Росулulloх ﷺ Али ибн Абу Толибни чақириб рояни унга берди». Бухорий Али ﷺ манокіби (мақтовли сифатлари) ҳақидаги бобда ривоят қилишича, Набий ﷺ Алига шундай деганлар:

«أَنْتَ مَعِيَ وَأَنَا مِنْكَ»

«**Сен мандансан ва мен санданман**». Муслим Саъд ибн Абу Ваққосдан ривоят қилиб деди: Муовия ибн Абу Суфён Саъдни амир қилиб тайинлар экан, унга: Абу Туробни сўкишингга нима монёлик қилади? - деди. Шунда Саъд: Росулulloҳ ﷺ унга айтган уч нарсани эслаганим учун уни ҳеч қачон сўкмайман. Ўша уч нарсадан битгаси меники бўлиши мен учун дунё бойликларидан кўра яхшироқдир. Росулulloҳ ﷺ ғазотларнинг бирида Алини ўзининг ўрнига қолдирдилар. Шунда Али: Ё Росулulloҳ мени аёллар ва болалар билан қолдирасизми? - деди. Росулulloҳ ﷺ унга:

□

«أَمَا تَرْضَى أَنْ تَكُونَ مِنِّي بِمَنْزِلَةِ هَارُونَ مِنْ مُوسَى، إِلَّا أَنَّهُ لَا بُؤَةَ بَعْدِي»

«**Хорун Мусодан қандай манзилат (даража)да бўлган бўлса сен ҳам мандан шундай манзилатда бўлишинга розимасмисан. Фақат мандан кейин пайғамбарлик йўқ**», дедилар. Мен Пайғамбаримиз ﷺнинг Хайбар куннда:

□

«لَأُعْطِينَ الرَّاْيَةَ رَجُلًا يُحِبُّ اللّٰهَ وَرَسُوْلَهُ وَيُحِبُّهُ اللّٰهُ وَرَسُوْلُهُ. قَالَ: فَتَطَاوَلْنَا لَهَا فَقَالَ: ادْعُوا لِي عَلِيًّا، فَأَتَى بِهِ أَرْمَدَ، فَبَصَّقَ فِي عَيْنَيْهِ وَدَفَعَ الرَّاْيَةَ إِلَيْهِ، فَفَتَحَ اللّٰهُ عَلَيْهِ»

«**Мен албатта бу рояни Аллоҳ ва Росулини севадиган, Аллоҳ ва Росули ҳам уни севадиган бир кишига бераман**», деб айтганларини эшитганман. Биз ўшанда рояни олишга зўр бериб интилган эдик. Ўшанда Пайғамбаримиз ﷺ: «**Менга Алини чақириб келинглар, дедилар. Уни чақириб келинди. Уни кўзи оғриган экан. Пайғамбаримиз ﷺ унинг кўзига туфлади ва рояни унга берди. Аллоҳ унинг кўлида фатҳга етказди**». Ушбу:

فَقُلْ تَعَالَوْا نَدْعُ أَبْنَاءَنَا وَأَبْنَاءَكُمْ

«**Айтинг: “Келинглар, ўғилларимизни ва ўғилларингизни чорлаб-йигайлик”**»

[Оли Имрон: 61]

деган оят нозил бўлгач Росулulloҳ ﷺ Али, Фотима, Ҳасан ва Ҳусайн ҳаққиға дуо қилиб:

□

«اللَّهُمَّ هَوِّلَايَ أَهْلِي»

«Аллоҳим, булар менинг аҳлим», деди. Муслим Саҳл ибн Саъддан ривоят қилади: Мадинаға Марвон хонадонидан бир киши волий қилиб тайинланди. У Саҳл ибн Саъдни чақириб Алини сўқишни буюрди. Саҳл бундан бош тортди. Шунда у Саҳлга, агар бунга кўнмасанг Аллоҳ Абу Туробни лаънатласин деб айт, деди. Саҳл унга: Али учун Абу Туробдан кўра севимли исм бўлмаган. Агар у ҳаёт бўлганида эди, шу исм билан чақирилса албатта хурсанд бўлган бўларди. Буни эшитиб волий Саҳлга: Нима учун у Абу Туроб деб аталди, шунинг қиссасини бизға айтиб бер, деди. Саҳл деди: Росулulloҳ ﷺ Фотиманинг уйига келиб Алини топмай:

«أَيْنَ ابْنِ عَمِّكَ؟»

«Амакингнинг ўғли қаерда?», деб сўрадилар. Фотима ўртамизда бир нарса бўлган эди, у менга ғазаб қилиб хафа бўлиб чиқиб кетди. Кундузи менинг олдимда дам олгани йўк, деди. Шунда Росулulloҳ ﷺ бир кишиға:

«أَنْظِرْ أَيْنَ هُوَ»

«Қарачи у қаерда экан», деган эди, у бориб билиб келиб: Ё Росулulloҳ ﷺ у масжидда ухлаб ётибди, деди. Росулulloҳ ﷺ келганида у ухлаб ётар, чопонининг бир томони пастга тушиб унга тупроқ теккан эди. Росулulloҳ ﷺ ундан тупроқни артиб:

«قُمْ أَبَا التُّرَابِ قُمْ أَبَا التُّرَابِ»

«Тур Абу Туроб, тур Абу Туроб», дедилар. Муслим Адий ибн Собитдан, у эса Зиррдан шундай деганини ривоят қилди. Али

деди: «Донни ёрган ва жонзотни йўқдан бор қилган Зотга қасамки Набий ﷺ мени фақат мўмингина яхши кўришини, мени фақат мунофиқгина ёмон кўришини менга аҳд (ваъда) қилдилар». Бу ҳадисларда Росулulloҳ ﷺ Алини ўзидан кейин халифа қилиб қолдирган деб айтишга асос бўладиган ҳеч нарса йўқ. Масалан Хайбар кунига оид ҳадисда Росулulloҳ Алини мақтаганлар. Росулulloҳнинг Алига: «**Сен мендансан ва мен сенданман**», деб айтган сўзлари Пайғамбаримиз ﷺ томонидан Алини мақташдир. Саъднинг Али ҳақида: «**Хорун Мусодан қандай манзилатда бўлган бўлса сен ҳам мендан шундай манзилатда бўлишинга розимасмисан**», деб ривоят қилинган ҳадисига келсак, бу ҳақда шу мавзуга оид ҳадислардан иккинчи қисмда гап келади. Али ҳақидаги Хайбар кунига оид ҳадис мақтовдир. Пайғамбаримиз ﷺ Али, Фотима, Ҳасан, Ҳусайн менинг аҳлим деган ҳадис ҳам мақтовдир, Саҳл ибн Саъд ҳадиси ҳам мақтовдир. Росулulloҳ ﷺ саййидимиз Алини мақтаган бўлсалар, бошқа саҳобаларни ҳам мақтаганлар. Росулulloҳ ﷺнинг бир шахсни мақташи уни халифа қилиб қолдирганига ҳечам далолат қилмайди.

Ҳадислардан иккинчи қисмига келсак, айримлар улардан Росулulloҳ ﷺ ўзидан кейин Али халифа бўлишини кўрсатиб кетган деган хулосани чиқаришган. Бу ҳадислар қисқача куйидаги тўрт нусусдан иборат:

1. Бухорий Мусъаб ибн Саъддан, у эса отасидан ривоят қилди: Росулulloҳ ﷺ Табукка чиқдилар ва Алини қолдирдилар. Али: Ё Росулulloҳ, мени болалар ва аёллар ичида қолдирасизми? - деди. Росулulloҳ ﷺ унга:

«أَلَا تَرْضَى أَنْ تَكُونَ مِنِّي بِمَنْزِلَةِ هَارُونَ مِنْ مُوسَى؟ إِلَّا أَنَّهُ لَيْسَ نَبِيٌّ بَعْدِي»

«Хорун Мусодан қандай манзилатда бўлган бўлса сен ҳам мендан шундай манзилатда бўлишинга розимасмисан. Фақат мендан кейин пайғамбар бўлмайди», дедилар. Муслим Омир ибн Саъд ибн Абу Ваққосдан, у эса отасидан шундай деганини ривоят қилди: Росулulloҳ ﷺ Алига:

«أَنْتَ مِنِّي بِمَنْزِلَةِ هَارُونَ مِنْ مُوسَى إِلَّا أَنَّهُ لَا نَبِيَّ بَعْدِي»

«Хорун Мусодан қандай манзилатда бўлган бўлса сен ҳам мендан шундай манзилатдасан. Фақат мендан кейин пайғамбар бўлмайди», дедилар. Бухорий ва Муслим Иброҳим ибн Саъддан, у эса отасидан шундай деганини ривоят қилди: Набий ﷺ Алига шундай дедилар:

«أَمَا تَرْضَى أَنْ تَكُونَ مِنِّي بِمَنْزِلَةِ هَارُونَ مِنْ مُوسَى»

«Хорун Мусодан қандай манзилатда бўлган бўлса сен ҳам мендан шундай манзилатда бўлишинга розимасмисан». Ибн Исҳоқ ривоят қилиб деди: Росулulloҳ ﷺ Али ибн Абу Толиб ﷺни ўз аҳлига қараб туриш учун қолдирди ва унга уларнинг ичида яшаб туришни буюрди. Мунофиқлар: Унинг оғири тушади деб ундан қутилиш учун қолдириб кетди, деб миш-миш тарқатишди. Шундан сўнг Али ибн Абу Толиб қуролини олиб чиқиб кетди ва Росулulloҳ ﷺ ҳузурига келди. Пайғамбаримиз ﷺ Журф деган жойга тушган эдилар. Али: эй Аллоҳнинг пайғамбари, мунофиқларнинг даъво қилишича сиз мени оғири тушади деб мендан қутилиш учун қолдирган эмишсиз, деди. Шунда Пайғамбаримиз ﷺ:

«كَذَّبُوا، وَلَكِنِّي خَلَفْتُكَ لِمَا تَرَكْتُ وَرَائِي فَارْجِعْ فَاخْلُفْنِي فِي أَهْلِي وَأَهْلِكَ، أَفَلَا تَرْضَى يَا عَلِيُّ أَنْ تَكُونَ مِنِّي بِمَنْزِلَةِ هَارُونَ مِنْ مُوسَى إِلَّا أَنَّهُ لَا نَبِيَّ بَعْدِي»

«Улар ёлғон айтишибди. Лекин мен сени ортимда қолдирган кишиларга қараб туришинг учун қолдирган эдим. Ортингга қайт. Менинг ўрнимга аҳлимга ва ўзингнинг аҳлингга қараб тур. Эй Али: Хорун Мусодан қандай манзилатда бўлган бўлса сен ҳам мендан шундай манзилатда бўлишингга розимасмисан, ахир. Фақат мендан кейин пайғамбар бўлмайди», дедилар. Шундан сўнг Али Мадинага қайтди. Росулulloҳ ﷺ эса сафарини давом эттирдилар. Саййид Абдул Ҳусайн Шарафуддин Мусавий «ал-Мурожаат» китобида Жобир ибн Абдуллоҳдан ривоят қилади: Росулulloҳ ﷺ дедилар:

«يَا عَلِيُّ إِنَّهُ يَحِلُّ لَكَ فِي الْمَسْجِدِ مَا يَحِلُّ لِي وَإِنَّكَ مِنِّي بِمَنْزِلَةِ هَارُونَ مِنْ مُوسَى إِلَّا أَنَّهُ لَا نَبِيَّ بَعْدِي»

«Эй Али, сенга масжидда менга ҳалол бўлган нарсалар ҳалол бўлади ва Хорун Мусодан қандай манзилатда бўлган бўлса сен ҳам мендан шундай манзилатдасан. Фақат мендан кейин пайғамбар бўлмайди».

2. Муслим Язид ибн Ҳайёндан шундай деганини ривоят қилди: Мен, Ҳусайн ибн Сабра ва Умар ибн Маслам учовимиз Зайд ибн Арқамнинг олдига бордик. Ўтирганимиздан кейин Ҳусайн унга: Эй Зайд, сиз кўп яхшиликка сазовор бўлгансиз. Сиз Росулуллоҳ ﷺ ни кўргансиз, у кишининг ҳадисларини эшитгансиз, у киши билан бирга ғазотга чиққансиз, у кишининг ортида намоз ўқигансиз. Дарҳақиқат сиз кўп яхшиликка сазовор бўлгансиз. Эй Зайд, Росулуллоҳ ﷺ дан эшитган нарсалардан бизга сўзлаб берсангиз, деди. Шунда Зайд: эй биродаримнинг ўғли, Аллоҳга қасамки, мен кексайиб қолдим, Росулуллоҳ ﷺ дан эшитган баъзи нарсаларни унутдим. Шунинг учун сизларга нимани сўзласам қабул қилинлар, нимани айтиб беролмасам уни менга таклиф қилманглар, деди. Сўнгра шундай деди: Росулуллоҳ ﷺ бир куни Макка билан Мадина ўртасидаги «Хум» деб аталадиган сув олдида бизга хутба қилдилар. Аллоҳга ҳамду сано айтдилар, ваъз ва зикр қилдилар. Сўнгра бундай дедилар:

«أَمَّا بَعْدُ أَلَا أَيُّهَا النَّاسُ فَإِنَّمَا أَنَا بَشَرٌ يُوْشِكُ أَنْ يَأْتِيَ رَسُولُ رَبِّي فَأُجِيبُ وَأَنَا تَارِكٌ فِيكُمْ ثَقَلَيْنِ، أَوْلَهُمَا كِتَابُ اللَّهِ فِيهِ الْهُدَىٰ وَالتُّورُ فَخُذُوا بِكِتَابِ اللَّهِ وَاسْتَمْسِكُوا بِهِ. فَحَثَّ عَلَىٰ كِتَابِ اللَّهِ وَرَغَبَ فِيهِ ثُمَّ قَالَ: وَأَهْلُ بَيْتِي أَذْكُرُّكُمْ اللَّهُ فِي أَهْلِ بَيْتِي، أَذْكُرُّكُمْ اللَّهُ فِي أَهْلِ بَيْتِي، أَذْكُرُّكُمْ اللَّهُ فِي أَهْلِ بَيْتِي»

«Аmmo баъд, эй одамлар огоҳ бўлингки мен ҳам бир инсонман, холос. Роббимнинг элчиси келиб мени олиб кетишига яқин қолди. Мен сизларга икки қимматбаҳо нарсани қолдириб кетяпман, биринчиси Аллоҳнинг Китоби

бўлиб, унда хидоят ва нур бор. Аллоҳнинг Китобини маҳкам ушланглар, унга маҳкам ёпишинглар». **Пайғамбаримиз ﷺ Аллоҳнинг Китобига ундаб, унга тарғиб қилдилар, сўнгра бундай дедилар: «Аҳли байтим, мен сизларга аҳли байтим борасида Аллоҳни эслатаман, аҳли байтим борасида сизларга Аллоҳни эслатаман, аҳли байтим борасида сизларга Аллоҳни эслатаман».** Шунда Хусайн унга: Эй Зайд, Пайғамбаримиз ﷺнинг аҳли байти кимлар? Аёллари эмасми? - деди. Зайд: аёллари аҳли байтидир, лекин Пайғамбаримиз ﷺдан кейин садақа ҳаром қилинган кишилар ҳам унинг аҳли байтидир, деди. Хусайн: улар кимлар? - деди. Зайд: улар оли Али (Али хонадони), оли Уқайл, оли Жаъфар, оли Аббос, деди. Хусайн: уларнинг ҳаммасига садақа ҳаром қилинганми? - деди. Зайд: ҳа, шундай деди. Саййид Абдул Хусайн Шарафуддин «ал-Мурожаат» китобида бу ҳадисни ушбу ривоят билан келтирди: Табароний саҳихлигига ижмо қилинган санад билан Зайд ибн Арқамдан ривоят қилади: Росулulloҳ ﷺ Хум чашмаси олдида, дарахтлар остида хутба қилиб шундай дедилар:

«أَيُّهَا النَّاسُ يُوشِكُ أَنْ أَدْعَى فَأُجِيبَ وَإِنِّي مَسْئُولٌ وَإِنَّكُمْ مَسْئُولُونَ، فَمَاذَا أَنْتُمْ قَائِلُونَ؟ قَالُوا نَشْهَدُ أَنَّكَ قَدْ بَلَغْتَ وَجَاهَدْتَ وَنَصَحْتَ، فَجَزَاكَ اللَّهُ خَيْرًا. فَقَالَ: أَلَيْسَ تَشْهَدُونَ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَأَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ، وَأَنَّ جَنَّتَهُ حَقٌّ وَأَنَّ نَارَهُ حَقٌّ، وَأَنَّ الْمَوْتَ حَقٌّ وَأَنَّ الْبَعْثَ حَقٌّ بَعْدَ الْمَوْتِ، وَأَنَّ السَّاعَةَ آتِيَةٌ لَا رَيْبَ فِيهَا وَأَنَّ اللَّهَ يَبْعَثُ مَنْ فِي الْقُبُورِ؟ قَالُوا بَلَى نَشْهَدُ بِذَلِكَ. قَالَ اللَّهُمَّ أَشْهَدُ ثُمَّ قَالَ: يَا أَيُّهَا النَّاسُ إِنَّ اللَّهَ مَوْلَايَ، وَأَنَا مَوْلَى الْمُؤْمِنِينَ، وَأَنَا أَوْلَى بِهِمْ مِنْ أَنْفُسِهِمْ، مَنْ كُنْتُ مَوْلَاهُ فَهَذَا مَوْلَاهُ - يَعْنِي عَلِيًّا - اللَّهُمَّ وَالِ مَنْ وَالَاهُ، وَعَادَ مَنْ عَادَاهُ. ثُمَّ قَالَ: يَا أَيُّهَا النَّاسُ إِنِّي فَرَطُكُمْ وَإِنَّكُمْ وَارِدُونَ عَلَيَّ الْحَوْضَ، حَوْضٌ أَعْرَضُ مَا بَيْنَ بَصْرَى إِلَى صَنْعَاءَ، فِيهِ عِدَّةُ النَّجْمِ، قِدَاحٌ مِنَ الْفِضَّةِ، وَإِنِّي سَأُئَلِّكُمْ حِينَ تَرِدُونَ عَلَيَّ عَنِ الثَّقَلَيْنِ كَيْفَ تُخَلِّفُونِي فِيهِمَا الثَّقَلُ الْأَكْبَرُ

كِتَابُ اللَّهِ عَزَّ وَجَلَّ، سَبَبُ طَرَفُهُ بِيَدِ اللَّهِ تَعَالَى وَطَرَفُهُ بِأَيْدِيكُمْ فَاسْتَمْسِكُوا بِهِ
لَا تَضِلُّوا وَلَا تُبَدِّلُوا، وَعَعْرَتِي أَهْلُ بَيْتِي فَإِنَّهُ قَدْ بَنَى اللَّطِيفُ الْخَيْرُ أَنَّهُمَا لَنْ
يَنْقُضِيَا حَتَّى يَرِدَا عَلَيَّ الْحَوْضَ»

«Эй инсонлар, яқинда мен чақириламан ва уни қабул қиламан. Албатта мен масъулман ва албатта сизлар ҳам масъулсиз. Хўш, сизлар нима дейсизлар? Одамлар: биз албатта етказдингиз, жидду жаҳд қилдингиз ва насихат қилдингиз, деб гувоҳлик берамиз. Аллоҳ сизга яхшиликни мукофот қилсин, дейишди. Пайғамбаримиз ﷺ: сизлар Аллоҳдан бошқа ҳеч илоҳ йўқ ва Муҳаммад Унинг бандаси ва росулидир деб, жаннати ҳам, дўзахи ҳам ҳақ, ўлим ҳақ, ўлгандан кейин қайта тирилиш ҳақ, соат (қиёмат) албатта келади, бунда ҳеч шубҳа йўқ ва Аллоҳ қабрдагиларни қайта тирилтиради, деб гувоҳлик бермайсизларми? - дедилар. Одамлар: биз албатта бунга гувоҳлик берамиз дейишди. Пайғамбаримиз ﷺ: Аллоҳим, ўзинг гувоҳ бўл, дедилар, сўнгра бундай дедилар: Эй инсонлар, албатта Аллоҳ менинг Мавлойимдир, мен эса мўминларнинг мавлосиман. Мен уларга ўзларидан кўра ҳақлироқман. Мен кимнинг мавлоси бўлсам бу ҳам – яъни Али ҳам – унинг мавлосидир. Аллоҳим уни дўст тутганни дўст тут ва уни душман тутганни душман тут. Шундан кейин Пайғамбаримиз ﷺ яна бундай дедилар: Эй инсонлар, мен сизлардан олдин кетаман ва сизлар менинг ҳавзимга келасизлар, шундай ҳавзки у Бусро билан Санъо ўртасидаги ерлардан кенгроқ бўлиб, унда юлдузлар саноғича кумушдан бўлган қадахлар бўлади. Менинг ҳузуримга келган пайтингизда сизлардан икки қимматбаҳо нарса ҳақида, мендан кейин иккисига қандай ўринбосарлик қилганингиз ҳақида сўрайман. Энг катта қимматбаҳо нарса Аллоҳ Азза ва Жалланинг Китоби бўлиб, бир тарафининг учи Аллоҳ Таоло қўлида, бир тарафи эса сизларнинг қўлингиздадир. Бас, уни маҳкам ушланглар, залолатга кетмайсизлар, уни бошқа нарсаларга алмаштирманглар. Иккинчи қимматбаҳо нарса менинг муаттар оилам аҳли байтимдир. Латиф, Хабир Зот бу икки қимматбаҳо нарса то ҳавзимга келгунига қадар тугамаслигини менга хабар берди». Саййид Абдулхусайн

Шарафуддин зикр қилган нарса шу ерда ниҳоясига етди. Шайх Абдулҳусайн Аҳмад ал-Аминий ан-Нажафий «ал-Ғадир» китобида қуйдагиларни айтади: «Набий ﷺ ҳаж амалларини адо этгач Мадинага қайтдилар. У киши билан бирга йиғилган одамлар бор эди. Пайғамбаримиз ﷺ Жухфа яқинидаги Хум чашмасига етиб келдилар. У ерда мадиналиклар, мисрликлар ва ироқликлар йўллари айрилар эди. Бу воқеа 18 зул-ҳижжа пайшанба куни рўй берди. Ушанда Жаброил Амин Аллоҳнинг:

يَا أَيُّهَا الرَّسُولُ بَلِّغْ مَا أُنزِلَ إِلَيْكَ مِنْ رَبِّكَ

«Эй пайғамбар, сизга Парвардигорингиз томонидан нозил қилинган нарсани етказинг!» [Моида: 67]

деган қавлини олиб тушди ва Пайғамбаримиз ﷺга Алини одамлар учун таниқли киши қилиб қўйишни ва уларга унинг ҳақида нозил бўлган валийликни, итоат ҳар бир кишига фарз бўлганини етказиб қўйишни буюрди. Қавмнинг аввалги сафлари Жухфага яқин келиб қолган эди. Росулуллоҳ ﷺ улардан олдинга илгарилаб кетганларини қайтаришни, ортда қолганларини эса ўша жойда ушлаб туришни буюрдилар ва ҳаммани бешта бир-бирига яқин баланд, катта самра дарахтлари остига тушишни буюрдилар. Қавм жой-жойларини эгаллаб, дарахтлар ости супурилди. Пешин намозига азон айтилгач Пайғамбаримиз ﷺ келиб одамлар билан дарахтлар остида намоз ўқидилар. Кун қизиган бўлиб, одамлар жазирама иссиқ шиддатидан чопонларининг бир учини бошларига, бир учини эса оёқлари остига қўйиб олишган эди. Росулуллоҳга самра дарахти устига бир кийимни ташлаб соя қилиб берилди. Росулуллоҳ ﷺ намозни адо этгач қавмга юзланиб уларнинг ўртасида туянинг устида ҳаммага эшиттириб, баланд овоз билан хутба қилиб, шундай дедилар:

«الْحَمْدُ لِلَّهِ وَنَسْتَعِينُهُ وَنُؤْمِنُ بِهِ وَنَتَوَكَّلُ عَلَيْهِ، وَنَعُوذُ بِاللَّهِ مِنْ شُرُورِ أَنْفُسِنَا، وَمِنْ سَيِّئَاتِ أَعْمَالِنَا، الَّذِي لَا هَادِيَ لِمَنْ ضَلَّ، وَلَا مُضِلَّ لِمَنْ هَدَى، وَأَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَأَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ، أَمَا بَعْدُ أَيُّهَا النَّاسُ قَدْ تَبَّأَنِي اللَّطِيفُ الْخَبِيرُ أَنَّهُ لَمْ يَعْمَرْ نَبِيٌّ إِلَّا مِثْلَ نَصْفِ عُمَرَ الَّذِي قَبْلَهُ، وَإِنِّي أَوْشِكُ أَنْ أَدْعَى

فَأَجِيبَ، وَإِنِّي مَسْئُولٌ وَأَنْتُمْ مَسْئُولُونَ فَمَاذَا أَنْتُمْ قَائِلُونَ؟ قَالُوا: نَشْهَدُ أَنَّكَ قَدْ
بَلَّغْتَ وَنَصَحْتَ وَجَهَدْتَ فَجَزَاكَ اللَّهُ خَيْرًا. قَالَ: أَلَسْتُمْ تَشْهَدُونَ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا
اللَّهُ وَأَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ، وَأَنَّ جَنَّتَهُ حَقٌّ وَنَارُهُ حَقٌّ، وَأَنَّ الْمَوْتَ حَقٌّ، وَأَنَّ
السَّاعَةَ آتِيَةٌ لَا رَيْبَ فِيهَا، وَأَنَّ اللَّهَ يَبْعَثُ مَنْ فِي الْقُبُورِ؟ قَالُوا: بَلَى نَشْهَدُ بِذَلِكَ.
قَالَ: اللَّهُمَّ اشْهَدْ. ثُمَّ قَالَ: أَيُّهَا النَّاسُ أَلَا تَسْمَعُونَ؟ قَالُوا: نَعَمْ. قَالَ: فَإِنِّي فَرَطٌ
عَلَى الْحَوْضِ وَأَنْتُمْ وَارِدُونَ عَلَيَّ الْحَوْضَ، وَإِنَّ عَرْضَهُ مَا بَيْنَ صَنْعَاءَ وَبُصْرَى
فِيهِ أَقْدَاحُ عَدَدَ النُّجُومِ مِنْ فِضَّةٍ فَانظُرُوا كَيْفَ تُخَلِفُونِي فِي الثَّقَلَيْنِ، فَنَادَى مُنَادٍ
وَمَا الثَّقَلَانِ يَا رَسُولَ اللَّهِ؟ قَالَ: الثَّقَلُ الْأَكْبَرُ كِتَابُ اللَّهِ، طَرَفٌ بِيَدِ اللَّهِ عَزَّ
وَجَلَّ، وَطَرَفٌ بِأَيْدِيكُمْ فَتَمَسَّكُوا بِهِ لَا تَضِلُّوا، وَالْآخِرُ الْأَصْغَرُ عِزَّتِي، وَإِنَّ
اللطيفَ الخبيرَ تَبَأْنِي أَنَّهُمَا لَنْ يَتَفَرَّقَا حَتَّى يَرِدَا عَلَيَّ الْحَوْضَ، فَسَأَلْتُ ذَلِكَ
لَهُمَا رَبِّي، فَلَا تَقْدُمُوهُمَا فَتَهْلِكُوا وَلَا تَقْصُرُوا عَنْهُمَا فَتَهْلِكُوا، ثُمَّ أَخَذَ بِيَدِ عَلِيٍّ
فَرَفَعَهَا حَتَّى رُؤِيَ بَيَاضُ أَبْطَاهِمَا وَعَرَفَهُ الْقَوْمُ أَجْمَعُونَ فَقَالَ: أَيُّهَا النَّاسُ مَنْ
أَوْلَى النَّاسِ بِالْمُؤْمِنِينَ مِنْ أَنْفُسِهِمْ؟ قَالُوا: اللَّهُ وَرَسُولُهُ أَعْلَمُ، قَالَ: إِنَّ اللَّهَ
مَوْلَايَ، وَأَنَا مَوْلَى الْمُؤْمِنِينَ، وَأَنَا أَوْلَى بِهِمْ مِنْ أَنْفُسِهِمْ فَمَنْ كُنْتُ مَوْلَاهُ فَعَلِيٌّ
مَوْلَاهُ، يَقُولُهَا ثَلَاثَ مَرَّاتٍ، وَفِي لَفْظِ أَحْمَدَ إِمَامِ الْحَنَابِلَةِ أَرْبَعَ مَرَّاتٍ، ثُمَّ قَالَ:
اللَّهُمَّ وَالِ مَنْ وَالَاهُ وَعَادِ مَنْ عَادَاهُ، وَأَحِبَّ مَنْ أَحَبَّهُ، وَأَبْغَضْ مَنْ أَبْغَضَهُ وَأَنْصُرْ
مَنْ نَصَرَهُ، وَاخْذُلْ مَنْ خَذَلَهُ، وَأَدِرِ الْحَقَّ مَعَهُ حَيْثُ دَارَ، أَلَا فَلْيَبْلُغِ الشَّاهِدُ

(الْعَائِبُ)

«Аллоҳга ҳамд бўлсин, Ундангина ёрдам сўраймиз, Унга
имон келтирамиз, Унга таваккул қиламиз. Аллоҳдан
нафсимизнинг ёмонлигидан ва ёмон амалларимиздан паноҳ
беришини сўраймиз. У Зот кимни адаштира, уни ҳеч
ҳидоят қилолмас, кимни ҳидоят қилган бўлса, уни ҳеч ким

адаштиролмас. Аллоҳдан бошқа ҳеч илоҳ йўқ ва Муҳаммад Унинг бандаси ва росулидир, деб гувоҳлик бераман. Аммо баъд: эй инсонлар, Латиф, Хабир Зот менга хабар бердики, қайси бир пайғамбар бўлмасин ўзидан олдинги пайғамбар умрининг ярмича умр кўрган. Менинг ҳам чақирилиб, ижобат қилишимга яқин қолди. Албатта мен масъулман ва албатта сизлар ҳам масъулсиз. Хўш, сизлар нима дейсизлар? Одамлар: биз албатта етказдингиз, жидду жаҳд қилдингиз ва насихат қилдингиз, деб гувоҳлик берамиз. Аллоҳ сизга яхшилиқни мукофот қилсин, дейишди. Пайғамбаримиз ﷺ: сизлар Аллоҳдан бошқа ҳеч илоҳ йўқ ва Муҳаммад Унинг бандаси ва росулидир, деб, жаннатни ҳам, дўзаҳни ҳам ҳақ, ўлим ҳақ, ўлгандан кейин қайта тирилиш ҳақ, соат (қиёмат) албатта келади, бунда ҳеч шубҳа йўқ ва Аллоҳ қабрдагиларни қайта тирилтиради, деб гувоҳлик бермайсизларми? - дедилар. Одамлар: биз албатта бунга гувоҳлик берамиз, дейишди. Пайғамбаримиз ﷺ: Аллоҳим, ўзинг гувоҳ бўл, дедилар, сўнгра: Эй инсонлар, қулоқ соласизларми? - дедилар. Одамлар: ҳа, қулоқ соламиз, дейишди. Пайғамбаримиз ﷺ: албатта мен ҳавзга биринчи бўлиб бораман ва сизлар ҳузуримга, ҳавзга келасизлар. Унинг кенглиги Санъо билан Бусро ўртасичалик келади. Унда юлдузлар сонича кумуш қадаҳлар бўлади. Бас, сизлар мenden кейин икки қимматбаҳо нарсага қандай ўринбосарлик қилишингиз ҳақида ўйлаб кўринглар, дедилар. Шунда бир киши: у икки қимматбаҳо нарса нима ё Росулulloҳ? - деб сўради. Пайғамбаримиз ﷺ: энг қимматли нарса Аллоҳнинг Китоби, бир тарафи Аллоҳ Азза ва Жалла қўлида, бошқа тарафи эса сизларнинг қўлингизда. Уни маҳкам тутинглар, шунда залолатга кетмайсиз. Иккинчи кичикроғи эса менинг муаттар оиламдир. Латиф, Хабир Зот менга хабар бердики, иккаласи то ҳавзга келгунга қадар бир-биридан асло айрилмайди. Мен буни Роббимдан сўрадим. Бас, сизлар иккаласидан ўзингизни муқаддам қўймангки ҳалок бўласиз, иккаласи борасида қосирлик қилманг, бунда ҳам ҳалок бўласиз, дедилар. Шундан сўнг Пайғамбаримиз ﷺ Алини қўлини ушлаб шундай юқори кўтардики, ҳатто иккала қўлтиғининг оқи кўринди. Уни (Алини) ҳамма таниди. Сўнг Пайғамбаримиз ﷺ: эй инсонлар, ким

мўминларга ўзларидан ҳам кўра ҳақлироқ? - деб сўрадилар. Одамлар: Аллоҳ ва Росули билувчироқ, деб жавоб беришди Пайғамбаримиз ﷺ: албатта Аллоҳ менинг Мавлойимдир, мен эса мўминларнинг мавлоси (дўсти)ман. Мен уларга ўзларидан кўра ҳақлироқман. Мен кимнинг мавлоси бўлсам Али ҳам унинг мавлосидир, дедилар, буни уч марта айтдилар (ханбалийлар имоми Аҳмад ривоятида тўрт марта, дейилган). Шундан сўнг Пайғамбаримиз ﷺ: Аллоҳим, уни (Алини) дўст тутганни дўст тут, душман тутганни душман тут, уни севганни сев, уни ёмон кўрганни ёмон кўр, унга ёрдам берганга ёрдам бер, уни ёрдамсиз ташлаб қўйганни ёрдамсиз ташлаб қўй, қаерга борса ҳақни у билан бирга қил. Огоҳ бўлинглар, ҳозир бўлган ҳозир бўлмаганга етказсин».

3. Росулulloҳ ﷺ Алининг халифа бўлишини кўрсатиб кетган, деб айтадиган кишилар ўзларининг китобларида бир қанча ҳадисларни ривоят қилишган. Биз бу ҳадисларни ривоят қилиниши жиҳатидан баҳс қилмаймиз. Бу ҳадисларни икки шайх: Бухорий ва Муслим ривоят қилмаган ва ишончли кишилар орқали ҳам ривоят қилинмаган. Уларнинг кўпи мавзуъ (тўқима) ҳадислардан иборат. «Бу ҳадисларни сизлар ишончли деб ҳисоблайдиган кишилар ривоят қилмаган, уларни биз ишончли деб ҳисоблайдиган кишилар ривоят қилишган, ким саҳиҳ ҳадис деб ҳисобласа уни ҳужжат келтиришга ҳаққи бор», деб айтмасликлари учун бу ҳадисларни ривоят қилиниши жиҳатидан баҳс қилмаймиз. Аксинча биз бу нусусларнинг ўзини уларнинг ривоятларида қандай келган бўлса шундай ҳолда баҳс қиламиз. Бу ҳадислардан улар «Росулulloҳ ﷺ ўзидан кейин Алини халифа қилиб қолдирган», деган ҳукми чиқаришади. Улар бу ҳадисларни валоят ҳадислари деб аташади. Биз улардан бир қисмини келтириб ўтаемиз. Қолганлари ҳам худди шу маънода бўлиб, ҳатто худди шу лафзларнинг ўзи билан келади.

а – Абу Довуд Таёлисий Ибн Аббосдан ривоят қилади, Росулulloҳ ﷺ Али ибн Абу Толибга:

«أَنْتَ وَلِيِّ كُلِّ مُؤْمِنٍ بَعْدِي»

«Сен мандан кейин ҳар бир мўминнинг валийсисан»,
дедилар.

б – «Канзул уммол»да Имрон ибн Ҳусайндан ривоят қилинишича у бундай деган: Росулуллоҳ ﷺ бир сарийя (кичик кўшин) юбориб, унга Али ибн Абу Толибни кўмондон қилиб тайинладилар. Али хумс (ўлжанинг бешдан бир қисми)дан ўзига бир жорияни танлаб олди. Бошқалар бунга қарши чиқди. Улардан тўрт киши Али устидан Росулуллоҳ ﷺга шикоят қилишга келишиб олишди. Улар Пайғамбаримиз ﷺ олдига келишгач битталари туриб: ё Росулуллоҳ, Алининг шундай, шундай қилганини кўрмайсизми, деди. Пайғамбаримиз ﷺ ундан юзини ўгириб олдилар. Иккинчиси туриб ўша гапни айтди. Пайғамбаримиз ﷺ ундан ҳам юзини ўгириб олдилар. Учинчиси ҳам туриб ўша гапни айтди. Пайғамбаримиз ﷺ ундан ҳам юзини ўгириб олдилар. Тўртинчиси ҳам туриб улар айтган гапни айтди. Шунда Росулуллоҳ ﷺ уларга юзландилар. Юзида ғазаб акс этиб турарди. Сўнгра уларга:

«مَا تَرِيدُونَ مِنِّي؟ إِنَّ عَلِيًّا مِنِّي وَأَنَا مِنْهُ، وَهُوَ وَلِيٌّ كُلِّ مُؤْمِنٍ بَعْدِي»

«Алидан нима истайсиз? Али мандан, мен унданман ва у мандан кейин ҳар бир мўминнинг валийсидир», дедилар.

в – Амр ибн Маймун Ибн Аббосдан ривоят қилган узун ҳадисда шундай дейилган: Росулуллоҳ ﷺ фалончини Тавба сураси билан юбордилар, унинг ортидан Алини юбориб уни ундан олдирдилар ва:

«لَا يَذْهَبُ بِهَا إِلَّا رَجُلٌ هُوَ مِنِّي وَأَنَا مِنْهُ»

«У мандан ва мен ундан бўлган кишигина уни олиб боради», дедилар.

г – «Канзул уммол»да Ваҳб ибн Ҳамзадан шундай дегани ривоят қилинган: Мен Али билан бирга сафарга чиқиб ундан жафо кўрдим. Қайтганимда албатта унинг устидан шикоят

қиламан деб ичимга тугиб қўйдим. Қайтиб келиб Росулulloҳ ﷺ га Али ҳақида гапириб уни қораладим. Пайғамбаримиз ﷺ:

«لَا تَقُولَنَّ هَذَا لِعَلِّيَّ فَإِنَّهُ وَلِيُّكُمْ بَعْدِي»

«Алига нисбатан ҳаргиз бундай дема, чунки у мендан кейин сизларнинг валийингиздир», дедилар.

д – «Канзул уммол»да Ибн Аббосдан шундай дегани ривоят қилинган: Росулulloҳ ﷺ дедилар:

«مَنْ سَرَّهُ أَنْ يَحْيَا حَيَاتِي، وَيَمُوتَ مَمَاتِي وَيَسْكُنَ جَنَّةَ عَدْنٍ غَرَسَهَا رَبِّي، فَلْيُؤَالَ عَلِيًّا بَعْدِي وَلْيُؤَالَ وَلِيِّهِ»

«Ким менинг ҳаётимдек ҳаёт кечиршни, менинг ўлимимдек ўлишни, дарахтларини Роббим эккан Адн жаннатидан маскан тутишни хоҳласа мендан кейин Алини дўст тутсин ва унинг дўстини дўст тутсин».

е – «Мунтахабул канз»да Зайёд ибн Мутрафдан шундай дегани ривоят қилинган: Мен Росулulloҳ ﷺ нинг шундай деганларини эшитдим:

«مَنْ أَحَبَّ أَنْ يَحْيَا حَيَاتِي وَيَمُوتَ مِيتَتِي وَيَدْخُلَ الْجَنَّةَ الَّتِي وَعَدَنِي رَبِّي وَهِيَ جَنَّةُ الْخُلْدِ، فَلْيَتَوَلَّ عَلِيًّا وَدُرَيْتَهُ مِنْ بَعْدِي، فَإِنَّهُمْ لَنْ يُخْرِجُوكُمْ مِنْ بَابِ هُدَى، وَلَنْ يُدْخِلُوكُمْ بَابَ ضَلَالَةٍ»

«Кимки менинг ҳаётимдек ҳаёт кечиршни, ўлимимдек ўлишни ва Роббим ваъда қилган жаннатга, жаннатул Хулдга киришни хоҳласа мендан кейин Алини ва унинг зурриётини дўст тутсин. Зеро улар сизларни ҳидоят эшигидан асло чиқаришмайди ва сизларни залолат эшигига ҳаргиз киргишмайди».

ё – «Канзул уммол»да Аммор ибн Ёсирдан шундай дегани ривоят қилинган: Росулulloҳ ﷺ дедилар:

«أوصي من آمن بي وصدقني بولاية علي بن أبي طالب، فمن تولاه فقد تولاني
ومن تولاني فقد تولى الله، ومن أحبه فقد أحبني ومن أحبني فقد أحب الله،
ومن أبغضه فقد أبغضني ومن أبغضني فقد أبغض الله»

«Менга имон келтириб мени тасдиқлаган кишига Али ибн Абу Толибни дўст тутишни васият қиламан. Уни ким дўст тутса мени дўст тутибди, ким мени дўст тутса Аллоҳни дўст тутибди. Ким уни яхши кўрса мени яхши кўрибди, ким мени яхши кўрса Аллоҳни яхши кўрибди. Ким уни ёмон кўрса мени ёмон кўрибди, ким мени ёмон кўрса Аллоҳни ёмон кўрибди».

ж – «Канзул уммол»да яна Аммордан ривоят қилинади:

«اللَّهُمَّ مَنْ آمَنَ بِي وَصَدَّقَنِي فَلْيَتَوَلَّ عَلِيَّ بْنَ أَبِي طَالِبٍ، فَإِنَّ وِلَايَتَهُ وَوِلَايَتِي وَوِلَايَتِي
وَوِلَايَةُ اللَّهِ تَعَالَى»

«Аллоҳим, ким менга имон келтирса ва мени тасдиқласа Али ибн Абу Толибга ёрдам берсин. Чунки унга ёрдам бериш менга ёрдам беришдир, менга ёрдам бериш эса Аллоҳ Таолога ёрдам беришдир».

4 – Бу ерда Росуллуллоҳ ﷺ Алининг халифа бўлишини кўрсатиб кетган деб айтадиган кишилар ривоят қиладиган ҳадислар ҳам бор. Бу ҳадисларни ишончли ровийларнинг ҳеч бири ривоят қилмаган ва уларнинг кўпи мавзуъ ҳадислардир. Биз бу ҳадисларни – уларни ривоят қилган кишилар наздида саҳиҳ деб даъво қилинмаслиги учун – уларнинг ривоят қилиниши жиҳатидан баҳс қилиш учун келтирмаймиз, балки уларни ўша кишиларнинг ривоятларида матнлари қандай келган бўлса шундай баҳс қилиб учун келтирамиз. Бу ҳадислар Росуллуллоҳ ﷺ Али билан биродарлашгани ва уни ўзидан кейин ворис қилиб қолдиргани мазмунидадир. Биз улардан бир қисмини келтириб ўтамиз. Қолганлари ҳам худди шу маънода ва худди шу лафзлар билан ривоят қилинган:

а – Набий ﷺ ҳижратдан олдин муҳожирларни бир-бирига биродар қилиб қўйди ва ўзига Алини биродар қилиб танлади. Биродарлик ҳақидаги биринчи ҳадисда жумладан шундай сўзлар келган: «Али: ё Росулulloҳ, сизнинг мендан бошқа асҳобларингизга нисбатан қилган ишингизни менга нисбатан қилмай, мени ажратиб қўйганингизни кўриб рухим тушиб кетди ва қаддим букилди. Агар бу менга бўлган ғазабдан бўлса, итоб қилишга ҳам, каримлик кўрсатишга ҳам ҳақлисиз, деди. Шунда Росулulloҳ ﷺ:

«وَالَّذِي بَعَثَنِي بِالْحَقِّ مَا أَخَّرْتُكَ إِلَّا لِنَفْسِي وَأَنْتَ مِنِّي بِمَنْزِلَةِ هَارُونَ مِنْ مُوسَى،
غَيْرَ أَنَّهُ لَا نَبِيَّ بَعْدِي وَأَنْتَ أَخِي وَوَارِثِي»

«Мени ҳақ билан юборган Зотга қасамки, мен сени фақат ўзимга биродар қилиб танлаш учунгина кечиктирдим, холос. Зеро сен мендан Ҳорун Мусодан қандай манзилатда бўлса шундай манзилатдасан. Лекин мендан кейин пайғамбар бўлмайди. Сен менинг биродарим ва ворисимсан», дедилар. Али: мен сиздан нимани мерос оламан? - деди. Пайғамбаримиз ﷺ:

«مَا وَرَثَ الْأَنْبِيَاءُ مِنْ قَبْلِي، كِتَابَ رَبِّهِمْ وَسُنَّةَ نَبِيِّهِمْ»

«Мендан олдинги пайғамбарлар мерос қилиб қолдирган нарсани: Роббиларининг Китоби ва набийларининг суннатини», дедилар».

б – Набий ﷺ ҳижратдан беш ой кейин муҳожирлар ва ансорларни бир-бирига биродар қилиб қўйдилар. Лекин Алини ансорлардан биронтаси билан биродар қилиб қўймадилар. Пайғамбаримиз ﷺ ўзи ҳам ансорлардан биронтаси билан биродарлашмадилар. Балки Алини ўзига биродар қилиб танладилар. Биродар қилиб қўйиш ҳақидаги иккинчи ҳадисда жумладан ушбу сўзлар келган: Росулulloҳ ﷺ Алига:

«أَعْضِبْتَ عَلِيَّ حِينَ آخَيْتُ بَيْنَ الْمُهَاجِرِينَ وَالْأَنْصَارِ، وَلَمْ أُوَاحِ بِبَيْتِكَ وَبَيْنَ أَحَدٍ مِنْهُمْ، أَمَا تَرْضَى أَنْ تَكُونَ مِنِّي بِمَنْزِلَةِ هَارُونَ مِنْ مُوسَى، إِلَّا أَنَّهُ لَيْسَ بَعْدِي نَبِيٌّ»

«Мен мухожирлар билан ансорларни бир-бирига биродар қилиб, сени эса улардан биронтаси билан биродар қилиб қўймаган пайтимда менга ғазабланингми, ахир сен мендан Хорун Мусодан қандай манзилатда бўлган бўлса шундай манзилатда бўлишингга рози бўлмайсанми. Фақат мендан кейин пайғамбар бўлмайди, дедилар».

в – Ривоят қилинишича, Росулulloҳ ﷺ бир куни асҳоблари олдига чиқдилар. У кишининг юзлари ёришиб кетган эди. Абдурахмон ибн Авф бунинг сабаби ҳақида сўраганида Пайғамбаримиз ﷺ шундай дедилар:

«بَشَارَةٌ أَتَيْتَنِي مِنْ رَبِّي فِي أَخِي وَابْنِ عَمِّي وَابْتَيْتِي بِأَنَّ اللَّهَ رَوَّجَ عَلَيَّا مِنْ فَاطِمَةَ»

«Роббимдан менга биродарим, амакимнинг ўғли ва қизим ҳақида Аллоҳ Алини Фотимага уйлантиргани тўғрисида башорат келди». Аёллар саййидаси ўзининг тенгги бўлмиш муаттар оила саййидига унаштирилгач Набий ﷺ:

«يَا أُمَّ أَيْمَنَ ادْعِي لِي أَخِي. فَقَالَتْ هُوَ أَخُوكَ وَتَنَكِّحُهُ؟ قَالَ نَعَمْ يَا أُمَّ أَيْمَنَ. فَدَعَتْ عَلِيًّا فَجَاءَ»

«Эй Умму Айман менга биродаримни чақириб келинг дедилар. Умму Айман: у биродарингиз-ку, унга никоҳлаб берасизми? - деди. Пайғамбаримиз ﷺ: ҳа, эй Умму Айман, - дедилар. Умму Айман Алини чақириб келгач у келди». Пайғамбаримиз ﷺ бир куни Али, акаси Жаъфар ва Зайд ибн Хориса ўртасида бўлган бир масала хусусида Алига хитоб қилиб шундай дедилар:

«وَأَمَّا أَنْتَ يَا عَلِيُّ فَأَخِي وَأَبُو وَلَدِي وَمِنِّي وَإِلَيَّ»

«Аммо сен эй Али менинг биродаримсан, набирамнинг отасисан, мендансан ва менгасан».

г – Росулуллох ﷺ бир куни Алига:

«أَنْتَ أَخِي وَوَزِيرِي تَقْضِي دِينِي وَتَجْزِي مَوْعِدِي وَتَبْرِي ذِمَّتِي»

«Сен менинг биродарим ва вазиримсан. Қарзимни адо қиласан, ваъдаларимни бажарасан ва зиммамни оқлайсан», деб топшириқ бердилар.

д – «Канзул уммол»да келишича Набий ﷺ шундай дедилар:

«مَكْتُوبٌ عَلَى بَابِ الْجَنَّةِ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ مُحَمَّدٌ رَسُولُ اللَّهِ، عَلِيٌّ أَخُو رَسُولِ اللَّهِ»

«Жаннат эшигига «Ла илаҳа иллаллох, Муҳаммадур Росулуллох, Али аху Росулиллах (Али росулуллохнинг биродари), деб ёзиб қўйилган».

Бу тўрт нусусга тўхталадиган бўлсак, улар Али Росулуллох томонидан Ҳорун Мусодан қандай манзилатда бўлса шундай манзилатга қўйилганлиги ҳақидаги насс, Набий ﷺнинг Аллох Китобини ва ўзининг муаттар аҳли байтини қолдирганлиги ҳақидаги насс, валоят (дўст тутиш) ҳақидаги насс, биродарлашиш ҳақидаги насс бўлди. Бу наслардан айрим мусулмонлар Росулуллох ﷺ ўзидан кейин Алини халифа қилиб қолдирган, яъни вафотидан кейин унинг халифа бўлишини тайин қилган деган ҳукми чикариб олишган. Келинг шу насларни бир-бир кўриб чиқайлик:

Биринчи нассга, яъни Росулуллох ﷺ Алини Ҳорун Мусодан қандай манзилатда бўлган бўлса шундай манзилатга қўйилганлиги ҳақидаги нассга тўхталадиган бўлсак, унинг маъноси шу насс айтилган мақомни ва унинг лафзини ўрганиб чиқиш орқали аён бўлади. Мақом ҳақида айтадиган бўлсак Росулуллох ﷺ бу ҳадисни Табук ғазоти кунида айтган. Чунки ўшанда Росулуллох ﷺ мусулмонлар ишларини бошқариш ва ҳокимият ишларини идора қилиш учун ўзининг ўрнига Муҳаммад ибн Масламани Мадинага бошчи қилиб қолдирган

бўлса, ўз аҳлига қараб туриш учун саййидимиз Али عليه السلامни қолдирган ва уларнинг ичида яшаб туришни буюрган эдилар. Шундан кейин мунофиқлар «пайғамбар унинг оғири тушади деб ундан қутилиш учун қолдириб кетди» деган миш-мишни тарқатишди. Шундан сўнг Али ибн Абу Толиб عليه السلام қуролини олиб чиқиб кетди. Йўл юриб Росулulloҳ ﷺ ҳузурига келди. Пайғамбаримиз ﷺ Журф деган жойга тушган эдилар. Али: эй Аллоҳнинг пайғамбари, мунофиқларнинг даъво қилишича сиз мени оғири тушади деб мендан қутилиш учун қолдириб кетган эмишсиз, деди. Шунда Пайғамбаримиз ﷺ: **«Улар ёлғон айтишибди. Лекин мен сени ортимда қолдирган кишиларга қараб туришинг учун қолдирган эдим. Ортингга қайт. Менинг ўрнимга аҳлимга ва ўзингнинг аҳлигга қараб тур. Эй Али: Ҳорун Мусодан қандай манзилатда бўлган бўлса сен ҳам мендан шундай манзилатда бўлишингга розимасмисан, ахир. Фақат мендан кейин пайғамбар бўлмайди»**, дедилар. Шундан кейин Али ортига қайтди, Росулulloҳ ﷺ эса сафарини давом эттирдилар. Демак бу ҳадис Алининг пайғамбар томонидан Ҳорун Мусодан қандай манзилатда бўлган бўлса шундай манзилатга қўйилиши ҳақида, ўз аҳлига қараб туриши учун уни ўзининг ўрнига қолдиргани ҳақида ворид бўлган. Алининг: **«Мени болалар ва аёллар ичида қолдирасизми?»**, деб айтганлиги бунга далилдир. Демак бу ҳодисанинг воқееси шуки, Пайғамбаримиз ﷺ Алини ўз аҳлига қараб туриши учун қолдирган. Шунинг учун бу ҳадисдан Пайғамбаримиз ﷺ уни халифаликка қолдирган деган ҳукм олинмайди. Айниқса Пайғамбар ﷺ ўз ўрнига ҳокимиятга Муҳаммад ибн Масламани қолдирган экан ва ўз аҳлига қараб туриш учун Алининг хос ўзини қолдириб унга: **«менинг аҳлим ва ўзингнинг аҳлигга...»**, деб айтган экан, демак бу ҳадисдан ундай ҳукмни олиб бўлмайди. Лекин Росулulloҳ ﷺ ғазотга чиққан пайтда асҳобларидан бирини ҳокимиятга қолдиргани ҳам ўша шахснинг Пайғамбаримиз ﷺ ўрнига халифа бўлишига далолат қилмайди. Бунга далил шуки, Росулulloҳ ﷺ ғазотларда кўпчиликни ўз ўрнига қолдирганлар. Масалан Ашира ғазотида Мадинага Абу Салама ибн Абдуласадни, Сафвон ғазотида Зайд ибн Ҳорисани, Бани Лаҳён ғазотида Ибн Умму Мактумни бошлиқ қилиб қолдирдилар ва ҳоказо. Демак Росулulloҳ ﷺ нинг бирон шахсни Мадинадаги ҳокимиятга ўз ўрнига то ўзи ғазотдан

қайтиб келгунигача қолдирганлиги ўша шахсни халифа қилиб қолдирди деган маънога далолат қилмайди. Демак Пайғамбаримиз ﷺ Алини фақат ўз аҳлига қараб туриши учун қолдирган экан ва ундан бошқани то ўзи ғазотдан қайтиб келгунига қадар ҳокимиятга қолдирган экан, бу ҳадисдан қандай қилиб Алини халифа қилиб қолдирди деган ҳукмни олиб бўлади? Энди Росулulloҳ ﷺнинг: **«Хорун Мусодан қандай манзилатда бўлган бўлса сен ҳам мендан шундай манзилатда бўлишингга розимасмисан»**, деган сўзларига келсак, бу лафзларнинг маъноси: «Хорун Мусога ўринбосар бўлган нарсага ўхшаш нарсада менга ўринбосар бўлишга розимасмисан» демакдир. У Алини Хорунга ўхшатишдир. Яъни сени ўринбосар қилишимнинг мисоли Мусонинг Хорунни ўринбосар қилиши мисолига ўхшайди, демакдир. Ҳадис лафзларининг маъноси мана шу. Унинг бундан бошқа маъноси йўқ. Алининг Росулulloҳ ﷺга: **«Мени болалар ва аёллар ичида қолдирасизми?»**, деб айтган сўзи ва Росулulloҳ ﷺ унинг бу саволига: **«Хорун Мусодан қандай манзилатда бўлган бўлса сен ҳам мендан шундай манзилатда бўлишингга розимасмисан»**, деб жавоб берганлари бу маънони кўллаб-қувватлайди ва фақат шу маъно ирода қилинганини кўрсатади. Бу ҳадисдан ирода қилинган нарсани билиш учун Қуръони Каримга мурожаат қилинади. Мусо Хорунни нимада ўринбосар қилганини Қуръонга қараб билиб оламиз. Қуръони Каримга мурожаат қилсак Қуръон бу қиссани қуйидаги матн билан зикр қилганини кўрамиз:

وَوَاعَدْنَا مُوسَى ثَلَاثِينَ لَيْلَةً وَأَتَمَمْنَاهَا بِعَشْرٍ فَنَمَّ مِيقَاتُ رَبِّهِ أَرْبَعِينَ لَيْلَةً وَقَالَ مُوسَى لِأَخِيهِ هَارُونَ اخْلُفْنِي فِي قَوْمِي وَأَصْلِحْ وَلَا تَتَّبِعْ سَبِيلَ الْمُفْسِدِينَ

«Мусо билан ўттиз кечага ваъдалашган эдик. Сўнгра уни яна ўн (кеча) билан тўлдирдик. Бас, Парвардигорининг (унинг учун белгилаган) вақти комил қирқ кеча бўлди. (Аллоҳ таолога муножот қилиш учун кетар экан) Мусо акаси Хорунга деди: «Қавмим устида менинг ўринбосарим бўлгин ва (агар улар ёмон амал қилсалар) тузатгин. Бузғунчи кимсаларнинг йўлига эргашмагин»
[Аъроф: 142]

Демак ҳадиснинг маъноси: Хорун Мусога қавмида ўринбосар бўлганидек сен менга ўринбосар бўлиб ўринбосарликда Хорун

Мусодан қандай манзилатда бўлган бўлса мендан шундай манзилатда бўлишингга розимасмисан? - деган бўлади. Бу ҳадисдан саййидимиз Алининг кўнглини хуш қилиш ирода қилинган бўлади. Чунки у бу ўринбосарликка рози бўлмасдан келган эди. Аини вақтда бу ҳадис Алига худди Ҳорун Мусо йўқ пайтида қавмида Мусо мақомида турганидек у ҳам Росулulloҳ ﷺ йўқ пайтида унинг аҳлида унинг мақомида туришини тушунтириб уқтиришдир. Аммо Пайғамбаримиз ﷺнинг: «**Лекин мендан кейин пайғамбар бўлмайди**», деган сўзига келсак, бу Алини Ҳорунга ўхшатишдан пайғамбарликни мустасно қилишдир. Чунки Ҳорун пайғамбар эди. У пайғамбар бир ёққа кетиб йўқ бўлган пайтида унга ўринбосар бўлган пайғамбар эди. Алининг манзилати Ҳоруннинг пайғамбарлик манзилатига ўхшар экан деган гумон пайдо бўлмаслиги учун Росулulloҳ ﷺ пайғамбарликни мустасно қилдилар. Пайғамбаримиз ﷺнинг: «**мендан кейин пайғамбар бўлмайди**» деган сўзи вафотимдан кейин демакдир, деб айтилмайди. Чунки гап ҳаётлик чоғида ўринбосар қилиш ҳақида кетяпти. Зеро Ҳорун Мусо вафотидан кейин эмас, балки унинг ҳаётлик чоғида, йўқ бўлган пайтида пайғамбар эди ва у Мусонинг ҳаётлик чоғида йўқ бўлган пайтида унинг қавми устидан унинг ўринбосари бўлган эди. Демак Росулulloҳ ﷺ Ҳорун Мусонинг ҳаётлик чоғида у бир ёққа кетиб, йўқ бўлиб турган пайтида пайғамбар бўлгани учун ҳамда Алининг пайғамбар эмаслигини билдириш учун: «**Лекин мендан кейин пайғамбар бўлмайди**» дедилар. Қолаверса Росулulloҳ ﷺ Ҳоким ривоят қилган саҳих ҳадисда Ҳорун Мусонинг ҳаётлик чоғида вафот этганини бизга маълум қилганлар. Демак вафот этишдан кейин халифа қилиб қолдириш мавзусига ўрин қолмайди. Чунки Ҳорун ва Мусо воқеасида бундай мавзу мавжуд эмас. Ҳорун борасида ҳам ва Али борасида ҳам бундай мавзу мавжуд эмас.

Ҳадиснинг маъноси мана шу бўлиб, унда халифа қилиб қолдиришга ҳеч қандай ишора йўқ. Бу ҳадисдан Росулulloҳ ﷺ ўзи вафот этганидан кейин Алининг мусулмонларга халифа бўлишини кўрсатган деган маъно мутлақо тушунилмайди. Чунки бу ҳадис Алининг Росулulloҳ ﷺ Табук ғазотига кетган пайтларида пайғамбар аҳлига қараб туриш учун ўринбосар қилиб қолдирилгани ҳақида ворид бўлган. Аммо Пайғамбаримиз ﷺнинг бу ҳадисдаги: «**Ҳорун Мусодан қандай**

манзилатда бўлган бўлса сен ҳам мендан шундай манзилатда бўлишингга розимасмисан», деган сўзлари ҳақидаги қолган ривоятларга келсак, уларнинг орасида Бухорий ривояти каби ва Муслим Саъднинг икки ўғли: Омир ва Иброҳимдан қилган ривоят каби саҳиҳлари ҳам ва саҳиҳ эмаслари ҳам бор. Лекин уларнинг ҳаммасида шу матннинг ўзи келтирилади. Бундан эса бу ҳадис Табукда ва Табукдан бошқа жойда айтилган деган маъно чиқади. Бунга жавоб шуки, саҳиҳ ривоятлар қиссадан бир жузи ҳақидаги ривоятдир, яъни Росулulloҳ ﷺнинг қиссадан алоҳида ажратилган битта сўзи ҳақидаги ривоятдир. Бундан ана шу ҳодиса Табук ҳодисасидан бошқа ҳодиса эди деган маъно чиқмайди. Чунки ровийлар ва муҳаддислар кўпинча ҳадисдан бир жузни ёки қиссадан бир жузнигина ривоят қилиб, далилнинг ўрнини ривоят қилиш билангина чекланишган. Бу ҳадис фақат Табук жангидагина эмас, балки Табукда ҳам ва бошқа ерда ҳам айтилган деб фараз қилган тақдиримизда ҳам бу Росулulloҳ ﷺ саййидимиз Али ʿʻни доим, Табук жангида ҳам, бошқа жанглarda ҳам ўз аҳлига қараб туриши учун ўринбосар қилиб қолдирганини англатади, холос. Бу ҳадис Росулulloҳ ﷺ вафотидан кейин Алини халифа қилиб қолдиришга далолат қилмайди. Бу ҳадис лафзлари ва маъносини шарҳлайдиган бўлсак, у бор-йўғи: ахир сен худди Мусо ўзи йўқ пайтида Ҳорунни ўринбосар қилиб қолдирганидек мен ҳам сени ўзим йўқ пайтимда аҳлимда ўринбосар қилиб қолдиришимга рози бўлмайсанми, лекин Ҳорун пайғамбар эди, сен эса пайғамбар эмассан, чунки мендан кейин пайғамбар бўлмайди, деган маънога далолат қилади, холос. Шунинг учун Муслим Саъд ибн Абу Ваққосдан қилган ривоятда:

«أَمَا تَرْضَى أَنْ تَكُونَ مِنِّي بِمَنْزِلَةِ هَارُونَ مِنْ مُوسَى إِلَّا أَنَّهُ لَا نَبِيَّ بَعْدِي»

«Ҳорун Мусодан қандай манзилатда бўлган бўлса сен ҳам мендан шундай манзилатда бўлишингга розимасмисан, ахир. Фақат мендан кейин пайғамбар бўлмайди», деган сўзлар келган. Росулulloҳ ﷺ Ҳоруннинг Мусога нисбатан бўлган манзилатини Алининг ўзига нисбатан бўлган манзилатига ўхшатиши мана шу. Яъни ўринбосар қилиб қолдириш, холос, бундан бошқа нарса эмас. Ҳадиснинг бутун

нассидан кўришиб турганидек, Пайғамбар ﷺ бир ёққа кетиб йўқ бўлиб турган пайтида унинг аҳлига қараб туриши учун ўринбосар қилиб қолдириш, холос. Бундан бошқа нарса эмас. Битта ҳадиснинг бир неча марта айтилганлиги унинг маъносини ўзгартрмайди. Чунки Табук ғазотида Росул ﷺ ўз аҳлига қараб туриш учун Алини ўринбосар қилиб қолдиргани собит бўлиб, бунда ҳеч шубҳа йўқ бўлса, Табук ғазотидан бошқа пайтда ривоят қилинган ривоятларнинг ҳаммасида Табукда айтилган худди шу матннинг ўзи, худди шу лафзлари ва маъноси билан нақл қилинган. Уларда Табук ҳодисасида зикр қилинган қайд, яъни пайғамбар аҳли, деган қайддан бошқа ўринбосар қилиб қолдиришга оид ҳеч қандай қайд зикр қилинмаган. Аксинча уларда қайд мутлақо зикр қилинмаган. Шунинг учун бу ривоятларга Табук ривоятида келган маъно берилади. Табук ривояти пайғамбар аҳлига муқайяд бўлгани (яъни унда фақат пайғамбар аҳлига қараб туриш учун ўринбосар қилиб қолдирилгани айтилгани), қолган ривоятлар эса ўринбосар қилиб қолдириш ҳақидаги ҳар қандай қайддан мутлақ холи бўлгани учун мутлаққа муқайяд маъноси берилади. Бошқа ривоятлар умумийдир деб айтилмайди. Зеро ҳадиснинг лафзлари умумий лафзлардан эмас. Чунки ҳамма ривоятлардаги насс бир хилдир. «**Рози бўлмайсаними**», деган ривоятни оламизми, «**албатта сен**» ёки «**сен**», деган ривоятни ёки бошқа ривоятни оламизми, ҳеч фарқсиз, ҳаммасида Ҳоруннинг Мусога нисбатан манзилати ҳақида гап кетган. Бу гап умумий манзилатга эмас, балки муайян манзилатга, яъни Ҳоруннинг Мусога нисбатан бўлган манзилатига хосдир. Лекин шуни ҳам айтиш керакки, Ҳоруннинг Мусога нисбатан бўлган манзилати баъзи ривоятларда мутлақ келиб, ҳеч бир қайд билан муқайяд бўлмаган бўлса, бошқа бир ривоятда аҳл билан муқайяд бўлиб келган. Бу ҳолатда мутлаққа муқайяд маъноси берилади. Шунинг учун ҳамма ривоятлар аҳлга муқайяд бўлади.

Энди Мусо:

وَأَجْعَلْ لِي وَزِيرًا مِّنْ أَهْلِي * هَارُونَ أَخِي * اشْتَدُّ بِهِ أَزْرِي * وَأَشْرَكُهُ فِي أَمْرِي

«Менга ўз аҳлим-уругимдан бўлган Ҳорун оғамни вазир қилгин. У билан белимни маҳкам қилгин. Ва уни ишимда (яъни пайғамбарлик шииди) шерик қилгин» [Тоҳа: 29-32]

деб Аллоҳдан сўраган бошқа ишларга келсак, Ҳоруннинг Мусога нисбатан бўлган манзилатида ҳам ва халифа қилиб қолдиришда ҳам бу ишларнинг ҳеч бир ўрни йўқ. Чунки улар Мусонинг Аллоҳдан ўзига акасини ёрдамчи қилишини ва унга ҳам пайғамбарлик беришини сўраб қилган дуосидир. Чунки Мусо Ҳорунни шерик қилишни Аллоҳдан сўраган иш пайғамбарлик ва рисолат эди. Ҳорун ҳокимиятда эмас, балки фақат мана шу ишда Мусога шерик бўлади, холос. Чунки Мусо ҳоким бўлмаган, пайғамбар бўлган, холос. Мусо ўзининг ўрнига Ҳорунни халифа бўлишини эмас, ўзига ёрдамчи ва ишида шерик бўлишини сўраган. Бунинг устига бу ишлар Мусонинг Ҳорунга нисбатан бўлган манзилатини баён қилмайди, аксинча бу манзилатни баён қиладиган нарса Мусо ўзи йўқ пайтида Ҳорунни қавмида ўринбосар қилиб қолдиришидир. Демак Ҳоруннинг Мусога нисбатан манзилати ўзи йўқ пайтида уни қавмида ўз ўрнига ўринбосар қилиб қолдиришидир. Шунга кўра демак Росулulloҳ ﷺнинг: «**Ҳорун Мусодан қандай манзилатда бўлган бўлса...**», деган сўзида пайғамбарликда Алини ёрдамчи ва шерик қилишнинг асари ҳам йўқ, аксинча насслардаги маъно қавмда ўринбосар қилиб қолдиришдан иборат, холос. Насслар бундан бошқа маънони англатмайди.

Энди «Мусо ҳоким бўлган. Чунки ҳукм юритиши учун унга шариат нозил қилинган. Ўша шариатда муолажа ва жазо чоралари бўлган. Мусо Байтул Мақдиси эгалламоқчи бўлган қўшинга қўмондонлик қилган. Унга қавми: сен ва Роббинг бориб жанг қилаверинглар, деган. Демак унинг Ҳорунни қавмида ўринбосар қилиб қолдириши пайғамбарликда ҳам, ҳокимиятда ҳам ўринбосар қилиб қолдириш бўлади», деб айтилиши мумкин. Бунга жавоб шуки, Мусо ҳоким бўлмаган. Унинг куч ва салтанат ёрдамида бани Исроилга ҳукмларни ижро этганлиги ёки улар устидан ҳоким бўлганлиги Қуръонда ҳам, бошқа китобда ҳам ривоят қилинмаган. Аксинча Мусонинг шариати билан бани Исроилга ҳукм юритганлар ундан кейин келган Довуд ва Сулаймон каби пайғамбарлар ва бошқа подшоҳлар бўлган. Мусо қўшинга қўмондонлик қилган, деган гапга келсак, ҳечам бундай бўлмаган. Чунки Моиди сурасида 19-оятдан 26-оятгача бўлган оятларда Мусонинг

кўшинга кўмондонлик қилгани ҳақида ҳеч нарса йўқ. Аксинча бу оятларда Мусонинг ўз қавмидан муқаддас ерга киришларини талаб қилганлиги, улар буни рад қилиб, у ерда зўравон қавм борлигини, улар у ердан чиқиб кетмагунларича у ерга асло кирмасликларини айтишиб, ўзи ва Роббиси бориб жанг қилишларини талаб қилганлари, у эса бормаганлиги, бунинг оқибатида улар ер юзида қирқ йил сарсон-саргардон бўлганлари зикр қилинган. «Мусога шариат нозил бўлган, унда муолажалар ва жазо чоралари бўлган», деган гапга келсак, бу нарса унинг шу шариат билан ҳукм юритганини англатмайди. Аксинча бўлган воқеа шундан иборатки, Мусо ўша шариатни келтирган ва уни бани Исроилга етказиб, уларни Байтул Мақдисга олиб кетишга уринган. Шундан сўнг уларнинг Синайда сарсон-саргардон кезишлари юз берган. Мусо даври тугагунига қадар улар бир жойда барқарор кўним топишмаган. Уларнинг саҳрода сарсон-саргардон кезишлари, азоб-уқубат чекишлари ниҳоясига етганидан кейин муқаддас ерга кўчишди. Шундан кейин уларга ўзларидан бўлган пайғамбарлар ва подшоҳлар Мусонинг шариати билан ҳукм юритишди. Бу ҳақда Қуръондаги кўпгина оятларда сўз юритилади. Ҳоруннинг ўринбосар қилиб қолдирилиши ҳақидаги оятларда Мусо Аллоҳдан ваҳий олиш учун кетган пайтида уни пайғамбарликда ўринбосар қилиб кетгани очиқ айтилган. Бу оятлар Аъроф сурасидаги:

وَوَاعَدْنَا مُوسَى ثَلَاثِينَ لَيْلَةً وَأْتَمَمْنَاهَا بِعَشْرٍ فَتَمَّ مِيقَاتُ رَبِّهِ أَرْبَعِينَ لَيْلَةً وَقَالَ مُوسَى لِأَخِيهِ هَارُونَ اخْلُفْنِي فِي قَوْمِي وَأَصْلِحْ وَلَا تَتَّبِعْ سَبِيلَ الْمُفْسِدِينَ

«Мусо билан ўттиз кечага ваъдалашган эдик. Сўнгра уни яна ўн (кеча) билан тўлдирдик. Бас, Парвардигорининг (унинг учун белгилаган) вақти комил қирқ кеча бўлди. (Аллоҳ таолога муножот қилиш учун кетар экан) Мусо акаси Ҳорунга деди: «Қавмим устида менинг ўринбосарим бўлгин ва (агар улар ёмон амал қилсалар) тузатгин. Бузғунчи кимсаларнинг йўлига эргашимагин»

[Аъроф: 142]

оятидан то

وَاخْتَارَ مُوسَى قَوْمَهُ سَبْعِينَ رَجُلًا

«Мусо ўз қавмидан (бузоққа сизинмаган) етмиш кишини танлаб олди» [Аъроф: 155]

оятгачадир. Бу оятларнинг ҳаммаси пайғамбарлик ҳақида, пайғамбарликда ўринбосар қолдириш, лавҳалар (яъни таврот варақлари)ни олиш, бани Исроилнинг бузоқни «худо» қилиб олиши ва шунга ўхшаш нарсалар ҳақида бўлиб уларда ҳокимият ва салтанатга қилча бўлса ҳам алоқадор ҳеч нарса йўқ. Шунинг учун бирон кимсанинг бу оятлар ҳокимият ва салтанатга тааллуқлидир деб шубҳа қилиши эҳтимоли йўқ. Шунга кўра Мусонинг ҳоким бўлмаганида ва Ҳорунни мутлақо ҳокимиятда ўринбосар қилиб қолдирмаганида ҳеч шубҳа йўқ.

Манзилат ҳақидаги барча ҳадисларнинг маъноси мана шу. Табук ҳодисаси каби бир сабабга кўра ворид бўлган ҳадис бўладими ёки мутлақ ворид бўлган ҳадис бўладими, ҳеч фарқсиз уларнинг ҳаммаси Росулulloҳ ﷺ ҳаётлик чоғида, ўзи йўқ бўлган пайтда Алини ўзининг аҳлига қараб туриш учун – худди Мусо ҳаётлик чоғида, ўзи йўқ бўлган пайтда ўз ўрнига Ҳорунни қавми устидан қўйиб кетганидек – ўринбосар қилиб қўйиб кетганига далолат қилади. Шу иш билан, яъни Росулulloҳ ﷺ томонидан Алини ўринбосар қилиниши билан Али Росулulloҳ ﷺ дан Ҳорун Мусодан қандай манзилатда бўлган бўлса шундай манзилатда бўлган бўлади. Демак бу ҳадисларда Росулulloҳ ﷺ ўз вафотидан кейин Алининг мусулмонларга халифа бўлишини кўрсатганига ҳеч қандай далолат йўқ.

Энди иккинчи нассга ва Хум чашмаси ҳақидаги ҳадисга келсак, Пайғамбар ﷺ саҳиҳ ривоят бўлмиш Муслим ривоятида мусулмонларга Аллоҳ Китобини маҳкам ушлашни ва ўз аҳли байтини иззат-икром, хурмат қилишларини, уларга озор бермасликларини васият қилади. Бу ҳадисда Росулulloҳ ﷺ ўз аҳли байтини халифа қилиб қолдирганига ҳеч қандай далолат йўқ. Масалан Пайғамбаримиз ﷺ: «**Аҳли байтим, мен сизларга аҳли байтим борасида Аллоҳни эслатаман**», деб айтган ҳадисни олайлик. Унда Пайғамбаримиз ﷺ ўз аҳли байтининг ўзининг вафотидан кейин одамларга халифа бўлишларини тайин қилиб кетганига далолат қиладиган ҳеч нарса йўқ. Ундаги лафз очик-ойдиндир, унинг мантуқи ва

мафҳумидан¹ Пайғабаримиз ўз аҳли байтини ёки улардан бирини ўзидан кейин мусулмонларга ҳукм юритувчи халифа қилиб қолдирганлиги ҳечам тушунилмайди. Энди иккинчи ва учинчи ривоятга ҳамда уларга ўхшаш барча ривоятларга келсак, бу ривоятларда икки иш бор: Биринчи иш Росулulloҳ ﷺнинг: **«Албатта Аллоҳ менинг Мавлойимдир, мен эса мўминларнинг мавлосиман. Мен уларга ўзларидан кўра ҳақлироқман. Мен кимнинг мавлоси бўлсам бу ҳам – яъни Али ҳам – унинг мавлосидир. Аллоҳим уни дўст тутгани дўст тут ва уни душман тутгани душман тут»**, деб Алини мўминларнинг мавлоси қилиб қўйишидир. Иккинчи иш эса Набий ﷺнинг: **«Менинг муаттар оилам аҳли байтимдир. Латиф, Хабир Зот бу икки қимматбаҳо нарса то ҳавзимга келгунига қадар тугамаслигини менга хабар берди»**, деб ўз муаттар оиласи ҳақида яхшиликни васият қилишидир. Бу ҳадислар бир неча ва ривоятлари турли бўлишига қарамай уларнинг ҳаммасида мана шу икки ишдан бошқа нарса йўқ. Биринчи иш, яъни мавлолик (дўст тутиш) ҳақида бир оздан кейин сўз юритамиз. Иккинчи иш эса Пайғамбаримиз ﷺнинг мусулмонларга ўз муаттар оиласи бўлмиш аҳли байтига яхшилик қилишни, уларни иззат-икром, ҳурмат қилиб уларга озор бермасликни васият қилиши, улар ҳақида сўрашини, аҳли байти билан Аллоҳнинг Китоби қиёмат кунига қадар бири-бирдан ажралмаслигини айтиши доирасидан чиқмайди. Демак Хум чашмаси олдида айtilган ҳадисларда мусулмонларга Пайғамбаримиз ﷺнинг муаттар оиласига яхшилик қилишни васият қилишдан бошқа нарса йўқ. Уларда Росулulloҳ ﷺ вафотидан кейин Алини ёки аҳли байтини халифа қилиб қолдиришга далолат қиладиган ҳеч нарса йўқ. Хўш, Хум чашмаси олдида айtilган ҳадис ривоят қилинган юқоридаги барча ривоятларни кўриб чиқиладиган бўлса Росулulloҳ ﷺнинг сўзидаги халифа қилиб қолдириш қани? Масалан Пайғамбаримиз ﷺнинг: **«Менинг ҳузуримга келган пайтингизда сизлардан икки қимматбаҳо нарса ҳақида: Аллоҳнинг Китоби ва менинг муаттар оилам бўлмиш аҳли байтим ҳақида сўрайман»**, деган сўзини олсак ёки: **«Мен сизларга икки қимматбаҳо нарсани: Аллоҳнинг Китоби ва**

¹ Мантуқ – лафздан тушуниладиган маъно, мафҳум – лафзнинг далолатидан тушуниладиган маъно.

муаттар оиламни қолдириб кетяпман», деган сўзини ёки: «Сизларга икки қимматбаҳо нарсани: Аллоҳнинг Китоби ва муаттар оилам бўлмиш аҳли байтимни қолдирияпман», деган сўзини ёки: «Бас, сизлар мендан кейин икки қимматбаҳо нарсага қандай ўринбосарлик қилишингиз ҳақида ўйлаб кўринглар», деган сўзини ёки: «Бас, сизлар иккаласидан ўзингизни муқаддам қўймангки ҳалок бўласиз, иккаласи борасида қосирлик қилманг, бунда ҳам ҳалок бўласиз», деган сўзини олайлик. Бу насларда Пайғамбаримиз ﷺ мусулмонларга ўз муаттар оиласини эслатиб, уларга яхшилик қилишни васият қилишларидан бошқа нима бор? Бирон киши бундан аҳли байт Росулulloҳ ﷺ вафотидан кейин мусулмонларга халифа бўлади деган маънони тушунадими? Бу ҳукм қаердан олинади? Каломнинг мантуқиданми ёки унинг мафҳумиданми? Шунга кўра юқорида ўтган Хум чашмаси олдида айтилган ҳадисда Алини халифа қилиб қолдирилганига ҳам, аҳли байтнинг халифа қилиб қолдирилганига ҳам ҳеч қандай далил йўқ. Демак бу ҳадис билан далил келтириш асоссиз бўлади.

Энди учинчи нассга, яъни валоят (дўст тутиш) ҳақидаги ҳадисларга келсак, бу ҳадисларни шу лафзлар билан Бухорий ва Муслим ривоят қилмаган. Бу ҳадислар уларни Алининг халифа қилиб қолдирилганига ҳужжат қилиб келтираётган кишилар наздида саҳиҳ бўлган тақдирда ҳам улар келтирган нусуслардан халифа қилиб қолдирилганлик ҳукмини олиш мумкин эмас. Чунки улардаги барча лафзлар қуйидагича: «Мендан кейин барча мўминнинг валийидир», «Мендан кейин сизларнинг валийингиздир», «Сен мендан кейин ҳамма мўминнинг валийисан», «Мендан кейин мўминларнинг валийидир», «Чунки у мендан кейин сизларнинг валийингиздир», «Мендан кейин Алини дўст тутсин ва унинг дўстини дўст тутсин», «Бас мендан кейин Алини ва унинг зурриётини дўст тутсин», «Ким уни дўст тутса мени дўст тутибди», «Унинг валояти менинг валоятимдир», «Уни дўст тутганини дўст тут». Бу лафзлар ва бошқа ривоятлардан олинган шуларга ўхшаш лафзлар валий, мавло ва муволот (дўст тутиш) деган лафзлар доирасидан чиқмайди. Шунинг учун ҳам уларни валоят ҳадислари деб номлашган. Уларнинг Хум чашмаси ҳадисидаги: «Аллоҳим,

уни дўст тутганни дўст тут, душман тутганни душман тут», деб қилган ривоятлари бу лафзларнинг ҳаммасини шарҳлайди. Улардан мурод аҳли байтга ёрдам бериш, улар билан бирдам бўлишлари, уларга нисбатан дўстлик ва муҳаббат туйғуларини туйишларидир. Валий, волий ва таваллий (дўст тутиш) калимаси Қуръонда келган. Аллоҳ Таоло деди:

وَهُوَ يَتَوَكَّلُ الصَّالِحِينَ

«У солиҳ бандаларга дўст бўлур»

[Аъроф: 196]

وَمَنْ يَتَوَلَّ اللَّهَ وَرَسُولَهُ وَالَّذِينَ آمَنُوا فَإِنَّ حِزْبَ اللَّهِ هُمُ الْعَالِيُونَ

«Кимки Аллоҳни, унинг пайгамбарини ва мўминларни дўст тутса (нажот топгай), зеро фақат Аллоҳнинг гуруҳигина голиб бўлгувчидир»

[Моида: 56]

إِنَّمَا وَلِيُّكُمُ اللَّهُ وَرَسُولُهُ وَالَّذِينَ آمَنُوا

«Сизларнинг дўстингиз фақат Аллоҳ, Унинг пайгамбари ва мўминлардир»

[Моида: 55]

إِنَّمَا سُلْطَانُهُ عَلَى الَّذِينَ يَتَوَكَّلُونَهُ

«Унинг (шайтоннинг) ҳукмронлиги фақат (уни) дўст тутиб, (Аллоҳ)га шерик қилиб оладиган кимсалар устидадир» [Наҳл: 100]

اللَّهُ وَلِيُّ الَّذِينَ آمَنُوا

«Аллоҳ мўминларнинг дўстидир»

[Бақара: 257]

وَاللَّهُ وَلِيُّ الْمُؤْمِنِينَ

«Аллоҳ мўминларнинг дўстидир»

[Оли Имрон: 68]

لَيْسَ لَهُمْ مَن دُونَهُ وَلَا يُّ

«Улар учун Аллоҳдан ўзга бирон бир дўст йўқ»

[Анъом: 51]

وَمَنْ يَخْذِ الشَّيْطَانَ وَلِيًّا

«Кимки шайтонни дўст тутса»

[Нисо: 119]

لَا تَتَّخِذُوا الْيَهُودَ وَالنَّصَارَىٰ أَوْلِيَاءَ

«Яхудийлар ва насронийларни дўст тутмангиз!»

[Моида: 51]

فَقَدْ جَعَلْنَا لَوْلِيَّهِ سُلْطَانًا

«Биз унинг эгаси – вориси учун (қасос олишига) салтанат-ҳуқуқ бергандирмиз»

[Исро: 33]

إِنَّ وَلِيَّيَ اللَّهِ

«Зотан, менинг эгам Аллоҳдир»

[Аъроф: 196]

ذَلِكَ بِأَنَّ اللَّهَ مَوْلَى الَّذِينَ آمَنُوا وَأَنَّ الْكَافِرِينَ لَا مَوْلَى لَهُمْ

«Бунга (яъни Аллоҳ мўминларга ёрдам беришига, кофирларни эса ҳалок қилишига) сабаб Аллоҳ иймон келтирган зотларнинг дўсти-ҳомийси эканлиги, кофирлар учун эса ҳеч қандай ҳомий йўқ эканлигидир»

[Муҳаммад: 11]

Луғатда: валий душманнинг зиддидир. Мавло: ёрдам берувчи, хожа маъноларини англатади. Валий: кичик ёшдагининг ишини бошқарувчидир масалан ота ва бобо, никоҳ валийси, мол валийси, етимнинг ишини бошқариб уни қафилликка оладиган киши каби. «Лисонул араб»да бундай дейилган: «Валий Аллоҳ Таолонинг исмларидан бўлиб Носир (нусрат, ёрдам берувчи) маъносидадир. Олам ва ундаги махлуклар ишларини бошқарувчи ҳам дейилган». Унда яна бундай дейилади: «Валий: дўст, ёрдамчи, тобе, муҳаббат кўювчи маъноларини билдиради». Абу Аббос Набий ﷺнинг: «**Мен кимнинг мавлоси бўлсам Али ҳам унинг мавлосидир**» деган сўзига: яъни ким мени севса ва мени дўст тутса уни ҳам дўст тутсин, деб маъно берган. Буларнинг ҳаммаси ҳокимият ва салтанат маъносидан бошқадир. Ҳатто бу ҳадисни

Пайғамбаримиз ﷺ Алининг халифа бўлишини кўрсатиб кетган, деб шарҳлаган кишилар ҳам луғатдан мавло калимаси ҳокимият ва салтанат маъносини билдиради деган ҳеч қандай очиқ маъно келтиришолмаган. Масалан шайх Абдулхусайн Аҳмад ал-Аминий ан-Нажафий ўзининг «ал-Ғадир» китобида чашма олдида айтилган ҳадисни шарҳлаб бундай дейди: «Бу ерда баҳс қилувчи учун мавло калимаси «бир нарсага ҳақлироқ» деган маънода келишини тан олишдан бошқа илож йўқ. Гарчи «бу сўзнинг кўп маънолари бўлиб, бу унинг маъноларидан бири» деб айтсак ҳам». У мавло калимасининг йигирма етти маъносини келтирган. Бу маънолар ичида ҳокимият ва салтанат маъноси йўқ. У бундай дейди: «Мавло сўзи луғатда йигирма етти хил маънода келади. Бу ҳадисда эса мавло калимасидан икковига (Пайғамбаримиз ва Алига) мос келадиган маъногина ирода қилинган. Мавло сўзининг маънолари қуйидагилардир: 1. Парвардигор. 2. Амаки. 3. Амакининг ўғли. 4. Ўғил. 5. Опа (сингил) ўғли. 6. Озод қилинган қул. 7. Қул озод қилувчи. 8. Банда, қул. 9. Молик. 10. Тобе. 11. Неъмат берилган киши. 12. Шерик. 13. Иттифоқчи. 14. Соҳиб. 15. Қўшни. 16. Меҳмон, истиқомат қилувчи. 17. Куёв. 18. Яқин. 19. Инъом қилувчи. 20. Йўқолиб қолган. 21. Валий. 22. Бир нарсага энг лойиқ. 23. Моликдан ва қул озод қилгандан бошқа саййид. 24. Яхши кўрувчи. 25. Ёрдам берувчи. 26. Ишни тасарруф қилувчи. 27. Иш бошқарувчи». Шайх Абдулхусайн Аҳмад келтирган маънолар мана шулар бўлиб, уларнинг орасида ҳокимият ва салтанат маъноси йўқ. Шунинг учун у бу маъноларни ҳадисга нисбатан шарҳлар экан, уларнинг орасидан ўзи танлаган битта маънога келиб тўхтаб бундай дейди: «Луғат, адабиёт тўпламлари ва араб тили тўпламлари гирдобига шўнғигандан кейин мақом хусусидаги фикримиз шуки, мавло сўзининг маънолари орасидаги ҳақиқий маъно бир нарсага лойиқроқ деган маънодир. Зеро у ана шу маъноларнинг ҳаммасини ўзида жамлайди ва уларнинг ҳар бирида қайсидир тарзда эътиборга олинган». Мана шундан аён бўладики, валий сўзи ҳоким маъносида келмаган. «Муволот» сўзи ҳам ҳокимият маъносида келмаган. На Қуръонда ва на ҳадисда ва на луғатда бундай маънода келмаган. Лафзлар эса ё ўзининг луғавий маъноси билан ёки шаръий маъноси билан тафсир қилинади. Шундай экан бу ҳадислардаги валий ва муволот калималарини Алига ва аҳли байтга халифаликни

бериш маъносида деб қандай тафсир қилиш мумкин, ахир? Бундай маъно қаердан олинади? Биз шу ҳадислардаги валий ва муволот калималарининг барча маъноларини далил қилиб келтирадиган кишилар фикрига қўшилган тақдиримизда ҳам бу калималарнинг ҳокимиятни бошқариш деган маъноси мутлақо келмаган. Бирон нусусда бундай маъно келмаган. Тўғри, валий калимасини амр калимасига қўшиб «валийюл амр» десак шунда у ҳоким маъносида бўлади. Улар валоят ҳадислари деб аташадиган ҳадисларда эса амр калимаси валий билан қўшилиб келмаган. Уларнинг ривоятларида ҳам ва бошқаларнинг ривоятларида ҳам бундай бўлиб келмаган. Шунинг учун бу ҳадислардан Росулulloҳдан кейин халифа бўлиш деган маъно келиб чиқмайди, бундай маъно йўқ.

Тўғри, мавло ёки валий ёки муволот калимаси эмас, фақат валоят калимасигина муштарак лафз бўлиб унинг бир неча маънолари бор. Бу маънолардан бири нусрат ва яна бири салтанат, яъни ҳокимиятдир. Улар ривоят қиладиган ҳадислар ичида «Канзул уммол»да зикр қилинган бир ҳадис ҳам келган. Унда валоят калимаси келган. Шунинг учун луғатга кўра бу ҳокимият маъносини билдиради деб айтилиши мумкин. Бунга жавоб шуки, бу калима ҳадисда ёрдам бериш маъносида келган. Ҳадис насси шунга далолат қилади. Унинг насси уни ҳужжат қилувчилар ривоят қилганидек қуйидагичадир:

«اللَّهُمَّ مَنْ آمَنَ بِي وَصَدَّقَنِي فَلْيَتَوَلَّ عَلَيَّ بِنِ أَبِي طَالِبٍ، فَإِنَّ وِلَايَتَهُ وَوِلَايَتِي وَوِلَايَتِي وَوِلَايَةَ اللَّهِ تَعَالَى»

«Аллоҳим, ким менга имон келтирса ва мени тасдиқласа Али ибн Абу Толибга ёрдам берсин. Чунки унга ёрдам бериш менга ёрдам беришдир, менга ёрдам бериш эса Аллоҳ Таолога ёрдам беришдир». Бу насс валоят калимасидан мурод ёрдам бериш эканини аниқ кўрсатиб турибди. Зеро Росулulloҳ ﷺ ўзига имон келтирган кишини Али ибн Абу Толибга ёрдам беришга чақиряпти. Чунки унга ёрдам берган киши Росулга ёрдам берган бўлади. Росулга ёрдам берган киши эса Аллоҳга ёрдам берган бўлади. Валоят калимасининг маъноси мана шу. Шунинг учун ибора «ف» ҳарфи билан келди: «**Чунки унга ёрдам бериш менга ёрдам беришдир**». Бундан «чунки унинг ҳокимиятни олиши менинг олишимдир», деган маъно ҳечам тушунилмайди. Аксинча

ундан фақат «унга ёрдам бериш менга ёрдам беришдир», деган маъно тушунилади, холос. Бу билан Али Росулulloҳ ﷺ дан кейин мўминларнинг валийси ва мавлоси бўлиши, шунинг учун улар унга ёрдам беришлари лозимлиги, чунки унга ёрдам бериш Росулulloҳ ﷺ га ёрдам бериш эканлиги айтилган ҳамма ҳадисларни луғат ва Қуръон нусуси бўйича қанчалик тафсири қилинмасин ҳокимиятни бошқариш деган маъно берилиши ҳечам мумкин эмас. Бу калиманинг маъноси бўйича ҳам ва мазкур ҳадисларда келган жумлалардаги унинг тутган ўрнига кўра ҳам бундай маъно бериб бўлмайди. Демак бу ҳадислар Росулulloҳ ﷺ ўзидан кейин Алини халифа қилиб қолдирганига далил бўлолмайди. Демак уларни ҳужжат қилиб келтириб бўлмайди.

Шу ўринда қуйидаги икки масалага эътиборни қаратиш зарур: Биринчиси, калиманинг муайян ўзакдан олинганлиги бу ўзакдан олинган ҳамма калималарнинг маъноси бир бўлишини ва улардан бирининг маъноси бошқасига ҳам берилишини англатмайди. Аксинча луғатда гоҳида бир қанча калималар битта маънони англатиши мумкин, омоним сўзлар сингари. Гоҳида эса бир калиманинг ўзига хос бир маъноси бўлиб, бу маънони англатувчи бошқа калима бўлмаслиги ҳам мумкин. Буларнинг ҳаммаси арабларнинг қандай маъно берганига қараб бўлади. Шунинг учун калималарнинг битта ўзакдан олингани уларнинг маъноси ҳам битта бўлишини англатмайди. Аксинча калимага унинг олинган ўзагидан қатъий назар араблар берган маъно берилади. Масалан «جَاءَ» ва «أَجَاءَ» калималари битта ўзакдан олинган. Шунга қарамай «جَاءَ» калимаси «келди» деган маънони билдирса, «أَجَاءَ» калимаси «келтирди» маъносини билдиради. «نَضَوُ» калимаси «туя» маъносини билдирса, унинг «ن» ҳарфини замма қилиб «نَضَوُ» деб айтилса унинг маъноси «эски кийим» бўлади. Мавло калимасининг: «Ишни тасарруф қилувчи, ишни бошқарувчи, одамларнинг лойиқроғи», деган маъноларни билдириши ҳокимият ва салтанат маъносини англатмайди. «Валий ва мавло сўзи битта ўзакдан олинган. Валиюл амр калимаси ҳокимият ва салтанат маъносини билдиради. Демак мавло ҳам шу маънони билдиради», дейиш нотўғри. Чунки мавло ва валиюл амр калималари маънода бошқа-бошқадир. Ишни тасарруф қилувчи ва ишни

бошқарувчи калималари билан валиюл амр калимасининг маънолари ҳам бошқа бошқадир. Чунки валиюл амр деганда фақат ҳоким кўзда тутилади. Мавло калимасининг эса бир неча маънолари бўлиб, уларнинг орасида ҳокимият маъноси йўқ. Ишни тасарруф қилувчи калимаси эса ҳар бир ишда тасарруф юритувчи деган маънони англатади, ҳоким деган маънони англатмайди ва ундан ҳокимият маъноси тушунилмайди. Чунки бу калима луғатда бундай маънода келмаган. Демак калимага маъно беришда шахснинг калималар мажмуидан ёки турли далолатлардан тушуниб олган нарсасига эмас, балки араблар берган маънога келиб тўхталинади. Шунга кўра мавло калимаси – модомики араблар унга ҳокимият ва салтанат маъносини беришмаган экан – бундай маънода мутлақо тафсир қилинмайди. Бу биринчи масала эди. Энди иккинчи масалага келсак у шуки, жумладаги қариналар қандай қарина бўлмасин калимага араблар берган маънодан бошқа маънони беролмайди. Чунки қариналар калиманинг муштарак ёки қарама-қарши маъноларидан бир маънони тайин қилиб беради ва уни бошқасидан буриб юборади. Бу қариналар калимага араблар бермаган бирон янги маънони қилиб бермайди. Масалан мавло калимасини олсак, у муштарак лафздир. Бу калима келган жумлалар унга ана шу маънолардан бирини тайин қилиб қўяди. Лекин бу жумлалар унга янги маънони бермайди. Шунинг учун мавло калимасининг икки қимматбаҳо нарса ҳақидаги ҳадис ёки чашма ҳадиси деб айтиладиган ҳадисда келганлиги ва Росулulloҳ ﷺни мўътабар санаганларидек Алини ҳам мўътабар санашга мусулмонларни ундашга далолат қиладиган жумлалардан иборат қариналарнинг келиши мавло калимасига янги маънони, яъни Али Росулulloҳ ﷺдан кейин ҳоким бўлади деган маънони бермайди. Чунки бу калима луғатда бундай маънода келмаган. Шунга асосан чашма ҳадисидан ҳам, мавло ва валий калимаси келган бошқа ҳадислардан ҳам «Али Пайғамбаримиз ﷺдан кейин халифа бўлади», деган ҳукм истинбот қилинмайди. Чунки араблар бу калималарга бундай маънони беришмаган.

Энди тўртинчи нассга, яъни биродарлашиш ҳадисларига келсак, уларни ўқиб чиқиш биланоқ улар ҳужжатликдан тушади. Уларнинг жумлаларини ва лафзларини кўриб чиқишнинг ўзиданоқ уларнинг ҳужжат бўлмаслиги маълум бўлади. Чунки бу ҳақда келган насслар қуйидагилардир: «**Се**

менинг биродарим ва ворисимсан», «биродарим, амакимнинг ўғли», «биродаримсан, набирамнинг отасисан, мendanсан ва менгасан», «сен менинг биродарим ва вазиримсан. Қарзимни адо қиласан, ваъдамни бажарасан ва зиммамни оқлайсан», «Али Росулulloхнинг биродари». Буларнинг ҳаммаси шундай лафзлар ва жумлаларки, ҳеч ким улардан «Али халифа қилиб қолдирилган», деган ҳукми истинобот қилиши асло мумкин эмас. Чунки бу лафзлар икки киши ўртасидаги хос ишлар бўлишдан нарига ўтмайди. Икки кишининг биттаси иккинчисининг ўзига ўта яқин эканини, биродар эканини шу лафзлар билан ифодалаяпти. Чунки Росулulloх ﷺ ўзига Алининг ўта яқин эканини, биродари эканини, ўзидан эканини, ёрдамчиси эканини ва қарзларини адо этишини шу лафзлар билан ифодалаяпти. Бунда ҳеч қандай умумий иш йўқ ва унинг ҳокимият ва халифаликка алоқаси йўқ. Али Росулulloх ﷺнинг бир туғишган укаси ёки ўғли деб фарз қилган тақдиримизда ҳам бу нарса Али Пайғамбаримиз ﷺдан кейин халифа бўлади, деган маънога далолат қилмас эди. Пайғамбаримиз ﷺнинг Алига сен биродаримсан ёки фарзандимсан ёки вазиримсан каби сўзларининг ҳокимиятга алоқаси йўқ ва уларда халифа қилиб қолдиришга далолат қиладиган ҳеч нарса йўқ. Луғавий жиҳатдан ҳам, шаръан олганда ҳам бунга далолат қиладиган ҳеч нарса йўқ. Бу сўзлар ҳеч бир жиҳатдан бунга далолат қилмайди. Демак бу ҳадислар Росулulloх ﷺ Алига ўзидан кейин халифа бўлишини ваъда қилганига ҳужжат бўлолмайди. Шунинг учун улар ҳужжатликдан тушади.

Энди Росулulloх ﷺ Алини ўзидан кейин халифа қилиб қолдиргани ҳақида очиқ насс келган учинчи қисмга келсак, у куйидаги икки ҳадисдир: Улардан бири «ал-Ғадир» китоби муаллифи келтирган чашма ҳадиси ривоятларидан бири бўлса, иккинчиси улар «ҳадисуддор» деб аташадиган ҳадисдир. «Ал-Ғадир» китоби муаллифининг ривоятига келсак, у китобининг аввалида ўз ривоятини зикр қилиб унда: «Менинг васийим, халифам» калимасини зикр қилмаган. У бошқа бир ривоятни зикр қилиб уни Табарийга нисбат берган. Унда «васийим ва халифам» деган лафз очиқ келган. «Ал-Ғадир» китоби муаллифи шайх Абдулҳусайн Аҳмад ал-Аминий ан-Нажафий ўз китобида «ал-Ғадир фи китабил азиз» деган сарлавҳа остида куйидагиларни айтади: «310 ҳижрий йилда вафот этган ҳофиз

Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарий «Китабул валай фи туруки ҳадисил ғадир» китобида ўз исноди билан Зайд ибн Арқамдан ривоят қилди:

«لَمَّا نَزَلَ النَّبِيُّ ﷺ بِغَدِيرِ خُمٍ فِي رُجُوعِهِ مِنْ حَجَّةِ الْوَدَاعِ وَكَانَ فِي وَقْتِ الضُّحَى وَحِرٌّ شَدِيدٌ أَمَرَ بِالِدُّوْحَاتِ فُقِّمَتْ وَنَادَى الصَّلَاةَ جَامِعَةً فَاجْتَمَعْنَا فَخَطَبَ خُطْبَةً بِالْعَةِ ثُمَّ قَالَ: إِنَّ اللَّهَ تَعَالَى أَنْزَلَ إِلَيَّ: (بَلِّغْ مَا أَنْزَلَ إِلَيْكَ مِنْ رَبِّكَ وَإِنْ لَمْ تَفْعَلْ فَمَا بَلَّغْتَ رِسَالَتَهُ وَاللَّهُ يَعْصِمُكَ مِنَ النَّاسِ) وَقَدْ أَمَرَنِي جِبْرِيلُ عَنْ رَبِّي أَنْ أَقُومَ فِي هَذَا الْمَشْهَدِ وَأُعَلِّمَ كُلَّ أَيْبَسَ وَأَسْوَدَ أَنْ عَلَيَّ بَنَ أَبِي طَالِبٍ أَخِي وَوَصِيِّي وَخَلِيفَتِي وَالْإِمَامُ بَعْدِي»

«Набий ﷺ ҳажжатул вадоъдан қайтишларида Хум чашмаси ёнига тушдилар. Чошгоҳ вақти бўлиб, кун қаттиқ исиган эди. Шунда Пайғамбаримиз ﷺ баланд дарахтлар остига тўпланишни буюрдилар. Дарахтлар ости супуриб сидирилди ва «ас-Солату жомиа» (намоз жамловчидир), деб нидо қилинди. Биз тўпландик. Шундан сўнг Пайғамбаримиз ﷺ балоғатли хутба қилиб сўнг бундай дедилар: Аллоҳ Таоло менга: «Сизга Парвардигорингиз томонидан нозил қилинган нарсани етказинг! Агар (бу фармонга амал) қилмасангиз, Унинг рисолатини (бандаларига) етказмаган бўлурсиз, Аллоҳ Сизни одамлар (зарари)дан сақлагай» [Моида: 67] оятини нозил қилди. Жаброил Роббим номидан менга мана шу йиғинда туриб ҳар бир оқ ва қора танлига Али ибн Абу Толиб менинг биродарим, васийим, халифам ва мендан кейинги имом эканини маълум қилишимни буюрди». Бу Хум чашмаси ҳадиси ҳақидаги ривоятлардан биридир. Бу ривоят диroyат (билим) жиҳатидан рад қилинади. Зеро унинг насси унда айтилган васийлик, халифалик ва Пайғамбардан кейин имом бўлиш деган сўзларни асоси йўқ бўлган ботилга айлантириб қўяди. Бу қуйидаги бир неча жиҳатга кўра бўлади:

Биринчи: Бу оят ҳажжатул вадоъда эмас, балки Худайбия йилида Фатҳ сурасидан кейин нозил бўлган. Бу оят Моида сурасидандир. Моида сураси эса Фатҳ сурасидан кейин нозил бўлган. Фатҳ сураси Пайғамбаримиз ﷺ Худайбия сулҳидан

кайтиб келишлари асносида нозил бўлган. Мусхафга бир назар ташлаш биланоқ:

يَا أَيُّهَا الرَّسُولُ بَلِّغْ مَا أُنزِلَ إِلَيْكَ مِنْ رَبِّكَ

«Эй пайғамбар, сизга Парвардигорингиз томонидан нозил қилинган нарсани етказинг!» [Моида: 67]

оятнинг қайси вақтда нозил бўлганини кўриш мумкин. У Фатҳ сурасидан кейин нозил бўлган. Демак бу оят ҳажжатул вадодан тўрт йил олдин нозил бўлган бўлади. Шунинг учун бу оятнинг Хум чашмаси ҳадисига алоқаси йўқ. Чунки Хум чашмаси ҳадиси ривоятларининг ҳаммасида бу ходиса ҳажжатул вадодо рўй бергани айтилади. Бу ҳадисни рад қилиш учун ва унда даъво қилинган васийлик ва халифа қилиб қолдиришни ботил деб шаръан айтиш учун мана шунинг ўзи кифоядир.

Иккинчи: Бу оятнинг маъноси унинг мантуқи ва мафҳумида очик кўриниб турибди. Унда Росулulloҳ ﷺ Роббисидан ўзига нозил бўлган нарсани етказишга буюрилгани айтилмоқда, ундан шу маъно тушунилмоқда. Пайғамбаримиз ﷺга Роббисидан нозил бўлган нарса эса исломий рисолатдир. Буни кўллаб-қувватлайдиган ва фақат шу маъногина қасд қилинганини кўрсатадиган нарса Аллоҳ Таолонинг шу оятнинг ўзидаги ушбу қавлидир:

وَأَنْ لَّمْ تَفْعَلْ فَمَا بَلَّغْتَ رِسَالَتَهُ

«Агар (бу фармонга амал) қилмасангиз, Унинг рисолатини (бандаларига) етказмаган бўлурсиз» [Моида: 67]

Яъни агар ўзингизга нозил қилинган нарсани етказмасангиз у ҳолда Унинг рисолатини етказган бўлмайсиз, демакдир. Бу насс Аллоҳ Таолонинг: «مَا أُنزِلَ إِلَيْكَ» (сизга нозил қилинган нарса) деган қавлидан мурод Аллоҳнинг рисолати экани, бундан бошқа нарса эмаслигини кўрсатиб турибди. Бунинг устига «بَلِّغْ» (етказинг) калимаси Қуръонда фақат Аллоҳнинг рисолатини етказиш маъносида келади, бундан бошқа маънода мутлақо келмаган. Аллоҳ Таоло деди:

يُبَلِّغُونَ رِسَالَاتِ اللَّهِ

«Улар (яъни ўтган пайғамбарлар) Аллоҳнинг рисолатини (бандаларга) етказадилар» [Аҳзоб: 39]

أُبَلِّغُكُمْ رِسَالَاتِ رَبِّي

«Мен сизларга Парвардигоримнинг рисолатинини етказурман»
[Аъроф: 62]

وَأَبْلَغُكُمْ مَا أُرْسِلْتُ بِهِ

«Мен сизларга ўзим элчи қилиб юборилган рисолатни етказурман»
[Ахқоф: 23]

أَبْلَغُوا رَسُولَاتِ رَبِّهِمْ

«Парвардигорларининг рисолатини (ўз умматлариغا) тўла етказдилар»
[Жин: 28]

أَبْلَغُكُمْ رَسُولَاتِ رَبِّي

«Мен Парвардигоримнинг рисолатини сизларга етказдим»
[Аъроф: 93]

أَبْلَغُكُمْ مَا أُرْسِلْتُ بِهِ

«Мен сизларга ўзим элчи қилиб юборилган рисолатни етказдим»
[Худ: 57]

Шунингдек: «مَا أَنْزَلَ إِلَيْكَ» (**сизга нозил қилинган нарса**) калимаси ҳам Қуръонда фақат шариат маъносида келади, бундан бошқа маънода мутлақо келмаган. Аллоҳ Таоло деди:

وَالَّذِينَ يُؤْمِنُونَ بِمَا أَنْزَلَ إِلَيْكَ وَمَا أَنْزَلَ مِنْ قَبْلِكَ

«Улар сизга нозил қилинган ва сиздан илгари туширилган нарсаларга (динларга) иймон келтирадилар»
[Бақара: 4]

تُؤْمِنُ بِمَا أَنْزَلَ عَلَيْنَا

«Биз ўзимизга нозил қилинган нарсага иймон келтираимиз»
[Бақара: 91]

أَمَّنَّا بِاللَّهِ وَمَا أَنْزَلَ إِلَيْنَا وَمَا أَنْزَلَ إِلَىٰ إِبْرَاهِيمَ

«Аллоҳга ҳамда бизга нозил қилинган нарсага ва Иброҳимга нозил қилинган нарсага имон келтирдик»
[Бақара: 136]

أَمَّنَ الرَّسُولُ بِمَا أَنْزَلَ إِلَيْهِ مِنْ رَبِّهِ

«Пайгамбар ўзига Парвардигоридан нозил қилинган нарсага иймон келтирди»
[Бақара: 285]

قُلْ أَمَّنَّا بِاللَّهِ وَمَا أَنْزَلَ عَلَيْنَا وَمَا أَنْزَلَ عَلَىٰ إِبْرَاهِيمَ

«(Эй Мухаммад), “Аллоҳга ҳамда бизга нозил қилинган нарсага ва Иброҳимга нозил қилинган нарсага иймон келтирдик“, деб айтинг» [Оли Имрон: 84]

وَإِنَّ مِنْ أَهْلِ الْكِتَابِ لَمَنْ يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَمَا أُنزِلَ إِلَيْكُمْ

«Албатта аҳли китоб ичида Аллоҳга ҳамда сизларга нозил қилинган ва ўзларига нозил қилинган нарсаларга иймон келтирувчи зотлар ҳам бор» [Оли Имрон: 199]

هَلْ تَنْقُمُونَ مِنَّا إِلَّا أَنْ أَمَنَّا بِاللَّهِ وَمَا أُنزِلَ إِلَيْنَا وَمَا أُنزِلَ مِنْ قَبْلُ

«Сизлар бизни Аллоҳга ҳамда бизга нозил қилинган нарсага ва илгари нозил қилинган нарсаларга иймон келтирганимиз сабаблигина ёмон кўрасизлар» [Моида: 59]

وَلَوْ أَنَّهُمْ أَقَامُوا التَّوْرَةَ وَالْإِنْجِيلَ وَمَا أُنزِلَ إِلَيْهِمْ مِنْ رَبِّهِمْ

«Агар улар Тавротга, Инжилга ва Парвардигорлари томонидан нозил қилинган нарсаларга амал қилганларида эди» [Моида: 66]

حَتَّىٰ تَقِيمُوا التَّوْرَةَ وَالْإِنْجِيلَ وَمَا أُنزِلَ إِلَيْكُمْ مِنْ رَبِّكُمْ وَلَيزِيدَنَّ كَثِيرًا مِّنْهُمْ مَا أُنزِلَ إِلَيْكَ مِنْ رَبِّكَ طُغْيَانًا وَكُفْرًا

«Эй аҳли китоб, то Тавротга, Инжилга ва сизларга Парвардигорингиз томонидан нозил қилинган нарсаларга амал қилмагунингизча, ҳеч қандай динда эмассизлар. (Эй Мухаммад), сизга Парвардигорингиз томонидан нозил қилинган нарса улардан кўнларига тугён ва куфрни зиёда қилиши шубҳасиздир» [Моида: 68]

وَإِذَا سَمِعُوا مَا أُنزِلَ إِلَى الرَّسُولِ تَرَىٰ أَعْيُنُهُمْ تَفِيضُ مِنَ الدَّمْعِ

«Улар пайгамбарга нозил қилинган нарсани эшитган пайтларида кўзларидан ёш қуйилаётганини кўрасиз» [Моида: 83]
Қуръондаги ҳамма оятлар шундай.

يَا أَيُّهَا الرَّسُولُ بَلِّغْ مَا أُنزِلَ إِلَيْكَ مِنْ رَبِّكَ

«Эй пайгамбар, сизга Парвардигорингиз томонидан нозил қилинган нарсани етказинг!» [Моида: 67]

Оятини олсак, ундаги «مَا أَنْزَلَ» (**нозил қилинган нарса**) калимаси ундан олдинги оятда ҳам, унда ҳам, ундан кейинги оятда ҳам битта маънода, яъни шариат маъносида келган. Ҳатто ундан кейинги оятдаги лафз ҳам ундаги лафзнинг худди ўзидир: Буларнинг барчаси Аллоҳ Таолонинг:

بَلِّغْ مَا أَنْزَلَ إِلَيْكَ مِنْ رَبِّكَ

«Сизга Парвардигорингиз томонидан нозил қилинган нарсани етказинг!» [Моида: 67]

деган қавлидаги «مَا أَنْزَلَ إِلَيْكَ» (**сизга нозил қилинган нарса**) деган сўзининг маъноси исломий шариат эканини қўллаб-қувватлайди. Бу маъно Қуръоннинг ҳамма оятларидаги мана шу: «بَلِّغْ» (**етказинг**) ва «مَا أَنْزَلَ إِلَيْكَ» (**сизга нозил қилинган нарса**) деган икки калимадан ҳар бирини кузатадиган кишига аниқ кўришиб турибди.

Учинчи: Аллоҳ Таолонинг:

مَا أَنْزَلَ إِلَيْكَ

«Сизга нозил қилинган нарса» [Моида: 67] деган қавлидаги «مَا أَنْزَلَ» (**нозил қилинган**) сўзи феъли мозий (ўтган замон феъли) бўлиб мажҳул (номаълумлик шаклида келган)дир. У Пайғамбаримиздан Аллоҳдан ўзига илгари нозил бўлган ваҳийни етказиш талаб қилинаётганини англатади. Демак Аллоҳ Росулulloҳ ﷺга ўзига олдин нозил қилинган ваҳийни одамларга етказишни буюрмоқда. Демак маъно оят нозил бўлишидан олдин нозил бўлган нарсани етказишдир. Маъно – оят нозил бўлиши билан юзага келган ва унинг ҳақида оят нозил бўлиб, етказиш буюрилган ҳамда Росулulloҳ ﷺ васийлик ва халифа қилиб қолдириш деб тафсир қилган бир муайян ишни етказиш эмас. Шунинг учун бу ҳадис оятнинг нозил бўлиши сабабининг шарҳи бўлолмайди. Чунки оят нозил бўлишига сабаб бўладиган ҳадис шундай бўладики, оят шу

ҳадисда зикр қилинадиган ҳодиса ҳақида нозил бўлган бўлади. Демак оят нарса ҳақида шу нарса рўй берган вақтда нозил бўлган бўлади. Бу оятнинг эса у нозил бўлишидан олдин рўй берган нарсани етказиш маъносида эканлиги очиқ кўриниб турибди. Шунга биноан бу ҳадис шу оят нозил бўлишигига сабаб бўлолмайди.

Тўртинчи: Аллоҳ Таолонинг:

مَا أَنْزَلَ إِلَيْكَ

«Сизга нозил қилинган нарса» [Моида: 67]
деган қавлидаги «مَا» калимаси исм мавсул ёки накра мақсуда бўлиб, бу калима пайғамбарга нозил қилинган нарса битта иш ва битта ҳукм деган маънони ҳам ёки у зотга нозил қилинган нарса бир неча иш ва кўпгина ҳукмлардир деган маънони ҳам бера олади. Яъни бу калимадан «ўзингизга нозил қилинган нарсани етказинг», деган маънони ҳам ёки «Биз сизга нозил қилган ҳамма ишларни ва ҳукмларни етказинг», деган маънони ҳам тушуниш мумкин. Бу калима ҳар икки маънони ҳам билдира олади. Бу икки маънодан қайси бири кўзда тутилганини белгилаб берадиган нарса қаринадир. Бу оятни диққат билан ўрганиб чиқиш билан эмас, балки уни шунчаки ўқиб чиқиш биланоқ Аллоҳ Таолонинг:

فَمَا بَلَغْتَ رَسُولَهُ

«... Унинг рисолатини (бандаларига) етказмаган бўлурсиз» [Моида: 67]
деган қавлидаги «Унинг рисолати», деган сўзи бўйича «مَا» калимаси: «ўзингизга нозил қилинган ҳамма нарсани», деган маънода эканлиги тайин бўлаётгани ва бу калима «ўзингизга нозил қилинган бирон ҳукми» деган маънода эмаслиги, бундай маъно қатъиян рад қилиниши аён бўлади. Бунинг устига «Унинг рисолати» деган сўз «сизга нозил қилинган нарса Аллоҳнинг рисолатидир», деган маънони аниқ ифодалаб турибди.

Бешинчи: Аллоҳ Таолонинг оят хотимасидаги:

وَاللَّهُ يَعْصِمُكَ مِنَ النَّاسِ إِنَّ اللَّهَ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الْكَافِرِينَ

«Аллоҳ Сизни одамлардан (зараридан) сақлагай. Албатта Аллоҳ кофир қавмни ҳидоят қилмас» [Моида: 67]

деган қавли Аллоҳ томонидан пайғамбарга таскин бериб ва Ўзининг рисолатини етказиш натижасида пайғамбарга етадиган азият ва озордан омон сақлашни айтиб хотиржам қилишдир. Бу хотиржам қилиш эса бир муайян ҳукми етказиш натижасида пайғамбарга етадиган озордан бўлмайди, аксинча у бутун рисолатни кофирларга етказиш натижасида етадиган озордан хотиржам қилишдир. Айниқса рисолатни етказишга жангу жадал ҳам ҳамроҳ бўлар экан, у шундай хотиржам қилишдир. Демак оят хотимаси: «Аллоҳ бу рисолатни жиҳод воситасида етказишингизда одамлар озоридан сизни асрайди», деган маънони билдиради. Чунки бу оят нозил бўлган пайтда рисолатни етказиш тариқати жиҳод, яъни қилич билан жанг қилиш эди. Шунинг учун «сизни асрайди» деган сўздан мурод «Алига халифаликни бериш пайтида сизни Алига ҳасад қилувчилардан асрайди» деган маъно бўлиши мумкин эмас, яъни уларнинг таъбири билан айтганда «сизни Абу Бакр, Умар, Усмон ва уларга ўхшаганлардан асрайди», деган маъно бўлиши мумкин эмас. Чунки оятда мўминлардан эмас, одамлардан асрайди, дейилмоқда. Одамлардан мурод кофирлар эканлигини Аллоҳ Таолонинг оят хотимасидаги:

إِنَّ اللَّهَ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الْكَافِرِينَ

«Албатта Аллоҳ кофир қавмни ҳидоят қилмас» [Моида: 67]

деган қавли аниқ кўрсатиб турибди. Шунга кўра демак Аллоҳнинг Пайғамбар ﷺ га уни ўзига нозил қилинган нарсани етказишида кофирлар озоридан Ўз хифзу ҳимоясида асрашини ваъда қилиши бу оятдаги етказишдан мурод Ислом рисолатини етказиш эканлигини аниқ кўрсатиб турибди. Энди «Пайғамбар ﷺ рисолатни бу оят нозил бўлишидан олдин етказган, демак Пайғамбар ﷺ етказган бўлса «ўзингизга нозил қилинган нарсани етказинг» деган қавли маъносиз бўлиб қолади-ку», деб эътироз билдирилиши мумкин. Бунга жавоб шуки, етказиш ҳақидаги бу амрдан икки ишдан бири тушунилади: Ё Пайғамбар ﷺ рисолатни яшириб, уни етказмаган бўлади. Ёки бу ерда рисолат ҳали етмаган одамлар бўлади ва уларга етказилмаганлиги рисолатни оламга етказмаслик ҳисобланади. Бу буйруқнинг Пайғамбар ﷺ ўзига нозил қилинган бир муайян

хукми яшириб, уни етказмаган деган маънони ва рисолат тамомига етишига сабаб бўладиган бир муайян хукми етказиш маъносини англатиши мумкин эмас. Чунки битта хукми яшириб қолиш ҳам худди бутун рисолатни яшириб қолиш каби Росулulloх ﷺнинг нубуввати ва рисолатига таъна (нуқсон) етказди. Демак маъно бир муайян хукми яшириб қолиш бўлиши мумкин эмас. Чунки оятда:

فَمَا بَلَّغْتَ رِسَالَتَهُ

«... Унинг рисолатини (бандаларига) етказмаган бўлурсиз»

[Моида: 67]

дейлиб етказилган бўлишни умуман инкор қилинмоқда. Бу эса Пайғамбар ﷺ битта муайян хукми етказмаган бўлади деган маънони эмас, балки рисолатни етказмаган бўлади деган маънони англатади. Айниқса битта хукми етказиш рисолатни етказиш ҳисобланар экан, у шундай маънони англатади. Росулulloх ﷺ аввалги кунданоқ хукмларни нозил бўлишига қараб тўлиқ етказдилар. Пайғамбаримизнинг ҳамма хукмларни етказганлиги етказиш ҳисобланади. Шунинг учун муайян хукми етказмаган деган маъно бўлиши мумкин эмас. Аксинча оятдаги жумла рисолатни етказмаган бўлади деган маънони беряпти. Пайғамбаримизнинг эса етказмаган бўлиши мумкин эмас. Зеро бу оят нозил бўлишидан олдин Пайғамбаримиз ﷺнинг етказганлиги собитдир. Шу боис демак бу оят нозил бўлишининг маъноси: «Бу ерда рисолат ҳали етмаган одамлар бор. Уларга етказилмаганлик эса рисолатни бутун оламга етказмаслик ҳисобланади, рисолат қачонки оламга етказилса ўшанда уни етказилди деб ҳисобланади» демакдир. Унинг маъноси шу бўлади. Шунинг учун Аллох Пайғамбаримиз ﷺга рисолатни етказмаган одамларга етказишни, етказиш деб ҳисобланиши учун уни етказишни ва бу етказиш жиҳод йўли билан бўлишини амр қилди. Бу оят Росулulloх ﷺга Ҳудайбия сулҳидан кейин нозил бўлганлиги ҳам шу маънони қўллаб-қувватлайди. Ўшанда Росулulloх ﷺ ана шу вақтгача уруш олиб борган асосий душман Қурайш бўлган эди. Улар билан сулҳ тузилиши билан жиҳод орқали етказишнинг тўхтаб қолиши тушунилиши мумкин эди. Шунинг учун Аллох пайғамбарга рисолатни қолган одамларга, яъни бошқа араблар, рум, форс, қибт ва бошқаларга жиҳод орқали етказишни давом эттиришни амр қилди. Пайғамбаримиз ﷺнинг етказиши рисолатни бутун оламга етказиш деб ҳисобланиши учун, бу

оламшумул рисолатни етказди деб ҳисобланиши учун Аллоҳ Пайғамбаримиз ﷺ га шуни буюрди. Амалда ҳам шундай бўлди. Зеро бу оят нозил бўлганидан кейин Росулulloҳ ﷺ Хайбарда яхудларга қарши жанг қилди, Мўъта жангига тайёрланди, Румга қарши уруш қилиш учун Табукка катта армия билан борди ва у ерда турди, Маккани фатҳ қилди, форс, рум, қибт подшоҳларига ва бошқа подшоҳларга мактуб юборди. Аллоҳ Таолонинг:

بَلِّغْ مَا أُنزِلَ إِلَيْكَ

«Сизга нозил қилинган нарсани етказинг!»

[Моида: 67]

деган қавлининг,

فَمَا بَلَّغْتَ رِسَالَتَهُ

«... Унинг рисолатини (бандаларига) етказмаган бўлурсиз»

[Моида: 67]

деган қавлининг,

وَاللَّهُ يَعْصِمُكَ مِنَ النَّاسِ

«Аллоҳ Сизни одамлардан (зараридан) сақлагай»

[Моида: 67]

деган қавлининг ва

إِنَّ اللَّهَ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الْكَافِرِينَ

«Албатта Аллоҳ кофир қавми ҳидоят қилмас»

[Моида: 67]

деган қавлининг нозил бўлиши маъноси шулардан аён бўлиб турибди.

Энди «Канзул уммол»да ва «Нахжул балоға» шарҳида ривоят қилинган “ҳадисуддор” деган ҳадисга келсак, унинг қисқача мазмуни қуйидагича:

وَأَنْذِرْ عَشِيرَتَكَ الْأَقْرَبِينَ

«Ва яқин қариндош-уруғларингизни (Аллоҳнинг азобидан) огохлантинг!»

[Шуаро: 214]

ояти нозил бўлгач Росулulloҳ ﷺ Алини чақириб, таом тайёрлашни ва Абдулмуттолиб уруғини чақириб келишни буюрди. Али бу буйруқларни бажарди. Қавм еб-ичиб бўлгач Росулulloҳ ﷺ уларга хитоб қилиб бундай деди:

«يَا بَنِي عَبْدِ الْمُطَّلِبِ إِنِّي وَاللَّهِ مَا أَعْلَمُ أَنَّ شَابًّا فِي الْعَرَبِ جَاءَ قَوْمَهُ بِأَفْضَلِ مِمَّا جِئْتُمْ بِهِ، إِنِّي قَدْ جِئْتُكُمْ بِخَيْرِ الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ، وَقَدْ أَمَرَنِي اللَّهُ أَنْ أَدْعُوَكُمْ إِلَيْهِ فَأَيْتَكُمْ يُؤَاظِرُنِي عَلَى هَذَا الْأَمْرِ عَلَى أَنْ يَكُونَ أَخِي وَوَصِيِّي وَخَلِيفَتِي فِيكُمْ»

«Эй бани Абдулмуттолиб, мен – Аллоҳга қасамки – араблар ичида бирон киши ўз қавмига мен сизларга олиб келган нарсдан афзалроқ нарсани олиб келганини билмайман. Мен сизларга дунё ва охират яхшилигини олиб келдим. Аллоҳ менга сизни даъват қилишимни буюрди. Хўш, сизлардан қайсинингиз бу ишда мени қўллаб-қувватлайди, орангизда менинг биродарим, васиййим ва халифам бўлиб қолади». Қавм бу даъватдан юз ўгирди. Фақат Али юз ўгирмади. Ваҳоланки у уларнинг энг ёши эди. Али даъватни қабул қилиб шундай деб жавоб берди: «Ё Росулulloҳ, бу ишда мен сизнинг вазирингиз бўламан». Аммо Набий ﷺ сўзини такрорлайверди, қавм эса бош тортишда давом этди. Али эса қабул қилганини қайта-қайта эълон қилаверди. Шунда Набий ﷺ Алини бўйнидан ушлаб ҳозир бўлганларга бундай деди:

«هَذَا أَخِي وَوَصِيِّي وَخَلِيفَتِي فِيكُمْ فَاسْمَعُوا لَهُ وَأَطِيعُوا»

«Бу сизнинг орангизда менинг биродарим, васиййим ва халифам бўлади, унга кулоқ солиб итоат қилинглар». Қавм эса Набий ﷺ уйдан чиқиб кетишар экан Набий ﷺ ва унинг даъватидан кулиб Абу Толибга бундай дейишди: «Сенга ўғлингга кулоқ солиб, итоат қилишингни буюрди». “Ҳадисуддор”нинг – уни ҳужжат қилиб келтирадиганлар ривоят қилганидек – ҳулосаси мана шу. Бухорий

وَأَنْذَرُ عَشِيرَتَكَ الْأَقْرَبِينَ

«**Ва яқин қариндош-уруғларингизни** (Аллоҳнинг азобидан) **огохлантиринг!**» [Шуаро: 214]

оятти нозил бўлган кундаги ҳодисани ривоят қилиб, Росулulloҳ ﷺнинг Сафо устига кўтарилганини айтади. Бухорий таом тайёрланганини ривоят қилмади. Аҳмад ибн Ҳанбал «Муснад»ида икки ҳадисни ривоят қилди. Улардан бири таом тайёрланганлиги ҳақидаги ҳадис бўлиб, Аҳмад унда бу иш

وَأَنْذَرُ عَشِيرَتَكَ الْأَقْرَبِينَ

«**Ва яқин қариндош-уруғларингизни** (Аллоҳнинг азобидан) **огохлантиринг!**» [Шуаро: 214]

оятти нозил бўлган кунда бўлганини зикр қилмаган. Иккинчи ҳадисда эса Аҳмад шу оят нозил бўлган кунда таом

қилинганини айтган. Аввало шу нусусни кўриб чиқамиз, сўнгра улардаги нарсани баён қиламиз:

Бухорий Ибн Аббосдан шундай деганини ривоят қилди:

وَأَنْذِرْ عَشِيرَتَكَ الْأَقْرَبِينَ

«Ва яқин қариндош-уруғларингизни (Аллоҳнинг азобидан) огоҳлантиринг!» [Шуаро: 214]

оятти нозил бўлгач Набий ﷺ Сафога кўтарилиб, одамлар тўпланиши учун Қурайш уруғларига қарата: эй бани Фихр, эй бани Адий, деб нидо қила бошлади. Ким чиқолмаган бўлса нима бўлганини кўриб келиш учун одам юборди. Абу Лаҳаб келди, Қурайш тўпланди. Шундан сўнг Пайғамбаримиз ﷺ бундай дедилар:

«أَرَأَيْتَكُمْ لَوْ أَخْبَرْتُكُمْ أَنَّ خَيْلًا بِالْوَادِي تُرِيدُ أَنْ تُغَيِّرَ عَلَيْكُمْ أَكْثَمَ مُصَدِّقِي؟
قَالُوا نَعَمْ مَا جَرَّبْنَا عَلَيْكَ إِلَّا صِدْقًا، قَالَ: فَإِنِّي نَذِيرٌ لَكُمْ بَيْنَ يَدَيْ عَذَابٍ شَدِيدٍ»

«Агар сизларга водийда бир отлиқ қўшин тўпланиб турибди, у устингизга бостириб келмоқчи десам менга ишонасизларми, нима дейсиз?». Қавм: «ҳа, ишонамиз, зеро биз сенинг фақат рост сўзлашингга гувоҳ бўлиб келганмиз», дейишди. Шунда Пайғамбаримиз ﷺ: **«Мен сизни келажакдаги қаттиқ азобдан огоҳлантираман»**, дедилар. Буни эшитиб Абу Лаҳаб: бугундан бошлаб қўлинг қурисин, бизни шунга тўпладингми? - деди. Шундан сўнг:

تَبَّتْ يَدَا أَبِي لَهَبٍ وَتَبَّ * مَا أَغْنَىٰ عَنْهُ مَالُهُ وَمَا كَسَبَ

«Абу Лаҳабнинг қўллари қуригай – ҳалок бўлгай! (Аниққи) у қуриди – ҳалок бўлди! Мол-мулки ва касб қилиб топган нарсалари унга асқотгани йўқ!» [Масад: 1-2]

оятти нозил бўлди. Бу эса таом тайёрлаш ҳодисаси

وَأَنْذِرْ عَشِيرَتَكَ الْأَقْرَبِينَ

«Ва яқин қариндош-уруғларингизни (Аллоҳнинг азобидан) огоҳлантиринг!» [Шуаро: 214]

оятти нозил бўлган кунда бўлмаганига далолат қилади. Чунки бу оят шу ҳадис нассидида келган нарсага мос келмайди. Аҳмад ибн Ҳанбал «Муснад»ида ривоят қилиб бундай деди: Бизга Аффон ҳадис ривоят қилди, бизга Абу Авона Усмон ибн Муғйирандан, у Абу Содикдан, у Рабиъа ибн Ножиздан, у Алидан ривоят қилди: Росулulloҳ ﷺ бани Абдулмуттолибни тўпладилар ёки таклиф қилдилар. Уларнинг орасида бир гуруҳ

яқин қариндошлар бор эди. Ҳаммалари еб-ичдилар. Улар учун анча таом тайёрланган эди. Еб тўйдилар. Таом худди ейилмагандек қандай бўлса ўша ҳолда қолди. Росулulloҳ ﷺ кичик қадахларни олиб келишни буюрди, ичиб қондилар. Ичимлик эса қандай бўлса шундай, худди тегилмагандек турарди. Шундан сўнг Пайғамбаримиз ﷺ:

«يَا بَنِي عَبْدِ الْمُطَّلِبِ، إِنِّي بُعِثْتُ لَكُمْ خَاصَّةً وَإِلَى النَّاسِ عَامَّةً، وَقَدْ رَأَيْتُمْ مِنْ هَذِهِ الْآيَةِ مَا رَأَيْتُمْ فَأَيُّكُمْ يُبَايِعُنِي عَلَى أَنْ يَكُونَ أَخِي وَصَاحِبِي؟ قَالَ فَلَمْ يَقُمْ إِلَيْهِ أَحَدٌ، قَالَ: فَقُمْتُ إِلَيْهِ وَكُنْتُ أَصْغَرَ الْقَوْمِ قَالَ: فَقَالَ: اجْلِسْ. قَالَ: ثَلَاثَ مَرَّاتٍ كُلُّ ذَلِكَ أَقْوَمُ إِلَيْهِ فَيَقُولُ اجْلِسْ، حَتَّى كَانَ فِي الثَّلَاثَةِ ضَرْبَ يَدِهِ عَلَى يَدِي»

«Эй бани Абдулмуттолиб, мен сизларга хоссатан, барча одамларга омматан пайғамбар қилиб юборилдим. Мана бу мўъжизани ўз кўзингиз билан кўриб гувоҳ бўлдингиз. Хўш, қайсинингиз биродарим ва дўстим бўлиши тўғрисида менга байъат беради? - дедилар. Ҳеч ким ўрнидан турмади. Шунда мен ўрнимдан турдим. Мен қавмнинг энг кичик ёшдагиси эдим. Пайғамбаримиз ﷺ: ўтир, дедилар. Сўнгра юқоридаги сўзларни уч марта айтдилар. Ҳар сафар мен ўрнимдан турар, Пайғамбаримиз ﷺ эса: ўтир, дердилар. Учинчи мартада қўлимни ушладилар». Насс шу ерда ниҳоясига етди. Бу насдан

وَأَنْزَرُ عَشِيرَتَكَ الْفُقَرَاءَ

«*Ва яқин қариндош-уруғларингизни (Аллоҳнинг азобидан) оғохлантиринг!*» [Шуаро: 214]

оятининг нозил бўлиши зикр қилинмагани, Росулulloҳ ﷺнинг уларга Исломни таклиф қилгани, ким Исломга кирса Росулulloҳ ﷺнинг биродари ва дўсти бўлиши ҳамда Пайғамбаримиз ﷺнинг Алига ҳеч нарса демагани аён бўлиб турибди.

Энди иккинчи ривоятга келсак, Аҳмад ибн Ҳанбал ўзининг «Муснад»ида ривоят қилиб бундай деди: «Бизга Асвад ибн Омир ҳадис ривоят қилди, бизга Шарик Аъмашдан, у

Минҳолдан, у Аббод ибн Абдуллоҳ ал-Асадийдан, у Алидан шундай деганини ривоят қилди:

وَأَنْذِرْ عَشِيرَتَكَ الْأَقْرَبِينَ

«**Ва яқин қариндош-уруғларингизни (Аллоҳнинг азобидан) оғохлантиринг!**» [Шуаро: 214]

ояти нозил бўлгач Набий ﷺ ўз аҳли байтини тўплади. Ўттиз киши тўпланди. Улар еб-ичиб бўлишгач Пайғамбар ﷺ уларга бундай деди:

«مَنْ يَضْمَنُ عَنِّي دِينِي وَمَوَاعِيِدِي وَيَكُونُ مَعِيَ فِي الْحِجَّةِ، وَيَكُونُ خَلِيفَتِي فِي أَهْلِي؟ فَقَالَ رَجُلٌ لَمْ يُسَمِّهِ شَرِيكٌ: يَا رَسُولَ اللَّهِ أَنْتَ كُنْتَ بَحْرًا مَنْ يَقُومُ بِهِذَا. قَالَ: ثُمَّ قَالَ الْآخَرُ، قَالَ: فَعَرَضَ ذَلِكَ عَلَى أَهْلِ بَيْتِهِ، فَقَالَ عَلِيُّ ؓ: أَنَا»

«**Ким мен (инг номим)дан қарзимни тўлаб қўяди, ваъдаларимни бажаради ва мен билан бирга жаннатда бўлади, аҳлимда менинг халифам бўлади?**» Шунда бир киши (Шарикунинг исмини айтмади): ё Росулulloҳ, сиз бир денгиз бўлсангиз, буни ким ҳам қила оларди, деди. Шундан сўнг Пайғамбар ﷺ буни ўзининг аҳли байтига таклиф қилди. Шунда Али: мен, деди». Насс шу ерда ниҳоясига етди. Бу насдан аён бўлиб турибдики, Росулulloҳ ﷺ ўз аҳлидан қарзини тўлаб, ваъдаларини бажарадиган бир шахс бўлишини талаб қилиб, бунинг мукофоти ўзи билан жаннатда бўлиш ва аҳлида халифа бўлиш эканини айтганлар. Шунда Али: мен, деган. Бу икки насда васийим сўзи йўқ, халифам сўзи эса мутлақ эмас, аксинча аҳлга муқайяд бўлиб келди. Аҳлда халифа бўлиш ҳокимият ва имомат мансабида халифа бўлишдан бошқадир. Аҳлда халифа бўлишнинг ҳокимиятда халифа бўлишга алоқаси йўқ. Бу саҳиҳ китобларда келган насслардир. Улар бир-бирига яқин бир неча лафзлар билан ва битта маънодаги ривоятларда келган. Уларнинг биронтасида васийим калимаси келмаган, халифам калимаси эса мутлақ бўлиб келмаган. Сиҳоҳ соҳибларидан ҳеч ким васийим ёки мутлақ халифам калимаси бор биронта ҳадисни ҳеч бир ишончли ривоятчилар орқали ривоят қилмаган. Алига нисбатан ҳам ва ундан бошқасига нисбатан ҳам бундай сўз

айтилганини ривоят қилишмаган. Демак бу ҳам ҳужжатликдан тушади. Чунки бунга саҳиҳда ҳеч бир далил йўқ.

Энди Алининг халифа қилиб қолдирилгани ҳақида ҳужжат келтирадиганлар ривоят қилиб “ҳадисуддор”, деб ном беришган нассага келсак, шу ривоят билан келган бу насса дириоятан рад қилинади. Ҳадисни рад қилиш маъно жиҳатидан бўлса дириоятан, санад жиҳатидан бўлса ривоятан рад қилинган дейилади. Агар ҳадис дириоятан ёки ривоятан рад қилинса эътиборга олинмайди ва у ҳужжатликдан тушади. “Ҳадисуддор” қуйидаги бир неча ишга кўра дириоятан рад қилинади:

Биринчидан: Бу ҳадисда Росулulloҳ ﷺ оли Абдулмуттолибдан даъватни етказишда қўллаб-қувватлашини талаб қилгани ва бошқарув ўзидан кейин уларники бўлишини шарт қилгани (яъни қўллаб-қувватлашлари эвазига ҳокимият уларники бўлиши шарти билан талаб қилгани) кўриниб турибди. Бу икки жиҳатдан ботилдир: биринчи жиҳат шуки, бу ҳадис Росулulloҳ ﷺнинг бани Омир қабиласи талабини рад қилган ҳодисадаги айтган сўзига ва қилган ишига зид келади. Бани Омир агар Исломга киришса Пайғамбар ﷺдан кейин бошқарув уларники бўлишини талаб қилишганда Росулulloҳ ﷺ уларнинг бу талабини рад қилиб бундай деган эди:

«الْأَمْرُ لِلَّهِ يَضَعُهُ حَيْثُ يَشَاءُ»

«Амр Аллоҳники, уни Ўзи хоҳлаган жойга қўяди». Ибн Ҳишом ўзининг «Набий ﷺ сийрати» китобида ривоят қилиб бундай деди: «Ибн Исҳоқ деди: менга Зухрий ҳадис ривоят қилишича, Набий ﷺ Омир ибн Саъсаънинг олдига келиб уларни Аллоҳ Азза ва Жаллага даъват қилди ва уларга ўзига ёрдам беришни таклиф қилди. Шунда улардан Байжара ибн Фуррос деган киши: Аллоҳга қасамки, агар қурайшлик бу йигитни ёнимга олсам унинг ёрдамида албатта арабларни еб ташлардим, деб Пайғамбар ﷺга: Нима дейсан, агар биз ишингда сенга эргашсак, сўнгра Аллоҳ сенга қарши чиққанлар устидан сени ғолиб қилса сендан кейин амр бизники бўладими? - деди. Набий ﷺ:

«الْأَمْرُ لِلَّهِ يَضَعُهُ حَيْثُ يَشَاءُ»

«Амр Аллоҳники, уни Ўзи хоҳлаган жойга қўяди», деди. Буни эшитиб Байжара: сени ҳимоя қилиш учун бўғзимизни арабларга нишон қилиб берайликда, Аллоҳ сени ғолиб қилса амр биздан бошқаники бўладими? Бизга ишингнинг кераги йўқ, деди. Шундай қилиб улар Пайғамбарга ёрдам беришдан бош тортишди». Росулulloҳ ﷺ: «**Амр Аллоҳники, уни Ўзи хоҳлаган жойга қўяди**», яъни ўзидан кейин халифалик ва ҳокимият ишини Аллоҳ ўзи хоҳлаган жойига қўяди, деб туриб бани Абдулмуттолибга: «**Қайси бирингиз мени бу ишда биродарим, васийим ва орангизда халифам бўлиши шарт билан қўллаб-қувватлайди**», деб қандай айтиши мумкин ахир? Ахир бу шундоқ очиқ кўриниб турган бир-бирига зид нарсa эмасми? Шундай экан бу икки сўздан бирининг рад қилиниши муқаррар. Ҳадисуддор

وَأَنْذِرْ عَشِيرَتَكَ الْأَقْرَبِينَ

«**Ва яқин қариндош-уруғларингизни** (Аллоҳнинг азобидан) **огохлантиринг!**» [Шуаро: 214]

ояти нозил бўлган пайтда, яъни пайғамбарликнинг учинчи йилида бўлган, деб айтилган, «**Амр Аллоҳники, уни Ўзи хоҳлаган жойига қўяди**», ҳадиси эса Росулulloҳ ﷺ қабилаларга ёрдам беришни таклиф қилган пайтда, яъни пайғамбарликнинг ўнинчи йилида, яъни “ҳадисуддор”дан кейин айтилгани боис демак “ҳадисуддор” рад қилинади. Иккинчи жиҳат шундан иборатки, бу ҳадисда Росулulloҳ ﷺнинг кофирларга улар Исломга киришлари учун бир нарсани қилиб берганлиги, балки энг катта ишни, яъни ўзидан кейин ҳамма мусулмонлар устидан халифаликни қилиб берганлиги, уларнинг Исломга киришларига бир тўлов (эваз) сифатида шундай қилганлиги маъноси ётибди. Бу эса Росулulloҳ ﷺнинг даъват олиб боришдаги ишига ҳам, шариат ҳукмларига ҳам зиддир. Чунки Росулulloҳ ﷺ одамларни Исломга ҳақ дин бўлгани учун даъват қилдилар. Пайғамбаримиз ﷺнинг бирон кофирга унинг Исломга кириши эвазига озми, кўпми, бирон нарсани қилиб берганлиги ҳечам ривоят қилинмаган. Буни ривоят қилган ҳатто заиф ҳадис ҳам йўқ. Аммо муаллафату қулубухум (қалбларни улфат қилиш)га келсак, улар

мусулмонлар бўлиб, улар билан давлат кучайиши учун уларга закотдан бериб турилар эди. Улар кофир эмас эдики, Исломга киришлари учун уларга бериб турилган бўлса. Кофирларнинг Исломга киришлари эвазига уларга бир нарса берилиши жоиз эмас.

Иккинчидан: Ҳадисда Росулulloҳ ﷺ зиёфат уюштириб, кофирларни Исломга даъват қилиш учун уларга таом тайёрлагани, Исломга киришлари учун уларни таом устида жамлагани айтилади. Таом мусулмон Али учун тайёрланмаган. Демак ўшалар Исломни рад қилишган бўлса ва Исломга киришлари эвазига Пайғамбар ﷺ дан кейин бошқарув уларники бўлишини ҳам рад қилишган бўлса, бунга Алининг ҳеч бир алоқаси йўқки, талабни қабул қилиш учун аралашган бўлса. Чунки Исломга даъват қилинган Али эмас эди. Чунки у мусулмон эди. Шунинг учун хитоб унга йўлланмаган эди. Демак Алининг бу тўпланишга ҳеч бир алоқаси йўқки, Пайғамбар ﷺ унга нисбатан **«Бу менинг биродарим, васийим ва орангизда менинг халифам, бас унга қулоқ солиб, итоат қилинглр»**, деб айтса. Чунки хитоб Алига қилингани йўқ ва у билан музокара олиб борилгани йўқ.

Учинчидан: Ҳадисда қавм Исломни рад қилишгани, Пайғамбар ﷺ уларга қайта-қайта таклиф қилишига қарамай улар куфрда ва Исломга киришлари эвазига Пайғамбар ﷺ дан кейин амр уларники бўлишини рад қилишда қаттиқ туриб олишгани, кофир ҳолда қолаверишгани айтилади. Шундай экан энди қандай қилиб Росул ﷺ уларга хитоб қилиб: **«Бу орангизда менинг халифам»**, деб айтиши ва унга қулоқ солиб, итоат қилишни уларга буюриши мумкин, ахир? Пайғамбаримиз уларнинг кофир ҳолда қолишганини, Исломни рад қилишганини била туриб уларга буни қандай буюриши мумкин, ахир? Улар кофирлигича қолишган экан, Али уларнинг орасида қандай қилиб халифа бўлиши мумкин, ахир?

Тўртинчидан: Улар ривоят қиладиган ривоятда: **«Бу менинг биродарим, васийим ва орангизда халифам, бас унга қулоқ солиб, итоат қилинглр»**, дейилади. У оли Абдулмуттолибга қилинган хитобдир. Чунки Набий ﷺ гапни: эй бани Абдулмуттолиб, деб бошлади. Демак хитоб уларга хосдир. Чунки Алини мусулмонларга халифа қилганлиги эмас, балки бани Абдулмуттолиб орасида халифа қилганлиги айтилмоқда. Зеро Пайғамбар ﷺ: **«орангизда халифам»**, деган.

Демак Али ўшанда мусулмонларга халифа бўлмаган. Бу насдан очик кўриниб турибди. Бу ерда сабабнинг хослиги эмас, лафзнинг умумийлиги эътиборга олинади, деб айтиш ноўриндир. Чунки бу сабаб эмас, айти воқеадир. Қолаверса «**Эй бани Абдулмуттолиб**» ва «**орангизда халифам**» лафзи ҳам умумий эмас, хос бўлиб келяпти. Ҳодиса сабаб эмас, айти воқеа бўлгани боис ҳамда лафз умумий эмаслиги боис бу лафзни хос деб эътибор қилиш лозим.

Бу тўрт ишдан биттасининг ўзиёқ бу ҳадиснинг ёлғонлигини ва зидлигини, уни рад қилиш дироятан вожиб эканини очик кўрсатиб беришга кифоя қилади. Бу билан Росулulloҳ ﷺ ўздан кейин Алини халифа қилишни кўрсатиб кетмаганлиги аён бўлади. Буларнинг ҳаммасидан аён бўлиб турибдики, Росулulloҳ ﷺ ўздан кейин халифаликка бир шахсни тайин қилган деб ҳужжат келтирадиган кишилар ривоят қилган ҳадислар рад қилинадиган ҳадислар бўлиб, ҳужжат қилишга ярамайди. Демак улар ҳужжатликдан тушади. Шундай қилиб Росулulloҳ ﷺ ўздан кейин халифаликни зиммасига оладиган бирон шахсни тайин қилганига ҳеч қандай далил қолмади. Аксинча бунинг зиддига далил мавжуд. Яъни Росулulloҳ ﷺ бу ишни мусулмонларнинг ўзига ҳавола қилганига, шунинг учун мусулмонлар ўзлари истаган кишини ихтиёр қилишлари лозимлигига далил мавжуд.

Росулulloҳ ﷺ ўздан кейин халифа бўладиган шахсларни тайин қилган, деган гапнинг хатолигига келсак, бу улар айтган ўша ҳадислар Пайғамбар ﷺ Алини халифаликка тайин қилганига далолат қилмаганидан кўриниб турибди. Халифалик уларники бўлишини айтадиган кишилар Алининг авлодлари бўлишгани учун бу гапни айтишади. Агар уларнинг Алига нисбатан келтирадиган ҳужжатлари ҳужжатликдан тушса унинг авлодларига нисбатан ҳам ҳужжатликдан тушади. Бунинг устига улар Аллоҳ ва Росули томонидан бўлган насс билан Али авлодлари халифалигига далил деган эътиборда ривоят қилишадиган ҳадислар оли байтга тааллуқли ҳадислар бўлиб, ҳаммаси мақтов мазмунидадир, бундан ортиқ нарса йўқ. Икки қимматбаҳо нарса ҳақидаги ҳадис, яъни Хум чашмаси ҳадиси бунга мисолдир. Унинг ҳужжатликдан тушганлиги ва ундан кейин қолган ҳадисларнинг ҳам ҳужжатликдан тушганлиги аниқ аён бўлди.

Умумий масъулиятлар

Шореъ ҳокимга вожиб бўлган умумий масъулиятларни аниқ белгилаб берди. Чалкашлик ва ноаниқликка ҳеч ўрин қолдирмади. Шореъ ҳокимнинг ҳоким сифатида қандай бўлиши вожиблиги хусусидаги масъулиятини ҳам ва унинг фуқаро билан бўладиган алоқасига нисбатан масъулиятини ҳам баён қилди.

Ҳокимнинг ҳоким сифатида бўлиши вожиб бўлган нарсаларга нисбатан масъулиятига келсак, у Росулulloҳ ﷺ ҳокимнинг баъзи сифатларини баён қилган ҳадисларда очиқ кўриниб турибди. Бу сифатларнинг энг кўзга кўринганлари: қувват, тақво, фуқарога меҳрибонлик, ўзидан нафратлантирувчи бўлмастик. Росулulloҳ ﷺ ҳокимнинг кучли бўлиши лозимлигини, заиф кишининг ҳоким бўлишга ярамаслигини кўрсатиб бердилар. Муслим Абу Заррдан Росулulloҳ ﷺнинг шундай деганини ривоят қилди:

«يَا أَبَا ذَرٍّ إِنِّي أَرَاكَ ضَعِيفًا وَإِنِّي أَحِبُّ لَكَ مَا أَحِبُّ لِنَفْسِي، لَا تَأْمُرَنَّ عَلَيَّ اثْنَيْنِ وَلَا تَوَلِّينَنَّ مَالَ يَتِيمٍ»

«Эй Абу Зарр, мен сени заиф деб биламан ва сенга ўзимга раво кўрган нарсани раво кўраман. Ҳаргиз икки киши устидан амир бўлма ва ҳаргиз етим моли (масъулияти)ни зиммангга олма». Муслим Абу Заррдан шундай деганини ҳам ривоят қилди:□

«قُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ أَلَا تَسْتَعْمِلُنِي قَالَ: فَضْرَبَ يَدَهُ عَلَى مَنْكِبِي ثُمَّ قَالَ: يَا أَبَا ذَرٍّ إِنَّكَ ضَعِيفٌ وَإِنَّهَا أَمَانَةٌ وَإِنَّهَا يَوْمَ الْقِيَامَةِ خِزْيٌ وَنَدَامَةٌ إِلَّا مَنْ أَخَذَهَا بِحَقِّهَا وَأَدَّى الَّذِي عَلَيْهِ فِيهَا»

«Мен: ё Росулаллоҳ, мени амалдор қилмайсизми, дедим. Шунда Набий ﷺ елкамга уриб: эй Абу Зарр, сен заифсан, у эса омонатдир, у қиёмат кунида расво бўлиш ва надоматдир. Фақат уни ҳақли равишда олган ва унинг борасида зиммасидаги вазифани адо этган киши бундан мустасно, дедилар». Бу ерда қувватдан мурод шахсиятнинг кучли бўлишидир, яъни ақлият ва нафсиятнинг кучли бўлишидир. Демак ҳокимнинг ақлияти ишлар ва алоқаларни идрок қилишига ёрдам берадиган бошқарув ақлияти бўлиши ва

унинг нафсияти ўзининг амир эканини идрок қиладиган ҳамда истак-майллари амирдек тасарруф қиладиган ҳоким нафсияти бўлиши лозим. Кучли шахсият ҳукмронлик қилишга яроқли бўлади. Ҳоким ўзини ёмон ҳукм юритишдан сақлайдиган сифатга эга бўлиши зарур бўлади. Демак энди у ўзи хусусида ва Умматни ғамхўрлик билан бошқариши учун такво билан сифатланиши зарур бўлади. Муслим ва Аҳмад Сулаймон ибн Бурайдадан, у отасидан ривоят қилади: □

«كَانَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ إِذَا أَمَرَ أَمِيرًا عَلَى جَيْشٍ أَوْ سَرِيَّةٍ أَوْ صَاهُ فِي خَاصَّتِهِ يَتَقَوَّى اللَّهَ وَمَنْ مَعَهُ مِنَ الْمُسْلِمِينَ خَيْرًا»

«Росулуллоҳ ﷺ бирон қўшин ёки сарийяга амир тайин қилсалар, унга Аллоҳдан такво қилишни ва у билан бирга бўлган мусулмонларга яхшилик қилишни васият қилар эдилар». Зеро ҳоким Аллоҳдан такво қилиб қўрқса, яширин ва ошкор ишларини Аллоҳ кўриб турибди деб билса, бу уни фуқарога зўравонлик қилишдан тийувчи омил бўлади. Лекин такво унинг қаттиққўл ва шиддатли бўлишига монелик қилмайди. Чунки у Аллоҳ кўриб турибди деб билар экан Аллоҳнинг буйруқ ва қайтарувларига қаттиқ риоя қилади. У ҳоким бўлгани учун унинг иши қаттиққўл ва шиддатли бўлишни тақозо қилади. Ҳоким ишининг табиати шундай бўлади. Шунинг учун Шореъ унга фуқарога меҳрибон бўлишни ва машаққат қилмасликни буюрди. Оиша رضي الله عنها дан шундай ривоят қилинади: Мен Росулуллоҳ ﷺнинг уйимда бундай деганини эшитдим: □

«اللَّهُمَّ مَنْ وَلِيَ مِنْ أُمَّتِي شَيْئًا فَشَقَّ عَلَيْهِمْ، فَاشْقُقْ عَلَيْهِ، وَمَنْ وَلِيَ مِنْ أُمَّرِ أُمَّتِي شَيْئًا فَارْفَقْ بِهِمْ فَارْفُقْ بِهِ»

«Аллоҳим, ким Умматим ишидан бирон нарсани бошқариб, уларга машаққат қилса Сен ҳам унга машаққат қил. Кимки Умматим ишидан бир нарсани бошқариб, уларга меҳрибонлик қилса Сен ҳам унга меҳрибонлик қил». Муслим ривояти. Шунингдек Шореъ ҳокимга ўзидан нафратлантириб, йироқлатувчи эмас, балки севинтирувчи бўлишни ҳам буюрди. Абу Мусодан ривоят қилинади: Росулуллоҳ ﷺ саҳобалардан биронтасини бир иш билан юборса:

□

«بَشُرُوا وَلَا تُتَفَرُّوا وَيَسِّرُوا وَلَا تُعَسِّرُوا»

«Севинтиринглар, нафратлангирманглар, енгиллик қилинглари, оғир қилманглар», дер эдилар. Муслим ривояти.

Бу ҳокимнинг ўзи хусусида, унинг қандай бўлиши вожиблиги ҳақида эди. Энди унинг фуқаро билан бўладиган алоқасига тўхталадиган бўлсак, Шорё унга бутун фуқарога насиҳат қилишни буюрди ва омма мол-мулкларидан бирон нарсага зарар етказишнинг ёмон оқибатидан огоҳлангирди. Аллоҳ ҳоким зиммасига фақат Ислому билан ҳукм юритиш вазифасини юклади. Фуқарога насиҳат қилмайдиган ёки уни алдайдиган ҳокимга Аллоҳ жаннатни ҳаром қилди. Маъқал ибн Ясрдан ривоят қилинади: Мен Набий ﷺнинг шундай деганини эшитдим: □

«مَا مِنْ عَبْدٍ اسْتَرْعَاهُ اللَّهُ رَعِيَّةً فَلَمْ يُحِطْهَا بِنَصَحِهِ إِلَّا لَمْ يَجِدْ رَائِحَةَ الْجَنَّةِ»

«Бирон бир бандани Аллоҳ фуқаро устидан бошлиқ қилган бўлсаю, у фуқарога насиҳат қилмаса жаннатнинг ҳидини ҳам топмайди». Бухорий ривояти. Яна Маъқал ибн Ясрдан ривоят қилинади: Мен Росулulloҳ ﷺнинг шундай деганини эшитдим: □

«مَا مِنْ وَالٍ يَلِي رَعِيَّةً مِنَ الْمُسْلِمِينَ فَيَمُوتُ وَهُوَ غَاشٍ لَهُمْ إِلَّا حَرَّمَ اللَّهُ عَلَيْهِ

الْجَنَّةَ»

«Бир волий мусулмон фуқарони бошқарса, уларни алдаб юриб шу ҳолда ўлиб кетса, Аллоҳ унга жаннатни ҳаром қилади». Муслим Маъқалдан ривоят қилади: Мен Росулulloҳ ﷺдан шундай деганини эшитдим: □

«مَا مِنْ أَمِيرٍ يَلِي أَمْرَ الْمُسْلِمِينَ ثُمَّ لَا يَجْهَدُ لَهُمْ وَيَنْصَحُ إِلَّا لَمْ يَدْخُلْ مَعَهُمْ

الْجَنَّةَ»

«Бирон амир мусулмонлар ишини бошқарсаю, уларнинг фойдаси учун жидду жаҳд ва насиҳат қилмаса, улар билан бирга жаннатга кирмайди». Абу Саиддан ривоят қилинади: Росулulloҳ ﷺ дедилар:

«لِكُلِّ غَادِرٍ لَوَاءٌ يَوْمَ الْقِيَامَةِ يُرْفَعُ لَهُ بِقَدْرِ غَدْرِهِ أَلَا وَلَا غَادِرَ أَعْظَمُ غَدْرًا مِنْ أَمِيرٍ
عَامَّةٍ»

«Хар бир ғодир (алдамчи ғаддор) учун қиёмат куни бир байроқ бўлади. У унинг қанчалик ғаддорлигига қараб кўтарилади. Огоҳ бўлингки, омма амиридан кўра катта ғаддорлик қилган ғодир бўлмайди». Муслим ривояти. Демак фуқаро манфаати йўлида бор кучни сарфлаб жидду жаҳд қилишни ва уларга насихат қилишни Росулulloҳ ﷺ қаттиқ таъкидладилар. Юқорида баён қилинганлардан бу тўғридаги масъулият жуда катта эканлиги аниқ кўриниб турибди. Энди омма мол-мулкларига дахл қилишга келсак, Шорё бундан қаттиқ огоҳлангирди. Росулulloҳ ﷺ волийларидан бирининг шундай дахл қилганини кўрган пайтда уни қаттиқ қораладилар ва унинг тўғрисида одамларга хутба қилдилар. Абу Ҳамид ас-Соидийдан ривоят қилинишича Набий ﷺ Ибн Латбияни бани Салим закотлари устидан омил қилиб тайинладилар. У Росулulloҳ ﷺ хузурига келгач Пайғамбаримиз ﷺ ундан ҳисоб сўрадилар. Шунда у: мана бу сизларга, буниси эса менга қилинган ҳадядир, деди. Буни эшитиб Росулulloҳ ﷺ:□

«فَهَلَّا جَلَسْتَ فِي بَيْتِ أَبِيكَ وَبَيْتِ أُمَّكَ حَتَّى تَأْتِيَكَ هَدْيَتِكَ إِنْ كُنْتَ صَادِقًا؟»

«Агар рост айтаётган бўлсанг ҳадянг келишини кутиб ота-онангнинг уйида ўтиравермайсанми?», дедилар. Шундан сўнг Росулulloҳ ﷺ туриб одамларга хутба қилдилар, Аллоҳга ҳамду сано айтиб бундай дедилар:□

«أَمَا بَعْدُ فَإِنِّي أَسْتَعْمِلُ رَجَالًا مِنْكُمْ عَلَى أُمُورٍ مِمَّا وَلَا نِيَّ لِلَّهِ فَيَأْتِي أَحَدَكُمْ فَيَقُولُ هَذَا لَكُمْ وَهَذِهِ هَدْيَتُهُ أُهْدِيَتْ لِي، فَهَلَّا جَلَسَ فِي بَيْتِ أَبِيهِ وَبَيْتِ أُمِّهِ حَتَّى تَأْتِيَهُ هَدْيَتُهُ إِنْ كَانَ صَادِقًا؟ فَوَاللَّهِ لَا يَأْخُذُ أَحَدُكُمْ مِنْهَا شَيْئًا بغيرِ حَقِّهِ إِلَّا جَاءَ بِحِمْلِهِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ»

«Аммо баъд. Мен сизлардан бир қанча кишиларни Аллоҳ менга топширган бир қанча ишлар устидан омил қиламан. Шунда биттангиз келиб буниси сизларга, буниси эса менга қилинган ҳадядир демоқда. Агар у ростгўй бўлса ўзига ҳада келишини кутиб ота-онасининг уйида ўтиравермайдами? Аллоҳга қасамки, биронтангиз садақотлардан ноҳақ бирон

нарсани олса уни қиёмат куни орқалаб келади». Бухорий ривояти. Бу Аллоҳ уни муҳосаба қилиши ва қилган иши учун унга азоб беришидан киноядир. У ҳокимнинг омма мол-мулкларига қандайдир баҳоналар билан таъвил ва фатво никоби остида дахл қилишидан қаттиқ огоҳлантиришдир.

Энди ҳокимнинг қайси ҳукмлар билан ҳукм юритиши вожиблигига келсак, Шорё унга бу ҳукмларни белгилаб берди. Унинг зиммасига Аллоҳ Китоби ва Росули Суннати билан ҳукм юритишни юклади. Бу иккиси бўйича ижтиҳод қилиш ҳуқуқини унга берди ва уни Исломдан бошқасига интилишдан ёки Исломдан бошқасидан бирон нарсани олишдан мутлақо қайтарди. Китоб ва Суннат билан ҳукм юритишнинг аниқ кўрсатилганига келсак, бу Қуръон оятларидан аниқ кўриниб турибди. Аллоҳ Таоло деди:

وَمَنْ لَّمْ يَحْكَمْ بِمَا أَنزَلَ اللَّهُ فَأُولَئِكَ هُمُ الْكَافِرُونَ

«Кимда-ким Аллоҳ нозил қилган дин билан ҳукм қилмас экан, бас, улар кофирлардир» [Моида: 44]

Яна Аллоҳ Таоло деди:

وَمَنْ لَّمْ يَحْكَمْ بِمَا أَنزَلَ اللَّهُ فَأُولَئِكَ هُمُ الْفَاسِقُونَ

«Кимда-ким Аллоҳ нозил қилган дин билан ҳукм қилмас экан, бас, улар фосиқлардир» [Моида: 47]

Аллоҳ Таоло деди:

وَمَنْ لَّمْ يَحْكَمْ بِمَا أَنزَلَ اللَّهُ فَأُولَئِكَ هُمُ الظَّالِمُونَ

«Кимда-ким Аллоҳ нозил қилган дин билан ҳукм қилмас экан, бас, улар зolimлардир» [Моида: 45]

Бу эса фақат Аллоҳ нозил қилган нарса билангина ҳукм юритиш вожиблигини англатади. Аллоҳ Ўзининг Росули саййидимиз Муҳаммад ﷺ га нозил қилган нарса эса Қуръони Каримдир. Унинг лафзи ҳам, маъноси ҳам Аллоҳ томонидан нозил қилинган. Суннат эса лафзи эмас, маъноси Аллоҳ томонидан нозил қидинган. Демак ҳоким ҳукм юритишда Китоб ва Суннат доирасидан чиқмаслиги керак. Шорё ҳокимга Китоб ва Суннатда ижтиҳод қилишга, яъни Китоб ва Суннатни фаҳмлаб тушунишда ва ҳукмларни истинбот қилишда бор кучини сарфлашга ижозат берди. Абу Довуд ва Термизий ривоят қилишича Росулulloҳ ﷺ Муозни Яманга юбораётиб унга бундай дедилар: «Агар сенга бир масала кўндаланг келса қандай ҳукм қиласан? Муоз: Аллоҳ Китоби билан ҳукм қиламан, деди. Росулulloҳ: Аллоҳ Китобидан топмасангчи? - дедилар. Муоз: Росулulloҳнинг Суннати

билан, деди. Пайғамбаримиз ﷺ: Росулulloҳ Суннатидан ҳам, Аллоҳнинг китобидан ҳам топмасангчи? - деди. Муоз: Раъйим билан ижтиҳод қиламан. Шунда Росулulloҳ ﷺ унинг кўксига уриб: Росулulloҳ элчисини Росулulloҳни рози қиладиган нарсага муваффақ қилган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин, дедилар». Шореъ ҳокимга агар ижтиҳодда хато қилса битта ажр қилиб кўйди. Бу билан ҳокимни ижтиҳодга қизиқтириб, рағбатлантирилади ва уни наслар зохирида қотиб қолишдан йироқ қилинади. Бухорий Амр ибн Осдан Росулulloҳ ﷺнинг шундай деганини ривоят қилди: □

«إِذَا حَكَمَ الْحَاكِمُ فَاجْتَهَدَ ثُمَّ أَصَابَ فَلَهُ أَجْرَانِ وَإِذَا حَكَمَ فَاجْتَهَدَ ثُمَّ أَخْطَأَ فَلَهُ أَجْرٌ»

«**Ҳоким ҳукм юритар экан, ижтиҳод қилиб тўғри топса унга икки ажр берилади ва агар ижтиҳод қилиб хато қилса унга битта ажр берилади**». Шариат ҳокимнинг фақат Ислом ҳукмлари билангина ҳукм юритишини, бошқа нарса билан ҳукм юритмаслигини ўта аниқ қилиб кўрсатиб берди. Шариат ҳокимга гарчи хато қилса ҳам ижтиҳод ҳуқуқини бериш билан бирга фақат Ислом билан ҳукм юритишини, Ислом ҳукми доирасидан чиқмаслигини ҳам қаттиқ таъкидлади. Шариат Исломдан бошқаси билан ҳукм юритишдан қайтарибгина қолмай, балки Исломдан бошқасидан ҳукм сўраб мурожаат қилишдан ҳам ёки Исломдан бўлмаган нарсани унга шерик қилишдан ҳам қайтарди. Аллоҳ Таоло Росулulloҳ ﷺга хитоб қилиб бундай деди:

وَأَنْ أَحْكَمَ بَيْنَهُمْ بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ وَلَا تَتَّبِعْ أَهْوَاءَهُمْ وَاحْذَرْهُمْ أَنْ يَفْتِنُوكَ عَنْ بَعْضِ مَا أَنْزَلَ اللَّهُ إِلَيْكَ □

«(Эй Муҳаммад), улар ўртасида Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм қилинг, уларнинг ҳавойи нафсларига эргашманг ва Аллоҳ Сизга нозил қилган ҳукмларнинг айримларидан Сизни буриб фитнага солиб қўйишларидан эҳтиёт бўлинг!» [Моида: 49] Аллоҳ Таоло яна деди: □

فَأَحْكَمَ بَيْنَهُمْ بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ وَلَا تَتَّبِعْ أَهْوَاءَهُمْ عَمَّا جَاءَكَ مِنَ الْحَقِّ

«**Бас, одамлар ўртасида Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм қилинг ва Сизга келган Ҳақдан юз ўгириб, уларнинг ҳавойи нафсларига эргашманг**» [Моида: 48]

Росулуллоҳга қилинган хитоб эса унинг Умматига қилинган хитобдир. Демак у ҳар бир ҳокимга ҳам қилинган хитобдир. Муслим Оиша رضي الله عنها дан ривоят қилади: Росулуллоҳ صلى الله عليه وسلم дедилар: □

«وَمَنْ أَحَدَثَ فِي أَمْرِنَا هَذَا مَا لَيْسَ مِنْهُ فَهُوَ رَدٌّ»

«Ким бу ишимизда ундан бўлмаган нарсани пайдо қилса у рад қилинади». Оиша онамиздан қилинган бошқа ривоятда бундай дейилган: □

«مَنْ عَمِلَ عَمَلًا لَيْسَ عَلَيْهِ أَمْرُنَا فَهُوَ رَدٌّ»

«Кимки бизнинг ишимиздан бўлмаган бир амални қилса у рад қилинади». Бухорий Убайдуллоҳ ибн Абдуллоҳдан ривоят қилишича, Ибн Аббос – икковларидан Аллоҳ рози бўлсин – шундай деди: □

«كَيْفَ تَسْأَلُونَ أَهْلَ الْكِتَابِ عَنْ شَيْءٍ وَكِتَابِكُمْ الَّذِي أَنْزَلَ عَلَى رَسُولِ اللَّهِ ﷺ أَحَدَثُ، تَقْرَأُونَهُ مَحْضًا لَمْ يُشَبَّ وَقَدْ حَدَّثَكُمْ أَنَّ أَهْلَ الْكِتَابِ بَدَّلُوا كِتَابَ اللَّهِ وَغَيْرُوهُ وَكَتَبُوا بِأَيْدِيهِمُ الْكِتَابَ وَقَالُوا: هُوَ مِنْ عِنْدِ اللَّهِ لِيَشْتَرُوا بِهِ ثَمَنًا قَلِيلًا. أَلَا يَنْهَاكُمْ مَا جَاءَكُمْ مِنَ الْعِلْمِ عَنْ مَسْأَلَتِهِمْ»

«Сизлар аҳли китобдан бирон нарса ҳақида қандай қилиб сўрашинглар мумкин, ахир? Ваҳоланки Росулуллоҳ صلى الله عليه وسلم га нозил қилинган Китобингиз янги нозил бўлиб, сўзлаб турган бўлса, сизлар уни ҳеч нарса аралашмаган соф ҳолда ўқиётган бўлсангиз, Китобингиз сизларга аҳли китоб Аллоҳнинг Китобини ўзгартиришганини, ўз қўллари билан китоб ёзиб, сўнгра озгина қийматга сотиш учун: «бу китоб Аллоҳ ҳузуридан келди», деб айтишганини сўзлаб турган бўлса. Ўзингизга келган илм сизларни улардан сўрашдан қайтармаяптими, ахир?». Бундан нима билан ҳукм юритиш вожиблиги аниқ кўрсатиб берилгани ва ҳокимнинг масъулияти Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм юритишдан иборат эканлиги очиқ кўриниб турибди.

Ҳоким зиммасига вожиб бўлган бу масъулиятлардан Шореъ умумий масъулиятларни ўта аниқ белгилаб бергани кўриниб турибди. Ҳоким халифа бўладими ёки унинг муовиними, волий ёки омилми, бундан қатъий назар, шу масъулиятлар доирасидан чиқмаслиги лозим. Чунки бу масъулиятлар амирга вожиб экан, омма ишидан жавобгар кишига ҳам аллақачон

вожибдир. Бу ерда халифа бўладими ёки волийми, мусулмонлар ишларидан бирон ишни бошқарадиган ҳар бир кишини ўз ичига олиб умумий келган бир қанча ҳадислар бор. Бунга мисол Росулulloҳ ﷺнинг: **«Бирон бандани Аллоҳ фуқаро устидан бошлиқ қилган бўлсаю...», «Ким Умматим ишидан бирон нарсани бошқариб...», «Огоҳ бўлингки, омма амиридан кўра қатта ғаддорлик қилган ғодир бўлмайди»,** деган сўзлари ҳамда Аллоҳ Таолонинг:□

وَمَنْ لَّمْ يَحْكَمْ

«Кимда-ким Аллоҳ нозил қилган дин билан ҳукм қилмас экан...»

[Моида: 45]

деган қавлидир. Бу нассларнинг ҳаммаси умумий лафз билан келган бўлиб, волийни ҳам, халифани ҳам ўз ичига олади. Росулulloҳ ﷺга қилинган хитоб хоҳ халифа бўлсин ва хоҳ волий бўлсин, ҳар бир ҳокимга қилинган хитоб ҳамдир. Лекин Росулulloҳ ﷺ халифанинг фуқароси борасидаги масъулиятини ҳадисда алоҳида насс билан баён қилиб, унда умумий масъулиятларни умумий тарзда баён қилди. Бухорий Абдуллоҳ ибн Умардан ривоят қилишича, Росулulloҳ ﷺ бундай дедилар:

«أَلَا كَلُّكُمْ رَاعٍ وَكَلُّكُمْ مَسْئُولٌ عَنْ رَعِيَّتِهِ، فَالِإِمَامُ الَّذِي عَلَى النَّاسِ رَاعٍ وَهُوَ مَسْئُولٌ عَنْ رَعِيَّتِهِ، وَالرَّجُلُ رَاعٍ عَلَى أَهْلِ بَيْتِهِ وَهُوَ مَسْئُولٌ عَنْ رَعِيَّتِهِ، وَالْمَرْأَةُ رَاعِيَةٌ عَلَى أَهْلِ بَيْتِ زَوْجِهَا وَوَلَدِهِ وَهِيَ مَسْئُولَةٌ عَنْهُمْ، وَعَبْدُ الرَّجُلِ رَاعٍ عَلَى مَالِ سَيِّدِهِ وَهُوَ مَسْئُولٌ عَنْهُ، أَلَا فَكَلُّكُمْ رَاعٍ وَكَلُّكُمْ مَسْئُولٌ عَنْ رَعِيَّتِهِ»

«Огоҳ бўлингки, ҳар бирингиз раҳбарсиз ва ҳар бирингиз ўз раиятидан масъулсиз. Одамларга бош бўлган имом раҳбардир ва у ўз раиятидан масъулдир. Эркак киши ўз уйи аҳлига раҳбардир ва у ўз раиятидан масъулдир. Аёл эрининг уйи аҳли ва болаларига раҳбардир ва у улардан масъулдир. Кишининг қули ўз хўжайини молига раҳбардир ва у ундан масъулдир. Огоҳ бўлингки ҳар бирингиз раҳбарсиз ва ҳар бирингиз ўз раиятидан масъулсиз». Демак Шореъ халифани ўз раиятидан умумий масъул қилиб қўйди ва бу билан ҳоким зиммасида умумий масъулиятлар бўлади.

□

Бу масъулиятлар халифа зиммасига ҳам, амир зиммасига ҳам юкланади. Шореъ йўл-йўриқ кўрсатиб ва шаръий

хукмларни қилиб бериб, бу умумий масъулиятлар юкини кўтариш ва уларни адо этиш мажбуриятини ҳоким зиммасига бутунлай юклади. Йўл-йўриқ кўрсатишга келсак, Шорей ҳокимни – агар у бу масъулиятлар борасида лоқайдлик қиладиган бўлса, уларни адо этмаса – Аллоҳ азобига учрашидан огоҳлантириб, агар уларни адо этолмайдиган заиф кимса уларни ўз зиммасига оладиган бўлса бу масъулиятлар киёмат куни расволик ва надомат бўлишини баён қилди. Росулulloҳ ﷺ Аллоҳдан Исломий Умматга машаққат қилган кимсага машаққат қилиб қўйишини сўрадилар ва Аллоҳ бутун Умматга насиҳат қилмайдиган кимсага жаннатни ҳаром қилди. Ва булардан бошқа огоҳлантиришлар ҳам борки, уларда ҳокимга ўз масъулиятларини адо этмасликнинг ёмон оқибати, яъни Аллоҳ томонидан бўладиган азоб баён қилинади. Лекин шариат бу билангина кифояланмади, балки Умматни ҳоким ўз масъулиятларини қандай адо этиши устидан назоратчи қилиб қўйди. Агар ҳоким ўз масъулиятлари борасида лоқайдлик қиладиган бўлса ёки ёмон иш юритадиган бўлса, бунга қарши чиқиб, инкор қилишни Уммат зиммасига мажбурият қилиб юклади. Агар ҳоким Исломдан бошқа нарса билан ҳукм юритадиган бўлса ва ҳукм юритиш очиқ куфрга айланса унга қарши қўлга қилич олиб жанг қилишни Умматга буюрди. Шариат золим ҳокимга қарши чиққани учун қатл қилинган кишини шаҳидлар саййиди даражасига кўтарди. Пайғамбаримиз ﷺ дедилар: □

«سَيِّدُ الشُّهَدَاءِ حَمْرَةُ بْنُ عَبْدِ الْمُطَّلِبِ وَرَجُلٌ قَامَ إِلَى إِمَامٍ جَائِرٍ فَأَمَرَهُ وَنَهَاهُ
فَقَتَلَهُ»

«Шаҳидлар саййиди Ҳамза ибн Абдулмуттолиб ва золим ҳокимга қарши туриб, уни (маъруфга) буюриб, (мункардан) қайтарган, натижада ўша золим ҳоким томонидан қатл қилинган кишидир». Ҳоким ривояти. Шариат ҳокимнинг лоқайдлигига рози бўлиб, унга тобе бўлиб тураверадиган кимсанинг Аллоҳ олдида жавобгар бўлиб, Унинг азоб-уқубатидан саломат қолмаслигини баён қилди. Муслим Умму Саламадан ривоят қилишича, Росулulloҳ ﷺ бундай дедилар: □

«سَتَكُونُ أَمْرَاءً فَتَعْرِفُونَهُ وَتَتَكَبَّرُونَ فَمَنْ عَرَفَ بَرِيًّا وَمَنْ أَنْكَرَ سَلِيمًا وَلَكِنَّ مَنْ رَضِيَ وَتَابَعَ. قَالُوا أَفَلَا نُنْفَاتِلُهُمْ قَالَ: لَا، مَا صَلُّوا»

«Келажакда амирлар бўлади, сизлар танийсизлар ва инкор қиласизлар. Бас, ким таниса покланади, ким инкор қилса саломат қолади. Лекин ким рози бўлиб, эргашса (пок ва саломат бўлмайди). Шунда: уларга қарши жанг қилмаймизми? - дейишди. Росулulloҳ: **Йўқ, модомики намозни адо этар эканлар, дедилар**». Бошқа бир ривоятда бундай дейилган:

«فَمَنْ كَرِهَ فَقَدْ بَرِيًّا وَمَنْ أَنْكَرَ فَقَدْ سَلِيمًا وَلَكِنَّ مَنْ رَضِيَ وَتَابَعَ»

«Ким ёмон кўрса пок бўлади, ким инкор қилса саломат қолади. Лекин ким рози бўлиб, эргашса (пок ва саломат бўлмайди)». Бу ривоят Пайғамбаримиз ﷺнинг: «ким таниса покланади», деган сўзини тафсир қилиб беради. Нававий бу ҳадис шарҳида бундай деди: «Унинг маъноси, валлоҳу аълам, қуйидагича: ким мункарни таниб, унинг мункарлигига шубҳа қилмаса, уни қўли ёки тили билан ўзгартириши унинг учун шу мункар гуноҳидан ва уқубатидан саломат бўлиш тариқати бўлади. Бундан ожизлик қилса қалби билан ёмон кўрсин». Пайғамбаримиз ﷺнинг: «Ким инкор қилса саломат қолади», деган сўзи, яъни кимки мункарни қўли ва тили билан ўзгартиришга қодир бўлмай, уни қалби билан инкор қилса ва ёмон кўрса, унинг гуноҳида ўша амирларга шерик бўлишдан саломат қолади. Лекин кимки рози бўлса ва эргашса, яъни уларнинг ишига қалби билан рози бўлса ва амалда уларга эргашса, покланмайди ва саломат бўлмайди. Демак бу ҳадисда Росулulloҳ ﷺ ҳокимнинг мункар ишига қарши чиқиб, инкор қилишни буюрдилар ва қўлдан келадиган ҳар қандай восита билан инкор қилишни вожиб қилиб қўйдилар. Фақат бу восита жанг бўлмаслиги, яъни қилич бўлмаслиги ва мутлак тил билан, яъни сўз билан бўлиши ёки қўл ва тил билан ўзгартиришдан ожизлик қилса, қалб билан бўлиши шарт. Фақат агар халифанинг очиқ куфрни қилаётгани кўринса, шунда қилич кўтариб қарши чиқилади. Пайғамбаримиз ﷺ қарши чиқиб, инкор қилмаган кимсани гуноҳда ҳокимга шерик деб ҳисобладилар. Чунки Пайғамбаримиз ﷺ кимки ҳокимлар қилган ишга рози бўлса ва эргашса гуноҳдан покланмаслигини ва саломат қолмаслигини айтдилар. Лекин бу инкор қилиш ҳокимлар Ислоом билан ҳукм юрита туриб, ёмон иш қилиб

кўйишган тақдирдагина бўлади. Аммо агар улар Исломи татбиқ этиш доирасидан чиқиб куфр ҳукмларини татбиқ этишса, бу ҳолда шариат қўл, тил ва қалб билан инкор қилиш билан кифояланмади, балки уларни ўзгартиришнинг тариқати қилич ва жанг эканини кўрсатиб берди. Масалан Муслим ривоят қилган Умму Салама ҳадисиди бундай дейилган: □

«قَالُوا أَفَلَا تُفَاتِلُهُمْ قَالَ: لَا، مَا صَلُّوا»

«Шунда: уларга қарши жанг қилмаймизми? - дейишди. Пайғамбаримиз ﷺ: йўқ, модомики намозни адо этар эканлар, дедилар». Яна бир ривоятда бундай дейилган: □

«أَلَا تُفَاتِلُهُمْ يَا رَسُولَ اللَّهِ قَالَ: لَا، مَا صَلُّوا»

«Уларга қарши жанг қилмаймизми, ё Росулulloх, дейишди. Пайғамбаримиз ﷺ: йўқ, модомики намозни адо этар эканлар, дедилар». Муслим ривоят қилган Авф ибн Молик ҳадисиди бундай дейилади: □

«قِيلَ يَا رَسُولَ اللَّهِ أَفَلَا تُتَابِدُهُمْ بِالسَّيْفِ فَقَالَ: لَا، مَا أَقَامُوا فِيكُمْ الصَّلَاةَ»

«Ё Росулulloх, уларга қарши қилич кўтариб чиқмаймизми? - дейилди. Пайғамбаримиз ﷺ: йўқ, модомики орангизда намозни барпо қилишар экан (қарши чиқмайсиз) дедилар». Бошқа ривоятда эса бундай дейилган: □

«قُلْنَا يَا رَسُولَ اللَّهِ أَفَلَا تُتَابِدُهُمْ عِنْدَ ذَلِكَ؟ قَالَ: لَا، مَا أَقَامُوا فِيكُمْ الصَّلَاةَ»

«Биз: ё Росулulloх, ана шу пайтда уларга (қилич билан) қарши тураимизми? - дедик. Пайғамбар ﷺ: йўқ, модомики орангизда намозни барпо қилишар экан, дедилар». Бухорий Убода ибн Сомитдан шундай деганини ривоят қилди: □

«دَعَانَا النَّبِيُّ ﷺ فَبَايَعَنَا. فَقَالَ فِيمَا أَخَذَ عَلَيْنَا أَنْ بَايَعْنَا عَلَى السَّمْعِ وَالطَّاعَةِ فِي مَنْشَطِنَا وَمَكْرَهِنَا وَعُسْرِنَا وَيُسْرِنَا وَأَثَرَةَ عَلَيْنَا وَأَنْ لَا نُنَازِعَ الْأَمْرَ أَهْلَهُ قَالَ: إِلَّا أَنْ تَرَوْا كُفْرًا بَوَاحًا عِنْدَكُمْ مِنَ اللَّهِ فِيهِ بُرْهَانٌ»

«Набий ﷺ бизни даъват қилдилар. Биз у кишига байъат бердик. Биздан байъат олар экан, хурсандчиликда ҳам, хафачиликда ҳам, оғир кунларимизда ҳам, енгил кунларимизда ҳам қулоқ солиб, итоат этишга, ўзимиздан афзал кўришимизга, ишни эгасидан талашмаслигимизга байъат беришимизни айтиб: фақат агар очик куфрни

кўрсангиз ва сизда бу ҳақда Аллоҳдан аниқ ҳужжат бўлса, (шундагина талашишингиз мумкин), **дедилар».** Бу ҳадислардан иш аҳли (ҳокимлар) томонидан очиқ куфр содир бўлганини кўрсак, уларга қарши чиқиб бошқарувни талашишимиз, агар орамизда намозни барпо қилишмайдиган бўлса уларга қарши қилич кўтариб жанг қилишимиз лозимлиги тушунилмоқда. Бу эса ҳокимга нисбатан унинг Ислому билан ҳукм юритиши лозимлигидан киноядир. Яъни улар модомики Ислому билан ҳукм юритишар экан, жанг қилиш ҳам, қарши чиқиб талашиш ҳам бўлмайди. Аммо агар Исломдан бошқа нарса билан ҳукм юритишадиган бўлса, у ҳолда уларга қарши жанг қилиш, қарши чиқиш ва талашиш вожиб бўлиб қолади. Бу билан Ислому умумий масъулиятларни адо этишни тўла юклаган бўлади.

Исломий давлат илоҳий давлат эмас, башарий давлатдир

Исломий давлат – Халифаликдир. Чунки у мансаб бўлиб, бу мансабни эгаллаган киши ҳокимият, салтанат ва ҳукмларни табанний қилишнинг барча салоҳиятларига ҳеч истисносиз эга бўлади. Халифалик дунёдаги барча мусулмонларнинг умумий раҳбарияти бўлиб, исломий шариат ҳукмларини барпо қилади. Уларни Ислом олиб келган фикрлар ва шаръий ҳукмлар билан барпо қилади. Халифалик исломий даъватни бутун оламга кўтариб чиқади. Буни уларга Исломни танитиш, уларни Исломга даъват қилиш ва Аллоҳ йўлидаги жиҳод билан амалга оширади. Халифаликни имомат ва мўминлар амирлиги деб ҳам аталади. Демак у илоҳий мансаб эмас, башарий мансабдир. Зеро у Ислом динини башариятга татбиқ этиш ва уни башар ўртасида ёйиш учун мавжуддир. У пайғамбарликдан бутунлай бошқа нарсадир. Чунки пайғамбарлик ва рисолат бир мансаб бўлиб, унда набий ёки росул шариатни Аллоҳдан ваҳий воситасида олиб, одамларга етказиши. Уни татбиқ этилиши ёки этилмаслигидан қатъий назар, уни етказиши:

وَمَا عَلَى الرَّسُولِ إِلَّا الْبَلَاغُ الْمُبِينُ

«**Пайғамбар зиммасида** (сизларни зўрлаб динга киргизиши эмас, балки) **фақат** (сизларга Ҳақ динни) **етказиши бордир**» [Нур: 54]

فَأَمَّا عَلَيْكَ الْبَلَاغُ

«**Сизнинг зиммангиздаги нарса фақатгина етказишидир**»

[Оли Имрон: 20]

مَا عَلَى الرَّسُولِ إِلَّا الْبَلَاغُ

«**Пайғамбар зиммасида фақат етказиши бор, ҳолос**» [Моида: 99]
Халифалик эса бунинг аксидир. Чунки у Аллоҳ шариатини инсониятга татбиқ этишидир. Набий ва росул бўлиш учун Аллоҳ ўзига ваҳий қилган нарсани татбиқ этиши шарт эмас. Аксинча набий ва росул бўлиш учун Аллоҳ унга бирон шариатни ваҳий қилиши ва уни етказишни буюриши шарт. Саййидимиз Мусо, Исо ва Иброҳим алайҳимуссалом мана шу асосда пайғамбар ва росул бўлдилар. Улар ўзлари олиб келган шариатни татбиқ қилмадилар ва ҳоким бўлмадилар.

Шунга кўра нубувват ва рисолат халифалик мансабидан бошқа нарсадир. Зеро нубувват илоҳий мансаб бўлиб, Аллоҳ уни Ўзи хоҳлаган кишига беради. Халифалик эса башарий мансаб бўлиб, унда мусулмонлар ораларидан ўзлари хоҳлаган

кишини халифа қилиб сайлаб, унга байъат берадилар. Саййидимиз Муҳаммад ﷺ эса ўзи олиб келган шариатни татбиқ этадиган ҳоким бўлдилар. Пайғамбаримиз ﷺ га нубувват ва рисолат берилган бўлиб, шу вақтнинг ўзида Ислому ҳукмларини татбиқ этиш учун мусулмонлар раҳбари мансабини ҳам эгалладилар. Зеро Аллоҳ Пайғамбаримиз ﷺ га рисолатни етказишни буюрганидек, ҳукм юриштишни ҳам буюрди. Аллоҳ Таоло Пайғамбаримиз ﷺ га бундай деди:

وَأَنْ أَحْكَمَ بَيْنَهُمْ بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ

«(Эй Муҳаммад), улар ўртасида Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм қилинг» [Моида: 49]

إِنَّا أَنْزَلْنَا إِلَيْكَ الْكِتَابَ بِالْحَقِّ لِتَحْكُمَ بَيْنَ النَّاسِ بِمَا أَرَاكَ اللَّهُ

«Албатта, Биз сизга ушбу Ҳақ Китобни (Қуръонни) одамлар орасида Аллоҳ қўрсатган йўл билан ҳукм қилишингиз учун нозил қилдик» [Нисо: 105]

Аллоҳ Таоло яна бундай деди:

يَا أَيُّهَا الرَّسُولُ بَلِّغْ مَا أَنْزَلَ إِلَيْكَ مِنْ رَبِّكَ

«Эй пайғамбар, сизга Парвардигорингиз томонидан нозил қилинган нарсани етказинг» [Моида: 67]

وَأُوحِيَ إِلَيَّ هَذَا الْقُرْآنُ لِأُنذِرَكُمْ بِهِ وَمَنْ بَلَغَ

«Сизларни ва Қуръон етиб борган кишиларни (охират азобидан) огоҳлантиришим учун менга мана шу Қуръон ваҳий қилинди» [Анъом: 19]

يَا أَيُّهَا الْمُدَّثِّرُ * قُمْ فَأَنْذِرْ

«Эй (либосларига) бурканиб олган зот, туринг-да, (инсонларни охират азобидан) огоҳлантиринг!» [Муддассир: 1-2]

Лекин шуни ҳам айтиш керакки, Пайғамбаримиз ﷺ рисолатни сўз билан етказишга, масалан Аллоҳ Таолонинг:

وَأَحَلَّ اللَّهُ الْبَيْعَ وَحَرَّمَ الرِّبَا

«Ҳолбуки, Аллоҳ байъни ҳалол, судхўрликни ҳаром қилган» [Бақара: 275]

деган қавлини етказиш каби, ёки Ҳудайбия шартномаси каби амалий нарсани етказишга киришар эканлар, жазм билан киришар ва амални адо этишни қатъий буюрар эдилар. Бунда маслаҳатлашиб ўтирмас, аксинча ваҳий олиб келган нарсдан бошқасини маслаҳат берилса, бундай раъйни рад қилар эдилар. Агар ҳали ваҳий нозил бўлмаган бирон ҳукм ҳақида сўралсалар, ваҳий нозил бўлгунча жавоб бермас эдилар. Аммо ишларни адо этишга киришишда Пайғамбаримиз ﷺ одамлар

билан маслаҳатлашар эдилар. Одамлар ўртасида қозилик қилиб ҳукм чиқарсалар бу ҳукми ходиса ҳақиқатига мос бўлди деб жазм қилмас эдилар. Аксинча Пайғамбаримиз ﷺ ўзи эшитган хужжатлар бўйича ҳукм қилганини айтар эдилар. Масалан Пайғамбаримиз ﷺ «Бароат» сураси нозил бўлган пайтда Абу Бакрга етиб олиш учун Али ибн Абу Толибни туяга мингаштириб олдилар ва унга ҳаж мавсумида «Бароат» сурасини одамларга ўқиб эълон қилишни буюрдилар. Али бу сурани одамларга Арафотда тиловат қилиб берди ва айланиб юриб уларга бу сурани етказди. Худайбия сулҳи тузилган пайтда Пайғамбаримиз ﷺ ҳамма саҳобалар раъйини рад қилиб, уларга ўзи билдирган раъйга қаттиқ амал қилишни буюрдилар. Чунки бу раъй Аллоҳ томонидан ваҳий қилинган эди. Жобир: молимни қандай тақсимлайман? - деб сўраганида Росулulloҳ ﷺ бу тўғрида ваҳий нозил бўлмагунча жавоб бермадилар. Бухорий Ибн Мункадирдан ривоят қилади: **«Жобир ибн Абдуллоҳнинг шундай деганини эшитдим: Касал бўлиб ётганимда Росулulloҳ ﷺ ва Абу Бакр иккови пиёда мени кўргани келишди. Мен ҳушимдан кетдим. Росулulloҳ ﷺ таҳорат олиб, таҳорати сувидан менга сепдилар. Ўзимга келиб: ё Росулulloҳ (Суфённинг айтишича: эй Росулulloҳ, дебман шекилли), молимни қандай тақсим қиламан? Молимни нима қиламан? - дедим. Пайғамбаримиз ﷺ то мерос ояти нозил бўлгунча менга жавоб бермадилар».** Бу нубувват ва рисолатнинг машаққатли вазифаларини адо этиш ва одамларга етказиш ҳақида эди. Аммо ҳокимиятнинг машаққатли вазифаларини адо этишда Пайғамбаримиз ﷺ бошқача йўл тутдилар. Масалан Ухудда мусулмонларни масжидга тўплаб, улар билан «Мадина ичида туриб ёки ташқарига чиқиб уруш қилиш ҳақида маслаҳатлашдилар. Кўпчилик “чиқиш керак”, деган фикрда, Пайғамбаримиз ﷺ эса “чиқмаслик керак”, деган фикрда эди. Шунда Пайғамбаримиз ﷺ кўпчиликнинг раъйи бўйича иш тутдилар ва Мадинадан ташқарига чиқиб жанг қилдилар. Шунингдек Пайғамбаримиз ﷺ одамлар ўртасида қозилик қилган пайтда бошқаларнинг ҳаққини уларнинг фойдасига ҳукм қилган бўлиши эҳтимолидан уларни оғохлангирардилар. Бухорий Умму Саламадан, у Росулulloҳ ﷺ дан ривоят қилишича, Пайғамбаримиз ﷺ хужраси эшиги олдида одамлар жанжалини эшитдилар, уларнинг олдида чиқиб бундай дедилар:

«إِنَّمَا أَنَا بَشَرٌ وَإِنَّهُ يَأْتِينِي الْخَصْمُ فَلَعَلَّ بَعْضَكُمْ أَنْ يَكُونَ أَبْلَغَ مِنْ بَعْضٍ فَأَحْسِبُ أَنَّهُ صَادِقٌ فَأَقْضِي لَهُ بِذَلِكَ، فَمَنْ قَضَيْتُ لَهُ بِحَقِّ مُسْلِمٍ فَإِنَّمَا هِيَ قِطْعَةٌ مِنَ النَّارِ فَلْيَأْخُذْهَا أَوْ لِيَتْرُكْهَا»

«Мен ҳам бир инсонман холос. Менинг олдимга жанжаллашиб келиб туришади. Сизлардан бирингиз бошқасидан кўра гапга устароқ бўлиши, шунда мен у рост айтяпти деб ҳисоблаб унинг фойдасига ҳукм қилиб юборишим мумкин. Бас, кимга бирон мусулмон ҳаққини ҳукм қилиб юборсам, у дўзах ўтидан бир бўлак чўғдир. Хоҳласа уни олсин, хоҳласа ташласин». Термизий ҳам Пайғамбар ﷺнинг шундай деганини ривоят қилди:□

«وَإِنِّي لَأَرْجُو أَنْ أَلْقَى رَبِّي وَلَيْسَ أَحَدٌ مِنْكُمْ يَطْلُبُنِي بِمَظْلَمَةٍ فِي دَمٍ وَلَا مَالٍ»

«Мен Роббимга сизлардан биронтангиз мендан қон ёки мол ҳақида бирон адолатсизлик бўйича (ҳаққини) талаб қилмаган ҳолда йўлиқишимни умид қиламан». Бу эса Пайғамбаримиз ﷺ икки мансабни: нубувват ва рисолат мансабини ҳамда ўзига ваҳий қилинган Аллоҳ шариатини барпо қилиш учун мусулмонлар раҳбари мансабини эгаллаганига далолат қилади. Пайғамбаримиз ﷺ бу икки мансабнинг ҳар бирида бошқача иш юритар эдилар. Набий ﷺ ҳокимият тўғрисида одамлардан байъат олдилар. Эркаклардан ҳам, аёллардан ҳам байъат олдилар. Балоғатга етмаган кичкина болалардан олмадилар. Бу эса унинг нубувват байъати эмас, ҳокимият байъати эканини таъкидлаб турибди. Шунинг учун биз Аллоҳ Таолонинг рисолатни етказиш ва унинг машаққатли вазифаларини адо этиш бўйича бирон нарсада Пайғамбаримиз ﷺни итоб қилмаганини кўрамиз. Аксинча Аллоҳ Таоло Пайғамбаримиз ﷺдан даъватини одамлар қабул қилмагани учун сиқилмасликни талаб қилди. Чунки рисолат машаққатини адо этиш фақат етказишдан иборатдир. Пайғамбар зиммасида фақат етказиш бор холос. Аллоҳ Таоло деди:□

فَلَا تَذْهَبْ نَفْسُكَ عَلَيْهِمْ حَسْرَاتٍ

«Бас (Эй Мухаммад), жонингиз уларнинг (иймон келтирмаганлари) устида ҳасрат-надоматлар чекиб кетмасин» [Фотир: 8]

وَلَا تَحْزَنْ عَلَيْهِمْ وَلَا تَكُ فِي ضَيْقٍ مِّمَّا يَمْكُرُونَ

«Уларнинг (яъни, муширикларнинг динга кирмаганликлари) устида маҳзун бўлманг. Уларнинг макру ҳийлаларидан сиқилманг ҳам!»

[Нахл: 127]

إِنَّ عَلَيْكَ إِذَا الْبَلَاغُ

«Сизнинг зиммангизда фақат (Биз сизга нозил қилган ваҳийни) етказиш бор холос» [Шуро: 48]

Лекин Аллоҳ Таоло Набий ﷺ ни у кишига нозил бўлган ва одамларга етказган ҳукмларни татбиқ этиш учун ҳокимият вазифаларини адо этиши чоғида қилган ишларида итоб қилди. Аллоҳ Пайғамбаримиз ﷺ ни бу ишларни аввалги ҳукмларга хилоф равишда қилгани учун итоб қилди. Аллоҳ Таоло деди:

مَا كَانَ لِنَبِيٍّ أَنْ يَكُونَ لَهُ أَسْرَى حَتَّى يُبْخِنَ فِي الْأَرْضِ

«Бирон пайғамбар учун то ерда золиб бўлмагунича, асир олиш жоиз эмас эди»

[Анфол: 67]

عَفَا اللَّهُ عَنْكَ لِمَ أَذْنَبْتَ لَهُمْ

«(Эй Муҳаммад), Аллоҳ сизни афв қилди. (Лекин) нима учун уларга (жиҳодга чиқмаслик учун) изн бердингиз?» [Тавба: 43]

Ҳокимиятда мусулмонларга раҳбарлик мансаби нубувват мансабидан бошқа эканлиги бу ишларда очик кўриниб турибди. Шундан аён бўладики, дунёдаги ҳамма мусулмонларнинг умумий раёсати бўлмиш Халифалик илоҳий мансаб эмас, башарий мансабдир. Чунки у ҳокимият мансаби бўлиб, Росулulloҳ ﷺ уни эгаллаган эдилар. Пайғамбаримиз ﷺ уни қолдирдилар ва мусулмонлардан биронтаси бу мансабда ўзига ўринбосар бўлишини фарз қилдилар. Демак халифалик нубувватда эмас, балки ҳокимиятда Росулulloҳ ﷺ ўрнида унинг халифаси-ўринбосари туришидир. Демак у ваҳийни олишда ва Аллоҳдан шариатни олишда эмас, балки Ислом ҳукмларини татбиқ қилиш ва Ислом даъватини етказиш учун мусулмонлар раёсатида Росулulloҳ ﷺ нинг халифаси бўлишидир.

Аммо Росулulloҳ ﷺ нинг маъсумлигига тўхталадиган бўлсак, унинг асоси Пайғамбаримиз ﷺ нинг ҳоким бўлганлиги эмас, пайғамбар бўлганлигидир. Маъсумлик шундан келиб чиқади. Чунки маъсумлик ҳамма набийлар ва росуллар сифатланиши вожиб бўлган сифатлардандир. Улар одамларга ўзлари олиб келган шариат билан ҳукм юритдиларми ва уни татбиқ қилдиларми ёки фақат етказиш билан чекландиларми,

бундан катъий назар, маъсумлик билан сифатланишлари вожиб. Масалан саййидимиз Мусо, Исо, Иброхим маъсумдирлар. Саййидимиз Муҳаммад ﷺ ҳам маъсумдир. Демак маъсумлик ҳокимиятга эмас, нубувват ва рисолатга оиддир. Аммо Росулulloҳ ﷺнинг ҳокимият вазифаларини адо этиш чоғида бирон ҳаром ишни қилмаганига ва бирон вожиб ишни қолдирмаганига келсак, бу Пайғамбаримиз ﷺнинг ҳоким бўлганлиги жиҳатидан эмас, балки нубувват ва рисолат жиҳатидан маъсум эканлигидан келиб чиқади. Зеро Пайғамбар ﷺнинг ҳокимият вазифаларини адо этиши у кишининг маъсумлик билан сифатланишини тақозо қилмайди. Лекин Пайғамбар ﷺ набий ва росул эканлиги жиҳатидан албатта маъсум бўлганлар ва мана шу асосда инсониятга ҳукм юритадиган инсон сифатида ҳокимиятни эгаллаганлар. Пайғамбаримиз ﷺнинг инсон эканлиги Қуръонда очик келган. Аллоҳ Таоло деди:

فَلْإِنَّمَا أَنَا بَشَرٌ مِّثْلُكُمْ

«(Эй Муҳаммад, уларга) **айтинг: “Ҳеч шак-шубҳа йўқки, мен ҳам сизлар каби бир одамдирман”**» [Кахф: 110]

Сўнгра Қуръони Каримда

يُوحَىٰ إِلَيَّ

«**Менга ваҳий этилмоқда**» [Кахф: 110]

дейилиб, Пайғамбаримиз ﷺнинг бошқа инсонлардан ажралиб туриш жиҳати баён қилинди. Демак Пайғамбаримиз ﷺни бошқа одамлардан ажратиб турадиган хусусият у кишига ваҳий келганлиги, яъни нубувватдир. Бошқа нарсаларда эса Пайғамбаримиз ﷺ бошқа одамлар каби бир инсондир. Демак Пайғамбаримиз ﷺ ҳокимиятда бошқа одамлар каби бир одамдир. Шунинг учун Пайғамбаримиз ﷺга халифа бўладиган кишининг бошқа одамлар каби бир одам бўлишида ҳеч шубҳа йўқ. Чунки у Пайғамбаримиз ﷺга нубувват ва рисолатда эмас, фақат ҳокимиятда халифа бўлади холос. Шунинг учун унда маъсумлик шарт қилинмайди. Чунки маъсумлик ҳокимият тақозо қиладиган нарсалардан эмас. Аксинча у нубувват тақозо қиладиган нарсалардандир. Халифа эса ҳоким холос. Демак халифа бўладиган кишида маъсумлик шарт қилиниши ўринсиз бўлибгина қолмай, балки асло жоиз эмас. Чунки маъсумлик фақат пайғамбарларгагина хос бўлиб, улардан бошқаларга нисбат берилиши ҳечам жоиз эмас. Чунки набий ва росулда маъсумлик мавжуд бўлишини рисолатни етказиш

тақозо қилади. Шунинг учун у рисолатни етказишдаги маъсумликдир. Рисолатни етказишдаги маъсумлик ҳаром нарсаларни қилмасликда маъсумлик ҳосил бўлишига боғлиқ. Чунки етказишдаги маъсумлик ҳаром нарсаларни қилишдан маъсум бўлиш билан тамомига етади. Демак маъсумликни тақозо қиладиган нарса рисолатни етказишдир. Уни тақозо қиладиган нарса одамларнинг тасдиқлаш ёки тасдиқламасликлари ҳам, ишларда хатога йўл қўйиш ёки қўймаслик ҳам эмас, балки рисолатни етказишдир. Ундан бошқа нарса эмас. Зеро агар пайғамбар Аллоҳ томонидан маъсум бўлмаганида эди, рисолатни яшириб қолиши ёки унга бир нарсани қўшиши ёки ундан камайтириши ёки Аллоҳ айтмаган нарсани айтди деб ёлғон гапириши ёки хато қилиб ўзига буюрилган нарсадан бошқани етказиши мумкин эди. Буларнинг ҳаммаси Аллоҳ томонидан келган рисолатга ва пайғамбарнинг тасдиқлаш вожиб бўлган росул эканлигига зиддир. Шунинг учун росулнинг рисолатни етказишда маъсумлик билан сифатланиши шарт бўлди. Шунга мувофиқ унинг ҳаром ишларни қилишдан маъсумлиги вужудга келди. Шунинг учун уламолар пайғамбарларнинг ҳаром ишларни қилишдан маъсумлигида ихтилоф қилиб, турли фикрлар билдиришди. Айримлари «пайғамбар фақат гуноҳ кабираларни қилишдан маъсум, шунинг учун у кичик гуноҳларни қилиб қўйиши мумкин», деган фикрни билдирган бўлса, айримлари «пайғамбар гуноҳ кабиралардан ҳам, кичик гуноҳлардан ҳам маъсумдир», деган фикрни билдиришди. Улар буни рисолатни етказишнинг тамомига етиши (яъни тўлиқ етказиш) ёки тамомига етмаслиги ишларга боғлиқми ёки йўқми, шунга қараб айтишди. Агар тўлиқ етказиш ишларга боғлиқ бўлса, у ҳолда етказишдаги маъсумлик ишларни ҳам ўз ичига олади ва пайғамбар ишларда маъсум бўлади. Чунки рисолатни етказиш пайғамбар ана шу ишларда маъсум бўлсагина тўлиқ амалга ошади. Энди агар рисолатни етказиш ишларга боғлиқ бўлмаса, у ҳолда маъсумлик ишларни ўз ичига олмайди ва пайғамбар ишларда маъсум бўлмайди. Чунки бу пайтда рисолатни етказиш ана шу ишларсиз ҳам тўлиқ амалга ошади. Шунинг учун мусулмонлар ўртасида росулнинг аввалги ишларига хилоф ишларни қилиб қўйишдан маъсум эмаслиги тўғрисида ҳеч қандай ихтилоф йўқ. Чунки рисолатни тўлиқ етказиш бу ишларга боғлиқ эмас. Шунга кўра маъсумлик фақат етказишга

хос бўлиб, у факат набийлар ва росуллардагина бўлади. Бошқалар учун бўлиши мутлако жоиз эмас.

Маъсумликнинг далили, ақлий далилдир. Аммо Аллоҳ Таолонинг:

إِنَّمَا يُرِيدُ اللَّهُ لِيُذْهِبَ عَنْكُمُ الرِّجْسَ أَهْلَ الْبَيْتِ وَيُطَهِّرَكُمْ تَطْهِيراً

«(Эй пайгамбар) хонадонининг аҳли, Аллоҳ сизлардан «рижс»ни кетказишни ва сизларни бутунлай поклашни истайди холос»

[Ахзоб: 33]

деган қавлига тўхталадиган бўлсак, бу оятнинг маъноси: сизлардан шубҳа-гумонни ва тухматни кетказишни истайди, демакдир. Бу оят уч оятнинг бир жузидир. Аллоҳ Таоло деди:

يَا نِسَاءَ النَّبِيِّ لَسْتُنَّ كَأَحَدٍ مِّنَ النِّسَاءِ إِنِ اتَّقَيْتُنَّ فَلَا تَخْضَعْنَ بِالْقَوْلِ فَيَطْمَعَ الَّذِي فِي قَلْبِهِ مَرَضٌ وَقُلْنَ قَوْلًا مَّعْرُوفًا * وَقُرْنَ فِي بُيُوتِكُنَّ وَلَا تَبَرَّجْنَ تَبَرُّجَ الْجَاهِلِيَّةِ الْأُولَى وَأَقِمْنَ الصَّلَاةَ وَآتِينَ الزَّكَاةَ وَأَطِعْنَ اللَّهَ وَرَسُولَهُ إِنَّمَا يُرِيدُ اللَّهُ لِيُذْهِبَ عَنْكُمُ الرِّجْسَ أَهْلَ الْبَيْتِ وَيُطَهِّرَكُمْ تَطْهِيراً * وَادْكُرْنَ مَا يُتْلَى فِي بُيُوتِكُنَّ مِنْ آيَاتِ اللَّهِ وَالْحِكْمَةِ إِنَّ اللَّهَ كَانَ لَطِيفًا

خَبِيرًا

«Эй пайгамбар аёллари, сизлар агар тақводор бўлсангизлар, аёллардан биронтаси каби эмасдирсизлар (яъни бирон аёл фазлу мартабада сизлар каби бўла олмас). Бас, сизлар (парда ортидан бирон номаҳрам эркакка жавоб қилган пайтларингизда) майинназокатли сўз қилмангларки, у ҳолда кўнглида мараз-нифоқ бўлган кимса тамаъ қилиб қолур. Яхши – тўғри сўзни сўзланглар! Ўз уйларингизда барқарор бўлинглар (яъни бесабаб уйларингиздан ташқарига чиқманглар, магар бирон ҳожат учун чиққанларингизда эса) илгариги динсизлик (даври)даги ясан-тусан каби ясан-тусан қилманглар! Намозни тўкис адо қилинглар, закотни (ҳақдорларга) ато этинглар ҳамда (барча ишларда) Аллоҳ ва Унинг пайгамбарига итоат этинглар! (Эй пайгамбар) хонадонининг аҳли, Аллоҳ сизлардан «рижс»ни кетказишни ва сизларни бутунлай поклашни истайди холос. Уйларингизда Аллоҳнинг оятлари ва ҳикмат (яъни пайгамбар ҳадислари)дан иборат тиловат қилинадиган нарсаларни зикр-тиловат қилинглар! Албатта Аллоҳ меҳрибон ва огоҳ бўлган зотдир» [Ахзоб: 32-34]

Бу оятнинг маъсумликка алоқаси йўқ. Аллоҳ Таолонинг:

لِيُذْهِبَ عَنْكُمُ الرِّجْسَ

«Сизлардан «рижс»ни кетказишни истайди» [Ахзоб: 33]

деган қавлидан «сизларни маъсум қилишни истайди», деган маъно тушунилиши мумкин эмас. Аксинча «рижс»ни кетказиш нопокликни кетказишдир. Бу ерда «рижс»дан мурод маънавий нопокликдир. Маънавий нопоклик эса гумон ва тухматдир. Бу

олдинги икки оятда очик кўриниб турибди. Бу ерда покланиш гумон ва тухматдан покланишдир. Чунки «рижс» калимаси моддий нопоклик, маънавий нопоклик ҳамда азоб маъносини билдиради. Бу калима Қуръонда шу маъноларда келган. Аллоҳ Таоло деди:

فَاجْتَنِبُوا الرِّجْسَ مِنَ الْأَوْثَانِ

«Бутлардан иборат «рижс»дан йироқ бўлингиз»

[Ҳаж: 30]

كَذَلِكَ يَجْعَلُ اللَّهُ الرِّجْسَ عَلَى الَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ

«Шунингдек, Аллоҳ иймонсиз кимсаларга «рижс»ни (голиб) қилур»

[Анъом: 125]

Бу икки оятда «рижс»дан мурод маънавий нопокликдир. Аллоҳ Таоло деди:

أَوْ لَحْمَ خنزير فَإِنَّهُ رِجْسٌ

«Ёки тўнғиз гўшти бўлса - чунки у «рижс»дир»

[Анъом: 145]

Яъни тўнғиз гўшти нажасдир, моддий нопок нарсадир. Аллоҳ Таоло деди:

وَيَجْعَلُ الرِّجْسَ عَلَى الَّذِينَ لَا يَعْقِلُونَ

«У (Аллоҳ) ақл юргизмайдиган кимсаларни азобга дучор қилур»

[Юнус: 100]

Демак Аллоҳ Таолонинг:

لِيُذْهِبَ عَنْكُمُ الرِّجْسَ

«Сизлардан «рижс»ни кетказишни истайди»

[Ахзоб: 33]

деган қавли сизлардан маънавий нопокликни кетказишни истайди деган маънодадир. Маънавий нопоклик эса тухматдир. Аммо Аллоҳ Таолонинг:

وَيُطَهِّرْكُمْ تَطْهِيراً

«Сизларни бутунлай поклашни истайди»

[Ахзоб: 33]

деган қавлига келсак, «يُطَهِّرْكُمْ» ва «تَطْهِيراً» калимасининг ҳеч бири маъсумлик маъносида мутлақо келмаган. Луғатда ҳам, Қуръонда ҳам, ҳадисда ҳам бундай маънода келмаган. Масалан луғатда «طَهَّرَ الشَّيْءَ طَهَارَةً وَتَطْهِيراً» дейилса «нарсадан нажосатни йўқ қилди, кетказди», деган маънони билдиради. Аёл ҳайздан покланди, нажосат ва айблардан покланди, ҳам дейилади. Шариатда эса таҳорат (покланиш) бетаҳоратликни кетказишдир. Пайғамбар ﷺ дедилар:

«لَا يَقْبَلُ اللَّهُ صَلَاةً بِغَيْرِ طَهْرٍ»

«Аллоҳ намозни таҳоратсиз қабул қилмайди». Қуръонда ҳам мана шу маъноларда келган. Аллоҳ Таоло деди:

وَيَأْتِيكَ فَطَهْرٌ

«Либосларингизни пок тутинг!» [Муддассир: 4]

مَاءٌ لِيُطَهِّرَكُمْ بِهِ

«Сизларни поклаш учун сув (ёғдирган эди)» [Анфол: 11]

وَلَا تَقْرُبُوهُنَّ حَتَّىٰ يَطَهَّرْنَ

«Ва то покланмагунларича уларга яқинлашмангиз» [Бақара: 222]

Ундан мурод нажосатдан ва ҳайздан покланишдир. Аллоҳ Таоло деди:□

اصْطَفَاكَ وَطَهَّرَكَ

«Сени (аёллар орасидан) танлаб олди ва поклади»

[Оли Имрон: 42]

яъни айблардан поклади. Аллоҳ Таоло деди:□

وَإِنْ كُنْتُمْ جُنُبًا فَاطَّهَّرُوا

«Агар жунуб бўлсаларингиз, покланингиз» [Моида: 6]

яъни нопокликдан покланингиз. «تَطَهَّرُوا» мўминларга оид бўлиб ҳам келган. Аллоҳ Таоло деди:□

مَا يُرِيدُ اللَّهُ لِيَجْعَلَ عَلَيْكُمْ مِنْ حَرَجٍ وَلَكِنْ يُرِيدُ لِيُطَهِّرَكُمْ وَلِيُنِيمَ نِعْمَتَهُ عَلَيْكُمْ

«Аллоҳ сизларга машаққат қилмоқни истамайди, балки сизларни поклашни ва сизларга Ўз неъматини комил қилиб беришни истайди» [Моида: 6]

Бу нассларнинг ҳаммаси юқоридаги оятдан мурод Аллоҳ аҳли байтни гумон ва тухматдан поклаши эканлигини қўллаб-қувватлайди ва ундан Аллоҳ уларни маъсум қилди деган маъно ирода қилинганини рад этади. Чунки бу оят маъсумликка далолат қилмаяпти.

Шунга кўра рисолатни етказишдаги маъсумлик набий ва росулда бўлиши муқаррар эканини кўрсатиб берадиган нарса ақлдир. Зеро кишининг набий ва росул эканлиги унинг маъсум бўлишини тақозо қилади. Акс холда у набий ҳам, росул ҳам бўлмайди. Ақл шуни муқаррар кўрсатадики, Аллоҳдан рисолатни етказиш буюрилган пайғамбардан бошқаси маъсум бўлиши мумкин эмас. Чунки у инсондир. Ундан хато ва нутиш рўй бериб туриши Аллоҳ унда яратган фитратдандир. Қолаверса унга Аллоҳдан келган рисолатни етказиш буюрилмаган. Демак унда маъсум бўлишни тақозо қиладиган нарсанинг ўзи йўқ. Энди у ўзининг маъсумлигини даъво

киладиган бўлса, у ҳолда «унга Аллоҳдан келган рисолатни етказиш буюрилган», деган маъно чиқади. Бундай бўлиши асло жоиз эмас. Чунки Муҳаммад Росулulloҳ ﷺ дан кейин ҳеч қандай пайғамбар бўлмайди. Аллоҳ Таоло деди:

وَلَكِنْ رَسُولَ اللَّهِ وَخَاتَمَ النَّبِيِّينَ

«Балки у Аллоҳнинг пайғамбари ва пайғамбарларнинг сўнггисидир» [Ахзоб: 40]

Демак маъсумликни даъво қилиш пайғамбарликни даъво қилиш демакдир. Чунки росул Аллоҳдан етказувчи бўлгани учун, унда инсон сифатида хато ва адашишга йўл қўйиш мавжуд бўлгани учун Аллоҳ рисолатини етказишда уни ўзгартириш ва алмаштиришдан сақлашлик росулнинг хато ва адашишдан маъсум бўлишини тақозо қилади. Мана шу биргина сабабга кўра маъсумлик росулнинг сифатларидан бири бўлиб қолди ва шу сабабнинг бир ўзигина маъсумликни тақозо қилади. Шунинг учун пайғамбардан бошқа бирон одамнинг маъсумлиги даъво қилинадиган бўлса – ваҳоланки маъсумликни тақозо қиладиган нарса Аллоҳ рисолатини етказиш эканлиги юқорида маълум бўлди – демак ана шу одам учун маъсумликни тақозо қиладиган ва унинг сабабчиси бўлган рисолатни етказиш (яъни пайғамбарлик) ҳам даъво қилинган бўлади. Демак Аллоҳ рисолатини етказиш унга буюрилгани даъво қилинган бўлади. Шунга кўра халифанинг маъсум бўлиши шарт қилиниши асло жоиз эмас. Чунки бунинг шарт қилиниши Аллоҳ рисолатини етказиш халифага буюрилган деган маънони англатади. Бу эса ҳечам жоиз эмас.

Буларнинг барчасидан аён бўляптики, халифа инсондир. У хатога йўл қўйиши ҳам, тўғри иш тутиши ҳам мумкин. Ҳар қандай инсондан содир бўладиган эсан чиқариб қўйиш, унутиш, ёлғон, хиёнат, маъсият ва бошқалар ундан ҳам содир бўлиши мумкин. Чунки у ҳам бир инсондир. Чунки у набий ҳам, росул ҳам эмас. Росулulloҳ ﷺ имомнинг хатога йўл қўйиши мумкинлигини хабар бердилар. Шунингдек Пайғамбаримиз ﷺ имомдан одамлар уни ёмон кўришига ва лаънатлашига сабаб бўладиган зулм, маъсият ва бошқалар содир бўлиши мумкинлигини ҳам хабар бердилар. Ҳатто имомдан очик куфр содир бўлиши мумкинлигини ҳам хабар бердилар. Муслим ривоят қилиб деди: менга Зуҳайр ибн Ҳарб ҳадис ривоят қилди, бизга Шабоба ҳадис ривоят қилди: менга

Варқо Абу Заноддан, у Аъраждан, у Абу Ҳурайрадан Набий ﷺнинг шундай деганини ривоят қилди:

«إِنَّمَا الْإِمَامُ جُنَّةٌ يُقَاتَلُ مِنْ وَرَائِهِ وَيَتَّقَى بِهِ، فَإِنْ أَمَرَ بِتَقْوَى اللَّهِ عَزَّ وَجَلَّ وَعَدَلَ كَانَ لَهُ بِذَلِكَ أَجْرٌ وَإِنْ يَأْمُرُ بِغَيْرِهِ كَانَ عَلَيْهِ مِنْهُ»

«Имом бамисоли бир қалқондир. Унинг ортида туриб жанг қилинади ва у билан Ҳимояланилади. Агар у Аллоҳ Азза ва Жалладан тақво қилишга буюрса ва адолат қилса бунинг учун унга ажр бўлади. Агар бундан бошқага буюрса ўзининг зиёнига бўлади». Бу эса имомнинг маъсум эмаслигини ва Аллоҳдан тақво қилишдан бошқа нарсага буюриши ҳам мумкинлигини англатади. Муслим ривоят қилиб деди: бизга Усмон ибн Абу Шайба ҳадис ривоят қилди, бизга Жарир Аъмашдан, у Зайд ибн Ваҳбдан, у Абдуллоҳдан ривоят қилди: Росулulloх ﷺ дедилар:

«إِنَّهَا سَتَكُونُ بَعْدِي آثَرَةٌ وَأُمُورٌ تُتَكْرَوْنَهَا، قَالُوا يَا رَسُولَ اللَّهِ: كَيْفَ تَأْمُرُ مَنْ أَدْرَكَ مِنَّا ذَلِكَ؟ قَالَ: تُؤَدُّونَ الْحَقَّ الَّذِي عَلَيْكُمْ، وَتَسْأَلُونَ اللَّهَ الَّذِي لَكُمْ»

«Мендан кейин сизлар ёқтирмай инкор қиладиган худбинликлар ва бир қанча ишлар бўлади. Шунда: ё Росулulloх, биздан ким ўша пайтга етса нимани буюрасиз, дейишди. Пайғамбаримиз ﷺ: устингиздаги ҳақни адо этасиз ва ўзингиз учун бўлган нарсани Аллоҳдан сўрайсиз, дедилар». Муслим яна ривоят қилиб деди: бизга Исҳоқ ибн Иброҳим Ҳанзалий ҳадис ривоят қилди, бизга Исо ибн Юнус хабар берди, бизга Авзой Язид ибн Язид ибн Жобирдан, у Рузайқ ибн Ҳайъендан, у Муслим ибн Қаратадан, у Авф ибн Моликдан Росулulloх ﷺнинг шундай деганини ривоят қилди:

«خَيْرَ أُمَّتِكُمُ الَّذِينَ تَحِبُّوهُمْ وَيَحِبُّونَكُمْ، وَيُصَلُّونَ عَلَيْكُمْ وَتُصَلُّونَ عَلَيْهِمْ، وَشِرَارَ أُمَّتِكُمُ الَّذِينَ تَبْغِضُونَهُمْ وَيَبْغِضُونَكُمْ، وَتَلْعَنُونَهُمْ وَيَلْعَنُونَكُمْ، قِيلَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ أَفَلَا تُنَابِذُهُمْ بِالسَّيْفِ؟ قَالَ: لَا، مَا أَقَامُوا فِيكُمْ الصَّلَاةَ، وَإِذَا رَأَيْتُمْ مِنْ وَلَايَتِكُمْ شَيْئًا تَكْرَهُونَهُ، فَاكْرَهُوا عَمَلَهُ، وَلَا تَنْزِعُوا يَدًا مِنْ طَاعَةٍ»

«Имомларингизнинг яхшилари сизлар уларни яхши кўрадиган, улар ҳам сизларни яхши кўрадиган, сизлар

уларнинг ҳаққига дуо қиладиган, улар ҳам сизларнинг ҳаққингизга дуо қиладиганларидир. Имомларингизнинг ёмонлари сизлар уларни ёмон кўрадиган, улар ҳам сизларни ёмон кўрадиган, сизлар уларни лаънатлайдиган, улар ҳам сизларни лаънатлайдиганларидир. Шунда: ё Росулulloҳ, уларга қарши қилич кўтариб чиқмаймизми? - дейилди. Пайғамбаримиз ﷺ: йўқ, модомики орангизда намозни қоим қилишар экан (қарши чиқмайсиз). Агар ҳокимингизда сиз ёқтирмайдиган бирон нарсани кўрсангиз унинг амалини ёмон кўринг ва итоатдан бош тортманг, деб жавоб бердилар». Бухорий ривоят қилиб деди: бизга Исмоил ҳадис ривоят қилди, менга Ибн Ваҳб Амрдан, у Букайрдан, у Буср ибн Саиддан, у Жунода ибн Абу Умайядан шундай деганини ривоят қилди: Биз Убода ибн Сомитнинг олдига кирдик. У касал эди. Биз: Аллоҳ сизга шифо берсин, Набий ﷺдан эшитган бирон ҳадисни айтиб беринг, Аллоҳ у сабабли сизга наф етказсин - дедик. У бундай деди:

«دَعَانَا النَّبِيُّ ﷺ فَبَايَعَنَا، فَقَالَ فِيمَا أَخَذَ عَلَيْنَا أَنْ بَايَعَنَا عَلَى السَّمْعِ وَالطَّاعَةِ فِي مَنْشَطِنَا وَمَكْرَهِنَا وَعُسْرِنَا وَيُسْرِنَا وَأَثَرَةَ عَلَيْنَا، وَأَنْ لَا تَنَازِعَ الْأَمْرَ أَهْلَهُ قَالَ: إِلَّا أَنْ تَرَوْا كُفْرًا بَوَاحًا عِنْدَكُمْ مِنَ اللَّهِ فِيهِ بُرْهَانٌ»

«Набий ﷺ бизни даъват қилдилар. Биз у кишига байъат бердик. Биздан байъат олар экан, хурсандчиликда ҳам, хафачиликда ҳам, оғир кунларимизда ҳам, енгил кунларимизда ҳам қулоқ солиб, итоат этишга, ўзимиздан афзал кўришимизга, ишни эгасидан талашмаслигимизга байъат беришимизни айтиб: фақат агар очик куфрни кўрсангиз ва сизда бу ҳақда Аллоҳдан аниқ ҳужжат бўлса, (шундагина талашшингиз мумкин), дедилар». Оиша ﷺдан ривоят қилинишича, Росулulloҳ ﷺ дедилар:

«ادْرُؤُوا الْحُدُودَ عَنِ الْمُسْلِمِينَ مَا اسْتَطَعْتُمْ، فَإِنْ كَانَ لَهُ مَخْرَجٌ فَخَلُّوا سَبِيلَهُ، فَإِنَّ الْإِمْلَامَ أَنْ يُخْطِئَ فِي الْعَفْوِ خَيْرٌ مِنْ أَنْ يُخْطِئَ فِي الْعُقُوبَةِ»

«Ҳадларни мусулмонлардан қўлларингиздан келганича қайтаринглар. Агар унинг учун бир чиқиб кетадиган йўл бўлса унинг йўлини бўшатиб қўйинглар. Чунки имомнинг афв қилишда хато қилиши жазо беришда хато қилишидан кўра яхшироқдир». Термизий ривояти. Бу ҳадислардан

имомнинг хатога йўл қўйиши, унутиши, осийлик қилиб қўйиши мумкинлиги очик тушунилиб турибди. Шу билан бирга Росулulloҳ ﷺ модомики имом Ислom билан ҳукм юритар экан ва ундан очик куфр содир бўлмас экан, модомики маъсиятга буюрмас экан, унга итоат этишни давом эттиришни буюрди. Демак Росулulloҳ ﷺ халифалар ҳақида хабар бериб, улардан мусулмонлар ёмон кўриб инкор қиладиган нарсалар содир бўлиши мумкинлигини айтдилар ва шунга қарамай уларга итоат қилишни давом эттираверишни буюрдилар. Хўш, шундан кейин ҳам «халифа маъсум бўлиши лозим, инсон қилиб қўйиши мумкин бўлган ишларни унинг қилиши мумкин эмас», деб айтилиши мумкинми?

Булар Халифалик воқелиги тўғрисида ва маъсумлик шарт қилинмаслиги, балки уни шарт қилиш асло жоиз эмаслиги тўғрисидаги далиллар эди. Лекин «халифа маъсум бўлиши шарт», деб айтадиган кишилар ҳам бу сўзларига бир неча далилларни келтиришадик, бу ўринда уларни кўрсатиб ва улардаги нарсаларни баён қилиб ўтишга тўғри келади. Улар қуйидаги тўрт далилдир:

1 – Имом шариатни муҳофаза қилиш, уни етказиш ва таълим бериш, фуқаро ишларини бошқариш, уларнинг ўртасида адолат ўрнатиш, мазлумга ҳаққини олиб бериш, ҳадларни барпо қилиш, таъзир бериш, Ислomни татбиқ қилиш, буларнинг ҳаммасини шариат буюрган тарзда адо этишда пайғамбар мақомида туради. Шунинг учун халифа қабих ишларни, гуноҳ кабира ва сағираларни, билиб ёки билмай қилиб қўйишдан маъсум, пок бўлиши шарт, ҳаётининг аввалидан охиригача шундай бўлиши шарт.

2 – Агар имомнинг бирон гуноҳ қилиб қўйиши мумкин бўлса у ўзини гуноҳ ва хатодан ман қилиб турадиган бир маъсум имомга албатта муҳтож бўлиб қолади. Иккинчиси ҳам хато ва гуноҳ қилиб қўйиши мумкин бўлса у ҳам ўзини бундан ман қиладиган бир маъсум имомга муҳтож бўлиб қолади. Шундай қилиб бу ҳол бир-бирига уланиб кетаверади ёки иш бир маъсум имомга келиб тўхтайдик, унинг гуноҳ ва хато қилиши ҳечам мумкин бўлмайди. Шунинг учун имом маъсум бўлиши шарт.

3 – Имомат илоҳий қонунни муҳофаза қилиш учун эгалланадиган бир илоҳий мансабдир. У шу илоҳий қонунга

бўйсунуш ва унга амал қилиш учун қўйилган. У одамлар амирликларидан бири эмас ва шариат ҳам ўйинлар қилиш мумкин бўлган ҳукуматлар дастурлари (конституциялари) ва қонунларидан бири эмас. Шунинг учун шаъни олий бўлган Аллоҳ Таоло Ўзининг шариати устидан фақат маъсум бўлган раҳбарни тиклайди. Шунда одамлар бу раҳбарга бемалол ишонишади, ундан ҳукмларни ҳақиқатдан ҳам Аллоҳ Таолонинг ҳукмлари деган эътиборда олишади. Бу ҳукмларга – уларга амал қилишдан ва бўйсунушдан монеълик қиладиган – ҳеч қандай шак-шубҳа ораламайди. Бу эса фақат шариат муҳофазаси устидан назорат қилиб турувчи раҳбар маъсум бўлгандагина амалга ошади. Чунки у маъсум бўлмаса, гуноҳ ва хато қилиб қўйиши мумкинлиги учун одамлар унга ишонмай кўяди, у одамларга буюрадиган нарса Аллоҳ Таолонинг ҳукми эканлигига одамлар қатъий ишонмай кўяди. Унинг айрим ҳукмларнигина муҳофаза қилиб, айримларини эътиборсиз қолдириши билан мақсад ҳосил бўлмайди. Аксинча у Набий ﷺ олиб келган барча нарсани муҳофаза қилиши шарт. Демак халифанинг ҳамма ҳукмларни билувчи олим бўлиши, бу ҳукмларнинг ҳаммасини муҳофаза қилиши шарт. Шунда бу ҳукмларга дунё тургунча амал қилинади. Шунинг учун агар айрим ҳукмларнигина биладиган ёки гуноҳ ва хато қилиб қўйиши мумкин бўлган кимсани халифалик мансабига тиклаб қўйиш таклиф (буюриш)дан кўзланган мақсадни, яъни шариат олиб келган ҳамма нарсага бўйсунуш ва амал қилишни бузиш бўлади. Маълумки шариат қиёмат кунигача боқий қолади. Ҳаким зотнинг бу мақсадни бузиши мумкин эмас. Демак маъсум бўлмаган ёки айрим ҳукмларнигина биладиган кимсани бу мансабга тиклаш мумкин эмас.

4 – Бир қанча насслар халифанинг маъсум бўлиши вожиблигига далолат қилиб келди. Масалан бу ерда Қуръондан бир неча оятлар борки, улар буни очик эълон қилиб келди. Бу қуйидаги уч оятда аниқ кўринади:

а – Аллоҳ Таоло деди:

لَا يَنْتَظِرُ عَهْدِي الظَّالِمِينَ

«*Менинг бу аҳдим (сенинг зурриётинг орасидаги) золим кимсаларга етмайди*» [Бақара: 124]

Аллоҳ Таолонинг бу қавли шариатни муҳофаза қилувчи имомнинг маъсум бўлиши вожиблигига далилдир. Бақара сурасидаги ушбу оятда Аллоҳ Таоло бундай деди:

وَإِذِ ابْتَلَىٰ إِبْرَاهِيمَ رَبُّهُ بِكَلِمَاتٍ فَأَتَمَّهُنَّ قَالَ إِنِّي جَاعِلُكَ لِلنَّاسِ إِمَامًا قَالَ وَمِن ذُرِّيَّتِي قَالَ لَا يَنَالُ عَهْدِي الظَّالِمِينَ

«Эсланг: Иброҳимни Парвардигори бир неча сўзлар билан имтиҳон қилганида, уларни бенуқсон ҳолда адо этди. Шунда (Аллоҳ таоло): «Албатта Мен сени одамларга имом қилгувчидирман», деди. «Зурриётимни ҳам-а?» - деб сўради у. (Аллоҳ таоло) айтди: «Менинг бу аҳдим (сенинг зурриётинг орасидаги) золим кимсаларга етмайди» [Бақара: 124]

Сўзлар эса шу оятдан кейин келган оятлар ифодалаётганидек Аллоҳ Таолонинг Иброҳим عليه السلامни имом қилишидир. Иброҳим عليه السلام Аллоҳ Таолонинг:

إِنِّي جَاعِلُكَ لِلنَّاسِ إِمَامًا

«Албатта Мен сени одамларга имом қилгувчидирман»

[Бақара: 124]

деган қавлини эшитгач ва шариф мансабнинг буюклигини кўргач, бу мансабдан ўзининг зурриётларига ҳам бир улуш бўлишини умид қилди. Шунда Аллоҳ Таоло:

لَا يَنَالُ عَهْدِي الظَّالِمِينَ

«Менинг бу аҳдим (сенинг зурриётинг орасидаги) золим кимсаларга етмайди» [Бақара: 124]

деди. Аллоҳ Таолонинг бу қавли бу мансаб зулм билан булганган ёки булғанадиган кимсалардан биронтасига ҳам берилмаслигини ифодалапти. Бу мазмун ўзига ёки бошқага ҳаётида гарчи қисқа вақт бўлса ҳам зулм қилган ҳамма кимсани ўз ичига олади. Бу мансаб бундай кимсаларга берилмайди. Аксинча у ҳаётида ҳеч қандай зулм қилмаган кишига берилади.

б – Аллоҳ Таоло деди:

أَفَمَنْ يَهْدِي إِلَى الْحَقِّ أَحَقُّ أَنْ يُبْعَ أَمَّنْ لَا يَهْدِي إِلَّا أَنْ يُهْدَىٰ

«Энди ҳақ йўлга ҳидоят қиладиган зот итоат этилишга ҳақлироқми ёки (ҳеч кимни) ҳидоят қила олмайдиган, балки ўзи ҳидоятга муҳтож бўлган кимсами?!» [Юнус: 35]

Бу ҳам имомнинг маъсум бўлиши вожиблигига яна бир далилдир. Чунки у ҳаққа ҳидоятлайди, етаклайди. Хато қилиб кўйиши мумкин бўлган кимса эса ҳаққа етаклолмайди. Гарчи у тасодифан ҳақни топганда ҳам, лекин унга етаклолмайди.

в – Аллоҳ Таоло деди:

أَطِيعُوا اللَّهَ وَأَطِيعُوا الرَّسُولَ وَأُولِي الْأَمْرِ مِنْكُمْ

«Аллоҳга итоат қилингиз, ва пайгамбарга ҳамда ўзларингиздан бўлган (яъни мусулмон) ҳокимларга бўйинсунингиз!» [Нисо: 59]

Бу оят имомнинг маъсум бўлиши лозимлигига далилдир. Чунки Аллоҳ Таоло улул амрга мутлақ итоат қилишни буюрди. Бу итоатни бир хос ўринга ва бир хос замонга хослаб қўймади. Бу эса итоат қилинадиган имомнинг маъсум бўлишини тақозо қилади. Чунки маъсум бўлмаган шахс гуноҳга буюриши ва хато қилиб қўйиши мумкин. Аҳвол шундай бўла туриб агар бундай кимсага итоат қилиш вожиб бўлганида эди – аслида бундай итоат ҳаромдир – шаъни олий бўлган Мавло Таоло бир-бирига тескари икки нарсани жамлашни ва мувофик келтиришни буюрган бўлиб қолар эди. Бу эса мумкин эмас. Демак итоат қилинадиган имомнинг маъсум бўлиши шарт. Қолаверса Аллоҳ Таоло Росулга итоат қилишни Ўзига итоат қилиш билан тенглаштирди, улул амрга итоат этишни эса Росулга итоат этиш билан тенглаштирди. Бу эса шу мансабнинг улуғворлигини кўрсатади. Улул амрдан мурод маъсум имомлардир.

Булар имом маъсум бўлиши шарт деб айтадиган кишиларнинг далиллари дир. Буларнинг ҳар бирига қуйида қисқача жавоб берамиз:

Биринчидан: Халифа Аллоҳдан шариатни етказиш билан эмас, балки шариатни татбиқ қилиш билан ҳокимиятда росул ўрнида туради. Демак у росулнинг Аллоҳдан етказишдаги эмас балки ҳокимиятдаги халифасидир. Бу эса унинг маъсум бўлишини тақозо қилмайди. Чунки ҳокимият вазифаси ақлий жиҳатдан ҳам, шаръан ҳам маъсумликни тақозо қилмайди. Тўғри, халифада: Ислом, эркаклик, ҳурлик, балоғат, ақл, адолат ва қудрат сифатлари бўлиши шарт қилинган. Бу сифатларнинг ҳар бири улар ҳақида келган бир шаръий далилга биноан шарт қилинди. Лекин бу сифатларнинг шарт қилинишининг маъноси бу сифатлар халифа бўладиган кишида бўлса у бу сифатларга хилоф иш тутишдан маъсум бўлади дегани эмас. Аксинча унинг маъноси кимки бу мансабни эгалласа унда мана шу сифатлар бўлиши вожиб деганидир. Унинг маъноси бу шахс шу сифатлар доирасидан чиқишдан маъсум бўлади дегани эмас. Аксинча у бу сифатлар доирасидан чиқиши мумкин. Бу пайтда уни бўшатиш ёки

халифаликдан четлатиш лозим бўлади. Халифада бу сифатларнинг шарт қилиниши худди гувоҳнинг гувоҳлиги қабул қилиниши учун унинг адолат сифати билан сифатланиши шартлигига ўхшайди. Унда бу сифатларнинг шарт қилиниши унинг бу сифатларга хилоф иш тутишдан маъсум бўлишини англатмайди. Шунга кўра халифанинг ҳокимиятда пайғамбар ўрнида туриши унинг маъсум бўлиши вожиблигига далил бўлмайди. Аммо мусулмонлар томонидан шариатнинг етказилишига келсак, бу Аллоҳ шариатини етказишни англатмайди. Аксинча у Аллоҳ мусулмонларга вожиб қилган одамларга даъватни етказиш ва уларга Ислом фикрлари билан ҳукмларини таълим бериш вазифасини адо этишни англатади. Бундан бошқани мутлақо англатмайди. Демак у Аллоҳдан етказиш эмас, балки Росулulloҳ ﷺ олиб келган таклифлардан биридир. Шунинг учун у Росулнинг Аллоҳдан етказишидан бошқа нарсадир. Шу боис у маъсум бўлишни тақозо қилмайди ва унда маъсум бўлишга ҳожат йўқ. Зеро уни адо этиш бошқа шаръий таклифларни адо этиш кабидир. У халифага халифа сифатида вожиб эмас, балки шариатни биладиган ҳар бир мусулмонга вожибдир. Халифа ҳам бир мусулмон сифатида шариатни етказишга буюрилган. Бу агар халифа олим бўлса унинг олимлиги эътибори билан вожибдир. Чунки етказиш шариатни биладиган олим мусулмонга фарздир. Унинг ўз билими бўйича етказиши фарздир. Етказувчиларнинг маъсум бўлиши фарз ҳам, шарт ҳам эмас. Аммо исломий даъватни кўтариб чиқиш халифага халифа сифатида вожиблигига келсак, у халифага қўлида салтанат бўлган ҳоким сифатида вожибдир. Бу даъватни муайян тариқат бўлмиш жиҳод орқали кўтариб чиқиш унга вожибдир. Бунда маъсумлик шарт қилинмайди, балки уни шарт қилиш ноўриндир.

Иккинчидан: Халифа агар осийлик қилса ўзини гуноҳдан қайтарадиган бир имомга муҳтож бўлмайди. Аксинча ўзини муҳосаба қиладиган Умматга муҳтож бўлади. Уммат уни алмаштиради ёки ўзгартиради. Зеро Росулulloҳ ﷺ Уммат халифани муҳосаба қилиши лозимлигини баён қилди ва Умматдан агар халифа маъсият қиладиган бўлса бу ишини инкор қилишни талаб қилди ҳамда халифанинг гуноҳига рози бўлиб, унга эргашадиган ҳар бир кимсани Аллоҳ олдида жавобгар қилиб қўйди. Муслим ривоят қилиб деди: менга Абу

Ғассон Мисмаий ва Муҳаммад ибн Башор биргаликда Муоздан ҳадис ривоят қилди (лафз Абу Ғассонники), бизга Муоз ибн Ҳишом Даставойи, менга отам Қатодадан ҳадис ривоят қилди, бизга Ҳасан Зобба ибн Миҳсан Аназийдан, у Умму Салама онамиздан, у Набий ﷺ дан ривоят қилди:

«يُسْتَعْمَلُ عَلَيْكُمْ أُمْرَاءُ فَتَعْرِفُونَ وَتُنْكِرُونَ، فَمَنْ كَرِهَ فَقَدْ بَرِيءٌ، وَمَنْ أَنْكَرَ فَقَدْ سَلِمَ، وَلَكِنْ مَنْ رَضِيَ وَتَابَعَ. قَالُوا يَا رَسُولَ اللَّهِ أَلَا تُفَاتِلُهُمْ؟ قَالَ: لَا، مَا صَلَّوْا»

«Устингизга шундай амирлар тайинланадики, сизлар танийсизлар ва инкор қиласизлар. Бас, ким ёмон кўрса покланади, ким инкор қилса саломат қолади. Лекин ким рози бўлса ва тобе бўлса (пок ва саломат бўлмади). Шунда: уларга қарши жанг қилмаймизми? – дейишди. Росулulloҳ: Йўқ, модомики намозни адо этар эканлар, дедилар». Бу билан шариат халифани гуноҳ қилишдан ман қиладиган тариқатни кўрсатиб берди. Бу тариқат уни ман қиладиган бир имомнинг мавжуд бўлиши эмас. Аксинча у Умматдир. Халифа уни гуноҳдан ман қиладиган яна бир халифага мухтож, деб айтадиган киши ҳокимият нималигини идрок ва тасаввур қилмаган кишидир. Чунки халифа бошқа бир халифани ман қилмайди. Аксинча ҳокимият таллашиб унга қарши жанг қиладди ёки унга тобе бўлиб халифа эмас, волий бўлади. Шундай экан бир халифа бошқа бир халифани гуноҳдан ман қилишини қандай тасаввур қилиш мумкин, ахир?

Учинчидан: Имомат илоҳий мансаб эмас. Аксинча у башарий мансабдир. У илоҳий қонунни муҳофаза қилиш учун эмас, балки Аллоҳ саййидимиз Муҳаммад ﷺ га нозил қилган шариатни татбиқ этиш учун мавжуддир. Шариатни муҳофаза қилишга келсак, Аллоҳ Қуръонни муҳофаза қилишни Ўз зиммасига олар экан шариатни муҳофаза қилишни ҳам Ўз зиммасига олди. Аллоҳ Таоло деди:

إِنَّا نَحْنُ نَزَّلْنَا الذِّكْرَ وَإِنَّا لَهُ لَحَافِظُونَ

«Албатта бу эслатмани (яъни Қуръонни) Биз Ўзимиз нозил қилдик ва шубҳасиз, Ўзимиз уни сақлагувчимиз» [Ҳижр: 9]

Шунинг учун халифани тиклашдан мақсад уни Набий ﷺ олиб келган барча нарсани муҳофаза қилувчи этиб тиклаш эмаски, халифа ҳамма ҳукмларни муҳофаза қилиш учун уларнинг ҳаммасини биладиган олим бўлиши вожиб деб айтилса. Аксинча халифани тиклашдан мақсад Китоб ва Суннат

хукмларини барпо қилишдир, яъни Исломни татбиқ этиш ва унга бўлган даъватни оламга кўтариб чиқишдир. Бу эса халифанинг ҳамма хукмларни муҳофаза қилувчи бўлиши учун уларнинг ҳаммасини биладиган олим бўлишини тақозо қилмайди. Шунинг учун унинг маъсум бўлишини тақозо қилмайди. Бинобарин унинг халифа бўлиши билан халифанинг тикланишидан кўзланган мақсад бузилмайди. Аммо одамлар халифадан хукмларни Аллоҳ Таоло хукмлари деган эътиборда олишлари учун унга ишонишларига ва бу хукмларга амал қилиб бўйсунушга монелик қиладиган ҳеч қандай шак-шубҳа бу хукмларга ораламаслиги зарурлигига келсак, бу нарса халифанинг маъсум ёки маъсум эмаслигидан юзага келмайди. Аксинча у хукм далилининг ўзидан юзага келади. Чунки агар далил шаръий далил бўлса ва шаръий истинбот қилиш билан истинбот қилинган бўлса одамлар бу хукмнинг шаръий хукмлигига бемалол ишонишади ва бу ҳолатда шу хукмга амал қилиш ва бўйсунушдан монелик қиладиган ҳеч қандай шак-шубҳа ораламайди. Халифанинг ким бўлишидан қатъий назар шундай бўлади. Ҳатто хукм уларнинг истинботларига хилоф келган тақдирда ҳам шундай бўлади. Чунки мужтаҳидлар ўртасида истинботнинг турлича бўлиши хукмни бир мужтаҳид наздида шаръий ва бошқанинг наздида ношаръий қилиб қўймайди. Аксинча у ҳамма мусулмонлар наздида шаръий хукм ҳисобланади. Модомики бу ерда хукмни истинбот қилган кишида шаръий далиллардан бир шубҳаи далил¹ бўлар экан ҳамда луғавий ва шаръий билимлар бўйича бундай истинбот қилиш мумкин бўлар экан, у шаръий хукм ҳисобланади. Энди маъсум бўлмаган кишининг гуноҳ ва хато қилиб қўйиши мумкинлигига, унга ишониб бўлмаслигига, у адо қиладиган нарсанинг Аллоҳ Таолонинг хукми эканлигига қатъий ишонч бўлмаслигига келсак, бундаги масала хукм ва ҳокимдир, яъни юритиладиган ва адо этиладиган хукм ҳамда хукм юритадиган ва адо этадиган ҳокимдир. Ишониш – ҳокимнинг Аллоҳ хукмини адо этган ва у билан хукм юритган бўлиши ёки бундай бўлмаганига қараб эмас, хукмнинг Аллоҳ хукми бўлиши ёки бўлмаслигига қараб талаб қилинади. Демак хукм берадиган шахснинг маъсум ёки маъсум эмаслигига эмас, юритиладиган ва олинадиган хукмнинг исломий ёки ғайри

¹ Шубҳаи далил – Қуръон, ҳадис, ижмо, киёсдан ташқари баъзи мужтаҳидлар далил деб санаган урф, саҳобанинг мазҳаби кабилар.

исломий эканига эътибор берилади. Зеро одамларнинг ҳукмга қатъий ишонишларига, унга амал қилишлари ва бўйсунушларига монъелик қилувчи шак-шубҳа оралашига йўл қўймайдиган қатъият билан ишонишларига олиб келадиган нарса одамларнинг ўзлари ҳукм олишадиган халифанинг маъсум ёки маъсум эмаслигига эмас, балки ҳукмнинг ўзига, унинг шаръий ёки шаръий эмаслигига эътибор беришларидир.

Халифалик мансабига Аллоҳ Таоло бировни Ўз Росули ўрнига халифа қилиб тиклаб қўймайди ва Росулulloҳ ﷺ ҳам бировни ўз ўрнига халифа қилиб тиклаб қўймайди. Аксинча халифани мусулмонлар тиклашади ва унга Аллоҳ Китоби ва Росули Суннати асосида байъат беришади. Бунга далил байъат ҳадислари ва бу ҳадисларнинг умумий насслар билан келганлиги ҳамда уларда муайян имом эмас, мутлақ имом кўрсатилганидир. Шунингдек бунга далил халифа зиммасига унинг Уммат билан бўладиган алоқа-муносабатларида юкланадиган умумий масъулиятдир. Шунга кўра халифалик мансаби маъсум бўлишни тақозо қилмайди.

Тўртинчидан: Маъсумликнинг шартлигига далил қилиб келтирилган нассларга тўхталадиган бўлсак, уларда маъсумликка далолат қиладиган битта ҳам насс йўқ. Масалан биринчи нассни олайлик. У:

لَا يَنَالُ عَهْدِي الظَّالِمِينَ

«**Менинг бу аҳдим (сенинг зурриётинг орасидаги) золим кимсаларга етмайди**» [Бақара: 124]

оятдир. Бу оятдаги имом калимаси халифалик ва ҳокимият маъносини англатмайди. Имом калимаси Қуръони Каримда кўшгина оятларда келган. Аллоҳ Таоло деди:

وَمَنْ قَبِلَهُ كَتَابَ مُوسَى إِمَامًا وَرَحْمَةً

«**Ва ундан (яъни, аниқ ҳужжат бўлган Қуръондан) илгари (Бани Исроил учун келган) имом ва (Аллоҳнинг) марҳамати бўлган Мусонинг Китоби (Таврот) бордир**» [Худ: 17]

وَالَّذِينَ يُقُولُونَ رَبَّنَا هَبْ لَنَا مِنْ أَزْوَاجِنَا وَذُرِّيَّاتِنَا فُرَّةً أَعْيُنَ وَاجْعَلْنَا لِمَنْتَقِينَ إِمَامًا

«**Улар: «Парвардигоро, бизларга жуфти ҳалолларимиз ва зурриётларимиздан шод-хуррамлик ҳадя этгин ва бизларни тақводорларга имом қилгин», дейдиган кишилардир**»

[Фурқон: 74]

Бу икки оятдаги имом калимасининг маъноси эргашиладиган ўрнақдир. Имом Бухорий деди: «Аллоҳ Таолонинг:

وَاجْعَلْنَا لِمَنْتَقِينَ إِمَامًا

«Ва бизларни тақводорларга имом қилгин» [Фурқон: 74]
деган қавли: яъни шундай имомлар қилгинки, биз олдингилардан ўрнак олиб эргашайлик ва кейингилар биздан ўрнак олиб эргашсинлар». Аллоҳ Таолонинг:

وَإِذِ ابْتَلَىٰ إِبْرَاهِيمَ رَبُّهُ بِكَلِمَاتٍ فَأَتَمَّهُنَّ قَالَ إِنِّي جَاعِلُكَ لِلنَّاسِ إِمَامًا قَالَ وَمِنْ ذُرِّيَّتِي قَالَ لَا يَنَالُ عَهْدِي الظَّالِمِينَ

«Эсланг: Иброҳимни Парвардигори бир неча сўзлар билан имтиҳон қилганида, уларни бенуқсон ҳолда адо этди. Шунда (Аллоҳ таоло): «Албатта Мен сени одамларга имом қилгувчидирман», деди. «Зурриётимни ҳам-а?» - деб сўради у. (Аллоҳ таоло) айтди: «Менинг бу аҳдим (сенинг зурриётинг орасидаги) золим кимсаларга етмайди» [Бақара: 124]

деган қавлидаги имом калимасидан мурод нубувват ва эргашиладиган ўрнақдир. Чунки ундан кейинги оятларда Каъба ҳақида, Исмоил қавми ҳақида сўнгра Иброҳимга пайғамбарлик берилиши ҳақида сўз боради. Демак оятнинг маъноси: Биз сизни одамлар ўрнақ оладиган имом ва одамлар эргашадиган пайғамбар қилдик. Бу оятдаги имом калимаси халифалик ёки ҳокимият маъносини англатиши мумкин эмас. Зеро Иброҳим ﷺ ҳокимиятни эгалламаган ва ҳоким бўлмаган, аксинча набий ва росул бўлган. Шунинг учун Иброҳим ﷺ Аллоҳ Таолодан ўзига қилиб берган нарсани зурриётларига ҳам қилиб беришини сўраган пайтда Аллоҳ Таоло унга бу мансаб, яъни ўрнақ бўлиш ва нубувват золимлар учун бўлмаслигини айтди. Демак бу оятда халифанинг маъсум бўлиши кераклигига далолат қиладиган ҳеч нарса йўқ. Бунинг устига “золимлар” сўзининг мафҳумул муҳолафаси¹ “маъсумлар” сўзи эмас, балки “одиллар” сўзидир. Чунки золим бўлмаганлар маъсумлар эмас, аксинча адолат билан сифатланган кишилардир. Энди иккинчи нассга, яъни:

أَفَمَن يَهْدِي إِلَى الْحَقِّ

«Энди ҳақ йўлга ҳидоят қиладиган зот...» [Юнус: 35]
оятига келсак бу оятнинг тўлиқ матни қуйдагичадир:

قُلْ هَلْ مِنْ شُرَكَائِكُمْ مَن يَهْدِي إِلَى الْحَقِّ قُلْ اللَّهُ يَهْدِي لِلْحَقِّ أَفَمَن يَهْدِي إِلَى الْحَقِّ أَحَقُّ أَنْ يُبْعَ أَمَّنْ لَا يَهْدِي إِلَّا أَنْ يُهْدَىٰ فَمَا لَكُمْ كَيْفَ تَحْكُمُونَ

«Айтинг (сўранг): «Бутларингиз орасида ҳақ йўлга ҳидоят қила оладиган биров борми?!» Айтинг: «Аллоҳ ҳақ йўлга ҳидоят қилур.

¹ мафҳумул муҳолафа – лафзининг далолатидан тушуниладиган маъно лафзининг ўзидан тушуниладиган маънога зид келса бу мафҳумул муҳолафа бўлади, масалан, «Бойнинг (қарзни) кечиктириши зулмдир» ҳадисининг мафҳумул муҳолафаси «камбағалнинг қарзни кечиктириши зулм эмас» (мафҳумул мувофақани ҳам қаранг 160-б).

Энди ҳақ йўлга ҳидоят қиладиган зот итоат этилишига ҳақлироқми ёки (ҳеч кимни) ҳидоят қила олмайдиган, балки ўзи ҳидоятга муҳтож бўлган кимсами?! (Эй мушриклар), сизларга не бўлди – қандай ҳукм чиқармоқдасиз?!» [Юнус: 35]

Қуртубий бу оят тафсирида шундай дейди: «Уларга Аллоҳ ҳаққа ҳидоятлайди деб айтинг. Сўнгра Аллоҳ уларга қаттиқ дашном бериб бундай деди: ҳидоятлайдиган, яъни тўғри йўл кўрсатиб ҳаққа бошлайдиган Зот бўлмиш Аллоҳ Субҳанаху ва Таоло эргашилишга ҳақлироқми ёки йўлини тополмайдиган, аксинча етаклаб юриладиган кимсаларми. Аллоҳ бу билан улар «худо» қилиб олишган бут ва санамларни ирода қилмоқда. Чунки бут ва санамлар ҳеч кимни ҳидоятлай олмайди. Аксинча улар ўз йўлини топиб ҳам юролмайди. Уларни кўтариб юрилади. Жойидан қимирлаёлмайди. Фақат кўтариб жилдирилади». Демак бу оятдаги бутун мавзу ҳидоят ва ҳидоятловчига эргашиш ҳақида бўлиб, бу мавзунинг ҳоқимият ва халифаликка ҳеч бир алоқаси йўқ. Зеро имом одамларга ҳукм юритади, унинг иши ҳидоят қилиш эмас, ҳукм юритишдир. У залолат йўлига кирганларни ва осийларни жазолайди, кофирларга қарши жанг қилади. Шунинг учун бу ўринда ҳидоятловчи калимаси фақат росулга нисбатан кўлланади. Демак бу маъно халифага тўғри келмайди. Шунинг учун бу оятнинг халифанинг маъсум бўлишига ҳеч бир алоқаси йўқ. Ахир ҳукм ҳидоятга бошлашми ёки шариатни татбиқ этишми?

Энди учинчи нассга, яъни:

أَطِيعُوا اللَّهَ وَأَطِيعُوا الرَّسُولَ وَأُولِي الْأَمْرِ مِنْكُمْ

«Аллоҳга итоат қилингиз, ва пайгамбарга ҳамда ўзларингиздан бўлган (яъни мусулмон) ҳокимларга бўйинсунингиз!» [Нисо: 59]

оятига келсак, бу оятда улул амрга итоат қилишга буюрилди ва бу итоат Аллоҳ ва Росулига итоат қилиш билан тенглаштирилди. Бу ерда модомики улул амр Аллоҳ Субҳанаху ва Таолога ва Росули ﷺ га қаттиқ итоат қилишар экан, уларга итоат қилишнинг ҳукми Аллоҳ Субҳанаху ва Росулulloҳ ﷺ га итоат қилиш ҳукми каби эканига далолат қилишдан бошқа ҳеч нарса йўқ. Бу оятнинг ўзида итоат ҳеч бир хосланмай, умумий келган бўлса-да, лекин у бошқа оятлар ва бир қанча ҳадисларда хосланиб келган. Масалан: гуноҳ ва куфр бўлмаган тақдирдагина итоат қилиш кераклиги ҳақидаги оят ва ҳадислар уни хослаб қўйди ва гуноҳда итоат қилмасликка буюрди. Бу

билангина кифояланмай, агар имом мункар иш қиладиган бўлса унга қарши чиқиб, унинг бу ишини инкор қилишни ва агар куфрга кетадиган бўлса итоат қилмасликни буюрди. Бу билан ҳам кифояланмади, балки имомга қарши жанг қилишни буюрди. Хослаб келган оят ва ҳадисларда бу очиқ айтилди. Аллоҳ Таоло деди:

وَلَا تُطِيعْ مَنْ أَغْلَقْنَا قَلْبَهُ عَنِ ذِكْرِنَا

«*Ва Биз қалбини Бизни зикр қилишдан гофил қилиб қўйган кимсаларга итоат этманг!*» [Каҳф: 28]

فَلَا تُطِيعِ الْكَافِرِينَ

«*Бас сиз кофир кимсаларга бўйинсунманг!*» [Фурқон: 52]

فَلَا تُطِيعِ الْمُكْذِبِينَ

«*Бас, (эй Муҳаммад) сизнинг ҳақ пайгамбарлигинизни ва Қуръонни «ёлгон» дегувчи кимсаларга итоат этманг!*» [Қалам: 8]

وَلَا تُطِيعُ كُلَّ حَتَّافٍ مَّهِينٍ

«*(Эй Муҳаммад), яна сиз ҳар бир тубан қасамхўр кимсага итоат этманг!*» [Қалам: 10]

وَلَا تُطِيعُ مِنْهُمْ أَيْمًا أَوْ كُفُورًا

«*Ва улардан (кофирлардан) бирон гуноҳкор ё кўрнамакка итоат қилманг!*» [Инсон: 24]

Росулуллоҳ ﷺ га қилинган хитоб – модомики унинг Росул ﷺ нинг хос ўзига қилинган хитоб эканига бирон далил келмаган бўлса – Умматига қилинган хитоб ҳисобланади. Бу ерда хитоб Пайғамбаримиз ﷺ нинг хос ўзига қилингани тўғрисида ҳеч бир далил келмаган. Демак у бутун Умматига қилинган хитоб бўлади. Бухорий Нофеъдан, у Абдуллоҳ ﷺ дан, у Набий ﷺ дан шундай деганини ривоят қилди:

«السَّمْعُ وَالطَّاعَةُ عَلَى الْمَرْءِ الْمُسْلِمِ فِيمَا أَحَبَّ وَكَرِهَ مَا لَمْ يُؤْمَرْ بِمَعْصِيَةٍ فَإِذَا أُمِرَ بِمَعْصِيَةٍ فَلَا سَمْعَ وَلَا طَاعَةَ»

«Мусулмон киши, модомики бирон гуноҳга буюрилмас экан, ёқтирган ва ёқтирмаган нарсасида қулоқ солиб, итоат қилиши вожиб. Энди агар бирон гуноҳга буюрилса қулоқ солиб, итоат қилмайди». Муслим Ибн Умардан, у эса Набий ﷺ дан шундай деганини ривоят қилди: □

«عَلَى الْمَرْءِ السَّمْعُ وَالطَّاعَةُ فِيمَا أَحَبَّ وَكَرِهَ إِلَّا أَنْ يُؤْمَرَ بِمَعْصِيَةٍ فَإِنْ أُمِرَ بِمَعْصِيَةٍ فَلَا سَمْعَ وَلَا طَاعَةَ»

«Киши, модомики бирон гуноҳга буюрилмас экан, ёқтирган ва ёқтирмаган нарсасида қулоқ солиб, итоат қилиши вожиб. Энди агар бирон гуноҳга буюрилса қулоқ солиб, итоат қилмайди». Пайғамбаримиз ﷺ халифалар ва амирларга итоат қилиш ҳақида Муслим ривоят қилган ҳадисда шундай дедилар:

«قَالُوا: أَفَلَا نُنَاقِلُهُمْ؟ قَالَ: لَا، مَا صَلُّوا»

«Шунда: уларга қарши жанг қилмаймизми? - дейишди. Росулulloҳ: Йўқ, модомики намозни адо этар эканлар, дедилар». Муслим ушбуни ҳам ривоят қилди:

«قِيلَ يَا رَسُولَ اللَّهِ أَفَلَا نُنَابِذُهُم بِالسَّيْفِ فَقَالَ: لَا، مَا أَقَامُوا فِيكُمْ الصَّلَاةَ»

«Ё Росулulloҳ, уларга қилич билан қарши чиқмаймизми, дейилди. Пайғамбаримиз ﷺ: йўқ, модомики орангизда намозни барпо этишар экан, дедилар». Бухорий ва Муслим ушбуни ривоят қилди:

«إِلَّا أَنْ تَرَوْا كُفْرًا بَوَاحًا»

«Фақат агар очик куфрни кўрсангиз». Муслим ушбуни ҳам ривоят қилди:

«فَمَنْ كَرِهَ فَقَدْ بَرِيءٌ وَمَنْ أَنْكَرَ فَقَدْ سَلِمَ وَلَكِنْ مَنْ رَضِيَ وَتَابَعَ»

«Ким ёмон кўрса пок бўлади, ким инкор қилса саломат бўлади. Лекин ким рози бўлиб эргашса (пок ва саломат бўлмайди)». Бу оят ва ҳадислар халифага итоат қилишни фақат гуноҳ ва куфр бўлмайдиган ҳолатга хослаб қўйяпти. (яъни халифа маъсият ва куфрни содир этмаса унга итоат қилиш вожиблигини ифодалаяпти). Шунинг учун «маъсум бўлмаган шахс гуноҳга буюриши ва хатога йўл қўйиши мумкин. Шунинг учун агар унга итоат қилиш вожиб бўлганида эди, у холда Аллоҳ халифага итоат қилишга буюриш ва ҳам гуноҳни ҳаром қилиш билан бир-бирига зид бўлган икки нарсани жамлаш, мувофиқлаштиришга буюрган бўлиб қоларди», деган гапга ўрин қолмайди. Чунки бу ерда бир-бирига зид икки нарсани жамлаш йўқ. Зеро Аллоҳ Субҳанаҳу халифага фақат гуноҳ ва куфр бўлмаганидагина итоат қилишни буюряпти, гуноҳ ва куфр бўлганида унга итоат этмасликни буюряпти ва гуноҳни ҳаром деб билишни буюряпти. Демак Аллоҳ Таолонинг бу мавзу хусусидаги амрлари ўртасида ҳеч қандай зиддият йўқ.

Бу билан бу оят маъсумлик шартлигига далил бўлмаслиги аён бўлади. Демак уни далил қилиб келтирилмайди.

Халифа маъсум бўлиш керак деб айтадиганларнинг далиллари мана шулардир. Уларнинг ҳаммаси далил бўлиш мартабасидан тушди ва ҳужжат бўлишга ярамайди. Буларнинг барчасидан аён бўладики, халифанинг маъсум бўлиши шарт эмас. Балки буни шарт қилишнинг ўзи жоиз эмас. Зеро халифалик илоҳий мансаб эмас, башарий мансабдир. Шу боис Исломий давлат илоҳий давлат эмас, башарий давлат бўлади.

Халифани бўшатиш

Халифа агар ҳолат уни халифаликдан чиқарадиган тарзда ўзгарса мансабидан бўшайди. Агар ҳолат уни халифаликдан чиқармайдиган тарзда ўзгарсаю, лекин унинг бу мансабда туравериши шаръан жоиз бўлмай қолса уни бўшатиш вожиб бўлиб қолади. Халифани халифаликдан чиқарадиган ҳолат билан уни бўшатиш вожиб бўлиб қоладиган ҳолат ўртасидаги фарқ шуки, уни халифаликдан чиқарадиган ҳолатда шундай ҳолат унга рўй бериши биланоқ унга итоат қилиш вожиб бўлмай қолади. Бўшатиш вожиб бўлиб қоладиган ҳолатда эса то уни амалда бўшатишгунга қадар унга итоат этиш вожиб бўлиб қолаверади. Ўзгариб, уни халифаликдан чиқарадиган ҳолат қуйидаги уч ишдир:

Биринчиси: Агар Исломдан қайтиб муртад бўлса.

Иккинчиси: Агар бутунлай жинни бўлиб қолиб, тузалмаса.

Учинчиси: Кучли душман қўлига асир тушиб қолиб, халос бўлолмаса ва асирликдан қутилишига умид бўлмаса.

Мана шу уч ҳолатда халифа халифаликдан чиқади ва гарчи уни бўшатиш ҳақида ҳукм чиқмаган бўлса ҳам дарҳол бўшайди. Шундан кейин унга итоат этиш вожиб бўлмайди ва унинг буйруқлари халифада мана шу уч сифатлардан бири вужудга келганига қатъий ишонган ҳар бир киши томонидан бажарилмайди. Лекин халифада мана шу ҳолатлар рўй берганлиги исботланиши керак ва буни маҳкаматул мазолим олдида исботлаш лозим. Шундан кейин маҳкаматул мазолим унинг халифаликдан чиққани тўғрисида ва уни бўшатиш ҳақида ҳукм чиқаради. Шундагина мусулмонлар халифалик битимини ундан бошқаси билан тузишади. Энди халифанинг ҳолати уни халифаликдан чиқармайдиган тарзда ўзгариши, лекин бу ҳолатда халифалик қилишни давом эттиравериши жоиз бўлмаслигига келсак, бундай ҳолат қуйидаги беш ишдир:

Биринчиси: Очиқ фосиқлик қилиб унинг адолатига нуқсон етиши.

Иккинчиси: Аёл кишига ёки хунасаи мушкулга айланиши.

Учинчиси: Бутунлай жинни бўлмай, гоҳида ўзига келиб, гоҳида жинни бўлиши. Бу ҳолатда унинг устидан васий туриши ёки унинг бир вакили бўлиши жоиз бўлмайди. Чунки халифалик битими шахсан унинг ўзи билан тузилган. Шунинг учун унинг ўрнига бошқа бировнинг туриши тўғри бўлмайди.

Тўртинчиси: Қайсидир сабабга кўра халифалик вазифаларини адо этишдан ожизлик қилиши. Бу ожизлик халифа баданидаги аъзоларига нуқсон етиши оқибатида келиб чиқадими ёки тузалиши қийин бўлган, унинг вазифасини бажаришига монелик қиладиган ва тузалишига умид бўлмайдиган бирон касаллик оқибатида келиб чиқадими, бунинг фарқи йўқ. Чунки унинг ишни бажаришдан ожизлиги эътиборга олинади. Зеро унинг халифа сифатида ўзига юкланган ишни адо этишдан ожизлиги туфайли дин ишлари ва мусулмонлар манфаатлари издан чиқади. Бу эса бир мункар бўлиб уни йўқотиш лозим. Бу мункар фақат халифани бўшатиш билангина йўқ бўлади. Шундан кейин ундан бошқасини халифа қилиб тиклаш имконияти юзага келади. Демак бу ҳолатда халифани бўшатиш вожиб бўлади.

Бешинчиси: Халифани мусулмонлар манфаатларини шариатга мувофиқ ўз раъйи билан бошқаришдан ожиз қилиб кўядиган зўравонлик. Агар бир зўравон куч халифага уни мусулмонлар манфаатларини шариат ҳукмларига мувофиқ ёлғиз ўзининг раъйи билан бошқаришдан ожиз қилиб кўядиган даражада ўз ҳукмини ўтказса бундай ҳолатда халифа халифаликнинг оғир вазифаларини адо этишдан ҳукман ожиз ҳисобланади. Демак уни бўшатиш вожиб бўлади. Бунинг воқелигини қуйидаги икки ҳолатдан тушуниб олса бўлади:

Биринчи ҳолат: Халифага ўз атрофидаги аъёнлардан бир ёки бир неча шахс ўз ҳукмини ўтказиши. Бунда улар ишларни ўз билганларича бажаришади, халифага зуғум ўтказишади ва ўзларича ҳаракат қилишади. Шу даражадаки, халифа уларга қарши чиқишдан ожиз бўлиб қолади ва уларнинг раъйи бўйича иш юритишга мажбур бўлади. Бундай ҳолатда қаралади. Агар халифанинг қисқа муддат ичида уларнинг зўравонлигидан халос бўлишига умид бўлса уларни четлатиши ва улардан қутилиши учун унга ана шу қисқа муҳлат берилади. Агар халифа шундай қилса монелик йўқолади ва ожизлик кетади. Акс ҳолда уни бўшатиш вожиб бўлади.

Иккинчи ҳолат: Халифанинг асирга ўхшайдиган аҳволга тушиб қолиши. Бу унинг душман ҳукмронлиги ва нуфузи остига тушиб қолиши билан рўй беради. Душман уни ўзи хоҳлаганидек ишга соладиган бўлади ва мусулмонлар манфаатларини юритишдаги иродасидан маҳрум қилади. Бундай ҳолатда ҳам қаралади. Агар халифанинг қисқа муддат орасида душман ҳукмронлигидан қутилишига умид бўлса унга ана шу қисқа муҳлат берилади. Агар унинг қутилишига имкон туғилса ва душман ҳукмронлигидан халос бўлолса монелик йўқолади ва ожизлик кетади. Акс ҳолда уни бўшатиш вожиб бўлиб қолади.

Бу беш ҳолатда халифани бўшатиш вожиб бўлади. Бу ҳолатлардан қайси бири юз бермасин уни бўшатиш вожиб бўлади. Лекин шундай ҳолат рўй берганлиги исботланиши керак. Уни исботлаш эса маҳкаматул мазолим олдида бўлади. Исботланса маҳкаматул мазолим халифалик битимини бекор қилиш ва халифани бўшатиш тўғрисида ҳукм чиқаради. Шундан сўнг халифа бўшатилади ва мусулмонлар уч кун ичида бошқаси билан халифалик битимини тузишади.

Амирлик

Амирлик, раёсат ва қиёдат битта маънодадир. Раис, коид (етақчи) ва амир битта маънодадир. Аммо халифалик дунёдаги ҳамма мусулмонларнинг раёсатидир ва у амирликдан бўлиб, амирлик сирасига киради. Демак халифа амирдир ва мўминлар амири деб аталади. Демак амирлик умумийроқ, халифалик эса хосроқдир. Иккаласи ҳам раёсатдир. Халифалик калимаси ҳаммага маълум мансабга хос бўлса, амирлик калимаси барча амир учун умумийдир. Мусулмонлар ўзларига бир амирни тиклашга буюрилганларидек, халифани тиклашга ҳам буюрилганлар. Чунки амирлик бошқарув турларидан биридир. Демак у бошқариш топширилган нарса бўйича бошлиқликдир. У билан халифалик ўртасидаги фарқ шуки, халифалик дунёдаги ҳамма мусулмонлар устидан умумийдир, амирлик эса бошқарувни топширишган кишига ва бошқаришни унга топширишган нарсага хосдир. Амирлик бошқарувни топширишган кишидан бошқага ўтмаганидек бошқаришни унга топширган нарсдан бошқа нарсага ҳам ўтмайди. Раёсат, қиёдат ва амирлик услуб эмас, шаръий ҳукмдир. Демак мусулмонлар Аллоҳ буюрган нарсалар ва шарият олиб келган нарса чегарасида шу учови доирасидан чиқмаслиги вожиб.

Мусулмонлардан ҳар қандай жамоат ўзаро муштарак ишни бажарса ўзига бир амирни тиклаши бу жамоага фарздир. Аммо агар иш ҳар бирида алоҳида-алоҳида бўлса, у ҳолда жамоадан ўзига бир амирни тиклаши талаб қилинмайди. Чунки амирлик жамоат устидан ўзаро муштарак ишдагина тикланади. Ана шунда амир салтанатга эга бўлади ва ҳал қилувчи сўз уники бўлади. Ҳар қандай жамоат ўртасида бир муштарак ишнинг вужудга келиши уларга ўзларига бир амирни тиклашни муқаррар қилиб қўяди. Акс ҳолда бу иш уларнинг ўртасида пала-партиш бўлиб қолади ва унда бузилиш юз беради. Ўзаро муштарак ишни бажарадиган жамоат учун бир раисни тиклаш мусулмонларга фарз эканлигига келсак, бунга далил куйидаги ҳадислардир: Ибн Ҳанбал Абдуллоҳ ибн Амрдан ривоят қилди, Набий ﷺ дедилар:

«لَا يَحِلُّ لِثَلَاثَةٍ نَفَرٍ يَكُونُونَ بِأَرْضٍ فَلَاةٍ إِلَّا أَمَرُوا عَلَيْهِمْ أَحَدَهُمْ»

«Сахро ерида кетаётган уч кишига ўзларига битталарини амир қилиб олмасликлари ҳалол бўлмайди». Баззор саҳих иснод билан ривоят қилади, Умар ибн Хаттоб رضي الله عنه деди:

﴿إِذَا كُنْتُمْ ثَلَاثَةً فِي سَفَرٍ فَأَمْرُوا عَلَيْكُمْ أَحَدَكُمْ، ذَاكَ أَمِيرٌ أَمَرَهُ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ﴾

«Агар учтангиз сафарда бўлсангиз ўзингизга биттангизни амир қилиб олинглар. Росулulloҳ ﷺ буюрган амир ўшадир». Баззор саҳиҳ иснод Ибн Умардан ривоят қилади, Росулulloҳ ﷺ дедилар:

﴿إِذَا كَانُوا ثَلَاثَةً فِي سَفَرٍ فَلْيُؤَمِّرُوا أَحَدَهُمْ﴾

«Агар уч киши сафарда бўлишса, битталарини амир қилиб олишсин». Абу Саид Худрий ривоят қилади, Набий ﷺ дедилар:

﴿إِذَا خَرَجَ ثَلَاثَةٌ فِي سَفَرٍ فَلْيُؤَمِّرُوا أَحَدَهُمْ﴾

«Агар уч киши сафарга чиқса, битталарини амир қилиб олишсин». Абу Довуд ривояти. Учта ёки ундан ошиқ одамнинг ўзларига битталарини амир қилиб олишлари шаръий ҳукм эканлиги мана шу ҳадисларда очиқ кўриниб турибди. Энди Росулulloҳ ﷺнинг ҳадислардаги: «саҳрода», «сафарда» деган сўзларига келсак, бу сўзлар уларнинг саҳрода ўзаро муштарак иш устида жамланган бўлишларига ёки сафарда кетаётганларига ёки шунга ўхшаш муштарак ишларга далолат қилади. Демак бунинг сирасига ҳизб, жамият, сарийя, армия, маҳалла, шаҳар, ўлка ва бошқалар ҳам киради. Зеро бу ҳукм саҳролик ерда кетаётган ёки сафарда бўлган уч киши учун шаръий ҳукм экан, каттароқ сондаги кишилар учун ёки каттароқ иш учун у аллақачон шаръий ҳукм бўлади. Демак бу ҳадислар саҳрода кетишни ҳам, сафарни ҳам ва бу иккисидан кўра каттароқ бўлган бошқа ишларни ҳам ўз ичига олиб, умумий бўлади. Чунки мафҳумул мувофақа¹ шунга далолат қилади. Зеро усул қондаси шуки, хитоб мазмуни ўз ичига олган нарсага амал қилинади. Масалан бир нарсага буюрилса ёки бир нарсдан қайтарилса, бу нарсанинг мафҳуми ҳам мантуқ билан бирга буюрилган ва қайтарилган нарса ичига киради ҳамда буйруқ ва қайтарув мантуқнинг ўзигагина хос бўлмайди. Яъни бир нарсага буюрилса ёки бир нарсдан қайтарилса бу буйруқ ва қайтарув шу буюрилган ёки қайтарилган нарсдан кўра бирламчиликда кўпроқ ва каттароқ

¹ мафҳумул мувофақа – лафзнинг далолатидан тушуниладиган маъно лафзнинг ўзидан тушуниладиган маънога мувофиқ келса бу мафҳумул мувофақа бўлади, масалан, «Бас, ким (ҳаёти-дуноёлик пайтида) зарра мисқоличади к яхшилик қилса (қиймет кунидан) ўшани кўрур» оятининг мафҳумул мувофақаси «ким зарра мисқолидан кўпроқ яхшилик қилса албатта уни кўради».

бўлган бошқа нарсаларни ҳам ўз ичига олади. Бунга мисол ота-онани сўкиш ва уришнинг ҳаромлигидир. Буни Аллоҳ Таолонинг:□

فَلَا تَقُلْ لَهُمَا أَفًّا

«Уларга қараб «уф» тортма»

[Исро: 23]

деган қавли далолатидан тушуниб оламиз. Етимларнинг молини нобуд қилишнинг ҳаромлиги. Буни Аллоҳ Таолонинг:□

إِنَّ الَّذِينَ يَأْكُلُونَ أَمْوَالَ الْيَتَامَى ظُلْمًا

«Етимларнинг молларини зулм йўли билан ейдиган кимсалар...»

[Нисо: 10]

деган қавли далолатидан тушуниб оламиз. Омонатдор кишининг қинтордан оз бўлган омонатни ҳам эгасига қайтариши, омонатдор бўлмаган кимсанинг бир динордан ошиқ бўлган омонатни аллақачон қайтармаслиги. Буни Аллоҳ Таолонинг:□

وَمِنْ أَهْلِ الْكِتَابِ مَنْ إِنْ تَأْمَنَهُ بَقِنْتَارَ يُؤَدُّهُ إِلَيْكَ

«Аҳли китоб орасида шундай кишилар борки, унга беҳисоб молни омонат қўйсангиз, хиёнат қилмай сизга қайтаради. Уларнинг орасида яна шундайлари ҳам борки, унга бир динорни ишониб берсангиз ҳам сизга қайтиб бермайди» [Оли Имрон: 75]

деган қавлидан тушуниб оламиз. Шунингдек Росулulloҳ ﷺ сафарда ва саҳрода бир кишини амир қилиб олишга буюрдилар. Бу буйруқ сафар ва саҳрода кетиб боришдан кўра муҳимроқ ва каттароқ бўлган нарсаларга ҳам тегишли бўлиб, уларни аллақачон ўз ичига олади. Чунки хитоб мазмуни далолат қиладиган ҳар бир нарса шу буйруқ ичига киради. Юқоридаги ҳадисларда кўриниб турган бу мафҳумул мувофақани Росулulloҳ ﷺ қилган иш қўллаб-қувватлайди. Зеро Пайғамбаримиз ﷺ сафардан кўра муҳимроқ бўлган нарсаларда ҳам бир амирни тайин қилганлар. Масалан ҳажда, ғазотда, валоятда амир қилдилар.

Бу бир маконда ёки ўзаро муштарак ишда ҳар қандай жамоат устидан бир амир тикланишининг вожиблиги тўғрисидаги далиллардир. Аммо бу амир битта бўлиши лозим. Биттадан кўп бўлиши жоиз эмас. Шариат шуни буюрди. Демак Ислом жамоий қиёдат ва жамоий раёсатни тан олмайди. Аксинча Исломда қиёдат фақат фардий (битта) бўлади. Шунинг учун раис ёки амир ёки раҳбар битта бўлиши вожиб. Биттадан кўп бўлиши жоиз эмас. Бунга далил юқоридаги ҳадислар нассиди ва Росулulloҳ ﷺ қилган ишда очиқ кўриниб

турибди. Масалан бу ҳадисларнинг ҳаммасида «أَحَدَهُمْ», «أَحَدَكُمْ» яъни битталарини, биттангизни, дейилмоқда. «Аҳад» калимаси сонлардан биттага далолат қилади, ундан кўпга далолат қилмайди. Буни мафҳумул муҳолафадан тушуниб олинади. Мафҳумул муҳолафага – агар уни бекор қиладиган бирон насс келмаса – сон, сифат, ғоя ва шартда амал қилинади. Демак мафҳумул муҳолафа фақат битта ҳолатда, яъни уни бекор қиладиган бирон насс келгандагина бекор бўлади. Бунга мисол Аллоҳ Таолонинг ушбу қавлидир:

وَلَا تُكْرَهُوا قِتْيَاتِكُمْ عَلَى الْبِغَاءِ إِنْ أَرَدْتُمْ تَحَصُّنًا

«Покликни истаган чўриларингизни зинокорлик қилишга мажбурламанглар» [Нур: 33]

Бунинг мафҳумул муҳолафаси «агар покликни исташмаса мажбур қилинадилар», деган мазмун бўлади. Лекин бу мафҳумул муҳолафа Аллоҳ Таолонинг:

وَلَا تَقْرُبُوا الزَّانِيَةَ إِنَّهُ كَانَ فَاحِشَةً وَسَاءَ سَبِيلًا

«Зинога яқинлашманглар! Чунки (бу) бузуқлик ва энг ёмон йўлдир» [Исро: 32]

деган қавли билан бекор бўлади. Демак агар мафҳумул муҳолафани бекор қиладиган бирон насс келмаса, у ҳолда унга амал қилинади. Бунга мисол Аллоҳ Таолонинг ушбу қавлидир:

الزَّانِيَةُ وَالزَّانِي فَاجْلِدُوا كُلَّ وَاحِدٍ مِّنْهُمَا مِئَةَ جَلْدَةٍ

«Зинокор аёл ва зинокор эркак – улардан ҳар (бирини юз даррадан уринглар» [Нур: 2]

Ва Росулulloҳ ﷺнинг: □

«إِذَا بَلَغَ الْمَاءُ قُلَّتَيْنِ لَمْ يَحْمِلِ الْخَبَثَ»

«Сув икки кўзага етса нопок бўлмайди», деган сўзидир. Бу икки нассдаги ҳукм махсус сон билан чеклаб қўйилди. Унинг бу чекланиши шу сондан бошқаси унга хилоф эканига далолат қилади. Масалан бу икки нассдан бири юз даррадан ошиғи жоиз эмаслигига, иккинчиси эса икки кўзадан кам сув нопок бўлишига далолат қиляпти. Шунга кўра Росулulloҳ ﷺнинг бу ҳадислардаги: **«битталарини амир қилиб олсинлар»**, **«битталарини амир қилиб олмасликлари ҳалол бўлмайди»**, **«биттангизни амир қилиб олинглар»**, деган сўзларининг мафҳумул муҳолафаси биттадан кўп кишини амир қилиб олиш жоиз эмаслигига далолат қилади. Шунга асосан амирлик фақат битта бўлди. Биттадан кўп бўлиши мутлақо жоиз эмас. Бунга

ҳадислар нассининг мантуқи ҳам, мафҳуми ҳам далолат қиляпти. Буни Росулulloҳ ﷺ қилган иш ҳам қувватлайди. Чунки Пайғамбаримиз ﷺ ўзи амир қилган барча ҳодисаларда фақат битта кишини амир қилдилар, бирон жойда биттадан кўп кишини мутлақо амир қилмадилар.

Аммо Росулulloҳ ﷺнинг Муозни ва Абу Мусони Яманга юбориб, икковларига:

«يَسْرًا وَلَا تُعَسِّرًا وَبَشْرًا وَلَا تُتْفَرًّا وَتَطَوَّعًا»

«Енгил қилинглар, оғир қилманглар, хурсанд қилинглар, нафратлантирманглар, иттифоқ қилинглар» деб айтгани ҳақидаги ҳадисга келсак, бу ҳадис Пайғамбаримиз ﷺнинг битта жойга икки кишини амир қилганига далолат қилмайди. Бу ҳадис Бухорийда ушбу насс билан келган: **Бизга Муслим, бизга Шўъба, бизга Саид ибн Абу Бурда отасидан ҳадис ривоят қилиб бундай деди: Набий ﷺ унинг бобоси Абу Мусони ва Муозни Яманга юбораётиб бундай дедилар:** □

«يَسْرًا وَلَا تُعَسِّرًا وَبَشْرًا وَلَا تُتْفَرًّا وَتَطَوَّعًا»

«Енгил қилинглар, оғир қилманглар, хурсанд қилинглар, нафратлантирманглар, иттифоқ қилинглар». Шу ҳадиснинг ўзи ғазотлар бобида ушбу насс билан ҳам келган: **Бизга Мусо, бизга Абу Авона, бизга Абдулмалик Абу Бурдадан ҳадис ривоят қилди: Росулulloҳ ﷺ Абу Мусони ва Муоз ибн Жабални Яманга юбордилар. Уларнинг ҳар бирини Яманнинг бошқа-бошқа тарафига юбордилар. Сўнгра бундай дедилар:** □

«يَسْرًا وَلَا تُعَسِّرًا وَبَشْرًا وَلَا تُتْفَرًّا»

«Енгил қилинглар, оғир қилманглар, хурсанд қилинглар, нафратлантирманглар». Шундан кейин ҳар бири ўзининг ишига жўнаб кетди. Пайғамбаримиз ﷺ икковини Яманнинг бошқа-бошқа тарафига амир қилганлиги айtilган кейинги ривоят олдинги ривоятни тафсир қилади. Демак иккаласи битта жойда амир бўлишмаган. Аксинча ҳар бири бошқа-бошқа жойга амир бўлган. Шунга қўра битта ишга ва битта жойга икки кишининг бошлиқ бўлиши ҳечам жоиз эмас. Аксинча бошлиқ фақат битта бўлиши лозим. Бундан кўп бўлиши ҳаром. Лекин шуни ҳам билиш лозимки, Исломда раёсат, амирлик ва киёдат гегемонлик эмас. Чунки гегемонлик

гегемонга тобе бўлишни тақозо қилади. Исломда раёсат раисга ишларни бошқариш ҳуқуқини, ўзи бош бўлган ишдаги султонлик ҳуқуқини ва ўз раислиги остига кирадиган ҳар бир нарсани ижро қилиш ҳуқуқини беради, холос. Булар у амир қилиб тикланган салоҳиятлар бўйича ва у раис қилиб тикланган ишга нисбатан шариат унга берган ҳуқуқлар доирасида бўлади.

Энди мусулмонлар юртларида ҳозир кенг тарқалган мажлис ёки лажна (комиссия) ёки идорий ҳайъат ёки шунга ўхшаш номлар билан жамойи раёсатни тузиб, унга раёсат салоҳиятлари берилаётганига келсак, бу – агар раёсат ана шу ҳайъат ёки мажлис ёки лажнанинг ҳуқуқи қилиб қўйилса – шариатга хилофдир. Аммо агар лажна ёки мажлис ёки ҳайъат оғирликларни кўтариш, ишлар тўғрисида баҳс-мунозара қилиш ва маслаҳат учун тузилган бўлса, бу жоиз ва у Исломдандир. Чунки мусулмонлар мақталган нарсалардан бири уларнинг ишлари ўзаро шўро-маслаҳат билан бўлишидир. Бу пайтда лажна ёки ҳайъат ёки мажлиснинг раъйи эътибор жиҳатидан ишларни адо этиш билан боғлиқ бўладиган нарсаларда кўпчилик овоз билан мажбурий бўлади. Ҳукмлар, фикрга олиб келадиган раъйлар, мутахассислик раъйлари ва таърифлар билан боғлиқ бўлган нарсаларда улар шўро учун тузилади, холос. Аммо коммунизм идеологлари раҳбариятнинг жамойи ёки фардий (якка тартибда) бўлиши ҳақида талашиб-тортишган нарсаларга келсак, Исломда уни баҳс қилишга ўрин йўқ. Чунки Ислом раҳбарият фардий бўлишини насс билан ва амалда белгилаб қўйди. Бунга саҳобалар ижмо қилди. Уммат ҳамма асрлар давомида шунга амал қилиб келди.

Итоат

Итоат асосий иш бўлиб, у сабабли давлатда тартиб-интизом вужудга келади. У давлат ва Умнатда оммавий тартиб-интизом мавжудлигига далолат қиладиган энг муҳим кўринишлардан биридир. Шунинг учун ҳам Қуръон кўплаб оятларда итоатга ундаб келди. Ваҳий келиб турганига, мўъжизалар ва рисолат бўлиб турганига, Росулulloҳ ﷺ шахсан ўзи борлигига ва буларнинг ҳаммаси итоатни вужудга келтириш учун етарли эканига қарамай Қуръон итоатга ундаб келди. Қуръон буюриб келган итоат шундай итоатки, унинг асосига давлат ва Умнат вужуди қурилади. У шу вақтнинг ўзида итоат хулқини баён қилиш ҳамдир. Оятлар итоат вожиб бўладиган пайтда итоат қилишга қаттиқ буюриб келди. Буюрганда ҳам унга мажбурлайдиган ва уни мусулмон хусусиятларидан бири қилиб қўядиган тарзда буюрди. Итоат қилиш жоиз бўлмаган пайтда итоат қилишдан қайтарди. Қайтарганда ҳам итоат қилмасликка мажбурлайдиган ва бундай пайтда итоат қилишни мусулмон ўзини йироқ тутиши лозим бўлган нарса деб эътибор қилишга ундайдиган тарзда қайтарди. Шунинг учун биз Қуръон итоат хусусиятини вужудга келтираётган пайтда шундай деб айтаётганини кўрамыз:

أَطِيعُوا اللَّهَ وَالرَّسُولَ

«Аллоҳ ва пайгамбарга итоат қилингиз!» [Оли Имрон: 32]

فَاتَّبِعُونِي وَأَطِيعُوا أَمْرِي

«Бас, менга эргашинглар ва амримга итоат қилинглар!» [Тоҳа: 90]

وَاسْمَعُوا وَأَطِيعُوا

«Қулоқ солиб, итоат қилинглар» [Тағобун: 16]

وَمَنْ يُطِيعِ اللَّهَ وَرَسُولَهُ يُدْخِلْهُ جَنَّاتٍ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ

«Ким Аллоҳ ва унинг пайгамбарига итоат этса, уни остидан дарёлар оқиб турадиган жаннатларга кирилади» [Нисо: 13]

مَنْ يُطِيعِ الرَّسُولَ فَقَدْ أَطَاعَ اللَّهَ

«Кимки пайгамбарга итоат этса, демак, Аллоҳга итоат этибди» [Нисо: 80]

وَمَنْ يُطِيعِ اللَّهَ وَالرَّسُولَ فَأُولَئِكَ مَعَ الَّذِينَ أَنْعَمَ اللَّهُ عَلَيْهِمْ

«Кимда-ким Аллоҳ ва пайгамбарга итоат этса, ана ўшалар Аллоҳ инъомларига сазовор бўлган зотлар билан бирга бўлурлар»

[Нисо: 69]

Аллоҳ бу оятларда мутлақ итоатга буюрди, итоат муқайяд бўлмай келди. Биз Росулulloҳ ﷺнинг ҳокимлар ва волийларга ҳар қандай ҳолатда итоат қилишга буюраётганини, фақат агар гуноҳга буюрсагина итоат қилмаслик лозимлигини айтаётганини кўрамиз. Ибн Аббосдан Набий ﷺнинг шундай дегани ривоят қилинди: □

«مَنْ كَرِهَ مِنْ أَمِيرِهِ شَيْئًا فَلْيَصْبِرْ عَلَيْهِ فَإِنَّهُ لَيْسَ أَحَدٌ مِنَ النَّاسِ خَرَجَ مِنَ السُّلْطَانِ شَيْئًا فَمَاتَ عَلَيْهِ إِلَّا مَاتَ مِيتَةً جَاهِلِيَّةً»

«Ким амиридаги бирон нарсани ёқтирмаса унга сабр қилсин. Зеро кимки султондан бир қарич четга чиқиб шу ҳолда ўлса жоҳилият ўлими билан ўлибди». Муслим ривояти. Росулulloҳ ﷺ амирга итоат қилмасликни жамоатдан ажралиб қолиш деб ҳисобладилар. Абу Ражо Уторидий ҳадис ривоят қилиб деди: Мен Ибн Аббос رضي الله عنهдан Набий ﷺнинг шундай деганини эшитдим:

«مَنْ رَأَى مِنْ أَمِيرِهِ شَيْئًا يَكْرَهُهُ فَلْيَصْبِرْ فَإِنَّهُ مَنْ فَارَقَ الْجَمَاعَةَ شَيْئًا فَمَاتَ فَمِيتَةً جَاهِلِيَّةً»

«Ким амиридан ўзи ёқтирмайдиган бирон нарсани кўрса сабр қилсин. Зеро ким жамоатдан бир қарич ажраб ўлса жоҳилият ўлими билан ўлибди». Муслим ривояти. Мусулмонлар Набий ﷺга байъат беришган нарсалардан бири итоат эди. Жунода ибн Абу Умайя ривоят қилади:

«دَخَلْنَا عَلَى عُبَادَةَ بْنِ الصَّامِتِ وَهُوَ مَرِيضٌ قُلْنَا أَصْلَحَكَ اللَّهُ حَدَّثَ بِحَدِيثٍ يَنْفَعُكَ اللَّهُ بِهِ سَمِعْتَهُ مِنَ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: دَعَانَا النَّبِيُّ ﷺ فَبَايَعَنَا فَقَالَ فِيمَا أَخَذَ عَلَيْنَا أَنْ بَايَعْنَا عَلَى السَّمْعِ وَالطَّاعَةِ فِي مَنْشَطِنَا وَمَكْرَهِنَا وَعُسْرِنَا وَيُسْرِنَا وَأَثَرَةٍ عَلَيْنَا وَأَنْ لَا نُنَازِعَ الْأَمْرَ أَهْلَهُ قَالَ: إِلَّا أَنْ تَرَوْا كُفْرًا بَوَاحًا عِنْدَكُمْ مِنَ اللَّهِ فِيهِ بُرْهَانٌ»

«Биз Убода ибн Сомитнинг олдига кирдик. У касал эди. Биз: Аллоҳ сизга шифо берсин, Набий ﷺдан эшитган бирон ҳадисни айтиб беринг, Аллоҳ у сабабли сизга наф етказсин - дедик. У бундай деди: Набий ﷺ бизни даъват қилдилар. Биз у кишига байъат бердик. Биздан байъат олар экан,

хурсандчиликда ҳам, хафачиликда ҳам, оғир кунларимизда ҳам, енгил кунларимизда ҳам қулоқ солиб, итоат этишга, ўзимиздан афзал кўришимизга, ишни эгасидан талашмаслигимизга байъат беришимизни айтиб: фақат агар очик куфрни кўрсангиз ва сизда бу ҳақда Аллоҳдан аниқ ҳужжат бўлса, (шундагина талашингиз мумкин), дедилар». Бухорий ривояти. Демак оят ва ҳадислар итоатга буюриб келди. Лекин бу итоат Ислому доирасида бўлиши лозим. Шунинг учун бошқа ҳадислар Аллоҳга осий бўлинадиган ўринда итоат қилишдан қайтариб келди. Набий ﷺ дедилар:

«لَا طَاعَةَ لِمَخْلُوقٍ فِي مَعْصِيَةِ الْخَالِقِ»

«Холиққа осий бўлинадиган ўринда махлуққа итоат қилинмайди». Аҳмад ривояти. Нофеъ Абдуллоҳ ﷺ дан, у Набий ﷺ дан шундай деганини ривоят қилди:

«السَّمْعُ وَالطَّاعَةُ عَلَى الْمَرْءِ الْمُسْلِمِ فِيمَا أَحَبَّ وَكَرِهَ مَا لَمْ يُؤْمَرْ بِمَعْصِيَةٍ فَإِذَا أُمِرَ بِمَعْصِيَةٍ فَلَا سَمْعَ وَلَا طَاعَةَ»

«Мусулмон киши, модомики бирон гуноҳга буюрилмас экан, ёқтирган ва ёқтирмаган нарсасида қулоқ солиб, итоат қилиши вожиб. Энди агар бирон гуноҳга буюрилса қулоқ солиб, итоат қилмайди». Бухорий ривояти.

Бирок Аллоҳ буюрган бу итоат оммавий тартиб-интизом ўрнатиш лозим бўлган пайтда бўлади. Аммо бу итоат Ислому зиддига бўлса ёки Аллоҳ йўлидан бошқа йўл фойдасига хизмат қиладиган бўлса, бундай ҳолатда Ислому итоат этишдан қаттиқ қайтарди. Шу боис Аллоҳ Таоло бизни айрим итоатлардан очик қайтариб, шундай деди:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِن تُطِيعُوا فَرِيقًا مِّنَ الَّذِينَ أُوتُوا الْكِتَابَ يَرُدُّوكُم بَعْدَ إِيمَانِكُمْ كَافِرِينَ
«Эй мўминлар, агар китоб берилган кимсаларнинг баъзи бир гуруҳларига бўйинсунсангиз, улар сизларни иймонга келганингиздан кейин яна кофирликка қайтардилар»

[Оли Имрон: 100]

وَلَا تُطِعْ مَنْ أَغْفَلْنَا قَلْبَهُ عَن ذِكْرِنَا وَاتَّبَعَ هَوَاهُ وَكَانَ أَمْرُهُ فُرُطًا

«Ва Биз қалбини Бизни зикр қилишдан гофил қилиб қўйган, ҳавойи-нафсига эргашган ва қилар иши исрофгарчилик бўлган кимсаларга итоат этманг!»

[Каҳф: 28]

وإن تُطعْ أَكْثَرَ مَنْ فِي الْأَرْضِ يُضِلُّوكَ عَنْ سَبِيلِ اللَّهِ

«Ер юзидаги кимсаларнинг жуда кўпларига итоат қиладиган бўлсангиз, сизни Аллоҳнинг йўлидан оздирурлар» [Анъом: 116]

فَلَا تُطِيعُوا الْكٰفِرِيْنَ

«Бас сиз кофир кимсаларга бўйинсунманг!» [Фурқон: 52]

فَلَا تُطِيعُوا الْمُكٰذِبِيْنَ

«Бас, (эй Муҳаммад) сизнинг ҳақ пайгамбарлигингизни ва Куръонни «ёлгон» дегувчи кимсаларга итоат этманг!» [Қалам: 8]

وَلَا تُطِيعُوا مَنْهُمْ اٰثِمًا اَوْ كٰفُوْرًا

«Ва улардан (кофирлардан) бирон гуноҳкор ё кўрнамакка итоат қилманг!» [Инсон: 24]

وَلَا تُطِيعُوْا كُلَّ حٰلٰفٍ مَّهِيْنٍ

«(Эй Муҳаммад), яна сиз ҳар бир тубан қасамхўр кимсага итоат этманг!» [Қалам: 10]

Бу оятларнинг ҳаммаси ўз сифатлари билан ажралиб турувчи муайян шахсларга итоат этишдан қайтармоқда. Бу оятларни кузатадиган бўлсак уларда айтилаётган итоат Ислом зиддига эканлиги ва Ислом йўлидан бошқа йўлга хизмат қилиши аён бўлади. Аллоҳ Таоло буларни бизга дилларимизда итоат оммавий тартиб-интизомни вужудга келтириш сари йўналадиган бўлиб шаклланиши учун, Ислом давлати вужудига зарар бўладиган ўринларда итоатдан йироқ бўлишимиз учун баён қилди. Шунинг учун мусулмон одам Аллоҳнинг итоат қилиш ҳақидаги амрига лаббай деб бўйсунар экан, Аллоҳ кимга итоат этишдан қайтарган бўлса ундай кимсаларга итоат этишдан қайтиши вожиб.

Халифанинг ҳукмлар ва услубларни табанный қилиши, яъни қонунлар чиқариш

«Қонунлар» сўзи араб тилида асослар деган маънони билдиради. Унинг бирлиги қонундир. У араб тилига кириб келган ажамий лафздир. Ажнабий истилоҳда қонуннинг маъноси султон чиқарадиган амр-фармон бўлиб, одамлар унинг асосида иш юритишади. Қонунга: «Султон одамларни алоқа-муносабатларида бўйсунушга мажбурлайдиган қоидалар мажмуаси» деб таъриф берилган. Қонун ўз моҳияти жиҳатидан икки қисмдир: Биринчиси, аслий алоқа-муносабатларни тартибга соладиган ҳукмлар. Бу ҳукмлар ҳам икки турга бўлинади: Биринчиси, асосий қонун, яъни конституция. Иккинчиси, бошқа қонунлар. Қонунларнинг иккинчи қисми асли учун умумий ҳукм келган, лекин фаръи учун хос ҳукм келмаган иккинчи даражали ишларни тартибга солади. Бу қонунлар воситаларни тартибга солади. Яъни улар услублар бўлиб, уларнинг ёрдамида умумий ҳукм характеридаги аслий ишлар адо этилади. Уларни идорий қонунлар ёки идорий низомлар деган ном билан ёки шунга ўхшаш номлар билан аталади. Бандалар феълларига тааллуқли Шореъ хитоби келиб, шу хитоб доирасидан чиқмаслик буюрилди. Шунинг учун бу ишлар тартиби Аллоҳ томонидан келди. Исломий шариат одамларнинг барча ишларига ва барча алоқа-муносабатларига тааллуқли бўлиб келди. Уларнинг Аллоҳ билан бўладиган алоқалари бўладими, ўзлари билан бўладиган алоқалари бўладими ёки бошқалар билан бўладиган алоқалари бўладими, ҳеч фарқсиз ҳаммасига тааллуқли бўлиб келди. Шунинг учун Исломда алоқаларни тартибга солиш учун одамлар томонидан қонунлар чиқарилишига ҳеч ўрин йўқ. Чунки одамлар шаръий ҳукмлар доирасидан чиқмасликка буюрилганлар. Аллоҳ Таоло деди:□

وَمَنْ يَتَعَدَّ حُدُودَ اللَّهِ فَأُولَئِكَ هُمُ الظَّالِمُونَ

«Ким Аллоҳ чегараларидан таъжовуз қилиб ўтса, ана ўшалар зolimлардир» [Бақара: 229]

وَمَا آتَاكُمُ الرَّسُولُ فَخُذُوهُ وَمَا نَهَاكُمُ عَنْهُ فَانْتَهُوا

«Пайгамбар сизларга олиб келган нарсани олинглар, у зот сизларни қайтарган нарсадан қайтинглар» [Ҳашр: 7]

وَمَا كَانَ لِمُؤْمِنٍ وَلَا مِؤْمِنَةٍ إِذَا قَضَى اللَّهُ وَرَسُولُهُ أَمْرًا أَنْ يَكُونَ لَهُمُ الْخِيَرَةُ مِنْ أَمْرِهِمْ
«Аллоҳ ва Унинг пайгамбари бир ишни ҳукм қилган – буюрган
вақтида бирон мўмин ва мўмина учун (Аллоҳнинг ҳукмини қўшиб) ўз
ишларидан ихтиёр қилиши жоиз эмасдир» [Аҳзоб: 36]

Муслим Оиша رضي الله عنهاдан ривоят қилади, Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم дедилар:

«مَنْ عَمِلَ عَمَلًا لَيْسَ عَلَيْهِ أَمْرُنَا فَهُوَ رَدٌّ»

«Кимки бизнинг ишимиздан бўлмаган бир амални қилса у рад қилинади». Демак одамларга ҳукмларни султон эмас, Аллоҳ чиқариб беради. Аллоҳ одамларни ва султонни ўзларининг алоқа-муносабатларида шу ҳукмларга бўйсуниларига мажбурлайди, уларга бу ҳукмлар доирасидан чиқмасликни буюради, бу ҳукмлардан бошқасига бўйсунилдан ман қилади. Шунга кўра инсоннинг одамлар алоқаларини тартибга солиш учун ҳукмлар ишлаб чиқишига ҳеч ўрин йўқ. Султоннинг одамларни инсон ишлаб чиққан қондалар ва ҳукмларга бўйсунилга мажбурлашга ёки ўз ихтиёрлари билан бўйсунилга ундашга ҳеч бир ҳаққи йўқ. Лекин шаръий ҳукмлар, яъни Шореънинг бандалар феълларига тааллуқли хитоби Қуръон ва ҳадисда келиб, улардан кўпи араб тилига кўра ва шариатга кўра бир неча маъноларни кўтаради. Шунинг учун одамларнинг уларни турлича тушуниши ва бу турлича тушуниш бошқа-бошқа маъно бериш даражасига етиши табиий ва муқаррардир. Мана шундан турлича, бир-биридан фарқли тушунишлар келиб чиқди. Шунинг учун битта ҳукм ҳақида турли, бир-биридан фарқли раъйлар бўлиши мумкин. Масалан Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم Аҳзоб ғазотидан қайтгач:

«لَا يُصَلِّينَ أَحَدًا الْعَصْرَ إِلَّا فِي بَنِي قُرَيْظَةَ»

«Бирон киши аср намозини Бани Қурайзага етмагунича ўқимасин» дедилар. Шунда айрим кишилар Пайгамбаримиз صلى الله عليه وسلم шошилишни кўзда тутдилар деб тушунишди ва аср намозини йўлда ўқиб олишди. Бошқалар эса Пайгамбар صلى الله عليه وسلم шу жумладаги маънони кўзда тутдилар деб тушунишди-да, аср намозини ўқишмади ва уни кейинга суришди. Бани Қурайзага етиб бориб, ўша ерда асрни ўқишди. Бу хабар Росулulloҳ صلى الله عليه وسلمга етгач иккала гуруҳ тушунчасини ҳам маъқулладилар. Бухорий ривоят қилишича, Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم:

«لَا صَلَاةَ لِمَنْ لَمْ يَقْرَأْ بِفَاتِحَةِ الْكِتَابِ»

«Ким фотиҳатул Китоб (Фотиҳа сураси)ни ўқимаса намози намоз бўлмади» дедилар. Буни баъзилар Пайғамбаримиз ﷺ саҳиҳ намоз бўлмади деган маънони қасд қилдилар, деб тушунишиб: Фотиҳа сурасини ўқиш намоз рукнларидан биридир, кимки уни ўқимаса намози ботил бўлади, дейишди. Бошқалар эса Пайғамбаримиз ﷺ комил намоз бўлмади деган маънони қасд қилдилар, деб тушунишиб: Фотиҳани ўқиш намоз рукнларидан бири эмас, балки Қуръонни кироат қилиш рукндир. Шунинг учун Фотиҳани ўқимай Қуръондан ҳар қандай оятни ўқиса намози саҳиҳ бўлади, деган фикрни билдиришди. Шунингдек Набий ﷺнинг Насоий ривоят қилган:

«لَا يُقْتَلُ مُؤْمِنٌ بِكَافِرٍ، وَلَا دُوَّ عَهْدٍ فِي عَهْدِهِ»

«Мўмин кофир сабабли ўлдирилмайди ва аҳд эгаси аҳди борасида ўлдирилмайди», деган сўзлари ҳақида ҳам ихтилоф қилишди. Бир жамоат бу ҳадисни «мусулмон агар бир кофирни ўлдириб қўйган бўлса у бунинг учун ўлдирилмайди, балки унга таъзир берилади, холос. Масалан ҳибс қилинади. Чунки Росулulloҳ ﷺнинг: «Мўмин кофир сабабли ўлдирилмайди», деган сўзидан унинг ўлдирилмаслиги очиқ кўриниб турибди», деб тушунишган бўлса, бошқалар «бунда ҳарбий (уруш ҳолатидаги) кофир билан зиммий кофир фарқланади. Мусулмон агар зиммий кофирни ўлдириб қўйган бўлса ўзи ҳам ўлдирилади. Муоҳид (аҳднома тузган) кофир ва омонлик сўраган кофир ҳақида ҳам шундай бўлади. Аммо мусулмон ҳарбий кофирни ўлдириб қўйса у бунинг учун ўлдирилмайди. Чунки Росулulloҳ ﷺнинг шу ҳадиснинг ўзидаги: «аҳд эгаси аҳди борасида ўлдирилмайди», деган сўзи шунга далолат қиляпти. Демак унинг маъноси мусулмон кофир сабабли ўлдирилмайди, аҳд эгаси ҳам кофир сабабли ўлдирилмайди, демакдир. Аҳд эгаси кофир бўлгани учун демак кофир калимаси ҳарбийни англатиши аниқ. Яъни муоҳид кофир ҳарбий кофир сабабли ўлдирилмайди. Демак ҳадиснинг маъноси: мусулмон ҳарбий кофир сабабли ўлдирилмайди ва аҳд эгаси ҳам ҳарбий кофир сабабли ўлдирилмайди, демакдир. Бундан мусулмон агар ҳарбий кофирдан бошқасини ўлдириб қўйса ўзи ҳам ўлдирилади ва аҳд эгаси ҳам ҳарбий кофирдан бошқасини ўлдириб қўйса ўзи ҳам ўлдирилади, деган маъно

тушунилади. Аҳд эгаси кофирдир. У бир кофирни ўлдириб кўйса худди мусулмон каби ўлдирилмаслиги ҳадисдаги кофир калимасидан мурод зиммий эмас, ҳарбий кофир эканлигига далолат қияпти. Буни Росулulloҳ ﷺ ҳузурига бир яҳудийни ўлдириб кўйган мусулмонни олиб келинганида уни қатл қилгани ҳақидаги ривоят қувватлайди», деб тушунишди. Бундай турлича тушуниш сабабли битта ҳукм ҳақидаги раъй турлича бўлди. Кўплаб оят ва ҳадислар ҳақида шундай бўлди. Битта ҳукм ҳақида раъйларнинг турлича бўлиши мусулмондан улардан бирини олишни талаб қилади. Чунки уларнинг ҳаммаси шаръий ҳукмлардир. Аллоҳнинг битта шахс ҳақидаги ҳукми эса бир нечта бўлмайди. Шунинг учун битта ҳукмни тайин қилиб олиш зарур. Шунга асосан мусулмон бирон ишни қилар экан шаръий ишни табанний қилиши лозим ва қочиб қутилиб бўлмайдиган иш бўлиб қолди. Фарз ёки мандуб ёки ҳаром ёки макруҳ ёки мубоҳ бўладими, битта ҳукмга амал қилиш вожиблигининг ўзиёқ муайян ҳукмни табанний қилиш вожиблигини тақозо қилади. Шунинг учун ҳар бир мусулмон бирон ишни қилиш учун ҳукмларни олар экан муайян шаръий ҳукмни табанний қилиши вожиб бўлиб қолди. У мужтаҳид бўладими ёки муқаллидми, халифами ёки бошқасими, бунинг фарқи йўқ. Агар бир муайян ҳукмни табанний қилса бу шаръий ҳукм унинг ҳаққида Аллоҳнинг ҳукми бўлиб қолади ва фақат шу ҳукм бўйича амал қилиши, уни одамларга таълим бериши ва Исломга шу ҳукм бўйича даъват этиши унга мажбурий бўлиб қолади. Чунки мусулмоннинг ҳукми табанний қилишининг маъноси шу ҳукмга амал қилиш, уни бошқаларга таълим бериш ва Ислом ҳукмлари билан фикрларига даъват қилаётган пайтда унга даъват қилишдир. Шунинг учун мусулмон бир муайян ҳукмни табанний қилар экан шу ҳукмнинг айнан ўзи унинг ҳаққида Аллоҳнинг ҳукми бўлиб қолади ва уни тарк қилиши жоиз бўлмайди. Фақат қуйидаги тўрт ҳолатдагина тарк қилиши мумкин: Биринчиси: Унга ўз далилининг заифлиги аён бўлиб қолиши ва ундан кўра кучлироқ далил пайдо бўлиб, шу кучли далил далолат қилган нарса Аллоҳнинг ҳукми эканига ишонч ҳосил қилиши. Бу пайтда ўзи табанний қилган нарсани тарк қилиб, янги раъйни табанний қилиши вожиб бўлиб қолади. Чунки шу янги раъй унинг учун Аллоҳнинг ҳукми бўлиб қолади. Иккинчиси: Гумонида бу янги раъйни истинбот борасида ўзидан кўра

оливроқ, далил келтиришда анивроқ ва шариатни атрофлича билувчироқ киши истинбот қилган деган фикр ғолиб бўлиши. Бу пайтда ўзи табанний қилган нарсани тарк қилиб, бошқасини табанний қилиши жоиз. Бунга далил кибор саҳобалардан собит бўлган ишдир. Улар ўз раъйларини тарк қилиб, бошқаларнинг раъйини олишар эди. Масалан Абу Бакр ўзининг раъйини тарк қилиб, Алининг раъйини олди. Умар ҳам ўзининг раъйини тарк қилиб, Алининг раъйини олди. Учинчиси: Мусулмонларни битта раъй атрофига бирлаштириш мақсад қилиниши. Бу ҳолатда мусулмон ўзи табанний қилган раъйни тарк қилиб, мусулмонларни бирлаштириш мақсад қилинган раъйни табанний қилиши жоиз бўлади. Бунга далил Усмондан собит бўлган ушбу ҳодисадир. Усмон одамлардан Аллоҳ Китоби ва Росули Суннати ҳамда Пайғамбар ﷺ дан кейин Абу Бакр ва Умар раъйи асосида байъат олинишини қабул қилди. Саҳобалар буни маъқулладилар. Усмон ўзи табанний қилган нарсани тарк қилиб, Абу Бакр ва Умар табанний қилган нарсани табанний қилди. Тўртинчиси: Унинг ижтиҳоди олиб борган ҳукмга хилоф бўлган ҳукмнинг халифа томонидан табанний қилиниши. Бундай ҳолатда ўз ижтиҳоди олиб борган нарсга амал қилишни тарк қилиб, имом табанний қилган ҳукмга амал қилиши вожиб бўлади. Чунки саҳобалар «имомнинг амри ихтилофни кўтаради» ва унинг амри ҳамма мусулмонларга ўтади, деб ижмо қилганлар. Демак мана шу тўрт ҳолатда мусулмон ўзи табанний қилган нарсани тарк қилиб, бошқасини табанний қилади. Шу тўрт ҳолатдан бошқасида ўзи табанний қилган нарсани тарк қилиши мутлақо жоиз эмас. Чунки шариатда ҳар бир шахс ва ҳар бир мусулмонга ўзи ижтиҳод ёки тақлид билан етадиган нарсани табанний қилиши буюрилган. Уни табанний қилса унга амал қилиши мажбурий бўлиб қолади. Фақат шаръий далил билан истисно қилинган ҳолатлардагина тарк қилиши жоиз.

Бу ҳар бир шахсининг ўз алоқаларини ўзи тартибга солишига нисбатан шундай. Аммо халифа томонидан Уммат ишларини бошқарилишига, унинг салтанат вазифаларини адо этишига ва Аллоҳ ҳукмларини одамларга ижро қилишига нисбатан айтадиган бўлсак, унинг муайян ҳукмларни табанний қилиши зарурлигида ҳеч шубҳа йўқ. Халифа одамлар ишларини шу ҳукмларга мувофиқ бошқаради. Халифа закот, солиқлар, хирож, ташқи алоқалар каби ва давлат билан ҳукм бирлигига

тааллуқли бўлган барча нарсалар каби ҳамма мусулмонларга умумий бўлган ҳукм ва салтанат ишлари бўйича муайян ҳукмларни табанний қилиши зарур. Бу ҳолатларда халифанинг табанний қилиши жоиз эмас, вожиб бўлади. Чунки у халифа амалга оширадиган ишларга нисбатан лозим ишдир. Ўзининг ҳамма ишларини ўзи ҳаққида Аллоҳ ҳукми бўлган муайян ҳукмга мувофиқ юритиши мажбурий бўлган мусулмон деган эътибор билан лозим ишдир. Бунда хос ишлар билан омма ишлари ўртасида фарқ йўқ. Ҳокимият ва салтанат ишларига нисбатан айтадиган бўлсак, улар ишларни бошқаришдан иборат аслий ишлар сирасига киради. Бундай ишлар битта муайян ҳукмга мувофиқ юритилиши зарур. Давлат бирлигига тааллуқли нарсаларга нисбатан айтадиган бўлсак, халифа битта муайян ҳукмга мувофиқ иш юритиши вожиб. Чунки давлат бирлиги фарздир. Давлат бирлигига олиб борадиган барча иш фарздир. Шунинг учун давлат бирлигига тааллуқли барча нарсага оид битта ҳукми табанний қилиш жоиз эмас, вожибдир. Аммо булардан бошқасида халифа муайян ҳукмларни табанний қилиб, одамларга шу ҳукмларга амал қилишни буюриши ҳам ва табанний қилмаслиги ҳам жоиз. Бунда ўзи мусулмонларга фойдалироқ, Исломни ёйиш ва унинг ҳукмларини таълим бериш учун кучлироқ, адолатли ҳукм ва салтанатнинг қувватланиши учун яхшироқ, деб билган нарсаларини қилади. Абу Бакр шаръий ҳукмларни табанний қилиб одамларга шу ҳукмларга амал қилишни буюрди. Ундан кейин Умар, Усмон ва Али ҳам ҳукмларни табанний қилиб, одамларга шу ҳукмларга амал қилишни буюрдилар. Саҳобалар бунга сукут қилдилар. Улардан биронтасининг ҳукмларни табанний қилишга ва одамларга шу ҳукмларга амал қилишни, ўзлари табанний қилган ҳукмларга амал қилишни тўхтатишни буюришга қарши чиққани ҳечам эшитилмаган. Ваҳоланки одамлар ўзлари табанний қилган ҳукмлар улар учун Аллоҳ ҳукмлари бўлиб, уларга бу ҳукмларни тарқ қилишни буюриш инкор қилиб, қарши чиқиладиган нарсалардан эди. Лекин саҳобалар бунга қарши чиқмадилар. Шунинг учун бу халифанинг муайян ҳукмларни табанний қилишига ва одамларга шу ҳукмларга амал қилишни буюришига саҳобалар томонидан қилинган ижмо бўлди. Шунинг учун агар халифа муайян ҳукмларни табанний қилса – бу ҳукмлар табанний қилиш халифага вожиб бўладиган нарсалар сирасига кирадими ёки жоиз бўлган нарсалар сирасига кирадими, бунинг фарқи

йўқ – ҳар бир фуқаро мусулмонга шу ҳукмга амал қилиши ва илгари ўзи табанний қилган ҳукмга амал қилишни тўхтатиши вожиб бўлади. Чунки халифа табанний қилган нарса фуқаро учун амал қиладиган Аллоҳ ҳукми бўлиб қолади. Шунинг учун бу ҳукмнинг хилофига амал қилиши ҳалол бўлмайди. Аксинча фақат мана шу ҳукмгагина амал қилиши вожиб бўлади. Гарчи бу ҳукм ўзининг раъйига хилоф бўлса ҳам ва ўзининг назарида бу ҳукмнинг далили заиф бўлса ҳам унга амал қилиши вожиб бўлади. Саҳобаларнинг имом муайян ҳукмларни табанний қилиб, уларга амал қилишга буюришига ва мусулмонлар гарчи бу ҳукмлар ўзларининг ижтиҳодларига хилоф келса ҳам уларга итоат қилишлари вожиблигига ижмо қилганлари бунга далилдир. Бу тўғридаги машҳур ижмолар қуйидагилардир: **«Султон юз берадиган мушкулотларга қараб, янги ҳукмларни чиқариш ҳуқуқига эга», «имомнинг амри ихтилофни кўтаради», «имомнинг амри зоҳирда ҳам ботинда ҳам ўтувчидир».** Зоҳирдагиси кишининг давлатга итоат қилиши учун ўзи билан одамлар ўртасидаги нарса бўлса, ботиндагиси ўзи билан Аллоҳ ўртасидаги нарсадир. Чунки имом табанний қилган нарса мусулмон киши учун амал қилиш лозим бўлган Аллоҳ ҳукми бўлиб қолади. Лекин одамларнинг имом амрига бўйсунилари, у табанний қилган ҳукмларга амал қилишлари ва ўзларининг раъйларига ва табанний қилган нарсаларига амал қилишни тарк қилишлари лозимлиги имом табанний қилган нарсани табанний қилиш деб ҳисобланмайди, аксинча у имом амрига бўйсунил ва у табанний қилган нарсани амалда бажаришдир, имом табанний қилган нарсани табанний қилиш эмас. Шунинг учун ҳар қайси мусулмон ўзи табанний қилган ҳукмларни таълим бериши ва Исломга даъват қилган пайтда шу ҳукмларга даъват қилиши жоиз бўлади. Гарчи бу ҳукмлар имом табанний қилган нарсага хилоф бўлса ҳам. Чунки саҳобалар халифа табанний қилган нарсага амал қилиш лозимлигига ижмо қилдилар, таълим ва даъватга эмас. Демак ижмо фақат амал қилишга тегишли бўлди. Шунинг учун Абу Бакр молни мусулмонларга уларнинг Исломга киришганига анча бўлгани ёки янги кирганидан қатъий назар баб-баробар тақсимлаган пайтда Умарнинг бошқача раъйда бўлганини кўрамиз. Чунки у кишининг анча олдин Исломга кирганини ва имтиҳонга учраганини эътиборга олиш зарур деган раъйда эди ва бу тўғрида Абу Бакр билан баҳслашган эди. Лекин шунга қарамай Абу Бакр табанний қилган нарсага

бўйсунди. Аммо ўз раъйини табанний қилишни давом эттирди. Шунинг учун халифаликни зиммасига олган пайтда Абу Бакр раъйига амал қилишни бекор қилди ва ўз раъйи билан иш юритди. Демак мусулмоннинг бир раъйни табанний қилиши билан халифа табанний қилган нарсага бўйсунуши ўртасида фарқ бор. Чунки халифа табанний қилган нарсага бўйсунуши унга амал қилиш лозимлигидир, холос. Лекин унга даъват қилиш ва уни таълим бериш эмас. Раъйни табанний қилиш эса уни таълим бериш, унга даъват қилиш ва унга амал қилишдир. Шунинг учун халифа табанний қиладиган нарсага хилоф бўлган раъйларни табанний қиладиган сиёсий уюшмаларнинг, яъни хизмларнинг бўлишига йўл берилади. Лекин бу хизмларнинг ҳаммаси бошқа мусулмонлар каби фақат халифа табанний қилган нарсага амал қилиши лозим.

Лекин халифа шаръий ҳукмларни табанний қилар экан, фақат шаръий ижтиҳод билан истинбот қилинган шаръий ҳукм сифатида бир муайян раъйни ихтиёр қилиб танлайди, холос. Ўзи томонидан бўлган бир ҳукмни шаръий ҳукм қилиб кўймайди. Чунки шаръий ҳукм қилиб қўядиган Зот ёлғиз Аллоҳдир. Демак халифа шариат ва шаръий ҳукмлар доирасида иш олиб боради. Чунки унга байъат беришда Китоб ва Суннатга амал қилиши шарт қилинади. Чунки у гарчи халифа бўлса ҳам, бир мусулмон сифатида Аллоҳнинг буйруқ ва қайтарувлари доирасида иш юритиши, шаръий ҳукмлар чегарасида тўхташи вожибдир. Бу шаръий ҳукмлардан четга чиқиши ҳечам ҳалол бўлмайди. Демак унинг исломий шариатдан бўлмаган биттагина ҳукмни олиб қилиши ҳам ҳалол бўлмайди. Чунки Росулulloҳ ﷺ:

«مَنْ عَمِلَ عَمَلًا لَيْسَ عَلَيْهِ أَمْرُنَا فَهُوَ رَدٌّ»

«Кимки бизнинг ишимиздан бўлмаган бир амални қилса у рад қилинади», деб очиқ айтиб кўйдилар. Муслим ривояти. Шунинг учун имомнинг ҳалолни ҳаром қилишга ёки ҳаромни ҳалол қилишга, бирон ҳукмни бекор қилишга ёки бирон ҳукмга амал қилишни тўхтатиб кўйишга ҳечам ҳаққи йўқ. Бундай қилиши ҳалол бўлмайди. Чунки бундай қилиш ҳар бир мусулмонга ҳаром бўлганидек, халифага ҳам ҳаромдир. Мусулмонларнинг манфаати фалон нарсани ҳаром қилишни ва фалон нарсани мубоҳ қилишни тақозо қилди деган баҳона ўтмайди. Чунки Аллоҳ мусулмонлар манфаатини муайян ҳукмлар билан белгилаб кўйган. Шунинг учун агар манфаат бу

хукмлардан бошқасида деб биладиган бўлса, у бу хукмларни насх қилган бўлади. Бу эса мутлақо жоиз эмас. Шунинг учун «мусулмонлар ишларини бошқариш халифага бу ишларни ўз ижтиҳоди билан билганича юритиш ҳукуқини беради», деган гап кетмайди. Чунки Аллоҳ халифага мусулмонлар ишларини Китоб ва Суннат, яъни шаръий хукмлар билан бошқариш ва шу шаръий хукмлар доирасида ижтиҳод қилиш ҳукуқини берган. Демак у фаръий (иккинчи даражали) ишларда ижтиҳод қилади. Фаръий ишларнинг асосларида умумий насс келган бўлади. Лекин бу ишларнинг ўзида насс келмаган бўлади. Шунинг учун халифа ўзи яхшироқ ва фойдалироқ деб биладиган нарсани танлашда ижтиҳод қилади. Аммо Аллоҳ хукми келган нарсада халифанинг ижтиҳод қилишига ҳечам ўрин йўқ. Аксинча у шаръий хукмни қандай бўлса шундай, ҳеч қандай ўзгартириш киритмай ва бузмай ижро қилишга мажбурдир. Тўғри, у бирон амал ҳақида у мубоҳ, лекин муқаррар равишда ёки гумоннинг ғолиб бўлиши билан шариат ҳаром қилган ҳаромга олиб келади, деган раъйда бўлиши мумкин. Масалан бир муайян китобнинг қўлма-қўл юриши одамларнинг ўз динларидан фитналанишига олиб келади ёки одамлар ўртасида фисқу-фужур тарқалишига олиб келади, деб уни ман қилишни буюриши мумкин. Халифа бир амалнинг мубоҳлигини билиши, лекин гумон ғолиблиги билан у шариат йўқ қилишни вожиб қилган азиятга олиб келади деган раъйда бўлиши мумкин. Масалан у товарларни магазинлар олдига қўйиб қўйиш йўловчиларга халақит ёки озор беради, деб бу мубоҳни ман қилиши ва уни қиладиган ҳар бир кишини жазолаши мумкин. Лекин бу ҳалолни ҳаром қилиш эмас, балки: **«ҳаромга олиб борадиган восита ҳаромдир»** деган қоидадан ва **«мубоҳ бўлакларидан ҳар қандай бўлак агар зарарли бўлса ёки зарарга олиб келса ана шу бўлак ҳаромдир, ишнинг ўзи эса мубоҳлигича қолаверади»**, деган қоидадан халифанинг ўзи ёки бошқаси истинбот қилиб, табанний қилган бир шаръий хукмни ижро қилишдир. Бу ҳолатда халифа ана шу ишни қилиши вожиб бўлади. Чунки у қилиш вожиб бўлган шаръий хукмдир. Шунинг учун халифа мубоҳни эмас, ҳаромни ман қилган бўлади. Шунингдек бу ерда бирон иш ёки бирон хукм бўлиб, уни бир неча фаръий ишлар воситасида, яъни аслининг далили умумий келган, лекин ўзи тўғрисида бир хос далил келмаган фаръий ишлар воситасида қилиш мумкин бўлса, бу ҳолатда ана шу восита бўлувчи

фаръий ишларнинг ҳаммаси мубоҳлар жумласидан бўлиб қолади. Бунга мисол қилиб одамларнинг халифа ҳақидаги раъйини ёки уларнинг Шўро мажлисига ўзлари вакил қилган кишилар ҳақидаги раъйларини билишга эришишни келтириш мумкин. Шунинг учун у «сайлов қонуни» деб аталадиган нарсага ўхшайди. Демак фаръий ишларнинг ҳаммаси мубоҳ бўлиб, халифа улардан бирига буюриб, бошқасига буюрмаслиги жоиз. Бу пайтда унга итоат этиш вожиб бўлади. Бу ҳолатда бир мубоҳни вожиб қилган ва бошқа мубоҳни ман қилган бўлмайди. Аксинча бир ҳукми ҳамда шу ҳукмнинг бажарилишига олиб келадиган воситани табанний қилган бўлади. Шунинг учун халифага у табанний қилган ҳукмда ва шу ҳукм ижросига олиб келадиган ишларда итоат этиш вожиб бўлади. Чунки бу ишлар ҳукмга тобедир. Тобе эса ўзи тобе бўлган нарсанинг ҳукмини олади. Идорий қонунлар ва низомларнинг барчаси мана шу қабилдандир. Чунки улар бир мубоҳга амал қилишдир, халифа табанний қилган ҳукмга тобе бўлган нарсаларга амал қилишдир. Унга амал қилиш бошқасини тарк қилишни, яъни ман қилишни тақозо қилади. У худди ҳукмларни табанний қилиш каби бўлиб, бунда халифа шаръий ҳукмлар доирасидан чиқмайди ва бир мубоҳни вожиб қилиб, бошқа мубоҳни ҳаром қилган бўлмайди. Аксинча шариат унга табанний қилиш ҳукуқини берган ҳукмларни ва шу ҳукмлар ижросига олиб келадиган нарсаларни табанний қилган бўлади. Демак ҳаромга ёки озорга олиб келадиган нарсани ман қилиш ва бир неча услублардан бир муайян услубга амал қилиш бўлган мана шу уч ҳолатда халифа шаръий ҳукмлар доирасидан ҳам, ўзига берилган табанний қилиш ҳукуқи доирасидан ҳам чиқиб кетган бўлмайди. Улардан ҳар бирининг ўз шаръий далили бор. Шунга кўра бу ерда халифанинг қайсидир шаръий ҳукми манфаат деган ҳужжат билан ўзгартиришини оклайдиган ҳеч қандай асос йўқ. Аксинча барча нарсалар борасида ҳамма шаръий ҳукмларга тўла амал қилиб, уларнинг доирасидан мутлақо чиқмаслиги вожиб.

Аммо Росулulloҳ ﷺ мусулмонлар ишларини бошқариш учун бир қанча мубоҳларни ҳаром ва ман қилганлар, деган гапга келсак, унда имомнинг мусулмонлар ишларини бошқариш учун шундай қилиши жоизлигига ҳеч қандай ҳужжат йўқ. Чунки Росулulloҳ ﷺ шаръий ҳукми олиб

келувчидир. Шунинг учун агар бирон мубоҳ ҳукми ҳаром ёки бирон ҳаром ҳукми мубоҳ қилган бўлсалар, демак уни мансук қилган бўладилар. Мансук қилиш эса Китоб ва Суннатга, яъни Қуръон ва ҳадисга хос бўлиб, пайғамбардан бошқанинг бунга мутлақо ҳаққи йўқ. Энди Пайғамбар ﷺнинг мубоҳ нарсадан муайян нарсаларни ман қилганига келсак, ўша нарса Аллоҳ ҳаром қилган бирон озорга ёки ҳаромга олиб келувчи бўлган бўлади. Бу эса ишларни бошқариш сирасига кирмайди, балки бизга шаръий ҳукми йўлга қўйиб беришдир. Демак ишларни бошқариш ва манфаат деган ҳужжат билан имомга ҳукмларни ўзгартириш ҳуқуқини беришга бу далил қилиб олинмайди. Росулulloҳ ﷺнинг баъзи ишларини кўриб чиқиш билан бу нарса аниқ аён бўлади. Жумладан:

1 – Ривоят қилинишича, Табук ғазотида Росулulloҳ ﷺ Ҳажар (Мадина ва Шом ўртасидаги водий) яқинидан ўтиб қолдилар. Одамлар у ерга тушиб, унинг қудуғидан сув олишаётган эди. Улар кечки пайт қайтишгач Росулulloҳ ﷺ:

«لَا تَشْرَبُوا مِنْ مَائِهَا شَيْئًا وَلَا تَتَوَضَّأُوا مِنْهُ لِلصَّلَاةِ، وَمَا كَانَ مِنْ عَجِينِ عَبْتَمُوهُ فَأَعْلِفُوهُ الْإِبِلَ وَلَا تَأْكُلُوا مِنْهُ شَيْئًا، وَلَا يَخْرُجَنَّ أَحَدٌ مِنْكُمْ اللَّيْلَةَ إِلَّا وَمَعَهُ صَاحِبٌ لَهُ»

«Унинг сувидан ичманглар, ундан намоз учун таҳорат олманглар. Ундан хамир қилган бўлсангиз, уни туяларга ем қилиб беринглар, ундан ҳеч нарса еманглар. Бирон тангиз кечаси ҳамроҳсиз чиқмангиз», дедилар. Буни Табароний «тарих»ида ривоят қилди. Бу мисолдан Росулulloҳ ﷺ бир мубоҳ нарсани истеъмол қилишдан қайтаргани кўриниб турибди. Демак Пайғамбаримиз ﷺ бир мубоҳ нарсани ҳаром қилган бўлиб чиқади. Аслида эса бу ҳодисанинг воқеси бошқачадир. Унинг воқеси шуки, Росулulloҳ ﷺ мубоҳ ҳукмдан ва мубоҳ нарсадан эмас, балки мубоҳ нарсдаги муайян нарсадан қайтардилар. Бу муайян нарсанинг бир зарарга олиб келиши муқаррар эди. Шу боис бу зарарга тушиб қолишни ҳаром қилиб насс келган эди. Демак ана шу қудуқдан сув ичиш аниқ зарарга олиб келишини Росулulloҳ ﷺ билганлар. Демак Росулulloҳ ﷺ қилган иш мубоҳни ҳаром қилиш эмас, балки шариат ҳаром қилган зарарга олиб келувчи нарсани ҳаром қилиш бўлиб чиқади. Зарар эса қўшиннинг

азиятга учраши эди. Шунингдек Пайғамбаримиз ﷺнинг ёлғиз чиқишдан қайтарганлари ҳам мубоҳ ишдаги бир муайян ишдан қайтаришдир. Зеро бу муайян иш шариат ҳаром қилган зарарга муқаррар олиб келар эди. Бунга далил шуки, Росулulloх ﷺ буюрган одамлар у киши буюрган нарсаларни қилишди. Фақат бани Соидадан икки киши қилмади. Улардан бири хожати учун чиққан бўлса, иккинчиси туясини излагани чиқди. Ҳожати учун чиққан киши йўлда бўғилиб қолди. Туясини қидириб кетган кишини эса шамол кўтариб Той тоғига улоқтирди. Бу ҳақда Росулulloх ﷺга хабар берилгач, Пайғамбаримиз ﷺ:

«أَلَمْ أَنهَكُمُ أَنْ يَخْرُجَ مِنْكُمْ أَحَدٌ إِلَّا وَمَعَهُ صَاحِبُهُ»

«Ахир сизларни ҳамроҳсиз чиқишдан қайтармовдимми», дедилар. Шундан сўнг Росулulloх ﷺ йўлида дардга учраган киши ҳаққиға дуо қилган эди, у шифо топиб тузалди. Той тоғига тушиб қолган иккинчи кишини эса Тойлик бир киши Росулulloх ﷺ Мадинага келган пайтда Пайғамбаримиз ﷺга ҳадя қилди. Бунга яна бир далил шуки, Росулulloх ﷺ Ҳажар яқинидан ўтаётиб кийимини юзига ёпиб олди ва туясини тезлатиб бундай дедилар:

«لَا تَدْخُلُوا بُيُوتَ الَّذِينَ ظَلَمُوا إِلَّا وَأَنْتُمْ بَاكُونَ خَوْفًا أَنْ يُصِيبَكُمْ مِثْلُ مَا أَصَابَهُمْ»

«Зулм қилган кимсаларнинг уйларига кирманглар. Агар кирсангиз уларнинг бошига тушган мусибатга ўхшаш мусибат сизга ҳам тушиб қолишидан қўрқиб йиғлаган ҳолда киринглар».

Шу ўринда мубоҳ феълдаги бир муайян феълни ҳаром қилиш билан мубоҳ феълнинг ўзини ҳаром қилиш ўртасидаги ёки мубоҳ нарсандаги бир муайян нарсани ҳаром қилиш билан мубоҳ нарсанинг ўзини ҳаром қилиш ўртасидаги фарқни мулоҳаза қилиш лозим бўлади. Мубоҳ феълни ҳаром қилиш шундай бўладикки, бу феълни шариат мубоҳ қилган бўлади. Шунда ҳоким ундан зарар бўляпти деган ҳужжат билан уни ҳаром қилади. Масалан хориждан товар келтиришни олайлик. Уни шариат мубоҳ қилган. Шунда ҳоким товар келтиришнинг мубоҳлиги саноат корхоналарининг зарар кўришига сабаб бўляпти деган раъйга келади-да, уни ҳаром қилади. Мана шу мубоҳ феълни ҳаром қилишдир. Бу эса ҳокимга мутлақо жоиз эмас. Чунки шариат уни мубоҳ қилган пайтда унинг фойдали

ёки зарарли эканини биларди. Шариат унга мубохлик ҳукмини берган экан, демак уни ҳаром қилиш ҳеч дуруст бўлмайди. Чунки бундай қилиш шариат ҳукмини мансух қилиш бўлади. Бу эса мутлақо ботилдир. Аммо мубох феълдаги бир муайян феълни ҳаром қилишга келсак, у шундай бўладики, шу мубохтаги ишлардан бири шариат ҳаром қилган зарарга олиб келадиган бўлиб қолади. Шунда ҳоким ана шу зарарни йўқотиш учун бу ишни ҳаром қилиш фикрига тушади. Масалан шакарни импорт қилиб олиб келишни олайлик. Ҳоким уни импорт қилиб келтириш юртдаги шакар корхоналарининг банкрот бўлишига ва ёпилишига олиб келади ва шакар олиб келишда юртни кофирларга муҳтож қилиб қўяди деган фикрга келади. Мана шу пайтда ҳокимнинг бутун Умматдан зарарни даф этиш, яъни Умматнинг зарур нарсаларда кофирларга муҳтож бўлиб қолишини даф этиш учун шакар импортини ман қилиши жоиз бўлади. Мана шу ҳолатда бу мубох ишни ман қилиши жоиз бўлади ва бу мубохни ҳаром қилиш бўлмайди. Аксинча мубох, яъни импорт қилиб келтириш мубохлигича қолаверади. Шунинг учун у мубохни ҳаром қилиш бўлмайди, аксинча мубох ишдаги бир мубох ишни ҳаром қилиш бўлади. Бу ҳаром қилиш Росулulloҳ ﷺнинг бир муайян қудукдан сув ичишни ҳаром қилганига ўхшайди. Пайғамбаримиз ﷺ ўша қудукда зарар борлигини билдилар. Демак Пайғамбаримиз ﷺ бир мубохни, яъни сувни ҳаром қилмадилар, балки мубохтаги бир муайян ишни, яъни ана шу қудукдан ичишни ҳаром қилдилар. Шунинг учун мубох ишдаги бир мубох ишни ҳаром қилиш жоиз бўлди. Аммо мубох ишнинг ўзини ҳаром қилиш мутлақо жоиз эмас.

2 – Ривоят қилинишича, Росулulloҳ ﷺ Табукдан қайтаётиб ўзидан олдин йўлдаги сувга етиб борган кишиларнинг то ўзи етиб келмагунича ундан ичишларини ман қилдилар. Бир гуруҳ мунофиқлар олдинроқ етиб бориб ўша сувдан ичишди. Росулulloҳ ﷺ етиб келиб, олдинроқ келган ўша кимсаларнинг сувни ичиб қўйишганини кўрди ва сув топмади. Шунда Пайғамбаримиз ﷺ ўша олдин етиб келиб, сувни ичиб қўйган кимсаларни лаънатлади. Бу ҳам мубох нарса жумласидан бўлган, лекин зарарга олиб келадиган бир муайян нарсани ман қилишдир. Зарар – саҳрода сувга ўта қаттиқ эҳтиёж бўла туриб, сувнинг бир қисмига яқка ўзлари эга бўлиб олиб, қолган аскарларни ундан маҳрум қилиш эди. Шунинг учун бу

ишларни бошқариш деган ҳужжат билан мубоҳ нарсани ҳаром қилиш бўлмайди.

3 – Муслим Амр ибн Шариддан, у отасидан ривоят қилишича, Сакиф вакиллари ичида мохов касали билан оғриган бир киши бор эди. Набий ﷺ унга:

«إِنَّا قَدْ بَايَعْنَاكَ فَارْجِعْ»

«**Биз сендан байъат олиб бўлдик, қайтавер**», деб хабар юбордилар ва уни одамларга аралашидан ман қилдилар. Бу мубоҳни ҳаром қилиш эмас, балки азиятга олиб келадиган ишни ҳаром қилишдир. Шунинг учун бошқа бир ҳадисда:

«فِرٌّ مِنَ الْمَجْدُومِ فِرَارَكَ مِنَ الْأَسَدِ»

«**Моховдан арслондан қочгандек қоч**», деган сўзлар келган. Бу ҳадисни Аҳмад Абу Хурайрадан ривоят қилди.

Шундай қилиб бу тўғрида ҳужжат қилиб келтириладиган Росулуллоҳ ﷺнинг ҳадисини кўздан кечирилса, унда мубоҳ нарсани ҳаром қилиш йўқлиги, аксинча мубоҳ нарсадаги бир муайян нарсани ҳаром қилиш борлиги, бу муайян нарса шариат ҳаром қилган зарарга олиб келиши аён бўлади. Шунинг учун бу имомнинг мубоҳ нарсалардаги муайян нарсаларни ва мубоҳ ишлардаги муайян ишларни – агар бу нарса ва ишлар шариат ман қилган зарарга олиб келадиган бўлса – ман қилиш ҳуқуқига эга эканлигига далил бўлади. Аммо саҳобалардан ривоят қилинган ҳодисаларга келсак, уларнинг ҳаммасини кўриб чиқиладиган бўлса, улар шариат ман қилган ҳаромга ёки зарарга олиб келадиган мубоҳни ҳаром қилиш эканлиги кўзга ташланади. Уларнинг орасида бир шаръий ҳукмни ёки шариат буюрган бир ишни адо этиш учун мубоҳ ишни лозим қилиб, бошқасини ман қилиб қўйилган ҳодисалар бор бўлиб, бу услубларни табанний қилиш қабилидаги ишдир ва у имомга жоиздир. Бунга мисол қилиб Умар томонидан девонлар тузилганини, Усмон томонидан битта мусҳаф қолишини лозим қилиб қўйилгани, бошқа ҳамма мусҳафлар ёқиб юборилганини келтириш мумкин. Умарнинг саҳобаларга – ҳадис билан машғул бўлишиб, Қуръонга вақтлари қолмаётгани учун – ҳадис билан шуғулланишни қамайтиришни лозим иш қилиб қўйгани, қибора саҳобаларни – одамлар улар билан фитналаниб қолмаслиги учун ва ҳатто ўзлари ҳам дунё билан фитналаниб қолмасликлари учун – Мадинадан чиқиб фатҳ қилинган

мамлакатларга боришдан ман қилиши ҳам шу қабилдаги ишдир. Шунингдек волийлар, ҳокимлар ва халифаларнинг новвойларга ҳамирга тер оқиб тушмаслиги учун пешонасига дурра боғлаб олишни, бурнидан ҳамирга бирон нарса тушмаслиги учун бурнига ҳам бир парча мато ўраб олишни, қўлтиғидан ҳамирга бирон нарса тушмаслиги учун қўлтиғидаги тукларни тозалашни мажбурий қилиб қўйиши ва бошқалар фикҳ китобларида келган нарсалардан бўлиб, уларнинг ҳаммаси: «**ҳаромга олиб борадиган восита ҳаром**», деган қоида ва: «**аниқ зарарга олиб борадиган ҳар бир муайян нарса ҳаромдир**», деган қоида остига киради. Уларда халифанинг манфаат ёки ишларни бошқариш деган ҳужжат билан мубоҳни ҳаром қилиши ёки ҳаромни мубоҳ қилиши жоизлигига далолат қиладиган ҳеч нарса йўқ. Шунга кўра ажнабий тушунчадаги қонунлар модомики халифанинг бир шаръий ҳукми табанний қилиб, шу ҳукми мажбурий қилиб қўйишдаги амри эмас экан, бу қонунларга итоат қилиш вожиб эмас. Чунки қонунлар халифа табанний қилган шаръий ҳукмлар бўлади, улардан бошқаси қонун бўлмайди. Лекин халифа шаръий ҳукмларни ёки шаръан талаб қилинадиган амал ва ишларни адо этиш учун ўзи лозим кўрадиган қоидаларга буюриши мумкин. Булар идорий қонунлар ва идорий низомлар кабилардир. Бу эса услубларни табанний қилиш ҳисобланади ва ҳукмларни табанний қилишга тобе бўлади. Бу қонунларга итоат қилиш вожиб. Чунки уларни халифа табанний қилган ва улар Аллоҳ Таолонинг:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا أَطِيعُوا اللَّهَ وَأَطِيعُوا الرَّسُولَ وَأُولِي الْأَمْرِ مِنْكُمْ

«**Эй мўминлар, Аллоҳга итоат қилингиз, ва пайғамбарга ҳамда ўзларингиздан бўлган (яъни мусулмон) ҳокимларга бўйинсунингиз!**»

[Нисо: 59]

деган қавли остига киради. Итоат қилиш лафзи умумий келгани учун шариат ман қилмаган ҳар бир нарсани ўз ичига олади.

Жиход

Жиход – Аллоҳ йўлидаги жангда бор кучини бевосита сарфлаш ёки мол ёки раъй ёки одам сонини кўпайтириш ёки бошқа нарсалар билан ёрдам беришдир. Демак Аллоҳ калимасини олий қилиш учун қилинадиган жанг жиходдир. Аллоҳ йўлида раъй билан жиход қилиш шуки, агар раъй бевосита Аллоҳ йўлидаги жангга тааллуқли бўлса, у жиходдир. Агар бевосита тааллуқли бўлмаса шаръий жиход бўлмайди. Гарчи унда машаққатлар бўлса ҳам, гарчи унинг натижасида Аллоҳ калимасини олий қилиш учун фойдалар келиб чиқса ҳам шаръий жиход ҳисобланмайди. Чунки шаръий жиход фақат жангга хос бўлиб, унга жангга бевосита алоқадор барча нарсалар киради. Масалан ёзувчилик ва хитоб раъйини олайлик. Агар хитоб жангга бевосита тааллуқли бўлса – масалан армияни жангга ғайратлантириш учун қилинган хитоб ёки душманларга қарши жанг қилишга ундовчи мақола каби – бундай раъй жиходдир. Акс ҳолда жиход ҳисобланмайди. Шунга кўра сиёсий кураш ва мусулмонларнинг золим ҳокимларига қарши туришни жиход деб аталмайди. Гарчи бунинг савоби катта ва мусулмонлар учун фойдаси улкан бўлса ҳам. Чунки бу ердаги масала машаққат ёки фойда эмас. Аксинча масала шу калиманинг шаръий маъносидир. Шаръий маъно эса жанг қилиш ва жангга алоқадор барча раъй, хитоб, ёзишма, хийла ва бошқа нарсалардир.

Жиходга сабаб жизя олиш эмас. Гарчи биз жизяни олган пайтимизда душманларга қарши жанг қилишни тўхтатсак ҳам. Аксинча жиходга сабаб биз жанг қиладиган кимсаларнинг даъватни қабул қилишдан бош тортган кофирлар эканидир. Аллоҳ Таоло деди:

قَاتِلُوا الَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَلَا بِالْيَوْمِ الْآخِرِ وَلَا يُحَرِّمُونَ مَا حَرَّمَ اللَّهُ وَرَسُولُهُ وَلَا يَدِينُونَ دِينَ الْحَقِّ مِنَ الَّذِينَ أُوتُوا الْكِتَابَ حَتَّى يُعْطُوا الْجِزْيَةَ عَنْ يَدٍ وَهُمْ صَاغِرُونَ

«Аллоҳга ва охират кунига ишонмайдиган, Аллоҳ ва Унинг пайгамбари ҳаром деган нарсани ҳаром деб билмайдиган, Ҳақ (яъни Ислому) динига эътиқод қилмайдиган ахли китоблардан иборат бўлган кимсаларга қарши то улар хорланган (мағлуб) ҳолларида ўз қўллари билан жизя тўламагунларича, жанг қилингиз!» [Тавба: 29]

Демак уларда куфр сифати борлиги учун уларга қарши жанг қилиш буюрилди. Яъни уларга қарши жанг қилинганлар, чунки улар Аллоҳга ва охират кунига имон келтиришмайди... деган

маънода буюрилди. Мана шу сифат жангни белгилаб беради ва жиходга сабаб бўлади. Демак жанг қилишга сабаб куфрдир. Бошқа оятда шундай дейилган:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا قَاتِلُوا الَّذِينَ يَلُونَكُمْ مِنَ الْكُفَّارِ وَلْيَجِدُوا فِيكُمْ غِلظَةً

«Эй мўминлар, ёнларингиздаги кофирларга қарши жанг қилинглр ва улар сизлардаги куч-қувватни кўришсин!» [Тавба: 123]

Демак Аллоҳ улардаги куфр сифатига қарши жанг қилишга буюрди. Бундай оятлар кўп. Масалан:

فَقَاتِلُوا أَوْلِيَاءَ الشَّيْطَانِ

«Бас, шайтоннинг дўстларига қарши жанг қилинглр!» [Нисо: 76]

فَقَاتِلُوا أَيْمَةَ الْكُفْرِ

«Куфр етакчиларига қарши жанг қилинглр!» [Тавба: 12]

وَقَاتِلُوا الْمُشْرِكِينَ كَاقَّةٍ

«Барчанглр мушрикларга қарши жанг қилинглр!» [Тавба: 36]

Бу оятларнинг ҳаммасида Аллоҳ жанг сабабчиси бўлган муайян сифатга, яъни куфрга қарши жанг қилишга буюрди. Аммо кофирларнинг хорларча жизя беришига келсак, Қуръон уни жанг сабаби эмас, жангни тўхтатиш сабаби қилиб қўйди. Шунга асосан жиходга сабаб куфр бўлди. Шунинг учун агар биз жанг қиладиган кимсалар даъватни қабул қилишса мусулмон бўладилар. Агар Исломни қабул қилишдан бош тортишса, лекин жизя тўлашга ва Ислом ҳукмлари билан бошқарилишга рози бўлишса, бу улардан қабул қилинади ва уларга қарши жанг қилиш тўхтатилади. Чунки уларни Исломни қабул қилишга мажбурлаш жоиз эмас. Модомики улар Ислом билан ҳукм юритилишини қабул қилиб, жизя тўлашга рози бўлишар экан – гарчи Исломни қабул қилишмаган бўлса ҳам – даъватга бўйсунилган бўлади. Шунинг учун уларга қарши жанг қилиш жоиз бўлмайди. Аммо агар жизя тўлашни қабул қилишсаю, лекин Ислом билан бошқарилишдан бош тортишадиган бўлса, бу ҳолда халифанинг буни улардан қабул қилиши жоиз бўлмайди. Чунки жанг сабаби уларнинг даъватни қабул қилишдан бош тортган кофирлар эканлиги эди. Бу ҳолатда мана шу сабаб ҳамон мавжуд бўлиб турган бўлади. Демак уларга қарши жанг қилиш фарз бўлиб қолаверади, унинг фарзлиги мусулмонлардан соқит бўлмайди. Аммо ташқи ва ички вазиятлар ноқулай бўлгани боис халифа жизяни қабул қилишга ва кофирларни ўзларига куфр низоми билан ҳукм юритишларига қўйиб беришга мажбур бўладиган шартномаларга келсак, бу зарур ҳолатларда шарият рухсат

берган мажбурий ҳолатдир. Шунга кўра жиҳод сабаби биз жанг қиладиган кимсаларнинг даъватни қабул қилишдан бош тортган кофирлар эканидир. Жиҳод учун бундан бошқа сабаб йўқ. Кофирларнинг хорларча жизя бериши жангни тўхтатишга сабаб эканига келсак, жизяни араб мушрикларидан бошқалардан олинади. Араб мушрикларидан эса жизя қабул қилинмайди. Улар ё Исломга киради ёки уларга қарши жанг қилинади. Бунга далил Аллоҳ Таолонинг ушбу қавлидир:

نَقَاتِلُوهُمْ أَوْ يُسَلِّمُونَ

«(Ўшанда ё) улар билан уришасизлар, ёки улар (жанг-жадалсиз) Исломга кирадилар» [Фатҳ: 16]

Жиҳод Куръон ва ҳадис насси билан фарздир. Аллоҳ Таоло деди:

وَقَاتِلُوهُمْ حَتَّى لَا تَكُونَ فِتْنَةٌ وَيَكُونَ الدِّينُ لِلَّهِ

«То фитна тугаб, бутун дин Аллоҳ учун бўлгунга қадар улар билан урушингиз!» [Бақара: 193]

قَاتِلُوا الَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَلَا بِالْيَوْمِ الْآخِرِ وَلَا يُحَرِّمُونَ مَا حَرَّمَ اللَّهُ وَرَسُولُهُ وَلَا يَدِينُونَ دِينَ الْحَقِّ مِنَ الَّذِينَ أُوتُوا الْكِتَابَ حَتَّى يُعْطُوا الْجِزْيَةَ عَنْ يَدٍ وَهُمْ صَاغِرُونَ

«Аллоҳга ва охират кунига ишонмайдиган, Аллоҳ ва Унинг пайгамбари ҳаром деган нарсани ҳаром деб билмайдиган, Ҳақ (яъни Ислом) динига эътиқод қилмайдиган ахли китоблардан иборат бўлган кимсаларга қарши то улар хорланган (мағлуб) ҳолларида ўз қўллари билан жизя тўламагунларича, жанг қилингиз!» [Тавба: 29]

كُتِبَ عَلَيْكُمُ الْقِتَالُ

«Сизларга жанг қилишингиз фарз қилинди» [Бақара: 216]

إِلَّا تَنْفَرُوا يُعَذِّبْكُمْ عَذَابًا أَلِيمًا

«Агар (жиҳодга) чиқмасангизлар, (Аллоҳ) сизларни аламли азоб билан азоблар» [Тавба: 39]

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا قَاتِلُوا الَّذِينَ يَلُونَكُمْ مِنَ الْكُفَّارِ وَلِيَجِدُوا فِيكُمْ غِلْظَةً

«Эй мўминлар, ёнларингиздаги кофирларга қарши жанг қилинглар ва улар сизлардаги куч-қувватни кўришсин!» [Тавба: 123]

Анасдан ривоят қилинади, Росулуллоҳ ﷺ дедилар:

«جَاهِدُوا الْمُشْرِكِينَ بِأَمْوَالِكُمْ وَأَيْدِيكُمْ وَأَلْسِنَتِكُمْ»

«Мушрикларга қарши молларингиз, қўлларингиз ва тилларингиз билан жиҳод қилинглар». Насоий ривояти. Яна Анасдан ривоят қилинади, Набий ﷺ дедилар:

«لَعْدُوَّةٌ فِي سَبِيلِ اللَّهِ أَوْ رَوْحَةٌ خَيْرٌ مِنَ الدُّنْيَا وَمَا فِيهَا»

«Аллоҳ йўлидаги жиҳодда бир кун тонг оттириш ёки кеч киритиш дунё ва ундаги нарсалардан яхшироқдир». Бухорий ривояти. Анас Набий ﷺнинг шундай деганини ҳам ривоят қилди:

«أُمِرْتُ أَنْ أَقَاتِلَ النَّاسَ حَتَّى يَقُولُوا لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ»

«Мен одамларга қарши то улар Ла илаҳа иллаллоҳ демагунларича жанг қилишга буюрилдим». Имом Аҳмад ва Абу Довуд Анасдан Росулulloҳ ﷺнинг шундай деганини ривоят қилдилар:

«... وَالْجِهَادُ مَا ضَمَّنْهُ بَعَثَنِي اللَّهُ إِلَيَّ أَنْ يُقَاتِلَ آخِرُ أُمَّتِي الدَّجَالَ، لَا يُبْطِلُهُ جَوْرٌ جَائِرٌ، وَلَا عَدْلٌ عَادِلٌ»

«... Жиҳод Аллоҳ мени юборганидан бошлаб то охири Умматим дажжолга қарши жанг қилгунига қадар давом этади. Уни золимнинг зулми ҳам, одилнинг адолати ҳам бекор қилолмайди». Зайд ибн Холиддан ривоят қилинишича, Росулulloҳ ﷺ шундай дедилар:

«مَنْ جَهَّزَ غَزَايَا فِي سَبِيلِ اللَّهِ فَقَدْ غَزَا وَمَنْ خَلَفَهُ فِي أَهْلِهِ بِخَيْرٍ فَقَدْ غَزَا»

«Ким Аллоҳ йўлида бир ғозийни тийёрласа ўзи ҳам ғазот қилибди, унинг ўрнига унинг аҳлига яхшилик билан қараб турган киши ҳам ғазот қилибди». Абу Довуд ривояти. Ато ибн Язид Лайсийдан ривоят қилинишича, Абу Саид Худрий ﷺ унга ушбу ҳадисни айтиб берган: Ё Росулulloҳ, одамларнинг энг афзали ким, дейилганида Росулulloҳ ﷺ:

«مُؤْمِنٌ يُجَاهِدُ فِي سَبِيلِ اللَّهِ بِنَفْسِهِ وَمَالِهِ»

«Аллоҳ йўлида жони ва моли билан жиҳод қиладиган мўмин», деб жавоб бердилар. Бухорий ривояти. Росулulloҳ ﷺ яна дедилар:

«مَنْ مَاتَ وَلَمْ يَغْزُ، وَلَمْ يُحَدِّثْ بِهِ نَفْسَهُ، مَاتَ عَلَى شُعْبَةٍ مِنْ نِفَاقٍ»

«Ким ғазот қилмаган ва буни кўнглига келтирмаган ҳолда ўлса, мунофиқликнинг бир бўлаги билан ўлибди». Муслим ривояти. Ибн Абу Авфодан Росулulloҳ ﷺнинг шундай дегани ривоят қилинди:

«وَاعْلَمُوا أَنَّ الْجَنَّةَ تَحْتَ ظِلِّالِ السُّيُوفِ»

«Билингларки, жаннат қиличлар сояси остидадир». Бухорий ривояти. Абу Ҳурайрадан ривоят қилинади:

«مَرَّ رَجُلٌ مِنْ أَصْحَابِ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ بِشَعْبٍ فِيهِ عَيْنَةٌ مِنْ مَاءٍ عَذْبَةٌ فَأَعَجَبَتْهُ لَطِيئَتُهَا فَقَالَ: لَوْ اعْتَزَلْتُ النَّاسَ فَأَقَمْتُ فِي هَذَا الشَّعْبِ، وَلَنْ أَفْعَلَ حَتَّى أَسْتَأْذِنَ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ فَذَكَرَ ذَلِكَ لِرَسُولِ اللَّهِ فَقَالَ: لَا تَفْعَلْ فَإِنَّ مَقَامَ أَحَدِكُمْ فِي سَبِيلِ اللَّهِ أَفْضَلُ مِنْ صَلَاتِهِ فِي بَيْتِهِ سَبْعِينَ عَامًا»

«Росулulloҳ ﷺ саҳобаларидан бир киши бир дарадан ўтиб қолди. У ерда ширин сувли бир булоқ бор эди. Унинг ширин суви унга ёқиб қолди ва: одамлардан узлатда мана шу дарада яшасаммикин, лекин Росулulloҳ ﷺ дан изн сўрамагунимча бундай қилмайман, деди. Сўнг буни Росулulloҳ ﷺ га айтди. Пайғамбаримиз ﷺ: йўқ, бундай қилма, чунки сизлардан бирингизнинг Аллоҳ йўлидаги (жиходдаги) мақоми уйида етмиш йил намоз ўқиганидан кўра афзалроқдир, дедилар». Термизий ривояти.

Жиходни биринчи бўлиб бошлаш фарзи кифоядир. Душман ҳужум қилган кишиларга фарзи айн бўлиб, улардан бошқаларга фарзи кифоядир. Бу фарз то душман ҳайдаб чиқарилиб, Исломи ери унинг ифлослигидан тозаланмагунча соқит бўлмайди. Жиходни биринчи бўлиб бошлаш фарзи кифоя эканлигининг маъноси, гарчи душман бизга қарши жанг бошламаса ҳам биз унга қарши жанг бошлашимиздир. Шунинг учун бирон замонда мусулмонлардан ҳеч ким биринчи бўлиб жанг бошламаса, уни тарк қилиш сабабли ҳамма гуноҳкор бўлади. Агар Миср аҳли биринчи бўлиб жанг бошласа, бу фарз Индонезия аҳолисидан соқит бўлади. Чунки мусулмонларнинг уруш ҳолатидаги кофирларга қарши жанг қилиши амалда вужудга келиб, жиход фарзи адо бўлган бўлади. Аммо агар мусулмонлар билан кофирлар ўртасида уруш чиқиб, ёлғиз Миср аҳлининг уларга қарши жанг қилиши кифоя қилмаса, Миср ва Ироқ аҳлининг жанг қилишининг ўзи билангина жиход фарзи Ҳиндистон ва Индонезия аҳлидан соқит бўлмайди. Аксинча то кифоя қилгунига қадар душманга яқинроқ жойлашган юрт аҳлига, ундан сўнг бу юртга яқинроқ жойлашган юрт аҳлига фарз бўлади. Агар ҳамма мусулмонлар

жангга кирмагунича бу юртлар аҳлининг жанг қилишининг ўзи кифоя қилмаса, жиҳод то душман енгилмагунигача ҳамма мусулмонларга фарз бўлиб қолади. Жиҳод агар халифа сафарбарлик эълон қилмаса фарзи кифоя бўлади. Аммо сафарбарлик эълон қилса, жиҳод фарзи айн бўлиб қолади. Бунга далил Аллоҳ Таолонинг ушбу қавлидир:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا مَا لَكُمْ إِذَا قِيلَ لَكُمْ افِرُّوا فِي سَبِيلِ اللَّهِ إِذَا قَاتَلْتُمْ إِلَى الْأَرْضِ

«Эй мўминлар, сизларга нима бўлдики, Аллоҳ йўлида (жиҳодда) чиқинглар, дейилса, ўз ерингизга (яъни, юртингизга) ёпишиб олдингиз?!» [Тавба: 38]

Яна бир далил Росулulloҳ ﷺнинг ушбу сўзидир: □

«وَإِذَا اسْتَفْرَّتُمْ فَانْفِرُوا»

«Агар сафарбар қилинсангиз (жиҳодда) кўзғалинглар».

Бухорий ва Муслим ривояти. Исломиё давлатда жиҳоддаги кифояликнинг маъноси бир қавм жиҳодга кўзғалиб, уларнинг жанг қилишининг ўзи кифоя қилишидир. Улар ё жангчилар бўлишадива уларнинг шу мақсад учун махсус ташкилотлари бўлади. Бундай ҳол Умар даврида бўлган эди. Ёки ўзларини жиҳодга кўнгилли равишда тайёрлаган кишилар бўлишади. Бундай ҳол Абу Бакр даврида кузатилган эди. Булар биланми ёки улар биланми ёки уларнинг ҳаммаси биланми – душман уларни нишонга олган пайтда – мустаҳкам ҳимояланиш вужудга келадиган бўлса, жиҳод уларга фарзи кифоя бўлади. Агар уларнинг ўзи билангина мустаҳкам ҳимояланиш вужудга келмайдиган бўлса, халифа бошқаларни ҳам жиҳодга тайёрлайди ва ҳоказо. Жиҳодни биринчи бўлиб бошлашнинг маъноси душманга қарши жангни тўғридан-тўғри бошлаш эмас. Аксинча уни аввало Исломиё даъват қилиш шарт.

Шунинг учун мусулмонларнинг исломиё даъват етиб бормаган кишиларга қарши жанг қилишлари дуруст бўлмайди. Аксинча кофирларни аввало Исломиё даъват қилиш лозим. Бундан бош тортишса жия тўлашлари талаб қилинади. Бундан ҳам бош тортишса уларга қарши жанг қиламиз. Муслим Сулаймон ибн Бурайдадан, у отасидан ривоят қилади:

«كَانَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ إِذَا أَمَرَ أَمِيرًا عَلَى جَيْشٍ أَوْ سَرِيَّةٍ أَوْصَاهُ فِي خَاصَّتِهِ بِتَقْوَى

اللَّهِ وَمَنْ مَعَهُ مِنَ الْمُسْلِمِينَ خَيْرًا ثُمَّ قَالَ: اغْرُزُوا بِسْمِ اللَّهِ فِي سَبِيلِ اللَّهِ، قَاتِلُوا

مَنْ كَفَرَ بِاللَّهِ، اغْرُزُوا وَلَا تَغْلُوا، وَلَا تَغْدِرُوا، وَلَا تَمَثَلُوا، وَلَا تَقْتُلُوا وَلِيدًا، فَإِذَا

لَقِيَتْ عَدُوَّكَ مِنَ الْمُشْرِكِينَ فَادْعُهُمْ إِلَى ثَلَاثِ خِصَالٍ (أَوْ خِلَالٍ). فَأَيَّتَهُنَّ مَا أَجَابُوكَ فَأَقْبَلْ مِنْهُمْ وَكُفَّ عَنْهُمْ. ثُمَّ ادْعُهُمْ إِلَى الْإِسْلَامِ فَإِنْ أَجَابُوكَ فَأَقْبَلْ مِنْهُمْ وَكُفَّ عَنْهُمْ، ثُمَّ ادْعُهُمْ إِلَى التَّحَوُّلِ مِنْ دَارِهِمْ إِلَى دَارِ الْمُهَاجِرِينَ، وَأَخْبِرْهُمْ أَنَّهُمْ إِنْ فَعَلُوا ذَلِكَ فَلَهُمْ مَا لِلْمُهَاجِرِينَ وَعَلَيْهِمْ مَا عَلَى الْمُهَاجِرِينَ. فَإِنْ أَبَوْا أَنْ يَتَحَوَّلُوا مِنْهَا فَأَخْبِرْهُمْ أَنَّهُمْ يَكُونُونَ كَأَعْرَابِ الْمُسْلِمِينَ يَجْرِي عَلَيْهِمْ حُكْمُ اللَّهِ الَّذِي يَجْرِي عَلَى الْمُؤْمِنِينَ، وَلَا يَكُونُ لَهُمْ فِي الْغَنِيمَةِ وَالْفَيْءِ شَيْءٌ إِلَّا أَنْ يُجَاهِدُوا مَعَ الْمُسْلِمِينَ، فَإِنْ هُمْ أَبَوْا فَسَلِّهِمُ الْجَزِيَّةَ، فَإِنْ هُمْ أَجَابُوكَ فَأَقْبَلْ مِنْهُمْ وَكُفَّ عَنْهُمْ. فَإِنْ هُمْ أَبَوْا فَاسْتَعِينِ بِاللَّهِ عَلَيْهِمْ وَقَاتِلِهِمْ»

«Росулulloх ﷺ бирон қўшин ёки сарийяга амир тайин қилсалар унга Аллоҳдан тақво қилишни ва қўл остидаги мусулмонларга яхшилик қилишни васият қилиб, бундай дер эдилар: Аллоҳ йўлида Аллоҳ номи билан ғазот қилинглр. Аллоҳга кофир бўлган кимсаларга қарши жанг қилинглр. Ғазот қилинглр ва ғаниматга хиёнат қилманглр, аҳдни бузманглр, мусла қилманглр (ўликнинг аъзоларини кесманглр), ёш болани ўлдирманглр. Агар мушриклардан иборат душманиннга йўлиқсанг уларни уч нарсага даъват қил. Қайси бирини қабул қилишса сен ҳам улардан буни қабул қил ва улардан тийил. Сўнгра уларни Исломга даъват қил. Қабул қилишса сен ҳам улардан буни қабул қилиб, улардан тийил. Сўнгра уларни ўз диёрларидан муҳожирлар диёрига кўчишга даъват қил, агар шундай қилишса, муҳожирлар учун бўладиган нарса улар учун ҳам бўлишини, муҳожирлар зиммасидаги нарса уларнинг зиммасига ҳам тушишини хабар бер. Агар кўчишдан бош тортишса, улар мусулмон аъробийлар каби бўлишларини, мўминларга жорий қилинадиган Аллоҳ ҳукми уларга ҳам жорий қилинишини, ғанимат ва фой (жангсиз олинган ўлжа)да улар учун ҳеч нарса бўлмаслигини, фақат агар мусулмонлар билан жиҳод қилсаларгина ўлжадан уларга ҳам тегишини хабар бер. Энди агар улар бош тортишса улардан жизя тўлашларини

сўра. Агар қабул қилишса сен ҳам улардан буни қабул қилиб, улардан тийил. Бундан ҳам бош тортишса, уларга қарши Аллоҳдан ёрдам сўра ва уларга қарши жанг қил». Ибн Аббосдан шундай дегани ривоят қилинган:

«مَا قَاتَلَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ قَوْمًا قَطُّ إِلَّا دَعَاهُمْ»

«Росулуллоҳ ﷺ бирон қавмга қарши уларни даъват қилмагунча ҳечам жанг қилмаганлар». Аҳмад ривояти. Фарва ибн Мусайқдан шундай деганлиги ривоят қилинган:

«أَتَيْتَ النَّبِيَّ ﷺ فَقُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ أَلَا أَقَاتِلُ مَنْ أَدْبَرَ مِنْ قَوْمِي بِمَنْ أَقْبَلَ مِنْهُمْ، فَأَذِنَ لِي فِي قِتَالِهِمْ وَأَمَرَنِي، فَلَمَّا خَرَجْتُ مِنْ عِنْدِهِ، سَأَلَ عَنِّي مَا فَعَلَ الْغُطَيْفِيُّ، فَأَخْبِرَ أَنِّي قَدْ سِرْتُ، قَالَ: فَأَرْسَلَ فِي أَثْرِي فَرَدَّنِي فَأَتَيْتَهُ، وَهُوَ فِي نَفَرٍ مِنْ أَصْحَابِهِ، فَقَالَ: ادْعُ الْقَوْمَ فَمَنْ أَسْلَمَ مِنْهُمْ فَأَقْبَلْ مِنْهُ...»

«Мен Набий ﷺ ҳузурига келиб: ё Росулуллоҳ, қавмимнинг имон келтирганлари билан имон келтирмаганларга қарши жанг қилмайми? - дедим. Пайғамбаримиз ﷺ жанг қилишга изн бердилар ва мени амир қилиб тайинладилар. Мен чиқиб кетганимдан сўнг мен ҳақимда: Ғутайфий нима қилди? - деб сўрабдилар. Мени кетганимни айтишгач ортимдан одам юбориб, мени қайтардилар. Келсам Пайғамбаримиз ﷺ бир қанча саҳобалар билан турган экан, менга: қавмни даъват қил, улардан ким Исломга кирса ундан буни қабул қил, дедилар». Термизий ривояти.

Халифа ва жиҳод

Жиҳод мутлақ фарздир. Зеро у ҳеч нарса билан муқайяд бўлмаган ва унга ҳеч нарса шарт қилинмаган. Унинг ҳақида оят мутлақ келган:

كُتِبَ عَلَيْكُمُ الْقِتَالُ

«*Сизларга жанг қилишингиз фарз қилинди*» [Бақара: 216]

Халифанинг бор ёки йўқ бўлишининг жиҳод фарзлигига дахли йўқ. Аксинча жиҳод, мусулмонлар халифаси борми ёки йўқми, бундан қатъий назар фарздир. Лекин мусулмонларнинг шаръан халифалик битими боғланган халифаси бор бўлса ва у бу битимдан бирон сабаб билан чиқмаган бўлса, у ҳолда, модомики у халифа экан, жиҳод иши шу халифага ва унинг ижтиҳодига топширилади. У ҳатто фожир бўлса ҳам – модомики халифалик мансабида қолар экан ва фуқаронинг унинг раъйига итоат қилиши лозим бўлиб қолаверар экан – бу иш унга топширилади. У гарчи мусулмонлардан қайси бирини бир фожир амир билан биргаликда ғазот қилишга буюрса ҳам унинг амрига итоат қилинади. Бунга далил Абу Довуд Абу Ҳурайрадан ривоят қилган ушбу ҳадисдир: Росулulloх ﷺ дедилар:

«الْجِهَادُ وَاجِبٌ عَلَيْكُمْ مَعَ كُلِّ أَمِيرٍ بَرًّا كَانَ أَوْ فَاجِرًا»

«*Яхши бўладими ёки фожир бўладими, ҳар бир амир билан жиҳод қилиш сизларга вожибдир*».

Мусулмонлар халифаси ҳамма вақт шахсан ўзи чиқиши ёки мусулмонлардан иборат армия ва сарийяларни юбориш учун бутун куч-ғайратини сарфлаши лозим. Қолаверса у Аллоҳ Таолонинг нусрат бериш ҳақидаги ваъдасига аниқ ишониши лозим. Аллоҳ Таоло деди:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِن تَنْصُرُوا اللَّهَ يَنْصُرْكُمْ

«*Эй мўминлар, агар сизлар Аллоҳга ёрдам берсангизлар (яъни Унинг йўлида жиҳод қилсангизлар), У зот ҳам сизларга ёрдам берур*» [Муҳаммад: 7]

Халифа аввало кофирлар ҳужумидан сақланиш учун юрт атрофига армияларни жойлаштириб чиқиши лозим. Халифанинг чегарадан бирон бир қисмини душманга қарши бемалол жанг қила оладиган мусулмонлар жамоатидан холи қилиб, бўш қўйиб қўйиши ҳечам жоиз эмас. Аксинча ҳамма чегаралар доим исломий армия билан лиқ тўлиб туриши лозим. Халифанинг мусулмонларни ва уларнинг юртларини душман

озоридан мудофаа қиладиган истехком ёки хандақ ёки бошқа нарсаларни қуриши вожибдир. Исломий давлатни ва исломий юртларни кофирлар ва уларнинг макру ҳйллаларидан ҳимоя қиладиган барча турдаги куч-қудратни иложи борича тайёрлаши халифага вожибдир.

Халифа армияни бошқариш ва идора қилишда армияга шахсан ўзи амалий қўмондонлик қилиши вожиб. Шунинг учун у армияга ҳарбий тажрибаси бор бирон қўмондонни қўяр экан уни ўзидан ўринбосар қилиб қўяди, холос. Чунки халифа армиянинг олий қўмондони эмас, балки унинг амалий қўмондонидир. Зеро Росулulloҳ ﷺ армия қўмондонлигини шахсан ўзи зиммасига олган эдилар. Пайғамбаримиз ﷺ сарийялар юборган пайтда уларни армия қўмондони сифатида юборар эдилар. Умар ҳам Форс ва Шомдаги ҳарбий қўмондонларга батафсил кўрсатмаларни юборар эди. Бу эса халифа армиянинг амалий қўмондони эканига далолат қилади. Унга итоат қилиш армиядаги ҳар бир аскар ва қўмондонга, шунингдек ҳар бир фуқарога фарздир. Чунки Муслим Абу Ҳурайрадан Набий ﷺнинг шундай деганини ривоят қилди:

«مَنْ أَطَاعَنِي فَقَدْ أَطَاعَ اللَّهَ، وَمَنْ يَعَصِنِي فَقَدْ عَصَا اللَّهَ، وَمَنْ يُطِيعِ الْأَمِيرَ فَقَدْ أَطَاعَنِي، وَمَنْ يَعْصِي الْأَمِيرَ فَقَدْ عَصَانِي»

«Ким менга итоат қилса Аллоҳга итоат қилибди, ким менга осийлик қилса Аллоҳга осийлик қилибди, ким амирга итоат қилса менга итоат қилибди, ким амирга осийлик қилса менга осийлик қилибди». Муслим яна Абу Ҳурайрадан Набий ﷺнинг шундай деганини ҳам ривоят қилди:

«إِنَّمَا الْإِمَامُ جُنَّةٌ يُقَاتَلُ مِنْ وَرَائِهِ وَيَتَّقَى بِهِ»

«Имом бамисоли бир қалқондир. Унинг ортида туриб жанг қилинади ва у билан ҳимояланилади». Имомнинг қалқон бўлишининг маъноси шуки, у душманнинг мусулмонларга зиён етказишига йўл қўймайди. Лекин халифа фақат одамларнинг кучи етадиган нарсаларгагина ҳеч иккиланмай буйруқ бериши лозим. Шунинг учун агар уларнинг кучи етмаслигини билса, каттиқ буюрмаслиги керак. Шунингдек халифа мусулмонларни ҳалокатга етакламаслиги ва уларга нисбатан ғаддорлик қилиниш хавфи бўлган нарсага буюрмаслиги керак.

Бу нарсалар халифа бор бўлса бўлади. Энди агар халифа йўқ бўлса жиҳод ҳечам кечиктирилмайди. Чунки уни кечиктирилса унинг фойдаси қўлдан бой берилади. Агар халифа қўшин юбориб уларга бир амирни тайинласа, бу амир жангда ўлдирилса ёки ўлса қўшиндагилар ўзларидан биттасини амир қилишлари жоиз. Набий ﷺ саҳобалари Муъта жангида шундай қилдилар ва Пайғамбаримиз ﷺ уларнинг бу ишини маъқулладилар. Агар армиянинг бир амири бўлса аскарлардан ҳеч кимнинг ҳарбий лагердан бирон мақсадда чиқиб кетишга ҳечам ҳаққи йўқ, фақат амир изн берсагина чиқиши мумкин. Амир бирон ишга буюрса ёки бирон нарсадан қайтарса унга итоат қилиш вожиб бўлади ва унинг амрига хилоф иш тутиш харом бўлади. Бунга далил Аллоҳ Таолонинг ушбу қавлидир:

إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ الَّذِينَ آمَنُوا بِاللَّهِ وَرَسُولِهِ وَإِذَا كَانُوا مَعَهُ عَلَى أَمْرٍ جَامِعٍ لَمْ يَذْهَبُوا حَتَّى يَسْتَأْذِنُوهُ

«Албатта мўминлар фақат Аллоҳга ва Унинг пайғамбарига иймон келтирган зотлардир. Улар (пайғамбар) билан бирон муҳим иш устида бўлган вақтларида, то ундан изн сўрамагунларича кетмаслар» [Нур: 62]

Бу тўғрида пайғамбарга тўғри келадиган нарса халифага ҳам тўғри келади ва амир халифага қиёс қилинади. Бунга далил Набий ﷺнинг ушбу сўзларидир:□

«وَمَنْ يُطِيعِ الْأَمِيرَ فَقَدْ أَطَاعَنِي، وَمَنْ يَعْصِ الْأَمِيرَ فَقَدْ عَصَانِي»

«Ким амирга итоат қилса менга итоат қилибди, ким амирга осийлик қилса менга осийлик қилибди».

Халифанинг армия кўмондонлигини ўз қўлига олишининг маъноси

Халифалик – Ислом шариати ҳукмларини барпо қилиш ва исломий даъватни оламга етказиш учун ҳамма мусулмонларнинг умумий раёсатидир. Халифалик мансаби шариат ҳукмларини барпо қилиш ва даъватни оламга етказиш учун вужудга келган. Халифанинг қиладиган иши мана шу икки ишдир. Халифадан бошқа ҳеч кимнинг бу икки ишни ўз зиммасига олиши ёки халифанинг ўз ўрнига бу икки ишни зиммасига оладиган кишиларни тайинлаши ҳечам дуруст ва жоиз эмас. Чунки халифага шу икки ишни адо этиши учун байъат берилади ва бу борадаги байъат битими халифанинг шахсан ўзига тузилади. Демак халифа бу икки ишда бировни ўз ўрнига вакил қилиши ҳечам жоиз эмас. Чунки ёлланма ишчи, вакил ва шерик каби битим тузувчининг шахсан ўзига тузиладиган ҳар қандай битимда битим тузувчининг битимда кўрсатилган ишни адо қилишда ўзидан бошқасини вакил қилиши жоиз бўлмайди. Халифалик битими ҳам муайян бир шахсга тузилган пайтда бу шахснинг халифалик мақомига бошқа бировни вакил қилиши ҳечам жоиз бўлмайди. Бу мақом, айтиб ўтганимиздек, шариат ҳукмларини барпо қилиш ва даъватни етказиш учун мусулмонларнинг умумий раёсатидир.

Мана шундан аён бўладики Халифалик даъватни етказиш учун тикланади. Демак гарчи даъватни етказиш билан ҳар бир мусулмон шахс шуғулланиши дуруст бўлса-да, лекин унга бошчилик қилишни зиммасига олиш халифадан бошқасига жоиз бўлмайди. Шунга биноан даъватни етказиш ҳамма мусулмонларга фарз бўлса-да ва ҳар бир мусулмон у билан шуғулланиши мумкин бўлса-да, лекин унга бошчилик қилиш халифадан бошқа ҳеч кимга жоиз бўлмайди.

Халифанинг даъватни етказишга бошчилик қилишининг бир муайян тариқати бор бўлиб, у жиҳоддир. Жиҳод мужоҳидлар, жанг учун тайёрланган куч-қудрат ва жангнинг ўзи билан вужудга келади. Шунинг учун армиянинг мавжуд бўлиши, уни куроллантириб тайёрлаш ва у бажарадиган иш даъватни оламга кўтариб чиқишнинг тариқати бўлиб қолди. Шунга биноан армия кўмондонлигини зиммасига оладиган шахс халифадир. Чунки даъватни етказишга бошчилик қилишни зиммасига оладиган удир. Демак у жиҳодга бошчилик қиладир. Демак армия кўмондонлигини ўз зиммасига оладиган фақат

удир. Ундан бошқасининг бунга ҳаққи йўқ. Чунки армияга қўмондонлик қилиш уни идора қилиш, машқ қилдириш ва ундаги техник ишлар билан шуғулланиш эмас. Зеро буларнинг ҳаммаси услублар ва воситалардир. Халифа гарчи бу ишларга умумий бошчилик қилса ҳам лекин ўзи улар билан шуғулланмайди. Армияга бошчилик қилиш унинг тузилишига, уни қуроллантиришга ва ишларини бажаришига бошчилик қилиш демакдир. Буни шундай тушуниш лозим: жиҳод учун ҳамма нарсадан кечиб чиқадиган аскар мужоҳиддир. Душманни қўрқитиш ва жанг учун тайёрланадиган куч-қудрат эса жиҳод ишларидан ҳисобланади. Шунинг учун Аллоҳ жиҳодга буюрар экан мана шу ишларни қилишга ҳам буюрди. Жангнинг ўзи жиҳоддир. Шунинг учун ҳам мужоҳидлар ишига, уларни тайёрлашга ва уларнинг жанг қилишларига бошчилик қилиш вазифаси фақат халифагагина тегишли бўлиб, ундан бошқасининг бунга ҳаққи йўқ. Демак халифанинг армияга қўмондонлик қилишининг маъноси: армия тузилишига оид сиёсатни, армияни қуроллантириш ва тайёрлашга оид сиёсатни ва армиянинг жанг қилишига оид сиёсатни ишлаб чиқишга шахсан унинг ўзи бошчилик қилишидир. Ундан бошқанинг бунга ҳаққи йўқ. Бу сиёсатни амалга оширилишини халифанинг шахсан ўзи бевосита назорат қилади. Шунинг учун халифа ҳамма ички ва ташқи ҳарбий сиёсатни ишлаб чиқишга ҳамда ички ва ташқи жанг сиёсатининг ҳаммасини ишлаб чиқишга шахсан ўзи бошчилик қилади. Ундан бошқа бирон кишининг бунга бошчилик қилиши мутлақо дуруст эмас. Тўғри, халифа бу сиёсатни ишлаб чиқишда ва унинг бажарилишини назорат қилишда истаган одамидан ёрдам сўраши мумкин. Лекин ўзидан бошқа бировга бу сиёсатга бошчилик қилишни ташлаб қўйиши мутлақо жоиз эмас. Халифанинг армияга қўмондонлик қилиш вазифасини зиммасига олишининг маъноси мана шудир. Шунинг учун халифадан бошқа бировнинг бу қўмондонликни ўз зиммасига олиши ҳечам жоиз эмас.

Бу ерда армиянинг вазиятидан келиб чиқадиган икки масала бор. Армия – халифанинг даъватни етказишга бошчилик қилишининг бирдан-бир тариқати бўлган жиҳод билан шуғулланадиган кучдир. Шунингдек у халифанинг салтанатини, яъни давлатни ички ва ташқи томондан ҳимоя қиладиган кучдир. Армиянинг вазияти шу икки жиҳатдан иборат. Унинг мана шу вазиятидан шу икки масала келиб

чиқади. Армиянинг жиҳод билан шуғулланадиган куч эканлигидан келиб чиқувчи масала давлатнинг ташқи сиёсатига ва армия ҳамда ҳарбий ҳисоб-китобларнинг бу сиёсатда тутадиган ўрнига тааллуқли масаладир. Бунга сабаб шуки, Исломий давлатнинг ташқи сиёсати даъватни оламга етказиш асосига қурилади. Халифанинг даъватни етказишга бошчилик қилишининг тариқати жиҳоддир. Шунинг учун Исломий давлат доим жиҳод ҳолатида бўлиб келган. Шунга кўра бутун Исломий Уммат ўзи билан бошқа давлатлар ўртасида ҳамма вақт уруш чиқиши эҳтимоли борлигига ишонади. Шунинг учун давлат сиёсати жиҳодга доим тайёр туриш асосига қурилмоғи лозим. Душманларга аввало исломий даъватни эътиборни тортадиган тарзда етказиш керак. Ана шундан кейингина уларга қарши амалий жанг қилиш жоиз бўлади. Акс ҳолда жоиз бўлмайди. Шунинг учун Исломий давлат сиёсатида бу давлат билан бошқа давлатлар ўртасида халқлар ва миллатларга Исломни эътиборни тортадиган тарзда етказиш имкони туғиладиган ҳолатни вужудга келтириш мақсади қўйилади. Бу агар даъватни етказиш тақозо қилса ҳамма вақт урушга киришишга тайёр туриш асосига қурилмоғи лозим. Ислом фикрлари ва ҳукмларини эътиборни тортадиган тарзда етказиш имкони туғиладиган ҳолатни вужудга келтириш зарур ишдир. Чунки у жиҳод ҳукмларидан биридир ва биринчи бўлиб амалий жанг бошлашнинг асосий шартидир. Шунинг учун бу ҳолатни вужудга келтириш, уни вужудга келтириш учун бор кучини ва керакли маблағни сарфлаш халифага вожиб бўлади. Фатҳ қилиш учун ёки Ислом дахлсизлигини ва мусулмонлар шарафини ҳимоя қилиш учун хатарларга шўнғиганидек бундай ҳолатни вужудга келтириш учун ҳам айрим хатарларга шўнғиш халифага вожибдир. Шунинг учун етарли ҳарбий кучни тайёрлаш, ҳарбий тайёргарликка зўр эътибор бериш ва ҳар томонлама ҳарбий ҳисоб-китоблар қилиш шу ҳолатни вужудга келтиришдаги ва уни сақлаб туришдаги бир асосий қисм бўлиб қолди. Чунки ҳарбий куч-қудрат куфр кучларига ва куфр давлатларига қарши турадиган бирдан-бир қалқондир. Бу қалқон армия ёки ҳарбий кучларни халифанинг даъватни етказишга бошчилик қилишида ўзига хос таъсирга эга қилиб қўяди. Бу эса армия ва қуролли кучларнинг ташқи сиёсатда ўзига хос таъсирга эга бўлишини англатади. Чунки қуролли кучлар бу сиёсатнинг таянчидир. Мана шундан ташқи сиёсатга, яъни халифанинг

даъватни етказишга бошчилик қилишига хатар келиб чиқади. Шунинг учун бу масаланинг ҳақиқатини, яъни халифанинг даъватни етказишга бошчилик қилишига армиянинг таъсири жихатидан бўлган ҳақиқатини, бу таъсирнинг давлат ташқи сиёсатига хатари жихатидан бўлган ҳақиқатини идрок қилиш зарур бўлади. Зеро бу масаланинг ҳақиқатини идрок қилмаслик натижасида даъватни оламга етказишнинг тўхтаб қолиши ёки бошқача айтганда ташқи сиёсатнинг беқарор бўлиб, ёмонлашиши келиб чиқади.

Исломий давлатнинг ҳарбий куч-қудратини куриш мудофавий тайёргарликнинг ўзигина бўлиб қолмай, балки халифанинг унга мусулмонлар нима асосда байъат беришган бўлса шуни адо этиши учун зарур бўлган муқаррар иш ҳамдир. Яъни давлатнинг Аллоҳ фарз қилиб юклаган даъватни етказиш вазифасини адо этиши учун зарур бўлган муқаррар ишдир. Бошқача айтганда давлатнинг ўз ташқи сиёсатини Аллоҳ фарз қилган тарзда юритиши ва доим самарали тарзда тўғри юритиши учун зарур бўлган муқаррар иш ҳамдир. Шунинг учун ҳарбий қудратни вужудга келтириш унинг уруш ҳолатидаги кофирлар террори, дўқ-пўписасига қарши ва уларнинг бостириб кириши эҳтимолига қарши Уммат эга бўладиган бирдан-бир қалқон эканлигидан ташқари у давлат ташқи сиёсатини исломий сиёсат қилиб қўядиган бирдан-бир тариқат ҳамдир.

Лекин Исломий давлатнинг кучли ҳарбий аппаратга эга ҳарбий куч-қудратни вужудга келтиришга албатта эътибор бериши лозим иш эканлиги ҳарбий ҳисоб-китобларнинг давлат ташқи сиёсатига ҳукмрон бўлишини ҳам, ҳарбий аппаратнинг ташқи сиёсатга озми-кўпми таъсири бўлишини ҳам англамайди. Чунки ҳарбий раъй муайян хунар эгаси бўлган профессионал кишилар раъйи бўлиб, у вазифалари давлат билан бошқа давлатлар ўртасида уруш чикқан тақдирда давлатнинг ҳарбий устунлигини таъминлаш бўлган кишилардан чиқади. Уларнинг раъйи ҳамма эҳтиёт чораларини ўз ичига олиши табиий ва кутилган ишдир. Лекин бу раъйни эътиборга олишда у фақат бир тавсия эканлигидан нарига ўтмаслиги керак. Бу раъйнинг фикрлашлари шу муайян жихатдан нарига ўтмайдиган профессионал кишилар тавсияси эканлигидан нарига ўтиши жоиз эмас. Шунинг учун катта ва кичик барча нарсада бу тавсияга эргашиш тўғри бўлмайди. Уни фақат ташқи сиёсатни умумий баҳс қилинганда ўз ўрнида

бах қилиш тўғри бўлади. Бу тавсия фақат ўз фани, санъати бўйича эътиборга олинади. У ўзининг фани ва унда берилган нарсалар ташқи сиёсатда ўз ўрнини эгаллаган пайтдагина эътиборга олинади. Демак у шўро эмас, бир тавсиядир. Яъни уни халифа ташқи сиёсатни баҳс қилган пайтда талаб қилади. Уни халифага айтилган пайтда халифа уни шунчаки эшитиб қўйиши ҳам мумкин. Лекин халифа ташқи сиёсатдан ва бу тавсиянинг ташқи сиёсат режаларида тутган ўрnidан тўла хабардор бўлиши лозим. Бу тавсияга бундан ортиқ аҳамият бериши тўғри бўлмайди. Чунки агар халифа шундай қилмаса ва тавсияга унинг тавсия эканлигидан кўра кўпроқ аҳамият берадиган бўлса, у ҳолда ҳеч шак-шубҳасиз ташқи сиёсатга хатар туғилади. Ё ташқи сиёсатда беқарорлик ва ёмон аҳвол юз беради ёки даъватни етказиш тўхтаб қолади. Балки бундан ҳам баттарроқ нарса юз бериши мумкин. Чунки давлатдаги аҳвол ёмонлашиши ва унинг салтанатига кирадиган ер майдони қисқариб кетиши мумкин. Шунинг учун ҳарбий раъйга унинг шунчаки бир тавсия эканидан кўра кўпроқ аҳамият бериш жоиз эмас.

Ҳарбийлар ўз ишларини бир ихтисос эгалари сифатида адо этишади. Улар ўз ҳисоб-китобларига оламдаги жамоатчилик фикридан фойдаланишни киритишмайди ва Исломга бўлган даъватнинг эътиборни тортадиган даражага етган бўлиши ва бунинг душман билан тўқнаш келгандаги таъсири ҳақида фикр юритишмайди. Улар руҳий ва маънавий қувватлардаги улкан имкониятларни ҳисобга олишга ҳаракат қилишмайди. Улар душман мамлакатада яшаётган ёки шу мамлакат бўйлаб даъватга чиқиб кетган даъватчиларнинг ишларини тушунишга аҳамият қаратишмайди. Дипломатик воситаларни ҳам, сиёсий ишларнинг таъсири нақадар улканлигини ҳам тушуниб етишмайди. Шунинг учун ҳарбийларнинг фикр юритиши кенг қамровли сиёсий фикр юритиш эмас, балки бир мавзугагина тегишли бўлган фикр юритиш бўлади. Шунинг учун уларнинг тавсияси эътиборга олинadиган бўлса у фақат ўз мавзуси бўйичагина қийматли тавсия бўлади. Лекин агар ҳарбийларга ҳаракат қилиш ва қарор чиқариш салоҳияти бериб қўйилadиган бўлса ва уларнинг раъйини қабул қилиш қайсидир даражада мажбурий бўлиб қоладиган бўлса, у ҳолда бу ҳеч шак-шубҳасиз сиёсий қарорларга ва сиёсий ишларнинг юришига зарар етишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳарбий аппаратнинг ташқи сиёсатда таъсирга эга бўлишига йўл қўйиш ҳечам жоиз

эмас. Ҳарбийлар раъйларининг фақат бир профессионал тавсия бўлишдан нарига ўтиб кетиши ҳам жоиз эмас.

Лекин ҳарбийлар раъйларининг тутадиган ўрни чеклаб қўйилишининг, уларнинг фақат профессионал тавсия бўлиб қолишининг маъноси ҳарбий ҳисоб-китобларни эътиборга олмаслик, уларга лоқайд қараш дегани эмас. Аксинча унинг маъноси халифанинг берган баҳоси, ҳисоб-китоблари ҳарбий ҳисоб-китоблардан устун туриши лозим демакдир, холос. Халифа охириги режаларни ишлаб чиқар экан, баъзи пайтларда куруқ ҳарбий ҳисоб-китобларни билмасликка олиш масъулиятини кўтаришга тайёр бўлиши лозим. Ҳарбийлардан бошқаларнинг, масалан муовинлар, волийлар, аҳли ҳал ва ақд ва муфаккирларнинг ҳисоб-китобларини ҳарбийлар ҳисоб-китобларидан кўра кўпроқ кўзда тутиши лозим. Лекин халифа ҳарбийларнинг давлатдаги, юртни мудофаа қилиш жиҳатидан бўладими ёки кофирларга қарши жиҳодни бошлаш жиҳатидан бўладими, юксак ўрнини қадрлаши ҳам лозим. Шунинг учун халифа ва бутун Умнат ҳарбий кучларни кўз қорачиғидек асрашлари лозим. Лекин ташқи сиёсатни ишлаб чиқишга ҳарбийлар эмас, сиёсатчилар бошчилик қилишлари керак. Уруш хатарларига қарши туришга қандай тайёргарлик кўриш лозим? Урушга киришадиган бўлса нима бўлади? Шундай бўлиб қолса қайси суръатда ва қачон бўлади? Буларни сиёсатчилар белгилашади. Халифа ҳарбий кучларни доимо тобе бўлиб турадиган идорага айлантириши зарур ҳамда ҳарбий аппаратнинг ва ундаги ҳеч бир шахснинг сиёсатга тобе бўлиш ва сиёсатни ижро қилиш ролидан тажовуз қилиб, четга чиқиб кетишига йўл қўймаслиги даркор.

Бу ҳарбий аппаратнинг роли ва раъйлари жиҳатидан шундай. Энди халифанинг ҳарбий ҳисоб-китобларни эътиборга олиши жиҳатига тўхталадиган бўлсак, халифанинг ҳарбий ҳисоб-китобларни фақат бир профессионал тавсия сифатидагина олишининг ўзи етарли эмас. Қолаверса ташқи сиёсатни белгилашида бу ҳисоб-китобларни таъсирга эга қилиб қўйиши тўғри бўлмайди. Аксинча ҳарбий ҳисоб-китобларнинг ташқи сиёсатга бўладиган ҳар қандай таъсирга йўл қўймаслик зарур. Яъни ташқи сиёсатни ҳарбий ҳисоб-китоблар устига қуриш ёки бу ҳисоб-китобларнинг ташқи сиёсатга таъсир қилувчи бир омил бўлиши жоиз эмас. Чунки ҳарбий ҳисоб-китобларнинг ташқи сиёсатда ҳукмрон бўлиб қолиши хатарлидир. Аксинча ҳарбий ҳисоб-китобларни давлат

ташқи сиёсатининг энг охирига қолдириш лозим ва ҳарбий ҳисоб-китобларни – улар ҳарбийлар томонидан қилинадими ёки бошқалар томониданми, ҳеч фарқсиз – ташқи сиёсатни ишлаб чиқишда халифага таъсир қилишдан йироқлатиш зарур.

Ҳарбий ишлар сезиларли батафсил шаклга эга бўлади. Зеро сиз замбараклар, ҳарбий кемалар, самолётлар, ҳарбий базалар, ядровий бомбалар, ракетааларни кўриб, уларнинг ғалаба ёки мағлубиятдаги, фатҳ ёки чекинишдаги таъсирларига осонгина ишонч ҳосил қила оласиз. Чунки улар моддий нарсалар бўлиб, уларнинг кўламларини қиёслаш мумкин. Уларнинг моддий таъсирлари бор бўлиб, уларнинг натижаларини сезиш мумкин. Руҳий кучлар билан маънавий кучлар эса бунинг тескариси бўлади. Сиёсий манёврлар билан маҳаллий жамоатчилик фикри ёки дунё жамоатчилиги фикри ҳам бунинг тескариси бўлади. Чунки булар моддий ишлар эмас ва уларнинг таъсирини тушуниб етиш, натижаларини илғаш осон эмас. Чунки улар сезилмайдиган ва кўринмайдиган нарсалардир. Шу билан бирга уларнинг ташқи сиёсатдаги, ҳатто уруш ва фатҳдаги аҳамияти жуда улкандир. Шунинг учун ҳарбий ҳисоб-китоблар ташқи сиёсатнинг энг охирида қолдирилиши, бу сиёсатдаги иккинчи даражали иш бўлиши, руҳий кучлар эса доим биринчи бўлиб эътиборга олинishi, сўнгра маънавий кучлар устун бўлиши, сиёсий манёврлар ва сиёсий даҳолик кўзга кўринган эътиборли ўринда бўлиши лозим. Буларнинг ҳаммаси халифанинг бир ўзигина бошчилик қиладиган бўлинмас, бир бутун сиёсий кучда жамланган бўлиши лозим. Биз халифанинг бир ўзигина армиянинг амалий қўмондонлигини ўз зиммасига олишининг маъносини ва халифанинг қўмондонлигини шаклий қўмондонлик қилиб қўйишнинг ёки бошқача айтганда халифанинг олий қўмондон бўлишининг хатарини мана шундан тушуна оламиз.

Баъзи халифалар даврида ҳарбий ҳисоб-китобларни ташқи сиёсатда устун қилиб қўйишнинг ёмон таъсири бўлди. Бу нарсалар Аббосийлар даврининг иккинчи асрида ва Усманийлар даврининг охирларида даъватни оламга етказишнинг тўхтаб қолишига олиб келди. Масалан Рум мамлакатида исломий фатҳлар Турк юртларининг Шом юртлари билан бўлган чегараларида тўхтаб қолди. Ғарбий Европа мамлакатларида эса фатҳлар Франциядан ортга қайтиб Испания ҳудудларида тўхтаб қолди. Ваҳоланки ўшанда руҳий куч-тоқат ҳамон кучли ва исломий фикрлар сингиб марказлаша бошлаган эди. Лекин

ҳарбийлар ўзларининг куч-қудрати ва душман кучи ҳақидаги раъйларини билдиришиб, урушга кириш ёки кирмаслик тўғрисида энг биринчи эътибор шу раъйларга қаратилгач, ёзги ва қишки ҳужумларгагина чекланишга қарор қилинган эди. Шариат ҳукмларига амал қилиб, жиҳод мавжудлигини сақлаб қолиш учун шундай қилинган эди. Лекин бунда сиёсий ҳисоб-китобларга ўтилмади. Усманийлар даврида исломий қўшинлар Европада Юнонистон, Болгария, Руминия, Албания ва Югославия бўйлаб бўрондек елиб Австриянинг Вена шаҳри деворларигача етиб борди ва у ерларнинг барчаси бўйлаб Ислом салтанатини ёйди. Ҳатто Европада исломий қўшин енгилмас деган жамоатчилик фикри пайдо бўлган эди. Мелодий XVIII асрда Европада юз берган саноат инқилобидан кейин Исломий давлат ташқи сиёсатида ҳарбий ҳисоб-китоблар устун бўлиб қолгач исломий ёйилиш тўхтаб қолди ва Ислом салтанатининг бутунлай емирилишига олиб келган ортга чекиниш бошланди.

Бу армиянинг жиҳод олиб борадиган куч эканлиги жиҳатидан шундай. Аммо унинг салтанатни ички ва ташқи хавфдан ҳимоя қиладиган куч эканлиги жиҳатига тўхталадиган бўлсак, бу нарса ҳокимиятнинг сақланиб қолиши боғлиқ бўлган моддий кучга тааллуқлидир. Чунки мана шу моддий куч салтанатни муҳофаза қилади. Шу моддий куч уни қулатиши ҳам ёки – гарчи вақтинча бўлса-да – уни тиклаши ҳам мумкин. Шунинг учун армия ва қуролли кучлар ҳокимиятда улкан ўрин тутади. Бу эса армиянинг ҳокимиятда катта таъсири борлигини билдиради. Лекин ҳақиқат шуки, гарчи ташқи сиёсатда ҳарбий ҳисоб-китобларнинг бўлиши улардан келиб чиқадиган тавсияни олиш жиҳатидан жоиз бўлса-да, лекин ҳарбий аппаратнинг ва ундаги қайсидир шахснинг ҳокимиятда ҳарбий сифатида мавжуд бўлиши ҳечам жоиз эмас. Чунки салтанатни гарчи ҳарбий аппарат билан муҳофаза қилинса-да лекин унда ҳарбийларнинг бўлиши жоиз эмас. Чунки салтанат сезиладиган моддий куч эмас ва у моддий кучдан қувват олмайди. Аксинча у жамиятдаги алоқаларни тартибга солишдир ва у Умматдан ёки халқдан қувват олади. Чунки салтанат шу халқ замирида ёки ундаги энг кучли гуруҳ замирида ётади. Ҳарбийларнинг ва ҳарбий аппаратнинг унга ҳеч бир алоқаси йўқ. Тўғри, вазифани ҳарбийлар ижро қилади ва уларсиз ижронинг вужудга келиши мумкин эмас. Лекин ҳарбийларнинг салтанатдаги роли фақат

бир курул ролдир холос, бошқа нарса эмас. Уларнинг ижро қилишдаги роли душманга қарата ўт очадиган аскарнинг курули бўлишдан нарига ўтмаслиги керак. Ҳарбийларнинг ҳокимиятда бўлиши ҳокимиятга хатар туғдиради. Чунки ҳарбийларнинг ҳокимиятда бироз бўлса ҳам рол ўйнаши уни полициячи ҳокимиятга айлантириб қўяди ва у алоқаларни тартибга соладиган салтанат бўлмай қолади.

Ҳарбийларнинг ҳокимиятда бироз бўлса-да рол ўйнаши ҳокимиятга ҳам, ҳокимга ҳам ва мамлакат вужудига ҳам хатар туғдиради. Чунки ҳокимиятда ҳаққа риоя қилинади, шариат доирасидан чиқилмайди ва адолат рўёбга чиқади. У бошқарув пайтида моддий қувватга ҳеч қандай эътибор бермайди. Ҳокимдаги моддий қувватга ҳам, фуқародаги қувватга ҳам эътибор бермайди. Зеро унинг кучи ўзидаги ижро курулларини эмас, балки одамлар ишларини ҳис қилиш ва уларни ғамхўрлик билан бошқариш замирида ётади. Шунинг учун унда моддий қувват пайдо бўлса, унинг ҳокимиятлик жиҳатини бузиб қўяди ва уни қуруқ зўравонлик ва ўз билганича ҳукм юритишга айлантириб қўяди. Бу пайтда унда ҳокимият ва салтанат ҳақиқати йўқолиб қолади. Шунинг учун ҳарбийларнинг ва ҳарбий аппаратнинг ҳокимиятда бўлиши ҳечам тўғри бўлмайди. Аксинча ҳарбийлар ҳоким қўлидаги бир курул бўлиб қолаверишлари лозим. Ҳокимият ҳақида ва унга боғлиқ бўлган ҳеч қандай хоҳиш-иродаси ва раъйи мутлақо бўлмайдиган бир курул бўлиб қолаверишлари лозим. Бу ҳарбийларнинг ҳокимиятда бўлиши ҳокимиятга хатар туғдириши жиҳатидан шундай. Энди бунинг ҳокимга хатар туғдириши жиҳатига тўхталадиган бўлсак, бу шундан иборатки, ҳарбий аппарат ёки ҳарбийлар ҳам бир инсон бўлиб, уларда бақо ғаризаси бор. Бу ғаризанинг энг муҳим кўринишларидан бири ҳукмронлик қилишга интилишдир. Шунинг учун уларнинг ҳокимиятда бўлишига йўл қўйиладиган бўлса ва улар ўзларининг ҳокимни қулатишга кодир эканликларини, ҳокимни ва унинг салтанатини муҳофаза қиладиганлар ўзлари эканлигини кўришгач ўзларини ҳокимият манбаи ва ҳоким ўз салтанатини улардан олади деб билишади. Шунда уларда ўша ҳукмронликка интилиш ҳислари қўзғаладида, моддий қувват ўзларининг қўлида бўлгани учун ҳокимга ташланиб, ундан ҳокимиятни тортиб олишади. Шунинг учун ҳарбий аппаратнинг ёки ҳарбийларнинг ҳокимиятда қайсидир даражада бўлишига йўл қўйиш ҳокимга катта хатар туғдиради.

Бундай ҳол Аббосийлар давридаги ва Усманийлар давридаги Исломиё давлатда юз берган эди. Чунки баъзи халифалар ҳарбийларнинг қаршисида заифлик қилишгани учун ҳарбийлар уларни ағдариб ташлади ёки уларни ўзларининг қўлларидаги қуролга айлантиришди. Бунинг оқибатида ана шу халифалар даврида Исломиё давлатдаги ҳокимият таназзулга юз тутди.

Энди ҳарбийларнинг ҳокимиятда ҳар қандай рол ўйнаши Уммат вужудига ва давлат вужудига туғдирадиган хатарга тўхталадиган бўлсак бу шундай бўлади: Исломиё давлат – бу давлатнинг мафқураси табиатидан келиб чиқадиган бўлсак – душманлар билан қуршалган бўлади. Зеро давлат ва Уммат каттиқ амал қилиб, доирасидан чиқмаслиги вожиб бўлган шаръий ҳукм шуки, бутун олам иккига: дорул Ислому ва дорул куфрга бўлинади. Ислому билан ҳукму юритиладиган ва устида Ислому байроғи хилпирайдиган юртлар дорул Ислому ҳисобланади. Улардан бошқа барча юртлар дорул куфр, яъни уруш ҳолатидаги диёр ҳисобланади. Шунинг учун Исломиё давлат доимо унга зарар етказиш учун пайт пойлаган душманлар қуршовида бўлади. Агар ҳарбийларнинг ҳокимиятда озгина бўлса ҳам роли бўлишига йўл қўйиладиган бўлса, душманларнинг уларни авраб-алдаши сиёсатчиларни алдашдан кўра осонроқ кечади. Чунки ҳарбийларнинг асл қиладиган ишлари моддий ҳарбий ишдир. Шунинг учун уларнинг узоқ мақсадлар кўзланган манёврларни ва яширин сиёсий вариантларни тушунишлари қийин кечади. Шу боис улар ўзларича мамлакатга фойда келтирамиз деб ўйлаб ёки ўзларининг шахсий манфаатларига эришиш учун алданиб ҳокимиятни олишга ёки ҳокимларни ўзгартиришга уринишлари мумкин. Мана шу ерда ҳокимларнинг шахсан ўзларига ва ҳокимиятга эмас, балки бутун Уммат вужудига ва давлат вужудига хатар туғилади. Чунки Уммат вужуди – одамлар мажмуаси ҳамда тушунчалар, миқёс-ўлчовлар ва қаноатлар мажмуасидир. Давлат вужуди эса – бошқарув салоҳиятига эга бўлган одамлар мажмуаси ҳамда тушунчалар, ўлчовлар ва қаноатлар мажмуасидир. Шунинг учун агар ҳарбийлар хориждан бўладиган алдаб-аврашлар натижасида ҳокимиятни ўз қўлларига олишадиган бўлса, уларга Исломиё давлатдагидан бошқача бўлган ёт тушунчалар, ўлчовлар ва қаноатлар сукулиб қиради. Бу билан давлат вужудига, сўнгра Уммат вужудига бузилиш кириб келади. Балки бундан ҳам баттарроқ бўлган кофир давлатлар нуфузи кириб келади. Ана

шунда давлат бутунлай йўқ бўлиб кетади. Шунга таяниб айтаманки, ҳарбий аппаратнинг ёки ҳарбийларнинг ҳокимиятда қайсидир даражада бўлиши жуда ёмон хатар туғдиради.

Исломий Умнат ҳарбийларнинг ҳокимиятда рол ўйнаши туғдирган хатар оқибатида давлат ва Умнат вужудига бузилиш кириб келиши, сўнгра Исломий давлатнинг бутунлай йўқ бўлиб кетиши кулфатини бошидан кечирди. Чунки Усманийлар халифалигининг охириги даврларида кофир давлатларнинг Истамбулдаги элчихоналари ҳарбийларга таъсир ўткази бошлади. Бунинг оқибатида давлат аппаратиغا ғайри исломий тушунчалар, ўлчовлар ва қаноатлар суқилиб кира бошлади. Бундай тушунчалар, ўлчовлар ва қаноатларнинг пайдо бўлишидаги энг кўзга кўринган ролни Мидхат пошо ва унга қўшилган офицерлар ўйнади. Айниқса Абдулҳамидни халифа қилиб ҳокимиятга олиб келган давлат тўнтариши пайтида ва Абдулҳамидни халифаликдан ағдариб ташлаб, Муҳаммад Рашодни халифа қилиб ҳокимиятга олиб келган давлат тўнтариши пайтида шундай бўлди. Ундан олдин Мисрдаги катта Муҳаммад Али Истамбулдаги исломий Халифаликка зарба бериш учун Францияга малайлик қилган эди. Ундан кейин биринчи жаҳон урушида Усманий давлат мағлубиятга учрагач Мустафо Камол Халифаликни йўқ қилиш учун инглизлар билан тил бириктирди. У иттифокчилар кўшинларининг Истамбулдан чиқиб кетиши ва сулҳ конференциясида ўзига ёрдам беришлари эвазига шундай қабих ролни ўйнади. Ҳарбийлар ўйнаган бу роллар Исломий давлат вужудига путур етказди, сўнгра уни бутунлай йўқ қилди. Шунинг учун ҳарбий аппаратнинг ёки ҳарбийларнинг ҳокимиятда қайсидир тарзда бўлишларига ҳечам йўл қўйиб бўлмайди.

Шаҳид

Шаҳидлар уч қисмдир:

Дунё ҳукмларисиз фақат охиратда шаҳид.

Фақат дунёда шаҳид.

Дунё ва охиратда шаҳид.

Дунё ҳукмларисиз фақат охиратдаги шаҳид ҳақида айтадиган бўлсак, улар ҳадисларда зикр қилинган кишилардир. Баъзи ривоятларда улар еттита дейилса, айримларида саккизта, айримларида тўққизта, айримларида эса ўн битта дейилган. Саҳиҳи шуки, Муслимда ворид бўлганидек улар бештадир: Тоун, яъни вабо касалида ўлган киши, қорин оғриғи билан ўлган киши, ғарқ бўлиб ўлган киши, устига бино қулаб ўлган киши, жангдан бошқа пайтда Аллоҳ йўлида Аллоҳ калимасини олий қилиш учун ўлган киши. Муслим Абу Ҳурайрадан Росулulloҳ ﷺнинг шундай деганини ривоят қилди:

«بَيْنَمَا رَجُلٌ يَمْشِي بِطَرِيقٍ وَجَدَ غُصْنَ شَوْكٍ عَلَى الطَّرِيقِ فَأَخْرَهُ فَشَكَرَ اللَّهُ لَهُ فَعَفَرَ لَهُ وَقَالَ: الشُّهَدَاءُ خَمْسَةٌ الْمَطْعُونُ وَالْمَبْطُونُ وَالْغَرِقُ وَصَاحِبُ الْهَنْمِ وَالشَّهِيدُ فِي سَبِيلِ اللَّهِ عَزَّ وَجَلَّ»

«Бир киши йўлда кетаётиб, йўлда ётган бир тиконли шохни кўриб қолди ва уни четга суриб қўйди. Аллоҳ унинг бу ишини тақдирлаб уни мағфират қилди ва деди: Шаҳидлар бештадир: Вабо касалидан ўлган, қорни оғриб ўлган, чўкиб ўлган, устига бино қулаб ўлган ва Аллоҳ Азза ва Жалла йўлида шаҳид бўлган». Муслим яна Абу Ҳурайрадан ривоят қилди: Росулulloҳ ﷺ дедилар:

«مَا تَعْدُونَ الشَّهِيدَ فِيكُمْ؟ قَالُوا: يَا رَسُولَ اللَّهِ مَنْ قُتِلَ فِي سَبِيلِ اللَّهِ فَهُوَ شَهِيدٌ، قَالَ: إِنَّ شُهَدَاءَ أُمَّتِي إِذَا لَقِيلُ، قَالُوا: فَمَنْ هُمْ يَا رَسُولَ اللَّهِ؟ قَالَ: مَنْ قُتِلَ فِي سَبِيلِ اللَّهِ فَهُوَ شَهِيدٌ، وَمَنْ مَاتَ فِي سَبِيلِ اللَّهِ فَهُوَ شَهِيدٌ، وَمَنْ مَاتَ فِي الطَّاعُونَ فَهُوَ شَهِيدٌ، وَمَنْ مَاتَ فِي الْبَطْنِ فَهُوَ شَهِيدٌ»

«Орангизда кимни шаҳид деб ҳисоблайсизлар? Саҳобалар: Ё Росулulloҳ, ким Аллоҳ йўлида ўлдирилса ўша шаҳиддир, дейишди. Пайғамбаримиз ﷺ: Ундай бўлса Умматим шаҳидлари оз экан-да, дедилар. Саҳобалар: Унда улар

кимлар ё Росулulloх? - дейишди. Пайғамбаримиз ﷺ: Ким Аллоҳ йўлида ўлдирилса у шаҳиддир, ким Аллоҳ йўлида ўлса у шаҳиддир, ким вабодан ўлса у шаҳиддир, ким қорин оғриғидан ўлса у шаҳиддир, дедилар». Ибн Миксам айтади: мен отангнинг бу ҳадисда:

﴿وَالْغَرِيقُ شَهِيدٌ﴾

«**Чўкиб ўлган шаҳиддир**», деб айтганига гувоҳман, деди¹. Буларнинг шаҳидлигидан мурад шуки, уларга охиратда шаҳидлар савоби бўлади. Аммо дунёда улар ювилиб, уларга жаноза ўқилади. Энди агар шаҳид калимаси савоб берилиши ҳақида айтилса – ҳадис ўзи шу ҳақдадир – у ҳолда бу калимани ана шу кишиларга нисбатан қўллаш тўғри бўлади. Аммо агар бу калима гапда ҳеч бир қаринасиз мутлақ қўлланса, у ҳолда бу калима уларга тегишли бўлмайди, балки Аллоҳ йўлида ўлдирилган кишига оид бўлади, ундан бошқасига нисбатан қўлланмайди.

Энди охиратда эмас, фақат дунёдаги шаҳидга келсак, у дунёдаги шаҳид ҳукмларини олади, ювилмайди ва унга намоз ўқилмайди, балки ўз кийимида дафн қилинади. Лекин у охиратда Аллоҳнинг калимасини олий қилиш учун жанг қилган шаҳидлар савобини олмайди. Бу Аллоҳ йўлидан бошқа йўлда жанг қиладиган кимсадир. Масалан обрў учун ёки фақат ўлжа учун ёки ортига қочиб жанг қиладиган кимса. Бундай кимса охиратда шаҳидлик савобини олмайди. Чунки ҳадислар шаҳидлик савобини фақат Аллоҳ йўлида жанг қилган ва ортига чекинмай олдинга ташланиб жанг қилган шаҳидгагина хослаб қўйди. Муслим Абу Мусо Ашъарийдан ушбуни ривоят қилди:

﴿أَنَّ رَجُلًا أَتَى النَّبِيَّ ﷺ فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، الرَّجُلُ يُقَاتِلُ لِلْمَغْنَمِ، وَالرَّجُلُ يُقَاتِلُ لِيُذَكَّرَ، وَالرَّجُلُ يُقَاتِلُ لِيُرَى مَكَانَهُ، فَمَنْ فِي سَبِيلِ اللَّهِ؟ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: مَنْ قَاتَلَ لِتَكُونَ كَلِمَةً لِلَّهِ هِيَ الْعُلْيَا فَهُوَ فِي سَبِيلِ اللَّهِ﴾

«**Бир киши Набий ﷺ ҳузурига келиб, ё Росулulloх, бир киши ғанимат учун жанг қиладди, яна бир киши номи зикр қилиниши учун жанг қиладди, бошқа бир киши эса ўзининг қандай ўрин тутишини кўрсатиб қўйиш учун жанг қиладди.**

¹ Муслим бу ҳадисни Зуҳайр ибн Ҳарбдан, у Жарирдан, у Сухайлдан, у отасидан, у Абу Хурайрадан ривоят қилган. Ибн Миксам бу гапни Сухайлга айтган.

Хўш, улардан ким Аллоҳ йўлида жанг қилган бўлади? - деб сўради. Росулulloҳ ﷺ: ким Аллоҳнинг калимаси олий бўлиши учун жанг қилса у Аллоҳ йўлида жанг қилган бўлади, дедилар». Муслим Абу Мусодан шундай деганини ҳам ривоят қилди:

«سُئِلَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ عَنِ الرَّجُلِ يُقَاتِلُ شَجَاعَةً، وَيُقَاتِلُ حَمِيَّةً، وَيُقَاتِلُ رِيَاءً، أَيُّ ذَلِكَ فِي سَبِيلِ اللَّهِ؟ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: مَنْ قَاتَلَ لِتَكُونَ كَلِمَةُ اللَّهِ هِيَ الْعُلْيَا فَهُوَ فِي سَبِيلِ اللَّهِ»

«Росулulloҳ ﷺдан: шижоати жўш уриб жанг қиладиган, ҳамияти кўзғалиб жанг қиладиган ва риё учун жанг қиладиган киши ҳақида буларнинг қайсиниси Аллоҳ йўлида жанг қилишдир? - деб сўралди. Росулulloҳ ﷺ: ким Аллоҳнинг калимаси олий бўлиши учун жанг қилса у Аллоҳ йўлида жанг қилибди, деб жавоб бердилар». Росулulloҳ ﷺ шаҳиднинг гуноҳлари кечирилиши учун ортига қочмай олдинга ташланиб жанг қилишини шарт қилиб кўйдилар. Муслим Абдуллоҳ ибн Абу Қатода орқали Қатодадан ривоят қилади:

«أَنَّهُ قَامَ فِيهِمْ فَذَكَرَ لَهُمْ أَنَّ الْجِهَادَ فِي سَبِيلِ اللَّهِ، وَالْإِيمَانَ بِاللَّهِ أَفْضَلُ الْأَعْمَالِ، فَقَامَ رَجُلٌ فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، أَرَأَيْتَ إِنْ قُتِلْتُ فِي سَبِيلِ اللَّهِ تُكْفَرُ عَنِّي خَطَايَايَ؟ فَقَالَ لَهُ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: نَعَمْ إِنْ قُتِلْتَ فِي سَبِيلِ اللَّهِ، وَأَنْتَ صَابِرٌ مُحْتَسِبٌ مُقْبِلٌ غَيْرٌ مُدْبِرٌ، ثُمَّ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: كَيْفَ قُلْتَ؟ قَالَ: أَرَأَيْتَ، إِنْ قُتِلْتُ فِي سَبِيلِ اللَّهِ أَتُكْفَرُ عَنِّي خَطَايَايَ؟ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: نَعَمْ وَأَنْتَ صَابِرٌ مُحْتَسِبٌ، مُقْبِلٌ غَيْرٌ مُدْبِرٍ إِلَّا الدِّينَ فَإِنَّ جِبْرِيْلَ عَلَيْهِ السَّلَامُ قَالَ لِي ذَلِكَ»

«Пайғамбаримиз ﷺ уларнинг ичида туриб уларга Аллоҳ йўлидаги жиҳод ва Аллоҳга имон келтириш энг афзал амал эканини айтдилар. Шунда бир киши туриб: ё Росулulloҳ, агар мен Аллоҳ йўлида ўлдирилсам гуноҳларимга каффорат бўладими? - деди. Росулulloҳ ﷺ: ҳа, агар сен сабр қилган ҳолда, савоб умид қилиб, ортинга қочмай олдинга ташланиб Аллоҳ йўлида ўлдирилсанг, дедилар. Сўнгра Росулulloҳ ﷺ: нима дединг? - дедилар. Ҳалиги

киши: агар мен Аллоҳ йўлида ўлдирилсам гуноҳларимга каффорат бўладими? - деди. Росулulloҳ ﷺ: ҳа, сабр қилган ҳолда, савоб умид қилиб, ортингга қочмай олдинга ташлансанг, магар қарз бундан мустасно. Менга буни Жаброил عليه السلام айтди, дедилар». Бундан тушуниляптики, агар ортига қочиб жанг қилса гуноҳларига каффорат бўлмайди ва унга шаҳидлик савоби берилмайди. Обрў учун жанг қиладиган кимсага келсак, Росулulloҳ ﷺ уни шаҳид деб номлаб, азобланишини баён қилдилар. Муслим Сулаймон ибн Ясордан шундай деганини ривоят қилди: одамлар Абу Ҳурайра олдидан туриб тарқалишди. Шунда унга Шом аҳли вакили: эй шайх Росулulloҳ ﷺдан эшитган бирон ҳадисни бизга айтиб беринг, деди. Абу Ҳурайра деди: Хўп, мен Росулulloҳ ﷺнинг шундай деганини эшитганман:

«إِنَّ أَوَّلَ النَّاسِ يُقْضَىٰ يَوْمَ الْقِيَامَةِ عَلَيْهِ رَجُلٌ اسْتَشْهَدَ فَأُتِيَ بِهِ، فَعَرَفَهُ نِعْمَةً فَعَرَفَهَا قَالَ: فَمَا عَمِلْتُ فِيهَا قَالَ: قَاتَلْتُ فِيكَ حَتَّى اسْتَشْهَدْتُ، قَالَ: كَذَبْتَ وَلَكِنَّكَ قَاتَلْتَ لِأَنْ يُقَالَ جَرِيءٌ فَقَدْ قِيلَ، ثُمَّ أُمِرَ بِهِ فَسُحِبَ عَلَىٰ وَجْهِهِ حَتَّى أُلْقِيَ فِي النَّارِ»

«Қиёмат куни устидан биринчи бўлиб ҳукм чиқариладиган одам шаҳид бўлган киши бўлади. Уни олиб келинади. Аллоҳ унга Ўзи берган неъматларини эслатади. У уларни эслайди. Аллоҳ бу неъматлар учун нима амал қилдинг? - дейди. У Сенинг йўлингда жанг қилиб, шаҳид бўлдим, дейди. Аллоҳ: ёлғон айтдинг, аксинча журъатли экан дейишлари учун жанг қилдинг. Сен ҳақингда шундай ҳам дейилди, дейди. Сўнгра Аллоҳ амр қилади. Уни юз тубан судраб дўзах ўтига улоқтирилади...». Бу ҳадис обрў олиш учун жанг қилган кимса гарчи дунёда шаҳид ҳукмини олса ҳам, лекин қиёмат кунда унга шаҳид савоби берилмаслигига, аксинча азобланишига далолат қиляпти.

Энди дунё ва охиратдаги шаҳидликка келсак у Аллоҳнинг калимасини олий қилиш учун кофирларга қарши жанг қилган ва мусулмонлар билан кофирлар ўртасидаги жангда ўлдирилган кишидир. Бу жанг уруш ҳолатидаги юртда бўладими ёки Ислom юртида бўладими, бунинг фарқи йўқ. Аллоҳ Таоло деди:

وَلَا تُحْسِبَنَّ الَّذِينَ قُتِلُوا فِي سَبِيلِ اللَّهِ أَمْوَاتًا بَلْ أحيَاءٌ عِنْدَ رَبِّهِمْ يُرزقون

«Аллоҳ йўлидаги жангда ўлдирилган зотларни ҳаргиз ўликлар деб ўйламанг! Йўқ, улар тириклардир! У зотлар Парвардигори неъматларидан баҳраманд бўлмақдалар» [Оли Имрон: 169]

Бу шаҳид унинг ҳақида шаръий ҳукмлар келган кишидир. Бундай шаҳидлик кофирлар билан бўлган урушда ўлдирилган кишига хосдир. Шунингдек жангда жароҳатланиб кейинчалик шу жароҳатдан ўлган киши ҳам жангда ўлдирилган каби ҳисобланади. Аммо ундан бошқани шаҳид деб ҳисобланмайди. Шунга кўра боғийлар билан бўлган урушда ўлдирилган кишини ҳам, жангда жароҳатланиб, сўнгра жароҳати тузалиб, сўнг шу жароҳатдан ўлган кишини ҳам шаҳид деб ҳисобланмайди. Шаҳидга тегишли хос ҳукмлар бор бўлиб Аллоҳ Таоло шаҳид ҳақида у тирикдир деб хабар берди. Бундай шаҳидлик Аллоҳнинг калимасини олий қилиш учун кофирлар билан бўлган жангда ўлдирилган кишига ва ана шу жангда жароҳатланиб шу жароҳатдан ўлган кишига хосдир.

Мазкур шаҳид ҳақидаги ҳукм шуки, у ювилмайди ва кафанланмайди, балки қони ва кийимида дафн қилинади. Чунки шаҳид қиёмат куни тирилар экан, унинг қони мушки амбардек жуда ёқимли ҳид таратади. Бунга далил Бухорий Жобирдан ривоят қилган ушбу ҳадисдир:

«إِنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ كَانَ يَجْمَعُ بَيْنَ الرَّجُلَيْنِ مِنْ قَتَلَى أَحَدٍ فِي تَوْبٍ وَاحِدٍ، ثُمَّ يَقُولُ: أَيُّهُمُ أَكْثَرُ أَخْذًا لِلْقُرْآنِ؟ فَإِذَا أُشِيرَ إِلَى أَحَدِهِمَا قَدَّمَهُ فِي اللَّحْدِ، وَقَالَ: أَنَا شَهِيدٌ عَلَى هَؤُلَاءِ، وَأَمَرَ بِدَفْنِهِمْ بِدِمَائِهِمْ، وَلَمْ يُصَلِّ عَلَيْهِمْ، وَلَمْ يُغَسِّلْهُمْ»

«Росулulloҳ ﷺ Ухудда ўлдирилганлардан икки кишини битта кийимда жамлаб, сўнгра: улардан қайсиниси Қуръонни кўпроқ (ёд) олган? - дердилар. Улардан қайси бири кўрсатилса уни лаҳадга олдин қўярдилар ва: мен буларга гувоҳман, дедилар ва уларни қонлари билан дафн қилишга буюрдилар, уларга намоз ўқимадилар ва уларни ювмадилар». Аҳмад ҳам Набий ﷺнинг Ухудда ўлдирилганлар ҳақида шундай деганини ривоят қилди:

«لَا تَغَسِّلُوهُمْ فَإِنَّ كُلَّ جُرْحٍ، أَوْ كُلِّ دَمٍ يَقُوحُ مِسْكَاً يَوْمَ الْقِيَامَةِ، وَلَمْ يُصَلِّ عَلَيْهِمْ»

«Уларни ювманглар. Зеро ҳар бир жароҳат ёки ҳар томчи қон қиёмат кунда мушк амбардек хушбўй ҳид таратади. Пайғамбаримиз ﷺ уларга намоз ўқимадилар». Насойининг

ривоят қилишича, Набий ﷺ Уҳуд шаҳидлари ҳақида бундай дедилар:

«زَمَلُوهُمْ بِدِمَائِهِمْ، فَإِنَّهُ لَيْسَ كَلِمٌ يُكَلِّمُ فِي اللَّهِ إِلَّا يَأْتِي يَوْمَ الْقِيَامَةِ يَدْمَى، لَوْ نُهُ لَوْ نَزَلَ اللَّهُ، وَرِيحُهُ رِيحُ الْمَسْكِ»

«Уларни қонлари билан ўраб қўйинглар. Зеро Аллох йўлида олинган бирон жароҳат йўқки, қиёмат кунда қони оққан ҳолда келмаса. Ранги қоннинг рангидек, ҳиди мушкнинг ҳидидек бўлади». Анасдан ушбу ҳадис ривоят қилинган:

«أَنَّ النَّبِيَّ ﷺ لَمْ يُصَلِّ عَلَى قَتْلَى أَحَدٍ وَلَمْ يُعَسِّلَهُمْ»

«Набий ﷺ Уҳудда ўлдирилганларга намоз ўқимадилар ва уларни юлмадилар». Бу ҳадисни Шофеий «Муснади»да ривоят қилди. Уҳуд шаҳидлари ювилмаганидек Бадр, Хандақ ва Хайбар шаҳидлари ҳам ювилмади. Бундан кўриниб турибдики, шаҳид ювилмайди. Шунингдек шаҳид ўлик кафанлангандек кафанланмайди, балки ўз кийими билан кафанланади. Бунга далил Росулulloх ﷺнинг Уҳуд шаҳидлари ҳақида айтган ушбу сўзидир:□

«زَمَلُوهُمْ بِكُلُومِهِمْ وَدِمَائِهِمْ»

«Уларни жароҳатлари ва қонлари билан ўраб қўйинглар». Аҳмад ривояти. Бунга яна далил Ибн Аббос қилган ушбу ривоятдир:

«أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ أَمَرَ بِقَتْلَى أَحَدٍ أَنْ يُنَزَعَ عَنْهُمْ الْحَدِيدُ وَالْجُلُودُ وَأَنْ يُدْفَنُوا بِدِمَائِهِمْ وَثِيَابِهِمْ»

«Росулulloх ﷺ Уҳудда ўлдирилганлардан темир ва териларни ечиб олишни, қонлари ва кийимлари билан дафн қилишни буюрдилар». Абу Довуд ривояти. Энди шаҳидга намоз ўқилишига келсак, ўқилиши ҳам, ўқилмаслиги ҳам жоиз. Намоз ўқилиши жоизлигига далил Росулulloх ﷺ Уҳудда ўлдирилганларга дафн қилинганидан кейин намоз ўқигани, Ҳамзага намоз ўқигани ва жангда ўлдирилган бир кишига намоз ўқигани ҳақида келган ривоятлардир. Масалан Бухорийда Уқба ибн Омирдан ривоят қилинишича:

«أَنَّهُ ﷺ صَلَّى عَلَى قَتْلَى أَحَدٍ بَعْدَ ثَمَانِ سِنِينَ صَلَاتَهُ عَلَى مَيْتٍ كَالْمُودِعِ لِلْأَحْيَاءِ وَالْأَمْوَاتِ»

«Набий ﷺ Ухудда ўлдирилганларга саккиз йил кейин худди тириклару ўликлар билан видолашгандек жаноза намозини ўқидилар». Таховий «Шархул маоний» китобида Ибн Зубайрдан ҳасан иснод билан ушбу ривоятни келтирди:

«أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ كَانَ يُوتَى بِتِسْعَةٍ حَمْرَةَ عَاشِرِهِمْ، فَيُصَلِّي عَلَيْهِمْ»

«Росулulloҳ ﷺ олдига тўққиз кишини олиб келинди. Ҳамза ўнинчиси бўлди. Пайғамбаримиз ﷺ уларга намоз ўқидилар». Абу Довуд Абу Саламадан, у Набий ﷺ асҳобидан бўлган бир кишидан шундай деганини ривоят қилди:

«أَغْرَنَا عَلَى حَيٍّ مِنْ جُهَيْنَةَ فَطَلَبَ رَجُلٌ مِنَ الْمُسْلِمِينَ رَجُلًا مِنْهُمْ فَضْرَبَهُ فَأَخْطَاهُ وَأَصَابَ نَفْسَهُ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: أَخْوَكُمْ يَا مَعْشَرَ الْمُسْلِمِينَ، فَابْتَدَرَهُ النَّاسُ فَوَجَدُوهُ قَدْ مَاتَ فَلَفَهُ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ بِثِيَابِهِ وَدَمَائِهِ وَصَلَّى عَلَيْهِ وَدَفَنَهُ. فَقَالُوا يَا رَسُولَ اللَّهِ أَشْهِيدُ هُوَ؟ قَالَ نَعَمْ، وَأَنَا لَهُ شَهِيدٌ»

«Биз Жуҳайнадаги бир маҳаллага ҳужум қилдик. Мусулмонлардан бир киши улардан бир кишини олишувга чиқилишни талаб қилди. Унга зарба берган эди, зарбаси хато кетиб ўзи яраланди. Шунда Росулulloҳ ﷺ: эй мусулмонлар жамоаси биродарингизни олиб келинг, дедилар. Одамлар шошиб боришса у ўлган экан. Росулulloҳ ﷺ уни кийими ва қони билан ўраб унга намоз ўқидилар ва дафн қилдилар. Шунда асҳоблар: ё Росулulloҳ, у шаҳид бўлдими? - дейишган эди, Пайғамбаримиз ﷺ: ха, мен унга гувоҳман, дедилар». Бу уч ҳадис собит ҳадислар бўлиб, шаҳидга намоз ўқишлишига очик далолат қияпти.

Энди шаҳидга намоз ўқилмаслиги жоизлигига келсак, бунга далил Росулulloҳ ﷺ шаҳидга намоз ўқимагани ҳақида келган бошқа ривоятлардир. Масалан Абу Довуд ва Термизий Анасдан ушбуни ривоят қилишди:

«أَنَّ النَّبِيَّ ﷺ لَمْ يُصَلِّ عَلَى قَتْلَى أَحَدٍ وَلَمْ يُغْسَلِهِمْ»

«Набий ﷺ Уҳудда ўлдирилганларга намоз ўқимадилар ва уларни юлмадилар». Аҳмад Анасдан ушбуни ривоят қилди: «Уҳуд шаҳидлари ювилмади, уларни қонлари билан дафн қилинди, уларга намоз ўқилмади». Бухорий Жобир ибн Абдуллоҳ ﷺдан шундай деганини ривоят қилди:

«كَانَ النَّبِيُّ ﷺ يَجْمَعُ بَيْنَ الرَّجُلَيْنِ مِنْ قَتْلَى أَحَدٍ فِي تَوْبٍ وَاحِدٍ ثُمَّ يَقُولُ: أَيُّهُمَا أَكْثَرُ أَخَذًا لِلْقُرْآنِ؟ فَإِذَا أُشِيرَ لَهُ إِلَى أَحَدِهِمَا قَدَّمَهُ فِي اللَّحْدِ وَقَالَ: أَنَا شَهِيدٌ عَلَى هَؤُلَاءِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ، وَأَمَرَ بِدَفْنِهِمْ فِي دِمَائِهِمْ، وَلَمْ يُغَسَّلُوا وَلَمْ يُصَلَّ عَلَيْهِمْ»

«Росуллоҳ ﷺ Уҳудда ўлдирилганлардан икки кишини битта кийимда жамлаб, сўнгра: улардан қайсиниси Қуръонни кўпроқ (ёд) олган? - дердилар. Улардан қайси бири кўрсатилса уни лаҳадга олдин қўярдилар ва: мен буларга гувоҳман, дедилар, уларни қонлари билан дафн қилишга буюрдилар. Улар ювилмадилар ва уларга намоз ҳам ўқилмади». Бу ҳадислар ҳам собит ҳадислар бўлиб, шаҳидга намоз ўқилмаслигига очиқ далолат қияпти. Имом Шофеий Уҳудда ўлдирилганларни дафн қилишдан олдин уларга намоз ўқилгани ҳақида ворид бўлган ривоятлар ҳақида жавоб бериб: «Хабарлар мутавотир жиҳатлар томонидан Набий ﷺнинг Уҳудда ўлдирилганларга намоз ўқимаганини кўз билан кўрилганидек келди», деди. Демак бу ҳадисларнинг ҳаммаси – Набий ﷺ шаҳидга намоз ўқиган деб ривоят қилинганлари ҳам, намоз ўқимаган деб ривоят қилинганлари ҳам – собит ҳадислардир. Шунинг учун улардан ҳеч қайсинисини рад қилишга йўл йўқ. Чунки улар ривоят ва дирият жиҳатидан ҳужжат келтириладиган далиллар сирасига кирилади. Улардан бирини бошқасидан устун қўйишга ҳам йўл йўқ. Чунки саҳобаларнинг ана шу шаҳидларга намоз ўқилганидан беҳабар қолишлари эҳтимолдан узоқ бўлганидек, намоз ўқилмаганидан беҳабар қолишлари ҳам эҳтимолдан узоқдир. Шундай экан бу ҳадислардан бирини бошқасидан қандай қилиб устун қўйиш мумкин, ахир? «Шаҳидга намоз ўқилгани собит бўлган бу ҳадислардаги намоздан мурод дуодир, шунинг учун намоз ўқидилар деган сўз дуо қилдилар маъносидадир», дейилмайди. Чунки шаръий ҳақиқатлар – модомики бирон қарина келмаса – луғавийсидан муқаддам қўйилади. Бу ерда эса ҳеч бир қарина келмаган. Демак намоздан мурод майитга ўқиладиган шаръий намоз эканлиги

аник. «Шаҳидга намоз ўқилгани ҳақидаги ҳадислар намоз ўқилмагани ҳақидаги ҳадисларни мансух қилади. Чунки улардан бири, яъни Уҳудда ўлдирилганларга саккиз йилдан кейин намоз ўқилгани ҳақидаги ҳадис ҳамма ҳадислардан кейин келган. Чунки Ибн Ҳиббон ривоятида: «**Сўнг уйига кириб то Аллоҳ қабз қилмагунича чиқмади**», дейилган», деб ҳам айтилмайди. Чунки ҳадиснинг кейин келганлигининг ўзигина мансух бўлишга далолат қилиш учун етарли эмас. Аксинча мансух бўлганини билдирадиган бошқа бир қарина ҳам бўлиши керак. Бу ерда эса ҳеч бир қарина йўқ. Демак мансух бўлиш ҳам йўқ. Шунинг учун бу ривоятларнинг ҳаммаси эътиборли бўлиб қолаверади ва улардан шаҳидга намоз ўқимаслик жоиз, деган маъно олинади. Зеро Росулulloҳ ﷺнинг Бадрда ўлдирилганларга ҳам, Хандақ ғазотида ўлдирилганларга ҳам, Хайбарда ўлдирилганларга ҳам намоз ўқигани ривоят қилинмаган. Шунингдек бу ривоятлардан шаҳидга намоз ўқилса бунда ҳеч бир зарар йўқ, деган маънони тушунса ҳам бўлади. Шунинг учун одамларнинг шаҳидларга намоз ўқишларига монелик қилинмайди.

Шаҳидга жаннат бўлиши ҳақида Куръон насси гувоҳлик бергани учун у шаҳид деб аталади. Аллоҳ Таоло деди:

إِنَّ اللَّهَ اشْتَرَى مِنَ الْمُؤْمِنِينَ أَنْفُسَهُمْ وَأَمْوَالَهُمْ بِأَنْ لَهُمُ الْجَنَّةَ يُقَاتِلُونَ فِي سَبِيلِ اللَّهِ فَيَقْتُلُونَ
وَيُقْتَلُونَ

«Албатта, Аллоҳ мўминларнинг жонларини ва молларини улардан жаннат баробарига сотиб олди – улар Аллоҳ йўлида жанг қилишиб (кофирларни) ўлдирдилар ва (ўзлари ҳам Аллоҳ учун шаҳид бўлиб) ўлдириладилар» [Тавба: 111]

Муслим Жобирдан шундай деганини ривоят қилди:

«قَالَ رَجُلٌ: أَيْنَ أَنَا يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنْ قُتِلْتُ؟ قَالَ: فِي الْجَنَّةِ فَأَلْقَى تَمْرَاتٍ كُنَّ فِي يَدِهِ ثُمَّ قَاتَلَ حَتَّى قُتِلَ»

«Бир киши деди: (Сувайд ривоятида: бир киши Набий ﷺга Уҳуд кунида деди, дейилган) Ё Росулulloҳ, агар ўлдирилсам мен қаерда бўламан? Пайғамбаримиз ﷺ: жаннатда, деб жавоб бердилар. Шунда у қўлидаги хурмоларни отиб юбориб жангга кириб кетди ва ўлдирилгунига қадар жанг қилди». Анас ибн Моликдан ривоят қилинишича, Росулulloҳ ﷺ саҳобалари билан илдам жўнаб Бадрга мушриклардан олдин етиб келдилар. Росулulloҳ ﷺ:

«لَا يُقَدِّمَنَّ أَحَدٌ مِنْكُمْ إِلَى شَيْءٍ حَتَّى أَكُونَ أَنَا دُونَهُ. فَدَنَا الْمُشْرِكُونَ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: قُومُوا إِلَى جَنَّةِ عَرْضِهَا السَّمَوَاتُ وَالْأَرْضُ. قَالَ يَقُولُ عُمَيْرُ بْنُ الْحَمَلَمِ الْأَنْصَارِيُّ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، جَنَّةُ عَرْضِهَا السَّمَوَاتُ وَالْأَرْضُ؟ قَالَ: نَعَمْ. قَالَ بَخِ بَخِ. فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: مَا يَحْمِلُكَ عَلَى قَوْلِكَ بَخِ بَخِ. قَالَ: لَا وَاللَّهِ يَا رَسُولَ اللَّهِ إِلَّا رَجَاءَةٌ أَنْ أَكُونَ مِنْ أَهْلِهَا. قَالَ: فَإِنَّكَ مِنْ أَهْلِهَا. فَأَخْرَجَ تَمْرَاتٍ مِنْ قَرْنِهِ فَجَعَلَ يَأْكُلُ مِنْهُنَّ ثُمَّ قَالَ: لَيْنٌ أَنَا حَيِّتُ حَتَّى أَكُلَ تَمْرَاتِي هَذِهِ إِنَّهَا لِحَيَاةٍ طَوِيلَةٍ فَرَمَى بِمَا كَانَ مَعَهُ مِنَ التَّمْرِ ثُمَّ قَاتَلَهُمْ حَتَّى قُتِلَ»

«Биронтангиз то мен унинг рўпарасида бўлмагунимча ҳеч бир нарсага қадам қўймасин, дедилар. Мушриклар яқинлашгач Росулulloҳ ﷺ: кенглиги осмонлару ерча бўлган жаннатга қўзғалинлар, дедилар. Шунда Умайр ибн Хумом Ансорий: ё Росулulloҳ, кенглиги осмонлару ерча бўлган жаннат, дедингизми? - деб сўради. Пайғамбаримиз ﷺ: ҳа, дедилар. Умайр: баҳ-бах (жуда зўр-ку), деди. Буни эшитиб Росулulloҳ ﷺ: нега баҳ-бах, дединг? - деб сўрадилар. Умайр: Аллоҳга қасамки, ё Росулulloҳ, жаннат аҳлидан бўлишимни умид қилиб шундай дедим, деди. Пайғамбаримиз ﷺ: сен унинг аҳлидансан, дедилар. Шунда Умайр ёнидан хурмоларни чиқариб ея бошлади. Сўнг: агар бу хурмоларни еб бўлгунимча тирик турсам бу узун ҳаёт кечириб бўлиб қолади, деди-да, хурмоларни отиб юбориб жангга кириб кетди ва ўлдирилгунига қадар жанг қилди». Муслим ривояти. Демак Аллоҳ Таоло ва Росулulloҳ ﷺ шаҳиднинг жаннатда бўлиши ҳақида гувоҳлик бердилар. Шаҳиднинг тирик бўлишига келсак, бу ҳам Қуръон насси билан собит бўлган. Аллоҳ Таоло деди:

وَلَا تَحْسَبَنَّ الَّذِينَ قُتِلُوا فِي سَبِيلِ اللَّهِ أَمْوَاتًا بَلْ أَحْيَاءٌ عِنْدَ رَبِّهِمْ يُرْزُقُونَ * فَرِحِينَ بِمَا آتَاهُمُ اللَّهُ مِنْ فَضْلِهِ وَيَسْتَبْشِرُونَ بِالَّذِينَ لَمْ يَلْحَقُوا بِهِمْ مَنْ خَلْفَهُمْ أَلَّا خَوْفٌ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ يَحْزَنُونَ * يَسْتَبْشِرُونَ بِنِعْمَةٍ مِنَ اللَّهِ وَفَضْلٍ وَأَنَّ اللَّهَ لَا يُضِيعُ أَجْرَ الْمُؤْمِنِينَ

«Аллоҳ йўлидаги жангда ўлдирилган зотларни ҳаргиз ўликлар деб ўйламанг! Йўқ, улар тириклардир! У зотлар Аллоҳ ўз фазлу карами билан берган неъматлардан хушнуд ҳолларида баҳраманд бўлмоқдалар ва ҳали ортларидан етиб келмаган биродарларига ҳеч қандай хавфу хатар йўқлиги ва ғамгин бўлмакликлари ҳақида

хушхабар бермоқдалар. Улар Аллоҳ томонидан бўлган неъмат ва фазлу карам ҳақида ҳамда мўминларнинг ажри-мукофотини Аллоҳ зое қилмаслиги ҳақида хушхабар берадилар»

[Оли Имрон: 169-171]

Шаҳиднинг тирик бўлиши ғайбий ҳаёт бўлиб, биз уни идрок ҳам, ҳис ҳам қилолмаймиз. Чунки у абадият оламидаги ҳаётдир. Биз гарчи шаҳиднинг бу ҳаётини идрок қилолмасак ва сезолмасак-да, лекин унинг борлигига имон келтирамиз. Биз унинг ҳақиқатини идрок қилолмасак-да, унга имон келтиришимиз муқаррар ишдир. Чунки у Қуръоннинг қатъий насси билан собит бўлган. Аллоҳ Таоло деди:

وَلَا تَقُولُوا لِمَنْ يُقْتَلُ فِي سَبِيلِ اللَّهِ أَمْوَاتٌ بَلْ أحيَاءٌ وَلَكِنْ لَا تَشْعُرُونَ

«Аллоҳ йўлидаги жанда ўлдирилган зотларни ҳаргиз ўликлар деб ўйламанг! Йўк, улар тириклардир, лекин сизлар сезмайсизлар»

[Бақара: 154]

Шаҳидларнинг ҳаёт бўлиши имон келтириш вожиб бўлган ғайб нарсалардандир. Шаҳидларнинг фазлига келсак, у жуда буюк фазл бўлиб, унга ҳеч бир фазл тенг келолмайди. Буни Набий ﷺ бир неча ҳадисларда баён қилган. Бухорий Қатодадан шундай деганини ривоят қилди: мен Анас ибн Молик ﷺдан Набий ﷺнинг шундай деганини эшитдим:

«مَا مِنْ أَحَدٍ يَدْخُلُ الْجَنَّةَ يُحِبُّ أَنْ يَرْجِعَ إِلَى الدُّنْيَا وَلَهُ مَا عَلَى الْأَرْضِ مِنْ شَيْءٍ إِلَّا الشَّهِيدُ يَتَمَنَّى أَنْ يَرْجِعَ إِلَى الدُّنْيَا فَيُقْتَلَ عَشْرَ مَرَّاتٍ لِمَا يَرَى مِنَ الْكِرَامَةِ»

«Жаннатга кирган бирон киши – агар унга ер юзидаги барча нарса берилса ҳам – дунёга қайтишни истамайди. Магар шаҳидгинаунга берилган фазлу карамни кўриб, дунёга қайтиб ўнлаб марта ўлдирилишини орзу қилади». Бухорийда ушбу ривоят ҳам келган: Муғйира ибн Шўъба деди:

«أَخْبَرَنَا نَبِينَا ﷺ عَنْ رَسُولِهِ رَبَّنَا مَنْ قُتِلَ مِنَّا صَارَ إِلَى الْجَنَّةِ»

«Бизга Набийимиз ﷺ Роббимиз рисолатидан хабар бериб биздан ким ўлдирилса жаннатга боришини айтдилар». Умар Набий ﷺга:

□

«أَلَيْسَ قَتْلَانَا فِي الْجَنَّةِ وَقَتْلَاهُمْ فِي النَّارِ قَالَ: بَلَى»

«Биздан ўлдирилганлар жаннатда, улардан ўлдирилганлар эса дўзахда эмасми? - деганида Пайғамбаримиз ﷺ: ҳа, шундай, дедилар». Абдуллоҳ ибн Амр ибн Оссдан ривоят қилинишича, Росулulloҳ ﷺ шундай дедилар:

«يُغْفَرُ لِلشَّهِيدِ كُلِّ ذَنْبٍ إِلَّا الدِّينَ»

«Ш аҳиднинг барча гуноҳлари мағфират қилинади, фақат қарз бундан мустасно». Муслим ривояти. Муслимнинг яна ривоят қилишича, Набий ﷺ шундай дедилар:

«الْقَتْلُ فِي سَبِيلِ اللَّهِ يُكَفِّرُ كُلَّ شَيْءٍ إِلَّا الدِّينَ»

«Аллоҳ йўлида ўлдирилиш барча нарсага каффорат бўлади, фақат қарз бундан мустасно». Бухорий ва Муслим Абу Хурайрадан ривоят қилишича, Набий ﷺ шундай дедилар:

«تَكَفَّلَ اللَّهُ لِمَنْ جَاهَدَ فِي سَبِيلِهِ لَا يُخْرِجُهُ مِنْ بَيْتِهِ إِلَّا جِهَادًا فِي سَبِيلِهِ وَتَصَدِيقٌ كَلِمَتِهِ بِأَنْ يُدْخِلَهُ الْجَنَّةَ أَوْ يَرْجِعَهُ إِلَى مَسْكَنِهِ الَّذِي خَرَجَ مِنْهُ مَعَ مَا نَالَ مِنْ أَجْرٍ وَغَنِيمَةٍ. وَالَّذِي نَفْسُ مُحَمَّدٍ بِيَدِهِ مَا مِنْ كَلِمٍ يُكَلِّمُ فِي سَبِيلِ اللَّهِ إِلَّا جَاءَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ كَهَيْئَتِهِ حِينَ كَلِمَ لَوْنُهُ لَوْنُ دَمٍ، وَرِيحُهُ رِيحُ مِسْكِ. وَالَّذِي نَفْسُ مُحَمَّدٍ بِيَدِهِ لَوْلَا أَنَّ رِجَالَ مِنَ الْمُؤْمِنِينَ لَا تَطِيبُ نَفُوسَهُمْ أَنْ يَتَخَلَّفُوا عَنِّي، وَلَا أَجِدُ مَا أَحْمِلُهُمْ عَلَيْهِ، مَا تَخَلَّفْتُ عَنْ سَرِيَّةٍ تَغْدُو فِي سَبِيلِ اللَّهِ. وَالَّذِي نَفْسُ مُحَمَّدٍ بِيَدِهِ لَوَدِدْتُ أَنْ أُقْتَلَ فِي سَبِيلِ اللَّهِ، ثُمَّ أَحْيَا ثُمَّ أُقْتَلَ، ثُمَّ أَحْيَا ثُمَّ أُقْتَلَ، ثُمَّ أُقْتَلَ»

«Аллоҳ Унинг йўлида жиҳод қилган, фақат Аллоҳ йўлида жиҳод қилиш ва Унинг калимасини тасдиқлаш учун чиққан кишини жаннатга киритишни ёки ўз масканига ўзи эришган ажр ва ғанимат билан қайтаришни Ўз зиммасига олди. Муҳаммаднинг жони қўлида бўлган Зотга қасамки, Аллоҳ йўлида жароҳатланган бирон жароҳат йўкки қиёмат кунда жароҳатланган пайтидаги кўринишидек кўринишда келмаса, ранги қоннинг рангидек, ҳиди мушкнинг ҳидидек бўлади. Муҳаммаднинг жони қўлида бўлган Зотга қасамки, агар мендан қолиб кетишлари кўнгилларига хуш келмайдиган – ҳолбуки менда уларни миндириш учун улов

йўқ – мўминлар бўлмаганида эди, мен Аллоҳ йўлида эрталаб чиқиб кетадиган бирон сарийядан қолмаган бўлардим. Муҳаммаднинг жони қўлида бўлган Зотга қасамки, Аллоҳ йўлида ўлдирилишимни, сўнг яна тирилишимни, сўнг яна ўлдирилишимни, сўнг яна тирилишимни, сўнг яна ўлдирилишимни, сўнг яна тирилишимни, сўнг яна ўлдирилишимни жуда-жуда хоҳлардим».

Рибот

Жиҳодга тегишли нарсалардан бири риботдир. Рибот – мусулмонларни қувватли қилиш учун чегарада туришдир. Душманга чегарадош бўлган, аҳолиси душманга хавф соладиган ва душман ҳам аҳолига хавф соладиган ҳар бир жойни чегара дейилади. Бошқача айтганда чегара – ортида Ислом йўқ жойдир. Риботдан мурод динни азиз қилиш учун ва мусулмонлардан кофирлар ёмонлигини даф қилиш учун чегарада туришдир. Душман ҳужуми кутиладиган ҳар бир жойда уни даф қилиш мақсадида туришни рибот деб ҳисобланади. Чунки рибот аслида Аллоҳ Таолонинг:

وَأَعِدُّوا لَهُمْ مَا اسْتَطَعْتُمْ مِنْ قُوَّةٍ وَمِنْ رِبَاطِ الْخَيْلِ تُرْهِبُونَ بِهِ عَدُوَّ اللَّهِ وَعَدُوَّكُمْ

«(Эй мўминлар), улар учун имконингиз борича куч ва эгарланган отларни тайёрлаб қўйингизки, бу билан Аллоҳнинг ва ўзларингизнинг душманларингизни қўрқувга солурсизлар»

[Анфол: 60]

деган қавлида келган отларни эгарлаб тайёрлашдан келиб чиққан. Чунки улар ҳам, булар ҳам отларни эгарлаб тайёрлар экан, ҳаммаси ўз биродари учун тайёрлайди. Ўша жойни чегара деб аталди. У ерда яшашни эса – гарчи у ерда отлар бўлмаса ҳам – рибот дейилди. Шунга кўра кимки душманни даф қилиш ниятида чегарада яшар экан муробит ҳисобланади. Ўша жой унинг ватани бўладими ёки одатда яшайдиган маскани бўладими ёки бўлмайдами, бунинг фарқи йўқ. Чунки бу жойнинг ватан бўлиши ёки бўлмаслигининг эътибори йўқ. Балки душманни даф қилиш ва уни қўрқувга солиш ниятида бўлса бўлди. Риботнинг фазли жуда улуғ ва ажри каттадир. Чунки рибот мусулмонларни ва уларнинг аҳли аёлларини мудофаа қилишдир, чегарадаги аҳолига ва ғазот аҳлига қувват бўлишдир. Рибот жиҳоднинг асоси ва фаръидир. Риботнинг фазли ҳақида бир неча насслар келган. Масалан саҳих Муслимда Салмон رضي الله عنهнинг ушбу сўзлари келган: Мен Росулulloҳ صلى الله عليه وسلمнинг шундай деганини эшитдим:

«رِبَاطٌ يَوْمٍ وَلَيْلَةٍ فِي سَبِيلِ اللَّهِ خَيْرٌ مِنْ صِيَامِ شَهْرٍ وَقِيَامِهِ، وَإِنْ مَاتَ جَرَى عَلَيْهِ عَمَلُهُ الَّذِي كَانَ يَعْمَلُهُ، وَأُجْرِي عَلَيْهِ رِزْقُهُ، وَأَمِنَ الْفِتَانَ»

«Аллоҳ йўлида бир кеча-кундузлик рибот бир ой кундузи рўза тутиб кечаси намоз ўқишдан яхшироқдир. Агар ўлса қилиб юрган амали унга ёзилаверади, ризқи ҳам

ёзилавереди, фитналардан омонда бўлади». Табароний марфуъ ҳадисда ишончли кишилар санади билан ривоят қилди:

«... وَمَنْ مَاتَ مُرَابِطًا فِي سَبِيلِ اللَّهِ آمِنَ مِنَ الْفَزَعِ الْأَكْبَرِ»

«... Кимки Аллоҳ йўлида муробит бўлиб ўлса энг катта даҳшатдан омонда бўлади». Абу Умомадан ривоят қилинишича, Пайгамбар ﷺ шундай дедилар:

«إِنَّ صَلَاةَ الْمُرَابِطِ تَعْدِلُ خَمْسَمِائَةَ صَلَاةٍ، وَنَفَقَةَ الدِّيْنَارِ وَالِدَّرْهَمِ فِيهِ أَفْضَلُ مِنْ سَبْعِمِائَةِ دِينَارٍ يُنْفِقُهُ فِي غَيْرِهِ»

«Муробитнинг намози беш юз намозга тенг келади. Муробитликда сарфланадиган бир динар ва дирҳам бошқа пайтда сарфланадиган етти юз динардан яхшироқдир». Бу ҳадисни Байҳақий «Шуабул имон»да ривоят қилган. Фазола ибн Убайддан шундай дегани ривоят қилинди: Мен Росулulloҳ ﷺнинг шундай деганини эшитдим:

«كُلُّ مَيِّتٍ يُخْتَمُ عَلَى عَمَلِهِ إِلَّا الَّذِي مَاتَ مُرَابِطًا فِي سَبِيلِ اللَّهِ فَإِنَّهُ يَنْمُو لَهُ عَمَلُهُ إِلَى يَوْمِ الْقِيَامَةِ، وَيَأْمَنُ فِتْنَةَ الْقَبْرِ»

«Ўлган ҳар бир одамнинг амали ёпилади. Магар Аллоҳ йўлида муробит бўлиб ўлган кишининг амали ёпилмайди. Чунки унинг амали қиёмат кунигача ўсиб боради ва у қабр фитнасидан омонда бўлади». Термизий ривояти.

Рибот оз ва кўп бўлади. Рибот ниятида турилган ҳар бир муддат оз ёки кўп бўлишидан қатъий назар рибот ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Набий ﷺ: «Бир кеча-кундузлик рибот...», дедилар. Афзали мусулмон киши муробит бўлиш ниятида яшаш учун чегарага кўчиб боришидир. Шунинг учун ҳам салафлардан кўпчилиги муробит бўлиш учун чегарада яшашни ихтиёр қилганлар. Чегарада яшайдиган аҳолининг ўзлари ҳам – агар у ерда яшашдан ниятлари душманни даф қилиш ва кўрқувга солиш бўлса – муробитлар ҳисобланади. Агар уларнинг ўзи билангина душман даф қилинадиган бўлса, улар муробит ҳисобланади. Энди агар душманни даф қилиш унинг ортидаги яна бир чегара билан амалга ошадиган бўлса иккала чегарада яшаш ҳам риботдир. Мусулмонларнинг душманни даф қилиш ва кўрқувга солиш амалга ошадиган юртларида яшашлари рибот ҳисобланади ва улар муробит бўладилар.

Аллоҳ йўлида соқчилик қилиш ҳам Аллоҳ йўлидаги мурубитлик кабидир. Чунки унда жуда катта фазл бор. Ибн Аббосдан шундай дегани ривоят қилинган: Мен Росулulloҳ ﷺ дан шундай деганини эшитдим:

«عَيْنَانِ لَا تَمْسُهُمَا النَّارُ عَيْنٌ بَكَتَ مِنْ خَشْيَةِ اللَّهِ، وَعَيْنٌ بَاتَتْ تَحْرُسُ فِي سَبِيلِ

اللَّهِ»

«Икки кўз борки, уларга дўзах ўти тегмайди. Бир Аллоҳдан қўрқиб йиғлаган кўз ва иккинчиси Аллоҳ йўлида соқчилик қилиб тунни ўтказган кўз». Термизий ривояти. Усмон ﷺ дан шундай дегани ривоят қилинган: Мен Росулulloҳ ﷺ нинг шундай деганини эшитдим:

«حَرَسُ لَيْلَةٍ فِي سَبِيلِ اللَّهِ أَفْضَلُ مِنْ أَلْفِ لَيْلَةٍ يُقَامُ لَيْلَهَا، وَيُصَامُ نَهَارُهَا»

«Аллоҳ йўлида бир кеча соқчилик қилиш минг кеча намоз ўқиби, минг кундуз рўза тутишдан яхшироқдир». Аҳмад ривояти.

Исломий армия

Жиход мусулмонларга фарздир. Бу тўғрида такволи билан фосик, чин имонли билан мунофик ўртасида фарқ йўқ. Зеро жанг ҳақидаги оятлар умумий келган. Насслар агар умумий келса ва уларни хослаб қўядиган бир далил келмаса, умумийлигича қолаверади. Жиходни айрим мусулмонларгагина хослаб қўядиган ҳеч қандай далил келмаган. Шунинг учун насслар умумийлигича қолаверади. Шунга кўра исломий армия сафига мунофиклар, фосиклар ва ҳамияти келиб жанг қиладиган кимсаларни ҳам олиш жоиз. Энди бу кимсаларнинг душманга қарши жанг қилишда ва исломий армияда чин мўминлар билан бирга бир сафда бўлишлари жоизлигига келсак, бунга далил жиход оятларининг умумий келганлигидир. Қолаверса Росулulloҳ ﷺ жангда мунофиклар бошлиғи Абдуллоҳ ибн Убайдан ёрдам сўраган, айрим ғазотларда у билан бирга бўлган, Уҳуд кунида жангдан олдин ҳарбий маслаҳатлашувларда ҳам у билан бирга бўлган. Росулulloҳ ﷺ мунофикларга Табук жангидан қолишга изн берган пайтда Аллоҳ Пайғамбаримиз ﷺ ни итоб қилди. Аллоҳ Таоло деди:

عَا اللَّهُ عَنْكَ لَمْ أَذِنْتَ لَهُمْ حَتَّى يَبَيِّنَ لَكَ الَّذِينَ صَدَقُوا وَتَعْلَمَ الْكَاذِبِينَ

«(Эй Муҳаммад), Аллоҳ сизни афв қилди. (Лекин) нима учун то сизга ростгўй кишилар аниқ бўлиб, ёлгончиларни ҳам аниқ билгунингизча, (яъни, уларнинг ёлгон қасамларига ишониб) уларга (жиходга чиқмаслик учун) изн бердингиз?» [Тавба: 43]

Фосикларга келсак, бунга ҳам оятларнинг умумий келгани ва Абу Ҳурайрадан ривоят қилинган ушбу ҳадис далил бўлади:

«أَمَرَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ بِاللَّهِ بِإِلَّا فَنَادَى فِي النَّاسِ أَنَّهُ لَا يَدْخُلُ الْجَنَّةَ إِلَّا نَفْسٌ مُسْلِمَةٌ،

وَإِنَّ اللَّهَ لَيُؤَيِّدُ هَذَا الدِّينَ بِالرَّجُلِ الْفَاجِرِ»

«Росулulloҳ ﷺ Билолга буюрдилар. У одамларга нидо қилиб, жаннатга фақат мусулмон кишигина киришини ва Аллоҳ бу динни фожир киши билан ҳам қувватлашини билдирди». Бухорий ривояти. Қолаверса жиход халифа ижро қиладиган фарзлардан биридир. Шунинг учун агар бу фарз фосикқа ижро қилинмаса – ваҳоланки у мусулмонлардан биридир – Аллоҳ ҳукмларидан бирини ижро қилмаслик бўлиб қолади. Бу эса ҳаромдир. Шунинг учун жиход фосикларга ҳам, такводорларга ҳам баб-баробар ижро қилинади.

Жангда кофирлардан ёрдам сўраш

Кофирлардан якка шахслар сифатида ёрдам сўраш жоиз. Фақат улар исломий байроқ остида бўлишлари шарт. Уларнинг зиммий бўлишлари ёки бўлмасликларининг фарқи йўқ. Яъни улар Исломий давлат фуқаролари бўладими ёки йўқми, бунинг фарқи йўқ. Аммо улардан Исломий давлатдан алоҳида мустақил давлат сифатида ёрдам сўраш мутлақо жоиз эмас. Улардан мустақил давлат сифатида ёрдам сўраш ҳаромдир. Жангда кофирлардан якка шахс сифатида ёрдам сўраш жоизлигига далил ушбулардир: «Уҳуд куни Қазмон Росулulloҳ ﷺ асҳоби билан бирга чиқди. У мушрик эди. У бани Абдуддордан уч кишини ўлдирди. Улар мушрикларнинг байроқдорлари эди. Ҳатто Пайғамбаримиз ﷺ:

«إِنَّ اللَّهَ لَيَأْزُرُ هَذَا الدِّينَ بِالرَّجُلِ الْفَاجِرِ»

«Албатта Аллоҳ бу динни фожир киши билан ҳам қувватлайди», дедилар». Бу ҳадисни Табарий тарихида ривоят қилди. Хузоа қабиласи фатҳ йилида Қурайшга қарши уруш қилиш учун Набий ﷺ билан бирга чиқди. Ваҳоланки Хузоа ўша пайтда ҳали мушрик эди. Ҳатто бу қабиллага Росулulloҳ ﷺ:

«يَا مَعْشَرَ خِرَاعَةَ، وَارْفَعُوا أَيْدِيَكُمْ عَنِ الْقَتْلِ، فَقَدْ كَثُرَ أَنْ يَتَعَ»

«Эй Хузоа жамоаси, қўлларингизни ўлдиришдан тортинглар, ўлиб қулаш кўпайиб кетди», дедилар. Аҳмад ривояти. Бу ҳадисларнинг ҳаммаси саҳиҳ бўлиб, кофирлардан якка шахслар сифатида ёрдам сўраш жоизлигига очиқ далолат қиляпти. Яъни кофирнинг мусулмонлар армияси сафида мусулмонлар билан бирга туриб душманга қарши жанг қилиши жоизлигига далолат қиляпти. Лекин кофирни армия сафида бўлишга ва жанг қилишга мажбур қилинмайди. Чунки жиход унга фарз эмас ва унга ўлжадан берилмайди. Лекин унга бир миқдор мол берилади. Агар кофир мусулмонлар билан бир сафда туриб жанг қилишни талаб қилса, яъни мусулмонлар армияси сафида бўлишини талаб қилса – агар у ишончли бўлиб, хиёнат қилишидан қўрқилмаса – бу нарса армиядаги ҳар бир хизмат соҳасида жоиздир. Аммо Оиша رضي الله عنها дан ворид бўлган ҳадисга келсак, Оиша онамиз шундай деди:

«خَرَجَ النَّبِيُّ ﷺ قَبْلَ بَدْرٍ فَلَمَّا كَانَ بِحَرَّةِ الْوَبَرَةِ أَدْرَكَهُ رَجُلٌ قَدْ كَانَ يُذَكِّرُ مِنْهُ جُرْأَةً وَنَجْدَةً، فَفَرِحَ أَصْحَابُ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ حِينَ رَأَوْهُ، فَلَمَّا أَدْرَكَهُ قَالَ لِرَسُولِ اللَّهِ ﷺ: جِئْتُ لِأَتَّبِعَكَ وَأُصِيبَ مَعَكَ، فَقَالَ لَهُ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: تُوْمِنُ بِاللَّهِ وَرَسُولِهِ قَالَ: لَا، قَالَ: فَارْجِعْ، فَلَنْ أَسْتَعِينَ بِمُشْرِكِي، قَالَتْ: ثُمَّ مَضَى حَتَّى إِذَا كُنَّا بِالشَّجَرَةِ أَدْرَكَهُ الرَّجُلُ، فَقَالَ لَهُ كَمَا قَالَ أَوَّلَ مَرَّةٍ، فَقَالَ لَهُ النَّبِيُّ ﷺ: كَمَا قَالَ أَوَّلَ مَرَّةٍ، قَالَ: فَارْجِعْ فَلَنْ أَسْتَعِينَ بِمُشْرِكِي، قَالَ: ثُمَّ رَجَعَ فَأَدْرَكَهُ بِالْبَيْدَاءِ، فَقَالَ لَهُ كَمَا قَالَ أَوَّلَ مَرَّةٍ تُوْمِنُ بِاللَّهِ وَرَسُولِهِ؟ قَالَ: نَعَمْ. فَقَالَ لَهُ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: فَانْطَلِقْ»

«Набий ﷺ Бадр томон йўлга чиқдилар. Харратул вабарага етиб боргач ортидан бир киши етиб келди. У журъатли ва жасур деб танилган эди. Уни кўриб Росулulloҳ ﷺнинг асхоблари хурсанд бўлиб кетишди. У етиб келгач Росулulloҳ ﷺга: сизга эргашиш учун келдим, сиз билан бирга бўлсам менга ҳам бирон нарса тегиб қолар, деди. Росулulloҳ ﷺ унга: Аллоҳ ва Росулига имон келтирасанми? - дедилар. У: йўқ, деди. Пайғамбаримиз ﷺ: ундай бўлса ортингга қайт, чунки мен ҳеч қачон мушрикдан ёрдам сўрамайман, дедилар. Шундан сўнг у кетди. Биз бир дарахтга етиб келганимизда у яна етиб келиб аввал айтган гапларини айтди. Набий ﷺ унга яна ўша жавобни айтиб: ортингга қайт, чунки мен ҳеч қачон мушрикдан ёрдам сўрамайман, дедилар. Сўнг у қайтиб кетди. Сўнг Байдода яна етиб олди. Пайғамбаримиз ﷺ унга олдинги гапини айтиб, Аллоҳ ва Росулига имон келтирасанми? - дедилар. У: ҳа, деди. Шундан сўнг Росулulloҳ ﷺ: ундай бўлса, юр, кетдик, дедилар». Муслим ривояти. Бу ҳадис Набий ﷺнинг мушриклардан ёрдам сўраганлиги ҳақидаги ривоятга зид келмайди. Чунки у киши жанг қилиши учун ғанимат олишини шарт қилиб қўйди. Чунки у: «Сизга эргашиш учун келдим, сиз билан бирга бўлсам менга ҳам бирон нарса тегиб қолар» деди. Ғанимат эса фақат мусулмонларгагина берилади. Шунинг учун Набий ﷺнинг ундан ёрдам олишни рад қилганлигини шу маънода тушунилади. Бу ҳадисдан шунингдек кофирлардан якка шахслар сифатида ёрдам сўраш халифа ихтиёрига

топширилгани ҳам тушунилади. Халифа хоҳласа ёрдам сўрайди, хоҳласа рад қилади. Аммо Хубайб ибн Абдуррахмондан, у отасидан, у бобосидан ривоят қилган ушбу:

«أَتَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ وَهُوَ يُرِيدُ غَزْوًا، أَنَا وَرَجُلٌ مِنْ قَوْمِي وَلَمْ نُسَلِّمْ، فَقُلْنَا: إِنَّا نَسْتَحْيِي أَنْ يَشْهَدَ قَوْمُنَا مَشْهَدًا لَا نَشْهَدُهُ مَعَهُمْ، قَالَ: أَوْ أَسَلَمْتُمَا؟ قُلْنَا: لَا، قَالَ: فَلَا نَسْتَعِينُ بِالْمُشْرِكِينَ عَلَى الْمُشْرِكِينَ، فَأَسَلَمْنَا وَشَهِدْنَا مَعَهُ»

«Мен Росулulloҳ ﷺ хузурига келсам у киши ғазотга чиқмоқчи бўлиб турган экан. Мен билан бирга қавмимдан бир киши ҳам келган эди. Биз ҳали Исломга кирмаган эдик. Биз: қавмимиз билан бирга чиқмасликдан уяламиз, дедик. Росулulloҳ ﷺ: Исломга кирганмисизлар? - дедилар. Биз: йўқ дедик. Пайғамбаримиз ﷺ: Биз мушрикларга қарши мушриклардан ёрдам сўрамаймиз, дедилар. Шундан сўнг биз Исломга кирдик ва у киши билан бирга ғазотга қатнашдик», (Аҳмад ривояти) деган ҳадисга келсак, бу ҳадисдан «кофирлардан ёрдам сўраш халифанинг раъйига ҳавола қилинади. У хоҳласа ёрдам сўрайди, хоҳласа рад қилади» деган маъно тушунилади. Зеро Росулulloҳ ﷺ Уҳудда ёрдам сўрадилар. Макка фатҳида ҳам ёрдам сўрадилар. Бадрда эса ёрдам олишни рад қилдилар. Хубайбнинг бобоси ва у билан бирга келган кишидан то иккови Исломга кирмагунича ёрдам олишни рад қилдилар. Демак Росулulloҳ ﷺнинг кофир шахслардан ёрдам сўрагани собит бўлган экан ва улардан то Исломга кирмагунича ёрдам олишни рад қилгани ҳам собит бўлган экан, демак бу нарса жангда кофир шахслардан ёрдам сўраш жоиз эканлигига ва ёрдам сўраш халифа раъйига ҳавола қилинишига, хоҳласа ёрдамини қабул қилишига, хоҳласа уни рад қилишига далилдир. Байҳақий Шофеийнинг шундай деб ёзганини зикр қилган: Набий ﷺ ўзи рад қилган кишиларда рағбатни сезганлари учун уларнинг Исломга киришларини умид қилиб, уларни рад қилдилар. Шундан сўнг Аллоҳ у кишининг гумони тўғри эканлигини кўрсатди.

Энди жангда кофирлардан алоҳида мустақил давлат сифатида ёрдам сўраш жоиз эмаслигига келсак, бунга далил Аҳмад ва Насой Анасдан қилган ушбу ривоятдир: Росулulloҳ ﷺ дедилар:

«لَا تَسْتَضِيئُوا بِنَارِ الْمُشْرِكِينَ»

«Мушриклар олови ёруғидан фойдаланманглар». Бу ҳадисдаги «олов» сўзи мушрикларнинг урушда бир мустақил қабила ёки давлат сифатида бўлишларидан киноядир. Байҳақий деди: Саҳиҳ ривоят ҳофиз Абу Абдуллоҳ ўз санади билан Абу Ҳамид Соидийдан қилган ривоятдир. У деди:

«خَرَجَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ حَتَّى إِذَا خَلَفَ ثَنِيَّةَ الْوَدَاعِ إِذَا كَتَبَتْهُ قَالَ: مَنْ هَؤُلَاءِ؟ قَالُوا: بَنِي قَيْنِقَاعَ وَهُوَ رَهْطُ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ سَلَامٍ قَالَ: وَأَسْلَمُوا؟ قَالُوا: لَا، بَلْ هُمْ عَلَى دِينِهِمْ، قَالَ: قُولُوا لَهُمْ فَلْيَرْجِعُوا، فَإِنَّا لَا نَسْتَعِينُ بِالْمُشْرِكِينَ»

«Росулуллоҳ ﷺ йўлга чиқиб Саниятул Вадодан ўтгач бир куролли гуруҳга дуч келдилар. Пайғамбаримиз ﷺ: Улар кимлар? - дедилар. Улар бани Қайнуқо, Абдуллоҳ ибн Саломнинг қариндошлари, деб жавоб беришди. Пайғамбаримиз ﷺ: Улар Исломига киришганми? - деб сўрадилар. Йўқ, улар ўз динларида қолишган, деб жавоб беришди. Пайғамбаримиз ﷺ: Уларга айтишлар ортларига қайтишсин, чунки биз мушриклардан ёрдам сўрамаймиз, дедилар». Росулуллоҳ ﷺнинг Абдуллоҳ ибн Саломнинг қариндошлари бўлмиш бани Қайнуқони ортга қайтариб юборганига сабаб, уларнинг бир кофир гуруҳга жамланиб келганларидир. Улар бани Қайнуқо деган эътиборда ўз байроқлари остида келишди. Бани Қайнуқо билан Росулуллоҳ ﷺ ўртасида шартномалар бор эди. Шунинг учун бани Қайнуқо бамисоли бир давлат эди. Шунинг учун ҳам Пайғамбаримиз ﷺ уларни рад қилдилар. Улар ўз байроқлари остида ва давлат сифатида келганлари учун Пайғамбаримиз ﷺ уларни рад қилдилар. Акс ҳолда рад қилмас эдилар. Бунга далил Набий ﷺнинг Хайбарда яҳудлардан улар якка шахслар ҳолида келишган пайтида ёрдамни қабул қилганидир. Абу Ҳамид ривоят қилган юқоридаги ҳадис бир шаръий иллат мазмунини ўз ичига оляпти. Бу иллат мавжуд бўлса ҳукм вужудга келади. Иллат йўқ бўлса ҳукм ҳам йўқ бўлади. Бу ҳадисдаги иллат унинг матнида шундоқ кўришиб турибди. Чунки ровий: «Бир куролли гуруҳга дуч келдилар. Пайғамбаримиз ﷺ: улар кимлар? - дедилар. Улар бани Қайнуқо, Абдуллоҳ ибн Саломнинг қариндошлари, деб жавоб беришди», деб

айтмоқда. Уларнинг бир қуролли гуруҳ эканликларининг маъноси уларнинг бир мустақил байроғи бўлган бир мустақил кўшин эканликларидир. Чунки ҳар бир қуролли отряднинг ўз байроғи бўлади. Демак уларнинг ўз мустақил байроғига эга бир кофир ҳарбий гуруҳ эканликлари ва улар давлат мақомида бўлган яҳудлар бўлмиш бани Қайнуқодан эканликлари, улар билан Росулulloҳ ﷺ ўртасида шартномалар бор эканлиги уларни рад қилиб қайтариб юборишга иллат бўлди. Улар фақат кофир бўлганликлари учунгина эмас, балки мана шу иллат мавжудлиги учун ҳам қайтариб юборилди. Пайғамбаримиз ﷺ улар Исломига киришни рад қилишгани учунгина эмас, балки мана шу иллатга ҳам асосланиб уларга қайтиб кетишни буюрдилар. Буни Анас ривоят қилган ушбу: □

«لَا تَسْتَضِيئُوا بِنَارِ الْمُشْرِكِينَ»

«**Мушриклар олови ёруғидан фойдаланманглар**», деган ҳадис ҳам қувватлайди. Буни Росулulloҳ ﷺнинг Қазмондан – у мушрик бўлса ҳам – Уҳуд жангида ёрдам олишни қабул қилгани ҳам қувватлайди. Демак бу нарса кофирдан бир мустақил давлат сифатида ёрдам сўрашни рад қилиш, кофирдан якка шахс сифатида ёрдам сўрашни эса қабул қилиш маъносини англатади. Шунга кўра кофирлардан бир кофир тоифа ёки қабила ёки ўз байроқлари остидаги давлат сифатида ва ўз давлатларининг бир қисми сифатида ёрдам сўраш ҳечам жоиз эмас. Аммо мустақил қабила бўлган Ҳузоянинг фатҳ йилида Қурайшга қарши Набий ﷺ билан бирга чиққанига келсак, бу иш мустақил давлатга эга бўлган бир тоифадан ёрдам сўраш жоизлигига далолат қилмайди. Чунки Ҳузоя қабиласи Ҳудайбия йилида Қурайш билан мусулмонлар ўртасида сулҳ шартномаси ёзилган пайтда ҳозир бўлган эди. Ўша шартнома матнида шундай сўзлар келган: **«Ким Муҳаммаднинг ақдига ва аҳдига киришни истаса унга кираверади ва ким Қурайш ақдига ва аҳдига киришни истаса унга кираверади»**. Аҳмад ривояти. Шу матнга биноан Ҳузоя қабиласи: биз Муҳаммаднинг ақди ва аҳдига кирамиз, дейишди. Бани Бакр қабиласидагилар эса: биз Қурайш ақди ва аҳдига кирамиз, дейишди. Шунинг учун Ҳузоя қабиласи Қурайш билан мусулмонлар ўртасидаги ана шу шартнома бўйича мусулмонларга келиб қўшилди ва Росулulloҳ ﷺ бу қабилани шу шартнома бўйича ўз давлати таркибидаги бир

жамоат сифатида ўз ҳимояси остига киритди. Шунинг учун Хузоа қабиласи бир мустақил тоифа сифатида эмас, балки мусулмонлар байроғи остидаги бир қабила сифатида ва Исломиё давлатнинг бир жузи сифатида жанг қилган бўлади. Демак бу қабиладагилар бир мустақил вужуд сифатида эмас, балки яққа шахслар сифатида жанг қилишган бўлади. Аммо Хузоа билан Росулulloҳ ﷺ ўртасида қандайдир бир иттифок ёки шартнома бўлган деган гумон нотўғридир. Чунки шартнома Росулulloҳ ﷺ билан Хузоа ўртасида эмас, балки Росулulloҳ ﷺ билан Қурайш ўртасида бўлган. Мана шу шартномага биноан бани Бакр қабиласи Қурайшга уларнинг бир жузи сифатида қўшилган бўлса, Хузоа қабиласи мусулмонларга уларнинг давлатининг бир жузи сифатида қўшилди. Шунга биноан Хузоанинг Росулulloҳ ﷺ билан бир сафда Қурайшга қарши уруш қилганлиги бир кофир тоифанинг мусулмонлар билан бир сафда туриб уруш қилганлиги бўлмайди. Аксинча у бир кофир қабиладаги кофир шахсларнинг мусулмонлар билан бир сафда ва мусулмонлар байроғи остида уруш қилганлигидир. Бу эса жоиз бўлиб унда ҳеч бир зарар йўқ. Аммо Аҳмад ва Абу Довуд Зумухаммардан ривоят қилган Росулulloҳ ﷺнинг:

«تُصَالِحُونَ الرُّومَ صُلْحًا آمِنًا وَتَغْرَبُونَ أَنْتُمْ وَهُمْ عَدَاؤًا مِنْ وَرَائِهِمْ»

«Сизлар Рум билан тинчлик сулҳини тузасизлар ва сизлар ҳам, улар ҳам уларнинг ортидаги бир душманга қарши жанг қиласизлар», деган сўзларидан румликлар давлати эмас, румлик шахслар деган маъно тушунилади. Чунки Пайғамбаримиз ﷺ: «Сизлар Рум билан тинчлик сулҳи тузасизлар ва жанг қиласизлар», дедилар. Мусулмонлар билан кофирлар ўртасидаги сулҳ эса қачонки кофирлар жия тўлашга ва мусулмонлар байроғи остига киришга рози бўлишсагина тузилади. Чунки Ислому мусулмонларга ўзлари уруш қиладиган кофирларга учта нарсанинг бирини танлаш имкониятини беришни буюрди: ё Исломуга киришлари керак ёки жия тўлашлари керак, иккаласига ҳам кўнишмаса уларга қарши уруш қилинади. Кофирлар шу уч нарсадан бирини танлашлари керак. Шунинг учун кофирлар билан сулҳ фақат улар жия тўлаб исломиё байроқ остига киришсагина тузилади. Пайғамбаримиз ﷺнинг: «Сизлар улар билан сулҳ тузасизлар», деган сўзлари уларнинг мусулмонлар байроғи

остида бўлишларига қаринадир. Улар ўша пайтда якка шахслар эди. Буни Рум билан юз берган воқеа ҳам қувватлайди. Чунки мусулмонлар румликларга қарши уруш қилиб уларни мағлуб этдилар ва юртларини эгалладилар. Румликлар мусулмонлар билан бир сафда шахслар сифатида уруш қилишди. Румликларнинг ўз ортларидаги бир душманга қарши Исломиё давлат билан биргаликда бир давлат сифатида уруш қилишлари ҳечам рўй бермаган. Бу эса мана шу ҳадисдан мурод давлат сифатидаги эмас, шахслар сифатидаги Рум эканлигини тасдиқлайди. Ҳадисни шундай тушуниш керак. Бу билан эса мушриклардан давлат сифатида ёрдам сўраш жоизлигига далолат қиладиган бирон далил йўқлиги аён бўлади. Аксинча далиллар бунинг мутлақо жоиз эмаслигини очиқ кўрсатиб турибди.

Буларнинг ҳаммаси кофирдан ёрдам сўраш унинг шахсан ўзи мусулмонлар билан бир сафда туриб жанг қилиши ҳақида эди. Энди кофирдан ёрдам сўраб, ундан қурол-аслаҳа олишга келсак бу жоиздир. Қурол-аслаҳа шахсдан олинадими, давлатданми, бунинг фарқи йўқ. Фақат бу кафолатли орият асосида бўлиши шарт. Бунга далил ушбу ривоятдир. Росулulloҳ ﷺ Ҳавозинга қарши юриш қилиш учун қўшин тўпладилар. Шунда Пайғамбаримиз ﷺга Сафвон ибн Умайяда совутлар ва қурол-аслаҳалар борлиги айтилди. У ҳали мушрик эди. Пайғамбаримиз ﷺ унга одам юбориб бундай дедилар:

«يَا أَبَا أُمَيَّةَ أَعْرَضْنَا سِلَاحَكَ هَذَا نَلْقَى فِيهِ عَدُوَّنَا غَدًا فَقَالَ صَفْوَانُ: أَغْضَبَا يَا مُحَمَّدٌ؟ قَالَ: بَلْ عَارِيَّةٌ وَمَضْمُونَةٌ حَتَّى نُؤَدِّيَهَا إِلَيْكَ. فَقَالَ: لَيْسَ بِهَذَا بَأْسٌ، فَأَعْطَاهُ مِائَةَ دِرْعٍ بِمَا يَكْفِيهَا مِنَ السَّلَاحِ، فَرَزَعَمُوا أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ سَأَلَهُ أَنْ يَكْفِيَهُمْ حَمَلَهَا فَفَعَلَ»

«Эй Абу Умайя, бизга қурол-аслаҳангни ориятга бериб тур, токи эртага шу қурол билан душманга қарши чиқайлик. Сафвон деди: эй Муҳаммад, бу зўрлик билан тортиб олишми? Пайғамбаримиз ﷺ: йўқ, аксинча то уларни сенга топширгунимизгача кафолатли ориятдир, дедилар. Сафвон: ундай бўлса бунинг зарари йўқ, деб Пайғамбаримиз ﷺга юзта совут ҳамда етарли қурол-аслаҳа берди. Тахмин қилишларича Росулulloҳ ﷺ ундан уларни ташиб олиш учун етарли улов ҳам сўраганлар ва у буни

хам берган». Насойй ва Абу Довуд ривояти. Бунда Росулulloх ﷺнинг кофирдан ёрдам сўраб, ундан қурол олгани очик кўриниб турибди. У гарчи якка шахс бўлса ҳам лекин қабила бошлиғи эди. Кофирдан қурол олинганининг ўзиёқ ундан ёрдам сўраб қурол олишнинг мутлақо жоизлигига далилдир. Модомики қурол олиш тўғрисида кофирдан давлат сифатида ёрдам сўрамасликни хослаб келадиган бирон далил келмаган экан бу мутлақо жоиздир. Бирон давлатдан қурол олишни ман қиладиган бирон далил келмагани учун кофирдан қуролни орийатга олиш ёки сотиб олиш мутлақо жоиз бўлиб қолаверади. Давлат қуролни кўпинча битта давлатдан олади. Шунга кўра қурол-аслаҳа олиш тўғрисида битта кофир давлатдан ёрдам сўраш жоиз бўлади.

Исломий армияни қуроллантириш

Исломий армияни қуроллантириш Байтул мол ҳисобидан бўлади. Чунки Байтул молдаги маблағлар мусулмонлар манфаати учун ва ғозийларни қуроллантириш учун тайёрлаб қўйилади. Шунинг учун исломий армия қанчалик ҳарбий қисмларга ва мунтазам қўшинларга бўлинмасин, жангчилар халифа қўмондонлиги остидаги бир бутун исломий армия таркибидаги мунтазам қўшин қилиб тайёрланиши лозим. Роялари қанча бўлмасин, ҳаммаси битта ливо остида бўлиши лозим. Армиянинг бутун таъминоти Байтул мол ҳисобидан бўлади, бошқа ердан бўлмайди. Энди агар бирон киши Байтул мол бўла туриб мужоҳидлардан биронтасини ўзи қуроллантиришни истаса у ана шу маблағни Байтул молга топширади ва армия учун керак бўладиган ҳар бир катта ва кичик нарса унинг ҳисобидан бўлади. Энди агар Байтул молда маблағ бўлмаса ва мусулмонларни ҳимоя қилиш учун армияни қуроллантиришга қаттиқ эҳтиёж туғилса, бу ҳолатда халифа зарур бўлган миқдордаги маблағни мусулмонлар зиммасига юклайди. Чунки бу ҳамма мусулмонларга вожиб бўлган нарсалар сирасига киради. Байтул молда доимий манбалардан келиб турувчи маблағ бўлса яхши, акс ҳолда бу маблағни бериш Умматга вожиб бўлиб қолади. Мусулмонлар халифаси армияга сарфлаб, уни қуроллантириш учун бу маблағни Умматдан олади. Армияни таъминлашга сарфланадиган маблағ Аллоҳ йўлида сарфланадиган мол ҳисобланади. Армия уруш ҳолатида бўладими ёки йўқми, бунинг фарқи йўқ. Чунки жиҳод қиёмат кунигача давом этади. Шунинг учун армия то қиёмат кунигача жанг учун зарур бўлган барча нарсалар билан таъминланиб, жанговар ҳолда шай туради.

Ливолар ва роялар

Армиянинг ливолари ва роялари бўлиши шарт. Ливо билан роя ўртасидаги фарқ шуки, ливо найзанинг бир учига илиниб, унга ўраб қўйилади ва уни «алам» деб аталади. У катталиги сабабли ўраб қўйилгани учун ливо дейилади. У фақат зарур пайтдагина ёйиб юборилади. У катта байроқдир ва армия амири қароргоҳининг аломатидир. Амир қаерга борса ливо ҳам у билан бирга юради. Роя эса армияга бериладиган байроқдир. Уни «уммул ҳарб» деб ҳам аталади. Роя найзага ёки устунга илиб қўйилади, ўраб қўйилмай шамолда хилпираб тураверади.

Росулуллоҳ ﷺ даврида исломий қўшиннинг ўз роялари ва ливолари бўлган. Бухорий Анасдан ривоят қилишича, Набий ﷺ Зайд, Жаъфар ва Ибн Равоҳанинг ҳалок бўлганлиги ҳақидаги хабар ҳали одамларга етиб келмай туриб уларнинг ҳалок бўлганини билдириб бундай дедилар:

«أَخَذَ الرَّأْيَةَ زَيْدٌ فَأُصِيبَ، ثُمَّ أَخَذَهَا جَعْفَرٌ فَأُصِيبَ، ثُمَّ أَخَذَهَا ابْنُ رَوَاحَةَ

فَأُصِيبَ»

«Рояни Зайд олиб ҳалок бўлди. Сўнг Жаъфар олиб у ҳам ҳалок бўлди. Сўнг Ибн Равоҳа олиб у ҳам ҳалок бўлди». Ривоят қилинишича, Набий ﷺ сафар ойнаининг охирида одамларни Румга қарши чорладилар ва Усомани чақириб бундай дедилар:

«سِرُّ إِلَى مَوْضِعِ مَقْتَلِ أَبِيكَ، فَأَوْطِئَهُمُ الْخَيْلَ، فَقَدْ وَلَّيْتِكَ هَذَا الْجَيْشَ، فَأَغْرُ صَبَاحًا عَلَى أَهْلِ أُبْنَى وَحَرَّقَ عَلَيْهِمْ، وَأَسْرِعِ السَّيْرَ تَسْبِقُ الْأَخْبَارَ، فَإِنْ ظَفَرَكَ اللَّهُ، فَأَقْلِلِ اللَّبْثَ فِيهِمْ»

«Отанг ўлдирилган жойга юриш қилиб бор, уларнинг устига от сол. Мен сени мана бу қўшинга бошчи қилдим. Эрталаб Убно ахлига хужум қил ва уларни ёндир. Хабарлар етмай туриб илдам юриш қил. Аллоҳ сенга зафар берса уларнинг ичида бир оз тур». Бу ҳадисни ибн Ҳишом «Сийрат»да зикр қилган. Унда айтилишича, Росулуллоҳ ﷺ да оғриқ учинчи кунда бошланди. Шундан сўнг Пайғамбаримиз ﷺ Усома учун ливони ўз қўллари билан ўрнатдилар. Усома уни олиб аскарлар Журфга етганида уни Бурайдага берди. Термизий Ҳорис ибн Ҳассон Бакрийдан шундай деганини

ривоят қилди: Мадинага келсак Росулulloҳ ﷺ минбар устида турган эканлар. Билол қилич билан қуролланиб минбар олдида турарди. У ерда қора роялар бор эди. Мен: бу қандай роялар? - деб сўрадим. Улар: Амр ибн Осс ғазотдан келди, деб жавоб беришди. Икки саҳиҳда шундай ривоят келган: Набий ﷺ:

«لَأُعْطِينَ الرَّايَةَ رَجُلًا يُحِبُّ اللَّهَ وَرَسُولَهُ، وَيُحِبُّهُ اللَّهُ وَرَسُولُهُ، فَأَعْطَاهَا عَلِيًّا»

«Мен албатта бу рояни Аллоҳ ва Росулини севадиган, Аллоҳ ва Росули ҳам уни севадиган бир кишига бераман, дедилар. Сўнг уни Алига бердилар». Насоийда Анасдан ушбу ҳадис ривоят қилинган:

«أَنَّ ابْنَ أُمَّ مَكْتُومٍ كَانَتْ مَعَهُ رَايَاتٌ سَوْدَاءٌ فِي بَعْضِ مَشَاهِدِ النَّبِيِّ ﷺ»

«Набий ﷺнинг баъзи жангларида Ибн Умму Мактум ўзи билан қора рояларни олган эди».

Юқорида ўтганлардан аниқ кўриниб турибдики, Набий ﷺ замонларида кўшиннинг роялари ва ливолари бўлган. Бу нассларни диққат билан ўрганиб чиқилса роя ливодан кичикроқ бўлгани, ливо армия қўмондони учун ўрнатилиши, роя эса кўшинга берилиши маълум бўлади. Ливо армиянинг ҳарбий қароргоҳида армия қўмондонининг аломати бўлади. Роялар эса ҳарбий бўлинмалар ва сарийяларнинг қўмондонлари ҳузурида ва армиянинг турли қисмларида бўлади. Демак армияда кўпгина роялар бўлади. Ливо эса битта бўлади. Ливо билан роянинг бир-биридан фарқи шу.

Энди рангининг қандай бўлишига келсак, Росулulloҳ ﷺнинг роялари қора, ливолари эса оқ бўлган. Термизий Ибн Аббосдан шундай деганини ривоят қилди:

«كَانَتْ رَايَةُ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ سَوْدَاءَ وَلِوَاءُهُ أَيْبَضَ»

«Росулulloҳ ﷺнинг роялари қора, ливолари эса оқ эди». Жобирдан ҳам:

«أَنَّ النَّبِيَّ ﷺ دَخَلَ مَكَّةَ وَلِوَاءُهُ أَيْبَضُ»

«Набий ﷺ Маккага кириб келганларида ливолари оқ эди», деб ривоят қилинган. Ҳозиргина юқорида айтиб ўтилган Ҳорис ибн Ҳассоннинг ҳадисиди: **«У ерда қора роялар бор эди»**, деган сўзлар бор. Бу ҳадислар роя қора рангда, ливо эса оқ рангда бўлишини кўрсатиб турибди.

Энди байроқнинг шакли қандай бўлишига келсак, ворид бўлган ривоятларда роянинг тўрт бурчакли бўлиши ва жунли газламадан бўлиши айтилган. Баро ибн Озибдан ривоят қилинишича, ундан Росулulloх ﷺ роялари қандай бўлгани хақида сўралганида у: «**қора, тўрт бурчак, намирадан бўлган**», деб жавоб берган. Термизий ва Аҳмад ривояти. Намирадан деганининг маъноси жунли йўл-йўл газламадан бўлган, деганидир. Роянинг устига «Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадур Росулulloх», деб ёзилган бўлади. Ливо ҳам шундай бўлади. Чунки ливо ҳам тўрт бурчакли ва жунли газламадан бўлади, унинг устига ҳам «Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадур Росулulloх», деб ёзилади. Лекин ливо роядан каттароқ бўлади ва унинг устига қора хат билан ёзилади, рояга эса оқ хат билан ёзилади.

Нусусда келган шаклларга ва байроқлар вокесига қараладиган бўлса, роя ҳам, ливо ҳам тўрт бурчак бўлиши, тўғри бурчакли бўлиб, узун ва энли бўлиши кузатилади. Эни узунлигининг учдан иккисича бўлиши керак. Шунинг учун ливонинг узунлиги 120 см, эни 80 см бўлади. Роянинг узунлиги 90 см, эни 60 см бўлади. Ливо ва роялар катта ва кичик ўлчамларда қилиниши мумкин. Яхшиси ҳар бир дивизия ва ҳар бир ҳарбий қисмнинг шакл ва рангда ўзига хос рояси бўлиши керак. Улар дивизия ва ҳарбий қисмнинг ўзига хос аломати бўлиши учун давлат рояси билан бирга кўтарилади.

Ливолар ва роялар армияда ишлатилганидек, давлат аппаратларида, идораларида ва ташкилотларида ҳам ишлатилади. Масалан ливо Халифалик саройида халифанинг қароргоҳи устида кўтарилса, роялар давлатнинг ҳамма идоралари ва муассасаларида кўтарилади. Шунингдек фуқароларга ҳам ўз муассасалари, корхоналари ва уйлари устига рояларни кўтаришга рухсат берилади.

Асирлар

Мусулмонлар душманларидан асир олсалар бу асирларнинг иши тўғридан-тўғри халифанинг амрига ҳавола қилинади. Уларни асир олганларнинг ҳам ёки жанг қўмондонининг ҳам ёки қўшин амирининг ҳам бу тўғрида ҳеч қандай раъйи бўлмайди. Чунки муҳориб (уруш қилинган душман) асир тушиб қолса унинг иши халифанинг раъйига ҳавола қилинади. Бунда халифа асирлар тўғрисидаги шаръий ҳукмга эргашади. Асирлар ҳақидаги ҳукм Қуръоннинг қатъий насси билан собит бўлган бўлиб, бу ҳукм шуки, халифа асирларга марҳамат кўрсатиш ёки улардан фидя олишдан бирини ихтиёр қилади. Демак асирлар ҳақидаги ҳукм ё марҳамат кўрсатиш ёки фидя ундиришдир. Бунга далил Аллоҳ Таолонинг ушбу қавлидир:

فَإِذَا لَقِيتُمُ الَّذِينَ كَفَرُوا فَضَرْبَ الرِّقَابِ حَتَّىٰ إِذَا أَثْبَثْتُمْهُمْ فَشُدُّوا الوثَاقَ فَإِمَّا مَنًّا بَعْدُ وَإِمَّا فِدَاءً حَتَّىٰ تَضَعَ الحَرْبُ أَوْزَارَهَا

«Бас, (эй мўминлар), қачон сизлар (жанг майдонида) кофир бўлган кимсалар билан тўқнашганларингизда бўйинларига урингиз – ўлдиригиз! Энди қачон уларни(нг қўпларини) қириб (мағлуб қилганингиздан кейин уларни асир олиб) арқонлар билан боғлангиз! Сўнг ё (уларни озод қилиб юбориш билан) марҳамат кўрсатурсизлар ё (уларни қўйиб юбориш учун) фидя-товон олурсизлар, Токи уруш юқларини қўйгунича (яъни тўхтагунича сизларга буюрилган иш) мана шудир» [Муҳаммад: 4]

Асирлар ҳақидаги ҳукмда бу очик кўриниб турибди. У бир неча жиҳатдан тайин қилинган ҳукмдир. Жумладан бу очик насс «Муҳаммад» сурасида келган. У эса жанг ҳақида нозил бўлган биринчи сурадир. Бу сура Росулulloҳ ﷺ Маккадан Мадинага келганидан кейин нозил бўлган. У «Жанг» сураси деб ҳам номланган. Бу сура «Ҳадид» сурасидан кейин ва Бадр жангидан олдин нозил бўлди. Унда ҳали ҳеч қандай жанг рўй бермай туриб ва асирлар олинмай туриб асирлар ҳақидаги ҳукм баён қилинди. Бунга шу оят асирлар билан нима қилиш кераклигини баён қилган бирдан-бир оят эканлигини қўшимча қилинадиган бўлса, у асирлар ҳукми ҳақидаги насс эканлиги ва бу тўғрида асос эканлиги ҳамда асирлар ҳақидаги бошқа барча наслар унга бориб тақалиши аён бўлади. Асирлар ҳақидаги бу ҳукмни тайин қилиб қўядиган жиҳатлардан яна бири шуки, бу оятда асирлар ҳукми «إِمَّا» сийғаси («ё» деган ифода) билан

келди. Бу сийға икки нарсадан бирини ихтиёр қилиб танлашга далолат қилади. Учинчисига йўл қўймайди. Оятда:

فَشَدُّوا الْوَتَاقَ فَمَا مَتَّأَ بَعْدُ وَإِمَّا فِدَاءَ

«... арқонлар билан боғлангиз! Сўнг ё (уларни озод қилиб юбориш билан) марҳамат кўрсатурсизлар ё (уларни қўйиб юбориш учун) фидя-товон олурсизлар» [Мухаммад: 4]

дейилди. «إِمَّا» агар икки нарсанинг ўртасида келса фақат иккисидан бирини танлаш кераклигини билдиради. Учинчи нарса бўлишига ҳам ёки иккаласидан бири бўлмай қолишига ҳам йўл қўймайди. Демак «إِمَّا» сўзидан икки нарсадан фақат бирини танлаш маъноси чиққани учун асирлар ҳақида Қуръон ихтиёр берган ҳукмдан бошқасининг бўлиши жоиз эмаслиги тайин бўлди. Росулulloҳ ﷺнинг Ямома аҳли саййиди Самома ибн Асолга, шоир Абу Иззага ва Абу Осс ибн Рабиъга марҳамат кўрсатганлиги ҳам буни қувватлайди. Набий ﷺ Бадр асирлари ҳақида бундай деган эдилар:

«لَوْ كَانَ الْمُطْعَمُ بِنِ عَدِيٍّ حَيًّا ثُمَّ كَلَّمَنِي فِي هَؤُلَاءِ النَّسِيِّ لَتَرَكْتُهُمْ لَهُ»

«Агар Мутъим ибн Адий тирик бўлиб, мендан анави ифлосларни сўраганида эди, албатта уларни унинг ихтиёрига қўйиб берардим». Бухорий ривояти. Пайғамбаримиз ﷺ Бадр асирларидан фидя олдилар. Улар етмиш уч киши эди. Бадр кунида фидя учун икки кишига бир кишини алмаштирдилар. Оиша ﷺдан шундай дегани ривоят қилинган:

«لَمَّا بَعَثَ أَهْلُ مَكَّةَ فِي فِدَاءِ أَسْرَاهُمْ بَعَثَتْ زَيْنَبُ فِي فِدَاءِ أَبِي الْعَاصِ بِمَالٍ، وَبَعَثَتْ فِيهِ بِقِلَادَةٍ لَهَا كَانَتْ عِنْدَ خَدِيجَةَ أَدْخَلَتْهَا بِهَا عَلَى أَبِي الْعَاصِ، قَالَتْ: فَلَمَّا رَأَاهَا رَسُولُ اللَّهِ ﷺ رَقَّ لَهَا رِقَّةً شَدِيدَةً وَقَالَ: إِنْ رَأَيْتُمْ أَنْ تُطْلِقُوا لَهَا أَسِيرَهَا وَتَرُدُّوْا عَلَيْهَا الَّذِي لَهَا فَقَالُوا: نَعَمْ»

«Макка аҳли асирга тушган кишилари учун фидя юборишгач Зайнаб ҳам Абул Ос фидяси қилиб бир мунча мол юборди. Ўша мол ичида бир тақинчоқ ҳам бор эди. Хадижа Зайнабни Абул Осга узатганда ўша тақинчоқни қўшиб берган эди. Росулulloҳ ﷺ уни кўриб кўнгиллари қаттиқ бузилиб кетди ва «агар унинг асирини озод қилиб, нарсасини эса ўзига қайтариб берсанглар яхши бўларди»,

дедилар. Саҳобалар: хўб, дейишди». Абу Довуд ривояти. Имрон ибн Хусайндан ривоят қилинади:

«أَنَّ النَّبِيَّ ﷺ فَدَى رَجُلَيْنِ مِنَ الْمُسْلِمِينَ بِرَجُلٍ مِنَ الْمُشْرِكِينَ مِنْ بَنِي عُقَيْلٍ»

«Набий ﷺ Бани Уқайл мушрикларидан бир киши ўрнига мусулмонлардан икки кишини фидя сифатида алмаштириб олдилар». Муслим ривояти. Ибн Аббосдан ривоят қилинади:

«كَانَ نَاسٌ مِنَ الْأَسْرَى يَوْمَ بَدْرٍ لَمْ يَكُنْ لَهُمْ فِدَاءٌ، فَجَعَلَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ فِدَاءَهُمْ

أَنْ يَعْلَمُوا أَوْلَادَ الْأَنْصَارِ الْكِتَابَةَ»

«Бадр кунида асирлар орасида фидя тўлашга қурби етмаган одамлар бор эди. Шунда Росулulloҳ ﷺ ансорлар болаларига ёзишни ўргатишларини уларнинг фидяси қилиб белгиладилар». Аҳмад ривояти. Бу ҳадислар юқоридаги оят билан бирга асирлар ҳақидаги ҳукм: марҳамат кўрсатиш ёки фидя олиш эканига очиқ далолат қиляпти. Ҳасан, Ато ва Саид ибн Жубайрдан асирларни ўлдириш макруҳлиги хикоя қилинган. Улар «Бадр асирларига нисбатан қилинганидек асирга марҳамат кўрсатилса ёки ундан фидя олинса яхши бўлади. Чунки Аллоҳ Таоло бундай деди:

فَسْتُوا الْوَثَاقَ فَمَا مَتَّأَ بَعْدُ وَإِمَّا فِدَاءٌ

«... арқонлар билан боғлангиз! Сўнг ё (уларни озод қилиб юбориш билан) марҳамат кўрсатурсизлар ё (уларни қўйиб юбориш учун) фидя-товон олурсизлар» [Муҳаммад: 4]

Демак Аллоҳ Таоло мана шу икки нарсадан бирини қилиш ихтиёрини берди, бошқасини қилишга ихтиёр бермади», дейишди. Демак буларнинг ҳаммасидан очиқ кўриниб турибдики, халифа асирлар борасида икки ишдан бирини танлаши керак. Ё марҳамат кўрсатиши керак ёки фидя олиши керак. Бундан бошқасига йўл йўқ. Аммо Набий ﷺнинг Бани Қурайза кишиларини қатл қилганлиги ҳақидаги ривоятга келсак, бу улар уруш асирлари бўлганлари учун эмас, балки ҳакамнинг ҳукмига биноан бўлган эди. Пайғамбар ﷺнинг Бадр кунида Назр ибн Ҳорис ва Уқба ибн Абу Муитни аямай ўлдирганлиги, Уҳуд кунида эса Абу Иззани ўлдирганлиги ҳақидаги ривоят ҳам асирлар ҳақидаги ҳукм мана шу эканлигига далолат қилмайди. Чунки Пайғамбаримиз ﷺ ҳамма асирларни ва барча жанглarda бундай қилмаганлар. Аксинча буни баъзи жанглarda баъзи шахсларга нисбатан қилганлар,

холос. Зеро Пайғамбаримиз ﷺнинг барча жангларда ҳамма асирларга нисбатан қилган иши марҳамат кўрсатиш ёки фидя олиш бўлган. Анави шахсларни хослаб ўлдирилишининг сабаби шу эдики, Росулulloх ﷺ уларнинг шахсан ўзларидан бўлган аниқ хатарни кўрган эдилар. Демак бу иш асирларни ўлдириш эмас, балки муайян шахсларни уларнинг ўзига хос бўлган сабабга кўра ўлдириш бўлади. Халифа тайин қилиб берадиган муайян шахсларни ўлдириш шаръан жоиз ишдир. Аҳмад ва Бухорий Абу Ҳурайрадан ривоят қилади. Росулulloх ﷺ бизни бир қўшин ичида юбориб, бундай дедилар:

«إِنَّ وَجَدْتُمْ فَلَانًا وَفَلَانًا لِرَجُلَيْنِ مِنْ قُرَيْشٍ فَأَحْرَقُوهُمَا بِالنَّارِ، ثُمَّ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ حِينَ أَرَدْنَا الْخُرُوجَ: إِنِّي كُنْتُ قَدْ أَمَرْتُكُمْ أَنْ تُحْرَقُوا فَلَانًا وَفَلَانًا. وَإِنَّ النَّارَ لَا يُعَذِّبُ بِهَا إِلَّا اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ فَإِنْ وَجَدْتُمُوهُمَا فَاتَّقِلُوهُمَا»

«Агар Қурайшдан фалон ва фалон икковини топсангиз оловда куйдиришлар. Биз йўлга чиқмоқчи бўлиб турганимизда Росулulloх ﷺ: мен сизларга фалончи ва фалончини куйдиришни буюрган эдим. Олов билан фақат Аллох Азза ва Жаллагина азоблайди. Шунинг учун уларни топсангиз ўлдиришлар, дедилар». Бу билан ўлдириш асир ҳақидаги шаръий ҳукмлар жумласига кирмайди. Аксинча ўлдириш халифа хатарли деб биладиган муайян шахслар ҳақидаги шаръий ҳукмдир, холос. Халифа улар томонидан хатар келишини билиб – улар гарчи асирлар бўлса ҳам – уларни ўлдиришга буюради. Энди Росулulloх ﷺ бу оят нозил бўлганидан кейин кул қилган деган ривоятга келсак, Пайғамбаримиз ﷺ асирларни эмас, балки жангда қўшин билан бирга бўлган аёллар ва болаларни кул қилганлар. Агар уруш қилган кишиларни кул қилиш собит бўлганида эди Набий ﷺ томонидан бу иш албатта рўй берган бўларди. Набий ﷺ замонида араблар кўп асирга тушганига қарамай бу иш юз бергани ҳақида ҳеч бир ривоят ворид бўлмаган. Аммо баъзи тарих китобларида Росулulloх ﷺнинг Қурайшдан Бани Ножияни, эркаклари-ю аёлларини кул қилиб сотгани ҳақида ривоят қилинганига келсак, ҳадис китобларида бу нарса ривоят қилинмаган. Ҳатто Ибн Ҳишом сийрати каби баъзи сийрат китобларида ҳам бу нарса ривоят қилинмаган. Демак уни ҳужжат қилинмайди. У саҳиҳ бўлган тақдирда ҳам: «**Бани**

Ножиядан эркак ва аёл жинсидагиларни кул қилдилар», деган лафз билан келган. Демак ривоятда Бани Ножианинг эркак ва аёллари эмас, балки эркак ва аёл жинсидагилари, деб зикр қилинди. Демак бу ривоятдан тутқун бўлиб қолганлар, яъни ўғил ва қиз болалар деган маъно тушунилади. Бу эса жоиздир. Шунга кўра Росулulloҳ ﷺ биронта асир кишини кул қилмаган. Аксинча тутқун бўлиб қолган эркак ва аёл жинсидагиларни кул қилганлар. Хужжат деб эътибор қилинадиган ҳадисларда собит бўлган воқеалар буни қўллаб-қувватлайди. Росулulloҳ ﷺнинг ишларини кузатган одам Пайғамбаримиз ﷺ биронта асир кишини мутлақо кул қилмаганлигини кўради. Асир араблардан бўладими ёки бошқалардан бўладими, уни мутлақо кул қилмаганлар. Аксинча Пайғамбаримиз ﷺ тутқунни кул қилганлиги ривоят қилинган, холос. Масалан Бадр жангида душман билан аёллар бирга бўлмаган. Шунинг учун уларнинг ичида ҳеч бир тутқун бўлмаган. Бу жангга фақат асирлар бўлган, холос. Росулulloҳ ﷺ улардан фидя олишни ҳукм қилдилар. Ҳунайн жангида эса Ҳавозин қабиласи Росулulloҳ ﷺга қарши уруш қилиб чиқди. Улар билан аёллар ҳам бирга чиқди. Мусулмонлар ғалаба қозонгач Ҳавозин қабиласи аёлларни ташлаб қочиб қолди. Натижада бу аёллар тутқун бўлиб қолди ва улар ҳам ўлжа қилиб олинди. Бани Мусталақғазотида ҳам душман аёлларни ташлаб қочгани учун улар тутқун бўлиб қолди. Хайбарда эса жанг қилиб қалъалар фатҳ қилинди ва жанг қилганлар билан бирга бўлган аёллар тутқун қилиб олинди. Қолган одамларга эса тегилмади. Демак бу ҳодисаларнинг ҳаммаси Росулulloҳ ﷺнинг уруш қилган кишиларни асир қилиб олганига, уруш қилганлар билан бирга бўлган аёлларни ҳамда болаларни тутқун қилиб олганига далолат қияпти. Жангга қатнашмаган бошқа эркак ва аёллар асир ҳам, тутқин ҳам қилиб олинмайди. Бу эса Росулulloҳ ﷺ асирларни кул қилмаганига далолат қилади. Бу билан Росулulloҳ ﷺ асирларга нисбатан оят мантуқи бўйича иш тутгани аён бўлади. Оят мантуқида эса айрим пайтларда марҳамат кўрсатиш ва айрим пайтларда фидя олиш кўрсатилган. Шунинг учун Пайғамбаримиз ﷺ асирларни на кул қилмадилар, на ўлдирмадилар, балки аёллар ва болаларни тутқун қилдилар ва муайян шахсларнинг ўзини улардан мусулмонларга хатар туғилгани учун ўлдирдилар.

Энди одамлар асирлар билан чалкаштириб юборадиган тутқунлик масаласига тўхталадиган бўлсак, у даврларда одамлар уруш қилганлар билан бирга чиқадиган аёллар ва болаларни ўлжа қилиб олинадиган моллар деб ҳисоблашар эди. Бу урушдаги умумий койда бўлиб, бу тўғрида араблар билан бошқа халқлар ўртасида фарқ бўлмаган. Урушдаги бу умумий койда бўйича қўлга туширилган моллар ва тутқунлар ўлжалар деб ҳисобланган. Пайгамбар ﷺ бу коидани маъқулладилар ва уруш қилганлар билан бирга чиқадиган аёллар ва болаларни ўлжа қилиб олинадиган моллар каби бир ўлжа деб ҳисобладилар. Шунинг учун улар қул қилинади ва уларга асирлар ҳукми эмас, ғаниматлар ҳукми жорий қилинади. Шунинг учун тутқунларни қул қилиш асирларни қул қилиш бўлмайди. Аксинча бу жанг ўлжаларидан бири бўлади. Шу боис асирлар ҳақидаги ҳукм халифанинг улар ҳақида марҳамат кўрсатиш ёки фидя олишдан бирини танлаши бўлиб қолаверади. Бундан бошқа ҳукм бўлмайди. Бу ҳукм қиёмат кунигача боқий қолади. Шунинг учун Исломий давлат ўз душманларига қарши уруш қилса асирларга нисбатан ё марҳамат кўрсатиш ёки фидя олиш билан муомала қилади. Шу иккисидан бирини танлайди. Энди агар душман билан бирга аёллари ҳам жангга чиқса, у ҳолда жанг тугагач бу аёллар банди қилиб олинади ва қул қилинади. Улар худди ўлжа қилиб олинган моллар каби ўлжа бўлиб қолади.

Асирлар ва банди қилиш ҳақидаги бу ҳукм арабларнинг ўзигагина хос бўлмай, балки ҳамма одамларга умумийдир. Бу тўғрида араблар билан бошқалар ўртасида фарқ йўқ. Чунки бу ҳақдаги оят ва ҳадислар умумий келган бўлиб, уларни араблардан бошқаларга хослаб қўядиган ёки арабларни мустасно қиладиган ҳеч нарса ворид бўлмаган. Демак бу оят ва ҳадислар умумийлигича қолиб, арабларни ҳам бошқаларни ҳам ўз ичига олади. Аммо Шофеий ва Байхақий Муоздан ривоят қилган Набий ﷺнинг Хунайн куниди:

﴿لَوْ كَانَ الْإِسْتِرْقَاقُ جَائِزًا عَلَى الْعَرَبِ لَكَانَ الْيَوْمَ﴾

«Агар қул қилиш арабларга жоиз бўлганида эди шу бугун бўлар эди», деб айтгани ҳақидаги ҳадисга келсак, у заиф ҳадисдир. Чунки унинг иснодида Воқидий бор. Воқидий эса жуда заиф кишидир. Бу ҳадисни Табароний ҳам бошқа йўл орқали ривоят қилган бўлиб, бу ривоятда Язид ибн Иёз бор. У эса Воқидийдан ҳам баттароқ заифдир. Бундай ҳадисни

хужжат қилинмайди. Демак унинг шаръий далил бўлиши жоиз эмас. Аммо Росулulloҳ ﷺнинг араб аёллари ва болаларини кул қилиб, кишиларини эса кул қилмаганлиги ҳақидаги ривоятга келсак, у саҳиҳ ривоятдир. Лекин у араб эркакларини кул қилиш жоиз эмаслигига ва бошқаларни кул қилиш жоизлигига далолат қилмайди. Аксинча у умумий бўлиб арабларни ҳам бошқаларни ҳам ўз ичига олади. Аммо бу ҳодисанинг араблар билан юз берганига келсак, яъни ундай вазият араблар томонидан бўлганига келсак, бу нарса шу ҳукм арабларнинг ўзигагина хос, улардан бошқаларга тегишли эмас, деган маънони англатмайди. Зеро сабабнинг хослиги эмас, лафзнинг умумийлиги эътиборга олинади, деган шаръий қоида бор. Демак бу ҳодиса гарчи бир шахс билан ёки бир жамоат билан рўй берган бўлса-да, лекин у ўша шахснинг ёки жамоатнинг ўзигагина хос бўлмайди, аксинча унинг ҳукми умумий бўлади. Шунингдек эркакларни кул қилмаслик ҳам араблар билан юз берди. Чунки бўлган воқеа шу бўлдики, Росулulloҳ ﷺ арабларга қарши уруш қилдилар. Демак ҳукм уларнинг ўзигагина хос бўлмайди, балки ҳамма одамлар учун умумий бўлади. Худди шунга ўхшаш масалан Пайғамбарамиз ﷺ Қурайш каби муайян қабилага қарши уруш қилсалар ҳукм уларнинг ўзигагина хос бўлмас эди. Лекин бунинг ҳаммаси, яъни асирлар ва бандилар ҳақидаги ҳукм ҳамма одамларга умумий бўлсада, бироқ араб мушриклари бундан мустасно қилинади. Зеро араб мушриклари ҳижратнинг тўққизинчи йили зул ҳижжа ойининг тўққизинчи кунидан тўрт ой кейиндан бошлаб бундан мустасно қилинган ва қиёмат кунигача шундай бўлиб қолади. Демак араб мушрикларидан фақат Исломга киришлари талаб қилинади. Акс ҳолда уларга қарши жанг қилинади. Бундан бошқаси улардан қабул қилинмайди ва улар асир ҳам, банди ҳам қилиб олинмайди. Аммо ана шу муддат (яъни тўрт ой)дан олдин бу ҳукм арабларни ҳам ўз ичига олган эди. Шунингдек бу ҳукм яҳудлар ва насронийларни шу оят нозил бўлганидан бошлаб то қиёматгача ўз ичига олади. Чунки бу ҳақдаги оятлар араб мушрикларига етказилган кундан бошлаб асир олиш ва кул қилиш ҳақидаги ҳукмдан фақат араб мушриклари мустасно қилинди. Ўша кун зулҳижжанинг тўққизинчиси бўлиб ундан кейин тўрт ой ўтди. Ўша тарихдан олдин араблардан бошқалар ҳам, мушриклар ҳам бу мустасно қилиш остига кирмаган. Мазкур тарихдан бошлаб араб

мушрикларининг мустасно қилиниши Қуръон насси билан собит бўлган. Аллоҳ Таоло деди:

سُدُّعُونَ إِلَى قَوْمٍ أُولِي بَأْسٍ شَدِيدٍ تُقَاتِلُونَهُمْ أَوْ يُسْلِمُونَ

«Яқинда сизлар куч-қувват эгалари булган бир қавм (билан жанг қилиши)га даъват этилурусизлар. (Ўшанда ё) улар билан уришурусизлар, ёки улар (жанг-жадалсиз) Исломга кирурлар»

[Фатх: 16]

ذَا انْسَلَخَ الْأَشْهُرُ الْحُرْمُ فَاقْتُلُوا الْمُشْرِكِينَ حَيْثُ وَجَدْتُمُوهُمْ وَخَذُوهُمْ وَأَحْصِرُوهُمْ وَأَقْعُدُوا لَهُمْ كُلَّ مَرْصَدٍ فَإِن تَابُوا وَأَقَامُوا الصَّلَاةَ وَآتَوُا الزَّكَاةَ فَخَلُّوا سَبِيلَهُمْ

«Бас, қачон уруш ҳаром қилинган ойлар чиқса, мушрикларни топган жойингизда ўлдилингиз, (асир) олингиз, қамал қилингиз ва барча йўлларда уларни кузатиб турунгиз! Энди агар тавба қилсалар ва намозни тўкис адо қилишиб, закотни берсалар, уларнинг йўлларини тўсмангиз!»

[Тавба: 5]

فَسِيحُوا فِي الْأَرْضِ أَرْبَعَةَ أَشْهُرٍ وَاعْلَمُوا أَنَّكُمْ غَيْرُ مُعْجِزِي اللَّهِ

«(Эй мушриклар) тўрт ой ичида ерда сайру саёҳат қилиб юраверинглар ва билингларки, сизлар Аллоҳни оғиз қилувчи эмассизлар»

[Тавба: 2]

Бу оятлардан араб мушрикларининг мустасно қилиниши очик кўриниб турибди. Чунки бу оятлар нозил бўлганидан кейин ва тўрт ой муҳлат тугаганидан кейин араб мушрикларидан фақат Исломга киришлари талаб қилинадиган, акс ҳолда уларга қарши уруш қилинадиган бўлди. Аммо Росулulloҳ ﷺнинг араблардан қул қилиб олгани ҳақидаги ривоятга келсак, у шу оятлар нозил бўлишидан олдин яҳудлар ва насронийлардан ҳамда араб мушрикларидан қул қилиб олиш бўлган эди. Аммо бу оятлар нозил бўлганидан кейин араб мушрикларидан фақат Исломга киришларини талаб қилдилар, акс ҳолда уларга қарши жанг қилдилар.

